

Бадавлат Ота  
тавсия этади <sup>™</sup>

Роберт Т. КИЙОСАКИ,  
Шэрон Л. ЛЕКТЕР

**БАДАВЛАТ  
ОТА ВА  
КАМБАҒАЛ ОТА**

*Бадавлат ота-оналар болаларига  
нималарни ўргатадилар-у, камбагал ота-оналар  
эса ўргатмайдилар!*

УЎК: 159.9  
КБК: 65.9(5Ў)09  
К40

**Роберт Т.Кийосаки, Шэроп Л.Лектер**  
**БАДАВЛАТ ОТА ВА КАМБАГАЛ ОТА** (*Русидан*  
*Муҳаммаджон Ҳоджаев таржимаси*). «Фарғона» навариёти,  
2013 йил. –2926.

*Инсонлар онгу тафаккурида пайдо бўладиган илкор фикр ва гоялар амалга ошига, ҳаётга татбиқ этилсанни жамият тараққиётига хизмат қиласди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китобда бизнес ва тадбиркорлик, ҳаётнинг бошқа жабҳалари билан бозлиқ фавқулодда жозибали гоялар баён қилинади ҳамда уларни қўллаш ийт-иўриқлари ўргатилиди. Ўйлаймизки, мазкур ўзига хос қўлланма сизнинг яқин кўмакчинизга айланниб қолади.*

ISBN 978-9943-349-52-0

УЎК: 159.9  
КБК: 65.9(5Ў)09

©“Фарғона” – 2013

## СЎЗБОШИ

Ўзбекистон мустакилликка эришгандан сўнг иктисадий-ижтимоий ривожланиш, маданий-маърифий ва маънавий янгиланиш, бозор муносабатларига асосланган эркин иктисадий фаолият учун кенг имкониятлар яратилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган хар бир ислоҳот инсон манфаатларига хизмат килаётганлиги ахоли фаровонлигининг асосий мезонларидан биридир. Чунки ҳозирги дунёда хар бир одам муносиб ҳаёт ќечириш, фарзандларини комил инсон килиб тарбиялаши, уй-жойли килиш орзуси билан яшайди. Истиклолимизнинг илк кунларидан бошлаб Юртбошимиз халқимизнинг турмуш даражасини яхшилашга катта эътибор қаратиб келмоқда. Бугунги кунда хар биримиз, энг аввало юртимизни янада эркин ва обод, халқимизнинг келажагини янада фаровон килишдек мақсадларимизга эришиш йўлида астойдил ҳаракат ва меҳнат килмоқдамиз.

Президентимиз<sup>1</sup> И. А. Каримов таъкидлаганидек, халқимизнинг фаровонлигини ошириш йўналишларидан бири – бизнес, хусусий тадбиркорлик етакчи роль ўйнайдиган кўп укладли иктисадиёт жадал шаклланмоқда ва ривожланмоқда. Мамлакатимизда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жамиятни модернизациялаш жараёнида хар хил мулкчилик шаклларидағи кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлик субъектлари, микрофирмалар хунармандчилик соҳаларини янада ривожлантиришда хар бир аклий ва жисмоний кобилиятли шахс фаол иш юритиши учун ҳукуматимизнинг қонунлари, қарорлари ва Президентимизнинг Фармонлари кафолат беради. Уларнинг келажакда ҳам жадал суръатлар билан ривожланиши

<sup>1</sup> Каримов И. А. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида сўзлаган маъруzasи.  
“Хатк сўзи”, 2010 йил 30 январ.

иктисодиётни модернизация килишни, янги техника ва технологияларни жорий этишни амалга оширишнинг устувор вазифаларидан бўлиб қолади. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ва ундан кейинги давр кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантирмасдан, тез суръатлар билан тараккиётни таъминламасдан туриб иктисодий ва ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал қилиш мумкин эмаслигини кўрсатди. Сўнгги 5-6 йил мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни амалий бошқаришга, тадбиркорлар олдида юзага келаётган амалий муаммоларни ечишга, уларга услубий ва молиявий ёрдам беришга алоҳида аҳамият қаратиляпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иш бошлаган кунидан бошлаб уларни 3 йилгача солик юкидан озод этиш ва йилдан йилга солик ставкаларини камайтириб бориш имконияти вужудга келди.

Жаҳон иктисодиётида XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланган мамлакатларнинг иктисодиётда мустаҳкам ўрин эгаллаб, аҳамияти ошиб бориши кўзланмоқда. Масалан, Францияда кичик бизнес корхоналарининг улуши 93, Англияда 96, Германия ва Италияда 97, АҚШда 89, Россияда 39 фоизни ташкил этади. Германия ва Нидерландиядаги кичик корхоналар улушкига экспорт қилинадиган 40 фоиз саноат маҳсулоти тўғри келади<sup>2</sup>. АҚШда эса сўнгти 10 йил ичилга кичик корхоналар эвазига 20-21 млн. янги иш ўринлари вужудга келтирилган ва ҳоказолар.

---

<sup>2</sup>Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ривожлантириш, муаммолар ва ечимлар. Т.:2007 йил. 6-бет.

Шу муносабатлар билан бизнинг мамлакатимизда хорижий мамлакатлар тажрибасига суюнган ҳолда сўнгги 10-12 йил мобайнида тўплланган тажрибаларнинг амалга оширилаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор бериллаётганига далолатdir.

Сўнгги вактларда (2005-2009 йилларда) эса, айниқса, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган Илкирозга қарши чоралар дастурида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича катта моддий, молиявий ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мажмуасида бу соҳада устуворлик берилди. Кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар 2005 йилдаги 277,4 мингдан 2009 йилда 448,9 мингтага ёки 161,8 фоизга кўпайди. Кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорликда банд бўлганларнинг улуши мамлакатимиз иқтисодиётида шу даврда 65,5 фоиздан 79,0 фоизга кўпайди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотда кичик корхона ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқарган маҳсулотнинг улуши шу даврда 38,2 фоиздан 52,0 фоизга ўсди<sup>3</sup>. 2009 йилда кичик корхона ва хусусий тадбиркорликда 311 минг янги иш ўринлари яратилди.

Шу нуктаи назардан кичик корхона, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва микрофирмаларнинг ахоли турмуш даражасини ва фаровонлигини оширишдаги аҳамиятини таҳлил қилганда, мамлакатимизда олдиндан башорат қилиниб белгилантган ўзига хос тараққиёт моделининг изчил амалга оширилаётгани асосий омил сифагида кўзга ташланади.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси статистика тўш плами. Т.2008 йил . 215-бет. "Налоговые и таможенные вести". 2010 год. №7. 10-февраль.

Юқорида келтирилган ижобий ўзгаришлар, иқти-  
садиётнинг таркибий гузилмаси силжишига қаратил-  
ган омиллар нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ ва  
туманларда, чекка жойларда ҳам саноат корхонала-  
рининг кириб келиши, ишлаб чиқариш ва хизмат  
кўрсатиш, сервис соҳаларида инфратузилмалар микё-  
си кенгайиб боришида намоён бўлмокда.

Одамлар тобора қизиқиб бораётган жозибадор  
кичик бизнесни амалга оширишда юзага келган му-  
аммоларнинг ечимини топишда, М. С. Ходжаев  
томонидан таржима қилинган Р. Т. Кийосаки ва Ш.  
Л. Лектерларнинг “Бадавлат ота ва камбағал ота”  
номли китоби тадбиркорликни бошловчиларга, бизнес  
 билан шугулланувчиларга ёрдам беради ва янада  
омад келтиради. Бу китоб ўз даврида АҚШда энг  
кўп сотилган, оммани хусусий тадбиркорлик ва  
кичик бизнесга қизиқтирадиган даражада муваффақиятларга эришган. Муаллифларнинг бу руқндаги  
биринчи “Бадавлат ота-оналар болаларига нимани  
ўргатадилару, камбағал ота-оналар эса ўргатмайдилар” номли китоби хусусий тадбиркор ва кичик  
бизнесни ривожлантириш муаммоларига бағишлиланган  
бўлиб, ёш авлодни тадбиркор, кобилиятли этиб тар-  
биялашга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, М. С. Ходжаев томонидан  
таржима қилинган ушбу китоб уни ўқиган ва ўрганган  
хар бир кишига бизнес сир-асрорларини ҳар томонлама  
синчковлик билан ўрганишга, ўз фаолиятида қўллашга  
ёрдам беради. Ушбу китобларни ёзиш жараёнида аме-  
рикалик муаллифлар бизнесни амалий ўрганганигини,  
тажрибаларини умумлаштириб берганигини англаймиз,  
бизнинг тадбиркор ва ишбилармоқ юртдошларимиз,  
ота-оналар, ўз шахсий амалиётида бизнес ишини бош-  
лаш орзусида ва ниятида юрган кишилар бу китобни  
ўз она тилида ўқиб чиқсалар, мақсадга мувофик

бўлади. Энг мухим томони шундаки, бу китобда муаллифлар қандай қилиб ёшлигиданоқ ақлий меҳнатга ўргатилганлиги, бизнес ишини амалга оширишда молиявий саводхонликка ва маданиятга эришганлиги, натижада катта сармоядор бўлганлигини содда ва равон тилда баён қилиб берганлар. Америка иқтисодиётида кучли рақобат ҳуқм сураётган шароитда хусусий тадбиркор ва ишбилармон бўлиш, янги ғоялар билан ташаббус кўрсатиш, бунда нималарга эътибор беришга кизиқувчиларнинг диккатини жалб этади. Бундай мавқега эришиш учун энг мухими янгиликни ўқиш, ўрганиш, билиш ва амалиётга жорий қилиш эканлиги китобнинг асосий хуносаларида тавсия этилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятидан ва салоҳиятидан кеңг фойдаланиш борасида Президентимиз асарларида, нутқларида, Фармонларида батафсил тушунтиришлар берилган, уларни амалга ошириш учун Кўқон ва Фарғона шаҳарларида янгидан бунёд этилаётган журилишлар, бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-куватлаш, айниқса, 2010 йил 18 июнда Бухорога ташриф буюрган Президентимизнинг бухороликлар билан сұхбатларида яна бир бор кичик корхона ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантирувчи ғоялари ва янгича ёндашувлари эътиборга лойикдир. Зоро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган кишилар мол-мулкка эга бўлади, ўрта мулкдорлар синфини ташкил этиб, нафақат иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлайди, иш билан бандликни оширади, фаровонлик даражасини таъминлашга кўмаклашади, балки мамлакатда сиёсий-ижтимоий осойишталикни, тинчликии мустахкамлашга улкан хисса кўшади. “Кишилик тарихи, бутун дунёдаги кўпгина тарақкий топган, барқарор ва бадавлатлар яшаб келаётган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аввало, ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай

шахслардан ташкил топган тоифа ўзини ва оиласини бокишга, шу билан бирга, орттирган даромади хисобидан ўз яқинлари ва мухтож инсонларга бегараз ёрдам кўрсатиш, эл-юрт учун хизмат қиласидиган мактаб, шифохона, маданият ва спорт масканлари барпо этиш, бир сўз билан айтадиган бўлсак, давлат ва жамият зиммасидаги кўпгина вазифаларни амалга оширишга ўз хиссасини кўшади<sup>4</sup>". Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир шахс, ким бўлишидан қатъий назар, хусусий тадбиркор, бизнесмен, ишбилармон ва ташаббускор бўлиб фаолият юритиш ҳукукига эга, бунинг учун бу шахс маънавий бой, меҳр-шафқатли, сергайрат, билимдон, аклли ва жисмоний кобилияти бўлиши лозим ва ўз фарзандларини, маҳалладошлиарини, ёш авлодни кичик бизнесга, хусусий тадбиркорликка ва ишбилармонликка ўргатиши фарзdir. Буни давр такозо этмоқда.

Бизнинг фикримизча, мазкур китобдан ҳар бир шахс энг зарур бўлган хулоса ва тавсияларни ўзлаштириб олиб, тадбиркор ва ишбилармон бўлиши мумкин. Мазкур китоб ота-оналарга, тарбиячиларга, ўкувчиларга, талабаларга ва барча қизиқувчиларга мўлжалланган.

А. Гофуров,  
иктисод фанлари  
доктори, профессор

---

<sup>4</sup>Каримов И. А. – "Юксак маънавият - ёнгилмас куч". Т.:2008 й.

*Бу китоб болаларнинг энг  
асосий ўқитувчилари бўлган бутун  
дунёдаги ота-оналарга багишланади*

## МИННАТДОРЧИЛИКЛАР

Бир пайтда шунча одамга миннатдорчилик билдиришни хохласангиз, қандай “рахмат” айтиш керак? Албатта, энг аввало, бу китоб – менинг хаётимда мухим ўрин тутган оталаримга ва менга меҳр-мухаббатни ўргаттан онамта аталган миннатдорчиликдир.

Шу билан бирга китобнинг пайдо бўлишига қўмаклашган барча инсонларга, жумладан рафиқам Кимга раҳмат, зеро усиз хаётим тўқис бўлмас эди. Ким менинг умрим ва ишимдаги йўлдошимга айланди. Усиз хаётимни тасаввур қила олмайман. Шундай ажойиб қизни вояга етказгандари учун Кимнинг отонаси Уинни ва Бил Мейёрамга раҳмат. Бу китобни алоҳида бўлаклардан яхлит жамлагани учун Шерон Лектерга ташаккур. Шероннинг эри Майкдан интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий масалаларидағи профессионал қўмаги учун, уларнинг фарзандлари Филипп, Шелли ва Рикдан ҳамкорлик учун миннатдорман. Мен Кит Каннингемга молиявий донолиги ва илҳоми учун; Ларри ва Лайз Кларкга – дўстлиги ва қўмаги, Рольф Паргта – техник заковати; Энн Невин, Бобби Депорте ва Жо Чейпонга таълим бўйича маслаҳатлари; Жон Каррисон, Жени Тей, Сенди Кху, Ричард ва Вероника Тац, Питер Жонсон ва Сьюзи Дафнис, Жаклин Сью, Нил Хенсон, Майл ва Монет Хемлин, Элвин ва Камилла Кху КС Си ва Жессика Сига – профессионал ёрдами, “In Sync” компаниясидаги Кевин ва Сарага зўр графикаси, Жон ва Шерри Берли. Билл ва Синди Шопофф, Вен Тарп, Дайана Кеннеди, С.В. Аллен, Мерили Дейнан, Ким Эррис ва Том Вайзенборнга молиявий топқирлиги учун раҳматлар айтаман. Сем Жоржес, Энтони Роббинс, Энид Вин, Лоренс ва Жейн Тейлор – Уэст, Алан Райт, Зиг Зигларга фикр тинклиги;

Ж.У. Уилсон, Марти Уэбер, Ренди Крафт, Дон Мюллер, Бред Уоккер, Блер ва Эймин Сингер Уэйн хамда Линн Морган, Мимми Бренан, Жером Саммерс, доктор Питер Пауэрс, Уилли Хелберн, доктор Энрико Тойчер, доктор Роберт Марин, Бетти Оистер, Жули Белден, Жеми Декфорт, Чери Кларк, Рик Мерик, Жойе Житахайд, Жефф Бассет, доктор Том Бернс ва Билл Гельвинга – дүстлиги ва лойихаларимни кўллаб-куватлаганлари учун, “Менежерлар Маркази” ташкилоти, “Сен ва пул” тадбиркорлар бизнес-мактабининг ўн минглаб битирувчилари, шунингдек Френк Крери, Клинт Миллер, Томас Аллин ва Норман Лонгга – ажойиб бизнес-хамкорлик учун раҳмат айтаман.



**БУ ҲАММАГА КЕРАҚ**

**К И Р И Ш**

Мактаб болаларни ҳаётга тайёрлайдими? “Кунт билан ўки, яхши баҳолар ол ва сен катта имтиёзларга эга, кўп ҳақ тўланадиган иш топасан” – дейишиарди ота-онам. Уларнинг ҳаётдаги асосий мақсади менга ва опамга келажакдаги муваффакият учун имкониятни ортириш максадида Университет таълими ни бериш эди. 1976 йил ниҳоят бухгалтерлик иши бўйича диплом олдим (мен Флорида Университетини имтиёзли тугалладим) ва ота-онамнинг орзуси рўёбга чиқди. Уларнинг “катта режалари”га тўла мос ҳолда мени йирик бухгалтерлик фирмасига ишга олишди. Олдимда хизмат поғонаси орқали юкорилашнинг узун йўли ва эртароқ нафакага чикиш имконияти бор эди.

Эрим Майклнинг тарихи менинг тарихимга жуда ўхшаш эди. Иккаламиз ҳам меҳнатга катта ҳурмат билан муносабатда бўлган, камтарин даромадли оиласларда вояга етган эдик. Майкл ҳам имтиёзли диплом олди, бирок унга икки марта – аввал инженерлик, кейин эса хукуқшуносликдан Вашингтонда патент хукуки билан шуғулланадиган нуфузли юридик фирмада иш таклиф этишди. Келажак порлоқдай туюларди; ҳамма уни ёрқин марта ва кутаётганилтига ишонар эди.

Иккаламиз ҳам ҳакиқатда яхшигина мавқега эришган бўлсак-да, ўзимиз кутганимиздек бўлмади. Биз мутлақо тушунарли сабабларга кўра бир неча марта иш жойимизни ўзгартирдик – ҳозирда фирма бизга пенсия тўламайди. Пенсия жамғармамиз эса фақат шахсий жамғармамиз ҳисобига ўсиб бораяпти.

Майкл билан ажойиб оиласиз, уч нафар жуда яхши болаларимиз бор. Ҳозир мен ушбу сатрларни ёзаётганимда, уларнинг икки нафари коллежда, учинчиси эса юкори синфда ўқийдилар. Фарзандларимиз яхши таълим олишлари учун жуда кўп маблағ сарфладик.

1996 йил. Кунлардан бир кун ўғилларимдан бири мактабдан жуда хафа бўлиб келди. У ўқишдан чарчаган, ўқиш жонига теккан эди.

— Нега мен ҳеч қачон керак бўлмайдиган фанларни ўрганишга вакт сарфлашим керак? — аччиқланарди у.

Кўп ўйланиб ўтирмай жавоб бердим:

— Чунки баҳоларинг ёмон бўладиган бўлса, сени коллежга қабул килмайдилар.

— Мени у ерга олишадими-йўқми, — эътиroz билдириди ўғлим, — мен барибир бадавлат бўламан!

— Агар коллежни битирмасанг, яхши иш топмайсан, — енгил хавотир аралаш давом этдим. — Яхши ишсиз қандай бойимоқчи бўляпсан?

Ўғлим мийигида кулиб, сагал зерикиш ифодаси билан бош чайқади — бир нарса тўғрисида қанча гапириш мумкин? Сўнгра у бошини эгиб кўзларини тепага қаратди. Менинг оналик маслаҳатим унинг қалбини жизиллатмагани равшан эди.

Шундай бўлса-да, ўзининг мустакиллигига қарамай, ўғлим ҳамиша хушмуомала ва сертакаллуф бола эди.

— Ойи, — бошлади у. Насихат эшитиш навбати менга келди. — Сиз замондан ортда колгансиз! Атрофга қарант: энг бадавлат одамлар таътим туфайли бойимаган! Майкл Жордан ва Мадоннага қаранг. Гарвардни битирмаган Билл Гейтс ҳам “Майкрософт”га асос солди, у ҳали кирқ ёшга кирмаганлигига қарамай Американинг энг бадавлат кишиси! Бир бейсболчи эса йилига 4 миллиондан ортиқ пул олади, вахоланки, уни “акли заиф” деб топишган.

Биз анчагача жим колдик. Ва бу ерда мен ўғлимтга бир вақтлар ота-онамдан эшитган маслаҳатларимни берётганимни тушундим. Атрофимиздаги

дунё ўзгарган бўлса-да, маслаҳатлар эскилигича қолган.

Яхши таълим ва аъло баҳолар аллақачон муввафакият кафолати бўлмай қолди, буни болаларимдан бошқа хеч ким сезмайди.

– Ойи, – давом этди ўғлим, - мен сиз ва отам ишлагандай ишламоқчи эмасман. Сизлар кўп пул ишлаб топасизлар ва биз ўйинчокларга тўла катта уйда яшаемиз. Агар мен маслаҳатларингизга эргашсам, сиз каби яшайман – кўпроқ ва кўпроқ ишлаш, кўпроқ солиқлар тўлаш ва ниҳоят қулоғимгача қарзга ботиш. Бизнинг замонда иш баркарор бўлмайди. Мен “кисқариш” ва ишдан бўшаш нима эканлигини биламан. Мен Университет битириувчилари бугун сизнинг даврингизга нисбаган оз маош олишларини ҳам биламан. Масалан, врачлар. Улар илгаригидек ишлаб, пул толмаяптилар. Мен давлат ёки компания берадиган пенсияга умид килмаслик кераклигини биламан. Менинг саволларимга янги жавоблар керак.

У ҳақ эди. Унга, худди менга каби янги жавоблар керак. Ота-онамнинг маслаҳатлари 1945 йилгача түғилганларга балки тўғри келар, лекин, улар бугунги тез ўзгарувчан дунёдаги одамлар учун ярамайди.

Мен уларни янгиласига ўқитиш зарурлигини англаб етдим.

Она сифатида, бухгалтер сифатида мактабда жуда арзимас молиявий таълим беришлари мени доимо хавотирга соларди. Кўпгина болалар бугун мактабни битиргунларига қадар кредит карточкаларига эга бўлсалар ҳам уларга хеч қачон пул нималиги, уни қандай сарфлаш, кредит карточкалари қайси асосда ишлашини тушунтирмаганлар. Оддий қилиб айтганда, молиявий саводхонликсиз ва пулнинг қандай ишлашини билмасдан туриб пулни сақлашдан кўра сарф-

лашга күпроқ эътибор бериладиган хаётга тайёр эмаслар.

Тўнгич ўғлим, коллежга киргач, барча кредит карточкалари бўйича карздор бўлиб қолганида, мен унга қарзлардан халос бўлишига ёрдам берибгина қолмай, болаларимга молиявий муаммоларни хал этишга ўргатадиган дастурни ҳам излашни бошладим.

Ажойиб кунларнинг бирида (бу ўтган йили эди) менга эрим ишхонасидан кўнғироқ қилди.

- Ёнимда назаримда сен танишиб олишинг керак бўлган одам бор, -деди у. -Унинг исми Роберт Кийосаки. У бизнесмен ва инвестор бўлиб, биздан таълимий маҳсулот учун патент олди. Назаримда, бу айнан сен излаётган нарса.

### **Мен излаган нарса**

Роберт Кийосаки томонидан ишлаб чиқарилган бу янги таълимий маҳсулот - "Пул оқими" номли ўйин эрим Майкка шундай ёқдики, биз иккаламиз намуна синовида иштирок этдик. Мен унга маҳаллий Университетнинг биринчи курсида таҳсил олаётган кизимни тавсия этдим. У келишга рози бўлди.

Синовларда ўн бешга яқин киши қатнашган бўлиб, улар уч гурухга бўлиндилар.

Майк ҳақ бўлиб чиқди. Менга айнан шундай ўқитиш тизими зарур эди. Рости унда кўп кутилмаган нарсалар чиқди. Ёркин бўёқли ўйин тахтаси "Монополия"даги ўйин майдонини эслатарди, факат ўртада яхши костюмдаги йирик каламуш тасвири туширилган эди. "Монополия"дан фаркли бу ерда икки йўлак; ташки ва ички йўлак бор эди. Ўйин мақсади ички йўлак (унда харакатланишни Роберт "каламуш пойгаси" деб атади) дан ташкари тезюарар йўлакка чиқиб олиш эди. Робертнинг таъбирича,

“тезюар йўлак” жакиқий хаётда бадавлат одамлар кайси қоидалар асосида ўйнашларини кўрсатади.

“Каламуши пойга”ларини Роберт мана бундай ифодалайди: Агар сиз оддий, ўқимишли ва қўп ишлайдиган киши ҳаётига назар солсангиз, кўпгина конуниятларга кўзингиз тушади.

Фарзанд дунёга келади, сўнгра мактабга боради. Ота-онаси ғурурланади: чунки у яхши баҳолар олади ва коллежга кираади. Колледждан кейин, у эҳтимол институт ёки аспирантурани битиради, ундан сўнг эса аввалдан йўналтирилган ишни қиласди. У иш топади – балки, врач бўлар, хукуқшунос бўлар, армияга ёки давлат хизматига боради. Шу ернинг ўзидаёқ пул ишлай бошлайди, кредит карточкалар пайдо бўлади ва ниҳоят, агар олдинроқ юз бермаган бўлса, харид қилиш пайти келади.

Болада пул пайдо бўлдими, у ўзига ўхшаш ёшлар борадиган жойга отланади. У тенгдошлари билан танишади, учрашувларга чиқади, бу эса кўпинча тўй билан якунланади. Бугун эркаклар ҳам, аёллар ҳам ишлайдилар ва оила икки карра даромад топади – жуда гаройиб! Жуфтлик ҳаётлари ва ўз муваффакиятларидан мамнун, уларнинг олдида мусаффо келажак жилваланади ва улар уй, машина, телевизор сотиб олишга, денгизга отланиш ва фарзанд кўришга карор қиласдилар. Буларнинг ҳаммасига улар эришадилар. Бироқ пул янада кўпроқ ва кўпроқ керак бўлади. Бахтиёр жуфтлик меҳнатсиз илож йўқлигини кўради ва янада тиришкоқлик билан ишлай бошлайди, хизмат мавқеининг ўсиши ва маошининг кўпайишига харакат қиласди. Маош кўпаяди ва шу пайтнинг ўзида яна фарзанд дунёга келади, энди уларга янги, кенгроқ уй керак бўлади. Эр-хотин янада кўпроқ ишлайдилар, “бебаҳо кадрлар”га айланадилар. Улар янти касб эгаллаш ва кўпроқ пул ишлаш учун яна

ўкий бошлайдилар. Ҳатто иккитадан ишда ишлайдилар. Даромадлар ошиб боради, улар билан бирга даромад соликлари ҳам, кўчмас мулк солиги ҳам ошиб боради – янги катта уйлари учун, пенсия жамғармасига бадаллар ва ҳоказо ва ҳоказо. Улар катта маош оладилар ва пулларнинг қаерга кетаётганидан хайратга тушадилар. Сўнгра ўзаро ёрдам жамгармаси акцияларини сотиб оладилар ва бакқоллик молларини кредит карточкаларига харид қиласидилар. Болалар 5-6 ёшга кирган, ҳам уларни ўқитиш учун, ҳам ўзлари учун пенсияга пул йигиш керак.

Бу баҳтиёр одамлар, ҳаётга ўттиз беш йил аввал келган бўлиб, энди бир умрга “каламуш пойга”си иштирокчиларига айланадилар. Улар компания соҳибларига, солик тўлаб давлатга, кредит ва карзларни қайтариб банкка ишлайдилар.

Шундан кейин ҳам улар ўз фарзандларига “тиришқоқлик билан ўкиш, яхши баҳолар олиш ва яхши иш ёки жой топиш”ни маслаҳат берадилар. Ахир улар, соддаликларидан фойдаланаётган кимслар айтмасалар, пул ҳақида ҳеч нарса била олмайдилар. Улар бир умр ишлашади. Уларнинг ўрнига худди шу каби ишлайдиган янги авлод келади ва бу жараён қайтарилаверади. “Каламуш пойгаси” дегани шу.

“Тезюарар йўл”га чиқиб олишнинг ягона йўли амалда бухгалтерлик иши ва сармоя киритишнинг билимдони эканлигини исботлашдир, булар, балки энг машаққатли фанлардир. Мен, тажрибали дипломли бухгалтер-ревизор сифатида Робертнинг бу фанларни ўрганишни мароқли ва қизикарли кила олганидан жайратландим. Ўкиш шунчалик сезилмас ўғики, биз “каламуш пойгаси” йўлагидан чиқишга тиришқоқлик билан уриниб ўқиётганилигимизни ҳам тез орада унутаёздик.

Таълимий ўйиннинг кейинги синови қизим билан сухбат эди. Биз илгари мухокама қилмаган нарсалар ҳақида гапирадик. Бухгалтер сифатида менга молиявий ҳисоботларга асосланган ўйинни ўйнаш осон эди, шунинг учун ҳам қизим ва стол атрофидаги бошқа ўйинчиларга уларга номаълум бўлган тушунчаларни идрок этишлари учун хали вақт бор эди. Лекин биринчи (барча синовдагилар орасида ягона) бўлиб, шу куни “тезюрар йўлак”ка чикиб олдим. Уч соат давом этган ўйинда менга бунинг учун эллик дақиқа вақт кифоя килди.

Мен ўтирган стол атрофига банкир, компания эгаси ва дастурловчи ўтирар эдилар. Мени бу одамларнинг ўз хаётлари учун мухим бўлган бухгалтерия ва сармоялар ҳақида бунча кам билишлари ташвишлантиради.

Мен улар ҳақиқий ҳаётда ўз молиявий ишларини қандай олиб боришаркин деб хайратланардим. Ўн тўққиз ёшли қизим учун бунинг қанчалик мураккаблигини тушуна олардим, лекин ёши ундан икки марта каттароқларгачи?

“Каламуш пойгаси” йўлагидан чикиб олгач, кейинги икки соат мобайнода қизим ҳамда бу илмли ва омадли катталарнинг қандай қилиб соққа ташлашлари ва доначаларни сураётганлигини кузатдим. Албатта, уларнинг ўйин давомида шунча янги билимларни олаётганлари яхши, аммо катталарга бухгалтерия ва сармоя киритиш асосларининг номаълум эканлиги ачинарли эди. Улар даромад ва харажатлар ҳамда баланс ҳисоботлари ўртасидаги фаркни зўрға илғаб олардилар. Активларни сотар ва сотиб олар эканлар, ҳар бир келишув ҳар ойда қанча пул олишларига таъсир қила олишини қийинчилик билан эсга олардилар. Мен неча миллион одам реал ҳаётда бу фанларни ўрганмаганлаги учун молиявий қийин-

чиликлар билан қандай курашаётган экан, деб ўйга толар әдим.

Улар хурсандчилик қилаётгандары ва ўйинда ютиш иштиёқидан чалғиётгандары учун Худога шукр, дедим ўзимча. Роберт ўйинни якунлагандан кейин бизга унинг мұхокамаси учун ўн беш дақиқа вакт берди.

Компания сохибига ўйин ёқмади, у жуда норози әди.

— Менга бунинг нима кераги бор? — баралла ач-чикланарди у. — Мен бу ишларни күриб чиқиш учун бухгалтерлар, банкирлар ва хуқуқшуносларни ёллайман.

Бунга жавобан Роберт деди:

— Бухгалтерлар орасида бадавлат әмаслари күп-лигини сезмаганмисиз? Худди банкирлар, хуқуқшунослар ва брокерлар орасидаги каби. Улар күп нарсаны биладилар ва күпчилиги ақлли одамлар, лекин аксарияти бадавлат әмаслар.

Бизнинг мактабларимизда бадавлатлар биладиган нарсаларни ўргатмаганлары учун ҳам биз уларнинг маслахатларига күлкін тутамиз. Лекин күнлардан бир күн сиз ишга кетаётиб, йўлда тирбандликка учрасангиз ўнгта қарайсиз ва у ерда бухгалтерингизни кўрасиз. Бу сизга бирон нарсани англатмайдими?

Дастурловчининг таассуротлари ҳам унчалик әмас әди.

— Мен бундай таълимий дастурни сотиб олишим мумкин.

Банкир эса унга қўшилди:

— Буларнинг ҳаммаси, яъни бухгалтерия бошнимдан ўтган, лекин хеч качон амалда кўллай олмаганман. Энди буни қандай қилиш кераклигини биламан. Мен “Каламуш пойгаси” йўлакчасидан чиқиб олишим керак.

Ҳаммадан ҳам қизимнинг сўзларидан таъсирландим.

- Мен учун жуда қизиқарли бўлди, - деди у. - Мен ҳакикатда пул қандай ишлаши ва уни қандай жойлаштириш бўйича кўп нарсани билиб олдим.

Сўнгра у:

- Энди мен кўп маош тўланадиган ёки имтиёз бериладиган эмас, балки ўзим ҳоҳлаган қасбни танлаш йўлини биламан. Мен бу ўйин нимага ўргатишни ўзлаштирсам ўзим ҳоҳлаган нарсаларни ўргана оламан. Мен кўплаб синфдошларимга ўхшаб яхши пенсия ҳакида ташвиш қилмайман, - деб кўшиб кўйди.

Ўшанда мен Роберт билан гаплашиш учун вакт топа олмадим, лекин бошқа куни учрашишга келишиб олдик. Мен уни ўйин ёрдамида одамларни молиявий тонкирликка ўргатишни истаётганлигини тушунардим ва режалари ҳакида кўпроқ билишни истар эдим.

Кейинги ҳафта биз, эрим, Роберт ва унинг хотини билан тушлик қилдик. Бундай тарзда биринчи бор мулоқот килаётган бўлсак-да, кўпдан бери танишдай туюлардик.

Бизнинг кўп қарашларимиз ўхшаш эканлиги маълум бўлди. Ҳамма нарсалар, шу жумладан спорт, театр, ресторанлар ва ижтимоий-иктисодий масалалар тўғрисида гапирап эдик. Ўзгарувчан дунё ҳакида, кўпчиллк американкларнинг кексаликка тўплана-диган жамгармаси деярли йўклиги, пенсия жамгармаси, соғлиқни саклаш тизимлари аянчли аҳволдаги тўғрисида суҳбатлашдик. Наҳотки менинг фарзандларим етмиш беш миллион тенгдошларимга пенсия тўлайдилар? Биз одамларнинг пенсия жамгармаларига ишонишлари қандай хатарли эканлигини англаш-англамасликлари тўғрисида гаплашдик.

Робертни биринчи галда Америка ва бутун дунёдаги бадавлат ва камбағаллар ўргасидаги ўсиб боратётган тафовут ҳалжонга соларди. Бу ҳамма нарсага ўзи эришган тадбиркор дунё кезар, пул жойлаштирар ва қирқ етти ёшида ишни ташлаган эди. Энди эса у яна ишлай бошлади, чунки мен ўз болаларимга нисбатан түйган хавотиримни у ҳам бошдан кечираётган эди. У дунё ўзгарганлиги, аммо таълим тизими эскичасига қолганлигини билади. Робертнинг сўзларига қараганда, болалар йиллаб эски мактабларда ўқиб, уларга ҳеч қачон керак бўлмайдиган фанларни ўрганадилар ва мавжуд бўлмаган дунёда яшашга тайёргарлик кўрадилар.

— Бугун болага бериш мумкин бўлган энг хавфли маслаҳат - “мактабга бор, яхши баҳолар ол ва барқарор иш кидир”, дейди тез-тез Роберт. — Бу эски — ва энг ёмон маслаҳатdir. Агар сиз Осиё, Европа, Жанубий Америкада нима рўй бератганлигини билсангиз эди, сиз ҳам мендан кам ташвишланмас эдингиз.

У буни ёмон маслаҳат деб ҳисоблайди, чунки сиз ўз болангизни молиявий муаммолардан химояланган бўлсин десангиз, у эски коидалар асосида ўйнамаслиги лозим. Бу жуда хатарлидир.

Мен у “эски коидалар” деганда нимани назарда тутишига кизикдим.

— Менга ўхшаган одамлар, сиз ўйнайдиган коидалар асосида ўйнамайдилар. — жавоб берти у Бирон-бир корпорация штатларни кисқартирса нима рўй беради?

— Одамларни ишдан бўшатадилар. — дедим мен.  
— Оиласлар жабрланади. Ишсизлик кўпаяди.  
— Компания билан, айниқса, у очиқ акционерлик компанияси бўлса нима рўй беради?

— Штатлар кискариши ҳақида эълон қилинса акциялар нархи одатда ошади, — жавоб бердим мен, — компания ишлаб чикариш харажатларини автоматлаштириш ёки ишчи кучини кискартириш ҳисобига пасайтирадиган бўлса, бозорга маъкул бўлади.

— Ҳаммаси тўғри, — давом этди Роберт. — Акциялар нархи ошса, менга ўхшаган акциядорлар бойиб боради. Бошка коидалар ҳақида сўз юритганимда айнан шуни назарда тутганман. Ходимлар ютказадилар. Компания сохиблари ва сармоядорлар ютадилар.

Роберт нафакат ишчи ва иш берувчи ўртасидаги, балки ўз хаётини бошқаришни уddaлаш ва бошқарувни бирорвга топширишни тасвиirlар эди.

— Кўпчилик нега бундай бўлишини тушунишга қийналарди, — дедим мен. — Улар буadolатсиз хол, деган бўлишарди.

— Мана нима учун болага “яхши таълим ол!” дейиш — гирт ақлсизликдир, — деди у. — Бизнинг мактаб тизимимиз болаларни ҳаётга тайёрлайди деб ўйлаш аҳмокликдир. Уларга яна нимадир етишмайди. Мутлако бошқача таълим зарур. Улар бошқа қоидаларни билишлари лозим. Бадавлатлар ўйнайди-ган тулко 5 % бўлиб, қолган 95% коидаларни ахоли ўйнайди. Шунинг учун ҳам болага яхши ўқиш ва иш излаш ҳақида маслаҳат бериш хатарлидир. Бугун болага жадаллаштирилган таълим бериш керак, ҳозирги таълим тизими буни бермайди. Менга уларнинг синфида нечта компьютер борлиги ва давлатнинг мактабга қанча маблағ сарфлаётганлигининг фарки нима? Мактаб ўзи билмайдиган фанларни қандай килиб ўқитади?

Мактаб ўргата олмайдиганини ота-оналар қандай қилиб ўз болаларига ўргатишлари мумкин? Болани бухгалтерия ишига қандай ўргатиш керак? Унга бу

зерикарли бўлмайдими? Ўз пулингизни таваккал қилишдан кўрксангиз, унга сармоялар ҳакида қандай гапириб берасиз? Болаларни хавфсиз ҳаракат қилишга ўргатишдан кўра уларни акл билан ҳаракат қилингга ўргатишга қарор килдим.

– Пул ва бошка барча масалаларни тушуниш учун болани қандай ўргатишими зарур? – сўрадим Робертдан. – Ота-оналар буни ўзлари тушунмасалар, қандай қилиб осонликча бажаришлари мумкин?

– Мен бу ҳакда китоб ёздим, – жавоб берди у.

– Қани у?

– Компьютеримда бир неча йилдан бўён тарқоқ бўлаклар шаклида ётиби. Баъзан унга нималарни дир қўшаман, лекин шу кунгача яхлит бутун холатга келтиришга қўлим тегмади. Уни бошка бир китобим қўлма-кўл бўлиб кетгандан кейин ёза бошладим, лекин тугата олмадим. У тарқоқ холатда колиб кетди.

У ҳақ бўлиб чиқди. Тарқоқ бўлакларни ўқиб чиқар эканман, бу асар фойдали бўлиши мумкинлиги, ўзгаришлар даврида уни бошка одамларга етказиш зарурлигини тушуниб етдим. Китобга ҳаммуалиф бўлиш ҳақида Роберт билан келишиб олдим.

Мен ундан болага қандай молиявий таълим зарур деб сўрадим. У ҳамма нарса боланинг ўзига боғлиқлигини тушунтириди. Унинг ўзи болалигида бадавлат бўлишни истаган эди, баҳтига унга иккинчи ота бўлиб, ўқиши билан қувониб шугулланган бадавлат инсон рўбарў келган. Роберт, таълим – муваффақият асоси сканлити, бирок маблаглар ва одамлар билан муносабат қўникмалари муҳимлиги жихатидан мактаб билимидан кам эмаслигини қўшиб қўйди.

Энди сиз Робертнинг икки: бадавлат ва камбағал отаси тўгрисидаги хикояни, шунингдек, умри давомида билган нарсаларини қандай ўрганганинги ўқиб чиқасиз. Иккала оталари ўртасидаги тафовут ўта

мухимдир. Китобнинг ўзи эса мен томонимдан тўлдирилган, яхлит ҳолга келтирилиб таҳрир қилинган. Агар сиз бухгалтер бўлсангиз, китобий билимларингиз асосида хулоса килишга ошиқманг, Робертнинг қарашларини тушунишга интилинг. Уларнинг аксарияти умумэътироф этилган бухгалтерлик тамойилларини шубҳа остига олсалар-да, ҳақиқий сармоядорлар ўз карорларини қандай таҳлил этишлари ҳақида кимматли маълумотларга әгадирлар.

Биз болаларимизга “мактабга бориш, кунт билан ўқиш ва яхши иш топиши” ҳақида маслаҳат берганимизда, буни қўпинча одатий тарзда бажарамиз. Таомил ўзи шундай. Робертнинг хикояси мени ҳаяжонга солди. Уни икки ота тарбиялаб, икки хил мақсадга интилишга унданган. Илмли отаси унга корпорацияда ишлашни маслаҳат берган. Бадавлат отаси эса корпорация соҳиби бўлишни маслаҳат берган. Унисига ҳам, бунисига ҳам билим зарур эди, аммо ҳар хил фанларни ўрганишга тўғри келади. Илмли отаси Роберт ақлли инсон бўлиб, вояга этишини хоҳларди. Бадавлат отаси эса Робертни ақлли одамларни ишга олишни билиши кераклигини айтарди.

Робертнинг ҳақиқий отаси Гавайи штатининг таълим вазирлиги раҳбари эди. Роберт ўн олти ёшга кирганида унга “яхши ўқимасанг яхши иш тополмайсан” деган пўписа таъсир этмай қўйганди. Бола корпорациялар соҳиби бўлишини, уларда ишламаслигини биларди. Агар мактабдаги доно ва қатъиятли бир ўқитувчиси бўлмаганида, Роберт ўзи тан олишича, коллежга ҳам бормасди. У капитал қўйилмалар устида зудлик билан шугулланишни жуда истаса-да, ахийри олий маълумот ҳам ҳалақит бермаслигини англаб етди.

Бу китобда баён этилган ғоялар замонавий отоналарнинг кўпчилиги учун ўта дадил ва кескин

туюлар. Уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам болаларни зўрға мактабда ушлаб турадилар. Вақт ўзгаряпти, у эса янги, дадил гоялар учун очик бўлиши керак. Болаларни бирорлар учун ишлашга ўргатиш – уларга бир умр катта солиқлар тўлаш, сўнг эса кичик пенсия олиш ҳакида маслаҳат бериш демакдир. Солиқлар бизнинг энг катта харажатларимиз эканлиги қундай равшан-ку. Кўпгина оиласлар январдан май ярмигача солиқ тўлаш учун меҳнат қиласди. Бу китобда мавжуд бўлган янги гояларни ўрганиш, ўзлаштириш керак. Роберт бадавлатлар ўз фарзандларига қолганларга ўхшаб ўргатмайдилар, деб таъкидлайди. Улар буни оиласвий даврада, тушлик столи атрофида амалга оширадилар. Балки бу гояларни фарзандларингиз билан муҳокама қилишни истамассиз, бу китобни ўқиб чикишга аҳд қўлганингизга ҳам ташаккур. Мен сизларга маслаҳат бераман: изланишда давом этинг. Менинг она ва бухгалтер сифатидаги фикримга кўра, яхши иш топиш учун кунт билан ўкиш керак деган ғоя эскирган. Болаларга замонавийроқ маслаҳатлар бериш керак. Бизга яхши гоялар ва бошқа таълим зарур. Мумкин қадар ўйлаб кўришга арзир: болаларга айни бир пайтда яхши иш билан хусусий инвестицион корпорация тузиш имкониятини излапни маслаҳат берсак.

Она сифатида мен бу китоб бошқа ота-оналарга ёрдам беришини истардим. Роберт эса одамларга хар бир киши астойдил хоҳласа бадавлат бўлиши мумкинлиги гоясини етказишни хоҳлади. Сиз бугун ким бўлишингиздан қатъий назар: бөғбонми, фаррошми ёки ишсиз бўлсангиз ҳам – сизда молиявий муваммоларни ўзингиз ҳал қилишингиз ва бунга яқинларингизни ўргатиш имконияти бор. Молиявий топкирлик – молиявий масалаларни ҳал этишнинг ақлий жараёнидир.

Бугун дунёда илгари одамларнинг тушига ҳам кирмаган жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Келажакни башорат қилишга хеч ким кодир эмас, лекин бир нарса тушунарли: бизни мисли кўрилмаган ўзгаришлар кутмоқда. Келажак бизга нимани бағишлийди? Нима бўлганда ҳам бунда танлов имконияти бор: бехатар ҳаракат қилмоқ ёки акл билан ҳаракат қилмоқ, бу эса ўзимизда ва болаларимизда молиявий истеъодни уйғотиш демакдир.

*Шерон  
ЛЕКТЕР.*



**БАДАВЛАТ ОТА,  
КАМБАҒАЛ ОТА**

# ДАРСЛАР

## I БОБ

## Роберт Кийосаки хикояси

Менинг икки отам бўлган: бадавлат ва камбағал. Бири директорлик даражасига эга ўта билимдон ва ақлли одам бўлиб, тўрт йиллик университет курсини икки йилда тамомлаган. Шундан кейин у Стэнфорд, Чикаго ва Шимолий-тарбий университетларда тўлик давлат ҳисобидан ўқиган. Иккинчиси эса саккизинчи синфни ҳам тамомламаган.

Ҳар иккиси ҳам муваффақият билан мавқега эришганлар ва астойдил ишлаганлар. Иккиси ҳам кўп пул топган. Бири бир умр молиявий кийинчиликлар билан курашган, иккинчиси эса охир оқибат Гавайининг энг бадавлат одамларидан бирига айланди. Бири ўн миллионлаб долларларни оиласи, хайрия ташкилотлари ва черковга васият қилиб вафот этди. Иккинчиси эса ўзидан кейин тўланмай қолган ҳисоб варакаларини колдирди.

Ҳар иккиси ҳам кучли, ёқимли ва одамларнинг ҳурматига сазовор кишилар эдилар. Иккиси ҳам менга, гарчи турлича бўлса ҳам маслаҳат беришарди. Ҳар иккиси ҳам таълимга катта аҳамият берардилар, лекин қизиқадиган фанлари турлича эди.

Агар отам битта бўлганида унинг маслаҳатини олиш ёки рад этишимга тўғри келарди. Икки отам бўлганлиги шарофати билан мен бадавлат ва камбағал кишиларнинг икки хил қарашларини бир бирига карама-карши кўйиб кўра отардим. Шундай бўлиб чиқдики, мен оддий қилиб уларнинг бири ёки иккинчининг фикрини қабул қилиш ёки рад этиш эмас, балки уларнинг айтган сўзларини мушоҳада этиш, такқослаш ва мустакил хулоса қилишга киришлим.

Чигаллик шунда эдики, бадавлат отам хали бойиб, камбағал отам қашшоқлашиб улгурмаган эди. Уларнинг хизмат пиллапояси энди бошланаётган

бўлиб, ҳар иккиси ҳам оиласини таъминлаши лозим эди. Улар аввал бошиданоқ пулга ҳар хил муносабатда эдилар. Масалан, бири “пулга ружу кўйиш – барча ёмонликлар (ёвузликлар) илдизи” – деса, иккинчиси: “барча ёвузликлар илдизи – пулнинг йўклигидир” деб айтарди.

Болалигимда икки обрўли оталарим таъсирида яшаш жуда мураккаб бўлган. Мен яхши ва қобил ўғил бўлишни истардим: лекин улар бир-бирига зид нарсаларни айтардилар. Уларнинг нуктаи назарлари, айниқса пулга нисбатан шу қадар турлича эдикӣ, мен бу фикрларнинг энг мақбулини кўриб чиқишини жуда хоҳлардим. Уларнинг гаплари устида узоқ ўйланадиган бўлдим.

Вактимнинг асосий қисми “Нега у бундай деяпти?” қабилидаги саволлар ва мулоҳазаларга кетарди. Бири менга бир гап айтса, шу саволни бошқасига берардим. Албатта, осонгина қилиб “У ҳақ. Мен бунга розиман” дейишим ёки оддий қилиб унинг карашини рад этишим мумкин эди! “Қария нима ҳақида гапираётганини билмайди”. Бироқ ниҳоятда яхши кўрадиган икки отам борлиги, алал-оқибат ўз шахсий фикрлаш йўлимни танлашга мажбур қиларди. Охири мустақил фикрлаш у ёки бу фикрни жўн қабул қилиш ва ундан воз кечишдан қимматлироқ бўлиб чиқди.

Бадавлатларнинг янада бойиётганлиги, камбағалларнинг факирлашуви, ўргаҳол табаканинг қарзлар домидан чиқа олмаётганлиги сабабларидан бири одамлар пул ҳақида мактабда эмас, уйда билиб олаётганлигидир. Биз буни ота-оналаримииздан ўрганамиз. Камбағал одам болаларига пул ҳақида нима айтиб бериши мумкин? У оддийгина қилиб “Мактабда ўқи, ҳаракат қил” дейди. Балки, мактабни аъло

баҳоларга тугатар, лекин унинг молиявий қарашлари камбагалники бўлади. У бунга болалигидан ўрганганд.

Мактабларда пул ҳакида гапириб бермайдилар. Ўқитувчилар молиявий эмас, илмий ва касбий билимларга фикрларини жамлайдилар. Мана нима учун ўқиш пайтида билимларни пухта ўзлаштирган банкирлар, врачлар ва бухгалтерлар негадир бутун умр молиявий кийинчиликларга дуч келадилар. Мамлакатимиизнинг жуда кўп қарзлари бор, бунинг сабаби билимдан сиёsatчи ва хукумат амалдорлари мутлақо ёки деярли мутлақо пулга нисбатан саводсиз бўлганликлари холда молиявий қарорлар қабул килаётганликларидадир.

Мен тез-тез янги минг йилликда моддий ва тиббий кўмакка муҳтоҷ миллионлаб одамларга нима бўлар экан, деб ўйланаман. Улар ўз оиласлари ёки хукуматга боғлиқ бўлиб қоладилар. Тиббий ва пенсия жамғармаларида маблаг тугаса нима бўлади? Агар болалар пул нималигини кўпчилити қашшоқ бўлиб қоладиган (ёки аллақачон қашшоқ бўлган) ота-оналардан билаётган бўлсалар, халқ қандай ҳаёт кечиради?

Менга таъсир ўтказган икки отам бўлганлиги боис мен уларнинг ҳар иккисидан ҳам ўргандим. Ҳар иккисининг ҳам маслаҳатлари устида фикрлашимга тўғри келди ва шу алфозда кишилиг фикрлари унинг ҳаётига таъсир килишини тушундим. Оталаримдан бири: “Менда бундай имконият йўқ” – теб тез-тез гапиради. Иккинчиси эса бундай деб гапиришини ҳам таъкикларди. У “Мен қандай килиб буниңг имкониятини кила оламан?” – деб айтишимни талаб киларди. Биринчи гап – тасдик, иккинчиси эса – сўроқ. Биринчиси бўшаштиради, иккинчиси ўйлашга мажбур қиласиди. Тез орада бойиб кетган ўша отам “Менда бундай имконият йўқ” дейишинг билан мия

автоматик тарзда ишламай қўяди", - деб тушунти-  
рарди.

У ҳамма нарсанги кетма-кет сотиб олиш керак  
деб ўйламаган. Ў жаҳондаги энг қудратли комъюнг'ер  
бўлган миянинг машқларига каттиқ ишонарди. Миям  
кундан-кунга кучайиб боряпти, чунки уни машқ  
қилдиряпман. У қанчалик кучли бўлса, шунча кўп  
пулга эга бўлиш имконият йўқ" дейип ақлий дангасалик деб хисобларди.

Ҳар иккала отам ҳам кўп ишлаганларига қарамай, мен уларнинг бири пул масаласида гап кетганда  
ўз миясими машқ қилдира бошлини, иккинчиси  
эса одатда ғафлат бостиришини пайқардим. Охири  
улардан бири молиявий томондан омади юришиб кетди,  
иккинчиси эса омадсизликка учради. Мунтазам  
равишда тренажёр залига борадиган ёки кун бўйи  
диванда ўтириб телевизор кўрадиган одамлар ҳам  
хўдди шу холга тушадилар. Жисмоний машқлар,  
улар билан керакли тарзда шугулланадиган бўлса  
инсоннинг соглом бўлишига ёрдам беради, ақлий  
машқлар – бадавлат бўлишига. Дангасалик кишини  
соғлиғидан ҳам, бойлигидан ҳам жудо қиласди.

Оталарим мутлақо турли қарашларга амал  
қиласдилар. Бири бадавлатлар омадсизларга ғамхўр-  
лик килиш учун кўпроқ солиқ тўланин керак, деб  
хисобларди.

Иккинчиси эса: "Солиқлар – ишлаётганлар учун  
жазо, хеч нарса ишлаб чиқармайдиганлар учун муко-  
фотдир", – дер эди.

Бир отам: "Кунт билан ўқи ва сен яхши компа-  
нияда ишлай оласан", деб маслаҳат берарди.

Иккинчиси эа: "Кунт билан ўқи ва сен яхши  
компания сотиб оласан", – дер эди.

Бир отам: "Мен бадавлат эмасман, чунки менинг  
сиз, болаларим бор", – дер эди.

**Иккинчиси эса:** “Мен бадавлат бўлишим керак, чунки менинг сиз, болаларим бор”, – деб ҳисобларди.

Бири пул ҳақида ва тушлик устида ишлар ҳақида гапиришни яхши қўрарди. Иккинчиси эса овқат устида пул ҳақида гапиришни таъкидларди.

Бири: “Пул билан эҳтиёткорона харакат қил, таваккал қилма”, – деб таъкидларди. Иккинчиси “Таваккалчиликни бошқаришни ўрган” – дер эди.

Бири: “Уйимиз – бизнинг энт катта сармоямиз” – деб ҳисобларди. Иккинчиси “Агар уй - сармоя бўлса, инсоннинг жиддий молиявий муаммолари бўлади”, – деб гапиради.

Искаласи ҳам тўловни вақтида киларди, лекин биттаси буни биринчи бўлиб, иккинчиси охирги бўлиб бажаради.

Бири компания ёки давлат доимо у ҳақда ғамхўрлик қилади деб ҳисобларди. У ҳамиша маошларнинг ошиши, пенсия жамгармалари, тиббий имтиёзлар, касаллик варакалари, таътиллар ва шунга ўхшаш нарсаларга қизиқарганди. Унда икки амакисининг йигирима йил армия хизматидан сўнг барча имтиёзлар билан истеъфога чикканлиги катта таасусурот қолдирди. Унга армия ўз истеъфодагиларига тиббий имтиёзлар ва маҳсус дўконларда чегирмалар бериши ёкарди. У университетдаги лавозимларда ўтирганидан кувончда эди. Баъзан унинг учун умрбод ишли бўлиш ва имтиёзлар ишининг ўзига нисбатан муҳимроқдек туюларди. У тез-тез: “Мен давлатга кучимни аямай ишлайпман ва мен бу имтиёзларга муносибман”, – дер эди. Иккинчиси эса тўлиқ молиявий мустакилликка ишонарди. У одамларни заиф ва қашшок қиласиган “имтиёзлар” менталитетига қарши эди. У инсонга молиявий билимдонлик зарурлигини таъкидларди.

Бир отам қийинчилик билан бир неча доллар жамғара оларди. Иккінчіси эса ҳамиша пулини сармоя сифатида ишлатарди.

Бири менга яхши иш топишим учун катта резюме ёзишни ўргатди. Иккінчіси эса бошқаларни иш билан таъминлай оладиган оқилона бизнесни ва молия режаларини тузишни күрсатиб берди.

Хар иккала отамнинг таъсири менга инсон ҳәётинга унинг дунёқараапи қандай таъсир өтишини күрсатди. Мен инсон фикри унинг ҳәётини шакллантиришини пайқадим.

Масалан, камбағал отам доимо: “Мен ҳеч қаңон бадавлат бўлмайман”, – дерди. Бу башорат тасдиқланди. Бадавлат отам эса хар доим ўзини бадавлат деб хисобларди. У: “Мен бадавлатман, бадавлатлар эса бундай қилмайдилар”, – деб айтарди. Катта молиявий муваффакиятсизликдан кейин банкрот бўлганида ҳам ўзини бадавлатман дейишда давом этарди. У буни шундай тушунтиради: “Камбағаллик ва банкротлик” ўртасида фарқ бор: иккінчisi вақтинча, биринчisi бир умрга”.

Менинг камбағал отам тез-тез: “Мени пул қизиқтирмайди” ёки “Гап пулда эмас”, – деб таъкидларди.

Бадавлат отам: “Пул – ҳокимиётдир”, – деб айтارди.

Фикрларимиз амалда қандай кучта эга эканлигини ким билади? Уларнинг муҳимлигини болалигимдан тушуниб етганман. Менинг камбағал отам шунча маош топганлиги учун эмас (у оз пул ишлаб топмасди), у шундай фикрлаб ҳаракат қилганлиги учун камбағаллигини билиб олдим. Икки отам борлиги учун ёш болалигимдаёқ синчиклаб танлашга, қайси фикрларни ўз фикрларимга айлантиришни танлашга

ҳаракат қилардим. Кимга қулоқ солсам экан – бадавлат отамгами, камбағалигами?

Уларнинг ҳар иккиси ҳам таълим ва ўқишига зарур ҳурмат билан муносабатда бўлсалар ҳам, нимани ўрганиш мухимлиги борасида фикрлари турлича эди.

Бири менинг яхши ўқишимни, олий маълумот олишишими ва пул ишлаш учун яхши иш топишимни истарди. У мени адвокат, бухгалтер ёки менежер бўлишишми хоҳларди. Иккинчиси менга бадавлат бўлишиши, пул кандай ишлашини билиш ва уни ўзимга ишлашга мажбур килишини ўрганишимни маслаҳат берарди. “Мен пул учун ишламайман”, – тез-тез такрорларди у, – “пул менга ишлайди”.

Тўққиз ёшимда бадавлат отамдан пул нималигини ўрганишга қарор қилдим. Мен, унинг илмий унвонлари ва даражаларига қарамай камбагал отамнинг маслаҳатларини эмас, бадавлат отамнинг таълимини афзал кўрдим.

### **Роберт Фростнинг менга берган сабоги**

Роберт Фрост – севимли шоирим. Унинг кўп шеърлари менга ёқса-да, бу – энг севимлиси. Унинг сабогидан ҳар куни фойдаланаман.

### **БОШҚА ЙЎЛ**

Куз ўрмони айирмиш йўлда,  
Бурилишда туриб ўйланар эдим,  
Йўл иккита эди, дунёчи кенг-да,  
Лек иккига бўлинолмас эдим,  
Зарур эди бир қарорга келишим.

Мен ўнгга кеттан йўлни танладим,  
Бурилгач чангалзорда йўқолиб қолдим.  
Оёқ босилмаган йўл эканими ё,  
Ўт босган кўринар эди у қўпроқ,  
Асли иккиси ҳам ўт босган эди.

Икки йўл алдарди кўзни қувнатиб,  
Омонат барглари қуруқ ва сариқ,  
Бошқасини заҳирата қолдирдим.  
Ўша заҳоти ақлим етса ҳам  
Қайтиб келиш имкони бўлиши душвор.

Мен яна қачондир эсларман ҳам  
Бу узоқ ўрмоннинг эрта тонгини:  
Олдимда бошқа йўл ҳам бор эди-ку,  
Лекин мен ўнгга жуда ошиқдим –  
Ва бу ҳаммасини ҳал килди гўё.

(1916)

Ва мен ҳаммасини ҳал килдим гўё...

Мен бот-бот бу шеър хусусида фикрлардим.  
Билимдон отамнинг фикрини рад этиш бўйича қарор  
қилиш жуда мураккаб кечди, лекин бу ҳаётимда ҳал  
килувчи омил бўлди.

Шундан сўнг менинг молиявий таълим олишим  
бошланди. Пул келиб-кетади, лекин уни қандай  
фаолият кўрсатишини билсангиз сиз уни бошқара  
оласиз ва бойиб кетасиз. Ижобий фикрлашнинг ўзи  
кифоя эмас, чунки қўпчилик одамлар мактабдан пул  
ҳақида ҳеч қандай билим олиб кетмайдилар ва бир  
умр пулга ишлайдилар.

Машғулотларим бошланганда, мен атиги тўққиз  
ёшда бўлиб, бадавлат отамнинг дарслари ўта содда

эди. Мохиятан у менга ўттиз йил давомида ўргатгандарини олти дарсда баён этиш мумкин.

Бу китобда улар бадавлат отам қачонлардир менга ўргатгандай содда ифодаланган. Уларда саволларга жавоблар эмас, бизнинг ўзгарувчан ва иотинч дунёмида сиз ва болаларингиз бадавлат бўлишларига аскотадиган асосий тамойиллар, умумий кўрсатмалар жамланган.

**Биринчи дарс:** Бадавлатлар пул учун ишламайди.

**Иккинчи дарс:** Молиявий саводхонлик нимага керак?

**Учинчи дарс:** Ўз ишингизни бошланг.

**Тўртинчи дарс:** Соликлар қандай пайдо бўлган ва корпорацияларнинг афзаллиги нимада?

**Бешинчи дарс:** Бадавлатлар пулни ихтиро килади.

**Олтинчи дарс:** Пул учун эмас, тажриба учун ишланг.

**БИРИНЧИ ДАРС:**

**БАДАВЛАТЛАР ПУЛ УЧУН  
ИШЛАМАЙДИ**

**II БОБ**

- Ота, қандай қилиб бадавлат бўлиш мумкин?
- Отам кечкурунги газетани олиб кўйди.
- Нега сен бадавлат бўлмокчисан?
- Чунки бугун Жиммининг онаси ўзининг янги “Кадиллак”ида келиб, оиласини дам олиш кунларига пляж уйчага олиб кетди. Жимми уч дўстини ўзи билан олди, Майк билан мени таклиф қилмади. Бизни “камбағал” бўлганимиз учун олишмади, деб айтишди.

- Ростданми? - ишонмади отам.

- Ҳа, рост, - жавоб бердим хафалик билан.

Отам жимгина бошини сарак-сарак қилди, қаншаридаги кўзойнагини тўғрилаб яна ўқишга берилди. Мен у нима деб жавоб бераркин деб кутиб турдим.

1956 йил эди. Тўккиз ёшда эдим. Шундай бўлдики, бадавлат ота-оналарнинг фарзандлари билан бир мактабга борардим. Шаҳарчамиз шакаркамиш плантацияси ўрнида пайдо бўлган. Плангация бошқарувчилари ва бошқа омади чопган ахоли - врачлар, бизнесменлар ва банкирлар ўз болаларини дастлабки олти йилга шу мактабга берардилар. Олтинчи синфдан кейин уларни одатда хусусий мактабларга кўчирадилар. Оиламиз кўчанинг мактабга қарашли томонида яшаганлиги учун мен у ерга борардим. Агар биз нариги томонда яшаганимизда, фаровонлиги оиламизга якироқ бўлган оилалар фарзандлари ўқийдиган мактабга юборишган бўлар эди. Олтинчи синфдан кейин мен ҳам, бу болалар ҳам давлат мактабида ўқишни давом эттирас эдик. Биз учун хусусий мактаб йўқ эди.

Нихоят отам газетани суриб кўйди. Унинг мулоҳаза қилаётганлиги кўриниш турарди.

- Яхши, ўғлим, - сеқингина гап бошлади у, - агар бойиб кетишни хоҳлаётган бўлсанг, пул топишни ўрганишинг керак.

- Пул қандай қилиб топилади? - сўрадим мен.

— Ўйлаб кўр, — кулимсиради у. Бу эса ҳақиқатда “Бошқа сенга ҳеч нарса демайман”, ёки “Мен жавобини билмайман, мени боши берк кўчага киритма” деган маънони англатарди.

### **Биринчи ҳамкорлик**

Эртаси куни эрталаб отам билан бўлган сухбат ҳақида энг яқин дўстим Майкка айтиб бердим. Майк ва мен бу мактабдаги бирдан-бир камбағал оиланинг болалари эдик. У ҳам айнан мен каби тақдирнинг ғалати инжиқлиги туфайли шу мактабга келиб қолганди. Кимдир мавзейизда мактаблар чегарасини белгилаганда биз бадавлатлар учун мактабга тусиб колдик. Аслида биз камбағал ҳам эмас эдик: фақат бадавлат болаларда янги бейсбол қўлқоплари, янги велосипедлар – ҳаммаси янги бўлганлиги учун шундай туюларди.

Онам ва отам бизга зарур ҳамма нарсани муҳайё қиласидилар: озиқ-овқат, турар-жой, кийим-бош. Ундан кўп эмас. Отам кўпинча: “Бирон-бир нарсани кўнглинг тусаса, ишлаб толишинг керак”, – дер эди. Биз кўп нарсани ҳоҳлардик: лекин тўқиз ёшли ўғил болаларга кўп иш беришармиди?

– Қандай қилиб пул топамиз? – сўради Майк.

– Билмайман, – жавоб бердим мен. – Менга шерик бўлишни истайсанми?

У рози бўлди, ўша шанба тонги менинг биринчи бизнес-ҳамкорим пайдо бўлди. Эрталаб пул топиш бўйича режалар туздик. Баъзан Жиммининг пляж-уйчасида қувнаётган “бойваччалар” ҳақида эслардик. Бироз алам қиласиди, лекин бу алам бизни бойиб кетиши йўлларини топишга илхомлантиргани билан жўяли бўлди. Ахийри тушдан сўнг ҳаёлимизга бир фикр келди. Бу ғояни Майк илмий-оммабоп китобчадан ўқиган экан. Биз бир-биримизга шодон имо

қилдик ва ҳамкорларда биринчи хусусий иш пайдо бўлди. Кейинги бир неча ҳафта давомида Майк билан бутун мавзе худудида югурар, қўни-қўшиларнинг уйларини тақиллатиб тиш пастаси тюбикларини бизга қолдиришларини сўрар эдик. Катталар аввал ҳайрон бўлишар, сўнгра табассум билан розилик билдиришарди. Баъзилари нима қўлмоқчи эканимизни сўрашарди. Лекин биз: “Буни сизга айттолмаймиз. Бу – тижорат сири”, – деб жавоб берардик.

Тез орада онам ўзининг кир ювиш машинаси ёнидан хом ашё учун омбор қилганимиздан хавотирга тушиб қолди. Илгари кетчупли шиша сақланган кутида коллекциямиз кўпайиб борарди. Ниҳоят онамнинг тоқати тоқ бўлди. Ифлос ва эзилган тюбикларни кўриш унинг жонига теккан эди.

– Сизлар нима билан шуғулланаяпсиз ўзи? – сўради у. – Қандайдир тижорат сирлари ҳакида гапиришни бас қилинг. Зудлик билан ҳаммасини йўқотинг, бўлмаса уларни ўзим ташлаб юбораман.

Майк ва мен унга ялиниб-ёлворар, хом ашё етарлий иғилгач, тез орада ишлаб чиқаришни бошлиши мизни тушунтирар эдик. Биз унга бир неча қўшиларимиз тюбикларини ишлатиб бўлишини кутаётганимизни, кейин уларни олишимизни айтдик. Онамнинг раҳми келиб яна бир ҳафта муҳлат берди.

Ташки вазиятни ҳисобга олиб ишлаб чиқаришни бошлишни тезлаштиришга тўғри келди. Ишбилармон ҳамкорлар биринчи огохлатирини омбордан – менинг ўз онамдан олдилар. Майкнинг мажбуриятига энди қўшиларни пастани ишлатишни чўзмаслик, шунингдек, тиш доктори тез-тез тишларни ювишга маслаҳат берганини эслатиб туриш ҳам кирар эди. Мен ишлаб чиқариш линиясини йига бошладим.

Ажойиб кунларнинг бирида отам бир дўсти билан уй ёнига келиб, ишлаб чиқариш билан банд

Бухгалтерим даҳшат билан кичкириб беркинар, мен эса ҳакиқий аскар каби “Активлар” деб атала-диган қалъамни ҳимоя қилардим.

Камбагалларда заарли одатлар бор. Улардан энг кенг тарқалғанларидан бири: “Ўз жамғармангдан пул олиш мүмкін” деган соддагина номга эга. Бадавлатлар жамғармалар ҳисоб варакларини тўлаш учун эмас, янги пул қилиш учун мавжудлигини биладилар.

Мен бунинг мураккаб бўлиб туюлишини биламан, бироқ ички қатъиятсиз бу оламда ҳамиша курбон бўласиз.

Агар сизга босим ўтказишлари ёқмаса ўзингизга янада самарали формула топинг. Мана бир яхши усул: харажатларни камайтиринг, пулни банкка қўйинг, ўзини оқламайдиган даражада катта соликлар тўланг, ўзаро ёрдам жамғармалари хавфсиз акцияларини сотиб олинг ва ўртаҳол фуқарога айланинг. Тўғри, бунда “аввал ўзига тўлаш” тамойили бузилади.

Бу қоида ўзини қурбон қилиш ёки барча молиявий масалаларда тийилиб туришга олиб келмаслиги керак. Бу аввал ўзига тўлаш, кейин эса “ишлиарни токчага қўйиш”ни англатмайди. Ҳаёт бизга ундан лаззатланиш учун берилган. Молиявий истеъоддинизни ишга солсангиз сизга ҳаётнинг барча қувончлари ҳамроҳ бўлади. Сиз хеч нимани рад этмай бойиб кета оласиз ва ҳисоб варакларини тўлайсиз. Бу ҳам молиявий топқирлиқдир.

**6. Яхши маслаҳатчилар топиш малакаси.** Ўз касбининг усталаридан пулни аяманг. Уй олдиларида тез-тез эълон кўрамаи: “Воситачисиз сотилади”.

Бадавлат отам мени мутлақо бошқача ҳаракат қилишга ўргатди. У касб усталарининг меҳнатига ях-

**Кичкина болғача билан қолипнинг икки кисмини боғлаган жойига уриб юкори қисмини ечиб олдим. Қолипдан танга тушди.**

— Эй худойим! — хитоб қилди отам. — Сиз жездан танга ясаяпсиз экан-да!

— Тўппа-тўғри! — жавоб берди Майк. — Биз ҳамма ишни сиз айтгандек қилаяпмиз.

**Отамнинг дўсти унга қайрилиб каттиқ кулиб юборди. Отам кулимсираб бош чайқади. У ёнаётган ўчоққа, ишлатилган тиш пастаси фойдаланилган тибиклару, оппоқ чангга беланган ўз-ўзидан мамнун икки болакайга нигоҳ ташлади.**

**Отам ишимизни ташлаб у билан уйимизнинг эшиги олдида ўтиришимизни сўради. У чидам билан сохта пул чиқарувчилар кимлигини гушунтирди.**

Орзуларимиз чил-чил бўлган эди.

— Сиз бу ноконуний демокчимисиз? — титрок овоз билан сўради Майк.

— Ўйнайверишин, - деди отамнинг дўсти.

— Балки уларнинг туғма таланти бордир, - отам унга жаҳл билан қаради.

— Албатта, бу ноконуний, - аста гап бошлади у.

— Лекин сиз болалар, ўзингизнинг ижодий қобилият ва ажойиб фикрлашингизни намойиш қилдингиз. Шу аснода давом этинг. Сизлар билан чинданам фахрланаман!

**Майк билан йигирма дакиқа чамаси хафаҳол ўтирилик, кейин эса йиғишира бошладик. Ишлаб чиқариш ҳам корхона очилган куни тугади. Кукунни тўплаб туриб Майкка караб дедим:**

— Жимми ва унинг дўстлари ҳак бўлсалар керак. Биз камбағалмиз.

Отам бу пайт кетаётган эди.

— Болалар, — деди у, — сиз таслим бўлсангизгина камбағал бўласиз. Мухими — сиз нимадир

қилдингиз. Кўп одамлар шунчаки бойиб кетишлари тўғрисида гапирадилар ва орзу қиласидилар, холос. Сиз эса бунииг учун нимадир қилдингиз. Яна тақрор айтаман: сизлар билан фахрланаман. Тўхтаманглар, курашни давом эттиринглар.

Майк билан индамай турардик. Буни эшитиш ёкимли эди, лекин нима қилишимиз керак?

– Нимага сиз бадавлат эмассиз, ота? – сўрадим мен.

– Чунки мен ўқитувчи бўлишга қарор қилгандим. Ўқитувчилар бойиб кетишни ўйламайдилар. Биз шунчаки ўқитишни ёқтирамиз. Сизларга ёрдам бергим келади, лекин ҳақиқатда қандай пул қилишни билмайман.

Биз Майк билан ҳовлини тозалашга қайтдик.

– Биласизларми, – давом этди отам, – агар бадавлат бўлишни истасангиз мендан сўраманг. Майкнинг отасининг ёнига боринглар.

– Менинг отамнинг ёнигами? – ҳайрон бўлди Майк.

– Ҳа, сенинг отангни ёнига, – жавоб берди отам қулимсираб. – Бизнинг банкиримиз бир, у отангнинг ишларидан боши осмонда. Менга кўп бор Майкнинг отаси пул топишни яхши билади деб айтган.

– Менинг отам-а? – ишонмади Майк. – Ундей бўлса нега мактабдаги бадавлат болаларга ўхшаб ҳашаматли машинамиз ва катта уйимиз йўқ?

– Ҳашаматли машина ва катта уй – сенинг бойлигинг ёки пул топишни билишинг алмати эмас, – жавоб берди отам. – Жиммининг отаси шакарқамиш плантациясида ишлайди. Уни мендан фарки кам. У – компанияга, мен эса давлатга ишлайман. Компания унга автомобиль олиб берди. Аммо бу плантацияда хозир молиявий муаммолар мавжуд ва тез орада Жиммининг отасида хеч вақо қолмайди. Сенинг

**О**танг эса, Майк, бундай эмас. У назаримда ўзининг хусусий империясини барпо этмоқда ва бир неча йилдан сўнг у жуда бадавлат одам бўлади.

Бу сўзлар Майк иккаламизни янада кизиқтириб юборди. Янги куч билан биринчи кўшма корхонамиз асоратларини тозалашга тушдик хамда Майкнинг отаси билан қандай ва қаерда гаплашишни муҳокама қила бошладик. Муаммо шунда эдики, у кўп ишлар ва уйга жуда кеч кайтарди. Унинг қарамогида омборлар, қурилиш компанияси, дўконлар тармоги ва учта ресторани бор эди. Ресторанлар туфайли у кеч қоларди.

Ҳаммасини йигиштириб олганимиздан кейин Майк автобусга ўтириб уйига жўнади. Ўша куни кечқурун у отаси билан гаплашиб бадавлат бўлишни ўргатиш-ўргатмаслигиии сўрамоқчи эди. Жуда кеч бўлса ҳам Майк гаплашиб бўлиб, кўнғироқ килишга ваъда берди.

Телефон саккиз яримда жиринглади.

— Бўти, — дедим мен, — кейинги шанбада, — ва гўшакни кўйиб кўйдим. Майкнинг отаси учрашиш ва биз билан гаплашишга рози бўлганди.

Шундай қилиб, шанба тонги соат етти яримда шаҳарнинг камбағал мавзесига борадиган автобусга ўтирдим.

### **Дарслар бошланаяпти**

“Мен сизларга соатига ўн центдан тўлайман”. Бу 1956 йил ўлчови билан ҳам кулгили эди. Майк ва мен унинг отаси билан ўша тонг саккизда учрашдик. У аллакачон банд бўлиб, бир соатдан ортиқ ишлайтган эди. Мен уларнинг оддий, чоғроққина ва шинам уйларига якинлашганимда уйдан қурилиш бошлиғи ўтирган пикал жўнаётган эди.

– Отам телөфонда гаплашыпти ва бизга орқа уй олдида кутишни буюрди, –деди у эшикни қаршимда очар экан.

Мен остона ҳатлаб бу эски уйнинг гичирлайдиган полини босдим. Кираверишда арzon пол латта ётарди. У сонсаноқсиз изларни беркитарди. У тоза бўлишига қарамай янги эмасди. Мен тоза залга кирганимда, уни ҳозир антиквариат хисобланадиган эскирган юмшоқ мебелга тўлалигини кўриб **клаусстрофобия<sup>5</sup>** ни ҳис қилдим. Диванда онамдан ёши каттароқ икки аёл ўтиради. Уларнинг рўпарасида коржома кийган эркак турарди. Уларнинг эгнида астойдил дазмолланган, лекин крахмалланмаган, рангли кўйлак бўлиб, иш ботинкалари тоза эди. У отамдан чамаси ўн ёш катта бўлиб, қирқ беш ёшларда эди. Уларнинг бари Майк билан менга олдиларидан ошхонага, у ердан орқа жовлига олиб чикадиган эшик олдига чикканимизда қулимсирадилар. Уларга жавобан уялиб табассум қилдим.

– Булар кимлар? – деб сўрадим.

– А, улар отамнинг қўлида ишлашади. Эркак омборлар мудири, аёллар ресторон бошқарувчилари. Пикапдаги киши эса бу ердан етмиш километр узоқда йўл қурилиши билан шуғулланади. Уй қурадиган иккинчли эса қелгунимизгача жўнаб кетди.

– Бу ерда ҳар доим шунака бўладими? – ҳайрон бўлдим мен.

– Ҳар доим эмас-ку, лекин тез-тез, – жавоб берди Майк қулимсираб стул суреб, ёнимга ўтирад экан. – Мен ундан бизга пул топишни ўргатадими, йўқми, сўрадим.

– У бунга нима деб жавоб берди? – эхтиёкорона кизиқдим.

---

<sup>5</sup> Тор жойда қулфланиб қолишдан (аклга сизмайтиган) кўрқиши.

— Аввалига у менга ғалати каради, сўнгра таклифи борлигини айтди.

— Шунақами, — стулнинг икки орка оёғида тебраниб девор томонга суюндим.

Майк ҳам шундай қилди.

— Бу қандай таклиф эканини биласанми? — сўрадим мен.

— Йўқ, лекин тез орада билиб оламиз.

Тўсатдан омонат эшик кескин очилиб, Майкнинг отаси чиқиб қолди. Биз ўрнимиздан туриб кетдик — хурмат юзасидан эмас, кутилмаганлигидан.

— Болалар, тайёрмисиз? — сўради Майкнинг отаси ва биз билан ўтириш учун стул олди.

Биз стулларни девордан суриб унинг рўпарасига жойлашар эканмиз, бош иргадик. Бу 180 сантиметрдан баландроқ бўйли, вазни 90 килограмм бўлган салобатли киши эди. Отам ундан бўйдоррок бўлиб, вазни ҳам деярли шунча эди ва Майкнинг отасидан 5 ёш каттароқ эди. Улар турили ирқларга мансуб бўлсалар-да, сал-пал ўхшаш эдилар. Балки бу уларнинг серғайратлигидандир.

— Майк сизни пул топишни ўрганишни хоҳлайди, деб айтди. Шунақами, Роберт?

Мен дарҳол хавотир аралаш бош иргадим.

Унинг жушмуомата сўзлари ва табассуми замира иде катта куч борлиги кўриниб турарди.

— Демак, мана нимани таклиф киласман. Мен сизларга ўргатаман, лекин мактабдагидек эмас. Менга ишлайдиган бўлсаларинггина ўргатаман. Агар ишламасаларингиз — ўргатмайман. Ишласангиз, тезроқ ўргатаман, агар мактабдагидек ўтириб эшитишни хоҳласангиз, беҳуда вакт сарфлаган бўламан. Шуменинг таклифим. Хоҳланг — рози бўлинг, хоҳланг — йўқ.

— Сўрасам майлими? — бошладим мен.

- Йўқ. Хоҳланг – рози бўлинг, хоҳланг – йўқ, –деди у. – Вактимни бекорга кетказишни истамайман! Агар сиз тезроқ қарор қабул қила олмасангиз, барибир пул топишни ўргана олмайсиз. Имкониятлар пайдо бўлади ва йўқ бўлади. Агар тезда қарор қабул қила олсангиз, бу жуда яхши. Мана, ахтариб юрган имкониятингиз пайдо бўлди. Ўргатиш бошланади ёки ўн сониядан сўнг тугайди, – деди Майкнинг отаси захарханда кулги билан.

– Мен розиман, – дедим мен.

– Мен ҳам, – деди Майк.

– Яхши, – жавоб берди Майкнинг отаси. - Ўн дакиқадан кейин Бу ерда миссис Мартин ҳозир бўлади. У билан гаплашиб бўлганимдан кейин у билан бирга ўз-ўзига хизмат дўконимга бориб, ишга киришишларингиз мумкин. Сизларга соатига ўн центдан тўлайман ва сиз ҳар шанба уч соат ишлайсизлар.

– Бугун бейсбол ўйиним бор-ку, – хитоб қилдим мен.

– Хоҳланг – рози бўлинг. Хоҳланг – йўқ, – деди у бу сафар янада қатъийлик билан.

– Розиман, – жавоб бердим мен, бейсбол ўйнаш эмас, ўқиш ва ишлашга қарор қилиб.

## Үттиз центдан кейин

Шаша ажайиб шанба тонги соат түккизда биз миссис Мартиннинг қўл остида ишлай бошладик. У сабрли ва оқкўнгил аёл эди. У бизга доимо Майк ва мен унинг улғайиб бу ердан кўчиб кетган икки ўғлини эслатишимизни айтарди. Рости, оқкўнгиллигига қарамай, у кўп ишлашимиз лозим, деб ҳисобларди ва бизга хар доим иш топиб турарди. Уч соат мобайнида биз токчалардан консерва банкаларини тушириб, патли супургига хар бирининг чангини тозалар, сўнгра тартиб билан уларни жойига қўяр эдик. Бу ўта зерикарли иш эди.

Майкнинг мен “бадавлат одам” деб атайдиган отасининг катта авто тўхташ жойига эга тўккизта ўзига-ўзи хизмат қилиш дўкончалари бор эди. Бундан якин атрофда яшайдиган одамлар сут, нон, ёғ ва сигаретлар сотиб олишлари мумкин эди. Афусски, Гавайида хаво кондиционерлари йўқ бўлиб, дўкон эшиклари хаво иссиқ бўлганлиги учун ёпилмасди. Эшикларнинг икки табакаси ланг очиб кўйиларди. Машина ўтса ёки тўхтаса, дўконни чанг бўрони қопларди. Бу дегани кондиционерлар пайдо бўлгунча Майк иккимиз иш билан таъминланганигизни билдиради.

Қаторасига уч хафта Мартин хонимнинг ёнига келиб, уч соатдан ишладик. Кун ярмида ишимиш тугар ва у бизга учта танга берарди. 1956 йилда ҳам ўттиз цент катта пулга ўхшамасди. Комикслар китоби ўшанда ўн цент турарди, мен ўз маошимни комиксларга ишлатиб, уйга жўнар эдим.

Тўртинчи хафтанинг чоршанба кунига келиб мен ҳаммасини ташлашга рози эдим. Чунки Майкнинг отасидан пул топишни ўрганишни истаганим учунгина ишлашга рози бўлгандим. Энди эса соатига ўн

цент оладиган кулга айландим. Боз устига ўша биринчи шанбадан бери Майкинг отасини бирон марта хам кўрмадим.

— Мен кетяпман, — маълум қилдим Майкка тушлик танаффусида. Мактаб ошхонасидаги тушлик кўнгил айнитарди. Ўқиш жуда зерикарли эди, устигаустак севимли шанбадан ҳам айрилган эдим. Биророк, бу ўтиз цент учун ишлаш мени айникса хуноб қиласарди.

Майк жилмайди.

— Нега куляпсан? — жаҳлим чиқди.

— Отам шундай бўлади деганди. У кетишга тайёр бўлганингда у билан учрашишинг кераклигини айтганди.

— Нима? — ғазаб билан сўрадим. — У иш менинг жонимга теккунча кутдими?

— Умуман олганда ҳа, — жавоб берди Майк. — Отам ҳаммага ўхшамайди. У сенинг отангга ўхшаб ўргатмайди. Ота-онанг кўп гапиради. Менинг отам эса суқут саклаш ёки кам гапиришни афзал кўради. Сен шанбагача кут. Мен унга тайёрлигингни айтаман.

— Сең бу атайлаб уюштирилган, демоқчимисан?

— Атайлаб уюштирилмаган-ку, лекин шунга ўхшашроқ. Шанба қуни отам ҳаммасини тушунтириб беради.

### Шанба навбати

Мен у билан гаплашишга тайёр эдим. Ҳакиқий отам ҳам ғазабга келган эди. Мен “камбағал” деб атайдиган ҳакиқий отам бадавлат отам бола меҳнати тўғрисидаги қонунни бузәётганлиги учун уни судга бериш керак, деб хисобларди.

Отам менга ўзим лойиқ, яъни ҳар соатига йиғирма беш центдан кам бўлмаган маошни талаб қи-

лишимни маслаҗат берди. У менга маошимни оширишмаса, ишни даржол ташлашим кераклигини айтди.

“Бу лаънати иш ўзи сенга нимага керак?” – дея жаҳл билан қўшиб қўйди у.

Шанба куни эрталаб соат саккизда Майклар уйининг ғичирлайдиган эшиги очилди.

– Ўтиргин-да, навбат кутиб тур, – деди Майнинг отаси кириб борганимда. У бурилиб ётоқхона ёнидаги кичик иш хонасида ғойиб бўлди.

У ёқ-бу ёқка қарадим: Майк ҳеч қаерда қўринмасди. Мен тўрт ҳафта бурун ҳам шу ерда бўлган икки аёлнинг ёнига омонат ўтиредим. Улар жилмайганча, менга қулай бўлиши учун четга сурилишди.

Қирқ беш дақиқа ўтди, сабр косам тўлаёзанди. У ҳар икки аёлни қабул қилиб, ярим соат оддин жавоб берганди. Қандайдир бир нуроний жаноб келиб, унинг олдида йигирма дақиқача бўлиб, кетишга ҳам ултурганди.

Уй бўш эди, Гавайининг бу ажойиб кунида мен, рутубатли залда болаларни ишлатадиган хасис билан гаплашиш учун кутиб ўтирас эдим. Унинг хонасида юраётганини, телефонда гаплашаётганини эшитдим, бироқ у мен ҳақимда эсламасди. Мен ўрнимдан туриб кетишга тайёр бўлсам-да, негадир ҳамон жойимда эдим.

Нихоят, яна ўн беш дақиқадан сўнг ролпа-роса соат тўққизда бадавлат отам жимгина хонасидан чиқиб, менга қўл силтади.

– Тушунишмча, сен маопни оширишимни истайсан, акс холда ишни ташлайсан, – деди у ўзининг айланма креслосида у ёқдан бу ёқка тебранганича.

– Шартноманинг ўзингизга тааллукли кисмини бажармаяпсиз-ку! – бидирладим йиғлагудек бўлиб. – Тўққиз ёшли бола учун катта одам билан баҳслашиш

ҳакиқатдан қўрқинчли эди. – Сиз менга агар сизга ишласам ўргатаман, деб айтгандингиз. Мен сизга ишладим. Сизга ишлаш учун бейсболдан воз кечдим. Сиз эса сўзингизда турмадингиз. Менга ҳеч нарса ўргатмадингиз. Шаҳарда жамма сизни товламачи дейиши ҳам рост. Сиз зикнасиз. Сизга факат пул керак, сиз учун ишлаётганларни ўйламайсиз. Мени кутишга мажбурлаб, журмат қилмаслигингизни билдиридингиз. Мен шунчаки кичкина боламан, лекин бундан яхшироқ муомалага лойиқман.

Бадавлат ота ўзини орқага ташлаб, қўли билан иягини ушлаганча менга тикилди. Унинг қараши синчков эди.

– Ёмон эмас, – деди у, – бир ой ўтмасдан кўпчилик ходимларимга ўхшаб гапирадиган бўлиб қолибсан.

– Нима? – Мен у нима деётганини тушунмас ва зорланишда давом этардим. – Мен шартноманинг ўзингизга тегишли кисмини бажарасиз ва менга ўргатасиз, деб ўйлага ндим. Сиз бунинг ўрнига мени кийнамокчи бўлдингизми? Бу – шафқатсизлик. Бу – чиндан ҳам шафқатсизлик.

– Лекин мен сенга аллақачон ўргатяпман-ку! – мулойим жавоб берди бадавлат ота.

– Менга нимани ўргатдингиз? Ҳеч нарса! – дедим жаҳлим чиқиб. – Сизга деярли текинга ишлашга рози бўлганимдан буён бирон марта мен билан гаплашмадингиз. Соатига ўн цент! Ҳа. Мен тегишли жойга хабар беришим керак эди. Маълумотингиз учун, бизда болалгар меҳнати тўғрисида қонун бор. Ҳа, айтгандай, менинг отам давлат ишида ишлайди.

– Эҳ-хе! – деди бадавлат ота. – Энди сен кўпчилик собиқ ходимларимдек гапиряпсан. Уларни ё ўзим бўшатганман, ё ўзлари кетган.

– Бу билан нима демоқчисиз? – давом этдим.  
**Мен** шу тобда кичкина бола учун ҳаддан зиёд довюрақ бўлиб қолган эдим. – Сиз мени алдадингиз.  
Мен сизга ишладим. Мени ҳеч нимага ўргатмадингиз.

– Сени ҳеч нимага ўргатмаганимни қаердан биласан? – пинагини бузмай сўради бадавлат отам.

– Сиз бирон марта мен билан гаплашмадингизку! Ишдаётганимга уч ҳафта бўлди, лекин сиз мени ҳеч нимага ўргатмадингиз.

Лунжим осилди.

– Ўргаттнда албатта насиҳат ўқилади ёки гапирилдими? – сўради бадавлат ота.

– Ҳа-да – жавоб бердим.

– Сени мактабда шундай ўргатишади, – кулимсираб жавоб берди у. – Лекин ҳаёт бундай ўргатмайди, мен ҳаёт – энг яхши муаллим, деган бўлардим. Ҳаёт сен билан деярли ҳеч қачон гаплашмайди. У сени дўпослайди, баъзан бу ёндан, баъзан у ёндан. Ҳар бир зарба – “Уйғон! Мен сен баъзи нарсаларни тушуниб олишингни истайман!” – деяётган ҳаётнинг ўзидир.

“Нима ҳақда гапирияпти?” –хаёлан сўрадим ўзимдан. Ҳаёт мени дўпослаганда, мен билан гаплашадими? Энди ишни ташлашимга ишончим комил эди. Мен ҳозир жиннихонага юборишим керак бўлган одам билан гаплашар эдим.

– Агар сен ҳаёт сенга ўргатадиган нарсаларни ўргансанг, ҳаммаси яхши бўлади. Бўлмаса, ҳаёт сени дўпослашда давом этади. Одамлар одатда шу иккита йўлдан бирини ташлашади: ҳаёт уни эзғилаб ташлашига йўл кўядилар ёки жакллари чикиб, унга қаршилик қила бошлайдилар. Аммо улар бошлиқка, ишга, эр ёки хотинга қаршилик киладилар. Улар

ўзларини тайин бир одамлар әмас, ҳаёт дўппослаёт-  
ганини тушунмайдилар.

Мен ҳеч нарсага тушунмадим.

– Ҳаёт ҳаммамизни дўппослайди. Баъзилар тас-  
лим бўлишади. Бошқалари курашадилар. Шундайлар  
хам борки, улар сабокни ўзлаштириб, олга юради-  
лар. Улар ҳаёт жазоласа суюнадилар. Улар учун бу  
яна қандайдир бир янги нарсани билиш зарурлигини  
англатади. Улар ўрганадилар ва олға ҳаракат қила-  
дилар. Уларнинг аксарият кисми шунчаки таслим  
бўлади, сенга ўхшаган айримлари эса курашадилар.  
Агар сен шу сабокни ўзлаштиранг, доно бўлиб ул-  
ғаясан, бадавлат ва бахтли, навқирон бўласан. Бўл-  
маса, бир умр барча қўнгилсизликларингда иш, ма-  
оци, бошлиқни айблайсан. Умр бўйи барча пул билан  
боғлиқ муаммоларингни хал қиласидиган мўъжизага  
умид қиласан.

Бадавлат ота менга ҳали ҳам эшитяптими-йўқми,  
деб ишонч ҳосил қилиш учун караб кўйди. Унинг  
кўзлари менинг кўзларим билан учрашди. Биз бир-  
биримизга тикилар, нигоҳимизда ўйларимиз зоҳир  
эди. Нихоят, унинг охирги сўзларини англагач, кў-  
зимни олиб кочдим. Мен у ҳақлигини тушундим.  
Мен уни айблардим ва чиндан ҳам менга ўргатиш-  
ларини истардим. Мен курашардим.

Бадавлат ота давом этди:

– Ёки агар сенинг ўзагииг бўлмаса, ҳаёт қачон  
босим ўтказса, ҳар сафар таслим бўласан. Агар сен  
шундай одам бўлсанг, бир умр ҳамма нарсани қоида  
асосида тўғри қиласан, ўзингни ҳеч қачон юз бермайдиган  
иш учун асраб юраверасан. Охири эзма чолга  
айланасан. Сенинг қўплаб дўстларинг бўлади, улар  
сени яхши кўрадилар, ажойиб ва ишchan йигит  
бўлганлигинг учун. Бир умр факат қоидалар асосида,  
аниқ ҳаракат қилгансан. Аслида эса сен ҳаёт зарба-

лари таъсирига тушигсан. Ич-ичингдан таваккал ки-лишдан қўрқансан. Аслида ғалаба қозонмокчи бўл-гансан, лекин маглубият қўрқуви ғалаба қувончидан доимо кучлирок чиқкан. Ич-ичингда факат сенинг ўзинггагина бунга журъат қиломаганинг аён бўлади. Сен таваккал килмай ҳаракат килишни афзал қўр-динг.

Кўзларимиз яна учрашди. Биз, то у мен уни тушуниб етганимни кўрмагунча бир-биримизга қараб турдик.

— Сиз мени ҳаёт каби дўпослабсиз-да? — сўра-дим мен.

— Айримлар шундай деб айтарди, — жилмайди бадавлат ота. — Мен сенга шунчаки ҳаёт нималигини кўрсатдим, холос, деб айтган бўлардим.

— Қандай килиб? — ҳали ҳам жаҳл билан, лекин кизиқиши аралаш дедим мен.

— Сизлар мендан пул топишни ўргатишими сўраган биринчи одамларсиз. Менинг бир юз эллик-дан зиёд ҳодимларим бор, лекин уларнинг биронтаси пул ҳакида нима билишимни сўрамаган. Уларга мендан иш ва чек керак, пул ҳакидаги билим эмас. Шу-нинг учун ҳам деярли ҳаммаси ҳаётларининг энг яхши йилларини пул учун ишлаб, кимга ва нимага ишлаётганларини билмай ўтказадилар.

Мен дикқат билан уни эшитиб ўтирадим.

— Шунинг учун Майк менга пул топишни ўрганишини истаганингизни айтганда асл ҳаётга якин бўл-ган курс ўйлаб чиқдим. Мен қўйим тингунча ганири-шим мумкин эди, лекин сиз хеч нимани эшитмас эдингиз. Шунинг учун мен, аввало, ҳаёт сизни дўп-посласин дея қарор қилдим. Мана нима учун сизга атиги ўн цент тўладим.

— Соатига ўн центданга ишлаганимдан қандай сабоқ чиқаришим керак эди? — сўрадим мен. — Сиз-

нинг зикналигингиз ва ходимларни аёвсиз ишлатишингизними?

Бадавлат отам оркага ёнбошлади ва юракдан хоҳолаб кулди. Сўнгра тинчланиб, деди:

— Яхшиси, сен ўз фикрингни ўзгартиришсанг, мени айблама. Агар муаммо менда деб ўйласанг, мени ўзгартиришингга тўғри келади. Агар сен муаммо ўзингда эканлигини тушунсанг, шунда ўзинг ҳам ўзгаришишинг, нимадир билиб олишинг ва акдлироқ бўлишинг мумкин. Дунёдаги кўп одамлар бошқаларнинг ўзгаришини кутадилар, фақат ўзларининг эмас. Мен сенга бошқалардан кўра ўзингни ўзгартириш осонроқ деб айтган бўлардим.

— Тушунмаяпман.

— Ўз муаммоларингда мени айблама, — деди бадавлат отам, сабри тўлаёзиб.

— Лекин сиз мёнга бор-йўғи ўи цент тўляяпсиз.

— Бу сенга қандай сабок бўляпти? — кулиб сўради бадавлат отам.

— Сизнинг зикна эканлигингизни англатяпти, — тиржайдим мен.

— Мана кўрдингми, сен муаммо менда деб хисоблайсан, — жавоб берди бадавлат отам.

— Рости ҳам шу.

— Агар сен шундай ўйлашда давом этсанг, ҳеч нарсани ўргана олмайсан. Агар муаммо менда деб ўйласанг, қандай чоранг бор?

— Мабодо сиз мента кўпроқ тўламасангиз ёки катта ҳурмат билан мунособатда бўлмасангиз, кетаман.

— Яхши гап, — жавоб берди бадавлат ота. — Деярли ҳамма шундай қиласиди. Улар кетиб бошқа иш, яхшироқ имкониятлар ва кўпроқ маош ахтара бошлайдилар, гўёки янги иш ёки катта маош муам-

мони ечадигандай. Кўпчилик ҳолларда бундай бўлмайди.

– Муаммони нима ҳал қиласди? – дедим мен. – Оддийгина шу шўрлик ўн центни олиб қувониш керакми?

Бадавлат ота жилмайди:

– Шундай одамлар ҳам бор. Улар ўзлари ва оиласларида пул масаласида мураккабликлар бўлиши мумкинлигини билиб чек оладилар. Улар шундай йўл тутадилар ва маошларининг ошишини кутадилар, бу муаммоларни ҳал қиласди, деб ўйладилар. Деярли хаммаси бунга кўникади, баъзилари иккинчи ишга киради, у ерда ҳам кичик суммадаги чек оладилар.

Мен ўтирган жойимда полга тикилар эдим. Бадавлат отам менга қандай сабоқ берадиганини тушунга бошлигаңдай эдим. Мени ҳаёт билан таништираётганини англаётгандим. Ниҳоят, бошимни кўтариб саволни такорладим:

– Муаммони нима ҳал қиласди?  
– Мана бу, – деди у аста бошимни тақиллатиб,  
– қулоқларинг орасида жойлашган нарса.

Шу лаҳзада бадавлат отам менга ўзининг ходимлари ва бечора отамдан фарқлайдиган – алал-оқибат уни Гавайидаги энг бадавлат одамлардан бири килган фикрни баҳам кўрди. Айни пайтда менинг олий маълумотли, лекин камбағал отам бир умр пул муаммолари билан курашарди. Бу ҳаётимда ҳал қилувчи фикр бўлди.

Бадавлат отам буни қўп марта такорларди. Мен уни биринчи дарс деб атайман.

“Камбағал ва ўртаҳоллар пул учун ишлайдилар. Бадавлатлар пулларни ўзларига ишлашга мажбур киладилар”.

Ўша күёшли шанба тонги менинг бечора отам ўргатган ҳамма нарсалардан мутлақо янги нұқтаи назарни билиб олдим. Түқкіз ёшимда мен икки кишининг билим беришни хоҳлаётганини күрдим. Ҳар иккиси ҳам ўқишимни исташарди, лекин ҳар хил нарсаларни.

Билимдон отам менга ўз йўлидан боришимни маслаҳат берарди: “Ўғлим, мен сени қуант билан ўқишиңгни, яхши баҳолар олишингни ва сўнгра катта компанияяда яхши иш топишиңгни хоҳлардим. Факат у ерда жуда кўп имтиёзлар бўлиши лозим”. Бадавлат отам эса пул ҳаракатини тушунишимни ва уларни ўзимга ишлашга мажбур кила олишимни истарди. Бу сабокни мен синф хонасида эмас, унинг раҳбарлигига ўзлаштирадим.

Бадавлат отам биринчи дарсини давом этарди.

– Мен сени ўн цент учун ишлашга мажбур килганликларида жаҳлинг чиққанидан хурсандман. Агар жаҳлинг чиқмай, буни хурсанд қарши олганингда эди, сенга ўргата олмаслигимни айтишимга тўғри келарди. Ҳақиқий ўқиш учун куч-қудрат, жўшқинлик, кучли ҳоҳип керак. Жаҳл – бу формулянинг катта кисмидир, зоро жўшқинлик бир вактнинг ўзида нафрат ва муҳаббатдир. Катта маблағ ҳақида гап кетса кўпчилик таваккал қиласликини маъқул кўради. Шунинг учун уларни жўшқинлик эмас, кўркув бошқаради.

– Шунинг учун ҳам улар оз маош тўлайдиган ишга рози бўладиларми? – сўрадим ундан.

– Ҳа, – жавоб берди бадавлат отам. – Баъзилар мени одамларни қаттиқ ишлатади, чунки шакарқамиш плантацияси ёки давлатимиздай маош тўламайди дейишади. Мен эса улар ўзларини аёвсиз ишлатишади, деб хисоблайман. Бу менинг эмас, уларнинг кўркувидир.

- Уларга кўпроқ маош тўлаш зарур бўлиб туюмаяптими сизга?

- Нима учун? Қолаверса, пулнинг кўплиги барибир масалани ҳал қилмайди. Отангга бир қара. У кўп маош олади, лекин хисоб варакларини тўлашга улгурмайди. Кўпгина одамлар катта пул олишиб, ўз қарзларини кўплайтирадилар.

- Шунинг учун ҳам менга соатига ўн цент тўлабсиз-да, - илжайдим мен. - Бу сабокнинг бир учи.

- Тўғри, - кулимсиради бадавлат отам. - Биласанми, отанг мактабда ўқиган ва ажойиб маълумот олган, бу эса унга юқори маошли иш топиш имконини берган. У худди шундай килган. Лекин ҳанузгача унинг пул муаммолари бор, чунки мактаб ва университетда унга ҳеч нарсани ўргатмаганлар. Боз устига у пул учун ишлаш керак деб ҳисоблайди.

- Сиз ҳам шундай деб ҳисоблайсизми? - сўрадим.

- Йўқ, - жавоб берди бадавлат отам, - агар пул учун ишлашни ўрганишни истасанг оддий мактабда қолавер. У ерда буни жуда зўр ўргатадилар. Агар пулни сенга ишлашига мажбур қилишни ўрганмоқчи бўлсанг, мен буни сенга ўргатаман. Агар чиндан ҳам буни истасанг.

- Буни ҳар бир одам билишни истамайдими? - ҳайрон бўлдим.

- Йўқ, - деди бадавлат отам. - Пул учун ишлаш, айниқса нул деганида сенда дарроғ қўркув пайдо бўлса, осонроқдир.

- Тушунмадим? - хўмрайдим мен.

- Бошингни ҳозирча бу гаплар билан котирмай тур. Кўп одамлар ўз ишларига қўркув сабаб ёпишиб олганлар. Ўз ҳисоб варакларини тўлолмаслик қўркуви туфайли. Уларни ишдан бўшатиб юбориш-

ларидан қўркиб. Пул етмай қолиш қўркуви боис. Ҳамма нарсани бошдан бошлишга тўғри келишидан қўрқадилар. Уларнинг касб-хунар эгаллаши, пул учун ишлай бошлаганлари учун тўланадиган баҳо бу. Кўп одамлар пулнинг қулига айланадилар ва ўз хўжайинидан газаблана бошлайдилар.

— Пулни ўзи учун ишлашга ўргатиш — бу бутунлай бошқачами? — сўрадим мен.

— Мутлако бошқача, — деди бадавлат отам, — мутлако.

Биз жим ўтирадик, дераза ортидан эса Гавайининг ажойиб шанба тонги кўриниб турарди. Менниг дўстларим кичик лига бейсбол ўйинини бошлаётган эдилар. Мен эса негадир соатига ўн центдан ишлашга рози бўлганимдан хурсанд әдим. Мен дўстларим мактабда билолмайдиганларини ўрганишимни ҳис қиласдим.

— Ўрганишга тайёрмисан? — сўради бадавлат отам.

— Жуда, — жавоб бердим айёrona табассум билан.

— Мен сўзимнинг устидан чиқдим. Мен сени узоқдан ўргата бошладим, — деди бадавлат отам. — Тўқиз ёшингдаёқ пулга ишлаш нималигини ҳис қилдинг. Энди эса охирги ойни эллик йилга кўпайтиранг кўпчилик одамлар бир умр нима қилипла-рини тушуниб оласан.

— Тушунмадим.

— Навбатда ўтириб қачон чақиришимни кутиб, ўзингни қандай ҳис қилдинг? Бир марта ишга тушишдан олдин, иккинчи марта кўпроқ пул сўрашни истаганингда?

— Жуда ёмон, — жавоб бердим.

— Сен пул учун ишласант ҳаётинг ҳам шундай бўлади — кўп одамларники сингари, — деди бадавлат

отам. – Миссис Мартин уч соат иш учун сенга уч танга бергандың кандай хис қилдинг?

– Менга бу камдай күрінди. Бу чиндан ҳам жеч нарса әмас. Ҳафсалам пир бўлганди, – дедим.

– Кўплаб ходимлар ўз чекларига қараганда худди шундай туйғуни хис қиласидилар. Айниқса, солик ва ажратмаларни чиқариб ташлангандан кейин. Сен ҳар ҳолда юз фоиз олдинг.

– Сиз кўпчилик ходимлар маошини тўлиқ олмайди демоқчимисиз? – ҳайратландим мен.

– Ё худо, албатта! – жавоб берди отам. – Энг биринчи давлат ўз улушини олади.

– У буни қандай қиласиди? – сўрадим мен.

– Соликлар, – тушунтириди бадавлат отам, – агар сен ишласанг сендан солик ундиришиади. Агар пул сарфлассанг, сендан яна солик олишади. Агар пул тўплассанг-у, вафот этсанг – яна сендан солик олишади!

– Нега одамлар давлатнинг бундай қилишига йўл кўядилар?

– Бадавлатлар йўл кўймайдилар, – кулимсиради бадавлат отам. – Бунга камбағал ва ўртахол одамлар йўл кўядилар. Мен отангдан кўпроқ пул топаётганим, лекин отанг кўпроқ солик тўлаётганига ишонаман ва ҳатто бу хақда баҳс бойлашишга тайёрман.

Бу қандай бўлиши мумкин? – тўққиз ёшли болага бу мутлако тушунарсиз эли Нега одамлар давлатга ўзларига нисбатан бундай йўл тутишларига йўл кўядилар?

Бадавлат отам сукутта чўмди. Балки у кулок солишимни ва сафсата сотишни бас қилишимни истаётгандир.

Ниҳоят, мен тинчландим. Лекин эшитганларим ёқмади. Отам доимо шунча солик тўлашта мажбур бўлганидан нолирди, бунинг бирон-бир чорасини

толишга уринмасди. Уни ҳаёт шунинг учун дўппослаётганмикан?

Бадавлат отам стулда тебраниб, жимгина менга караб ўтирарди.

- Ўрганишга тайёрмисан? - сўради у.

Мен секингина бош иргадим.

- Айтганимдек, ҳали қўп нарсани ўрганишинг керак. Пулни ўзингга ишлашга ўргатиш учун бир умр сабоқ олинади. Кўпчилик коллежда тўрт йил вақт ўтказади ва шу билан уларнинг таълими тугайди. Мен пулни бир умр ўрганишимни англадим, чунки канча қўп билсам, шунча қўп билишим кераклигини тушундим. Кўпчилик эса бу машғулот билан мутлақо шуғулланмайди.

Улар ишга боришади, маош олишади, хисоб варакларини тўлашади – тамом-вассалом. Яна нима учун пул муаммоларига дуч келганларидан ҳайратландилар. Улар пул кўп бўлганда муаммолар йўқ бўлади деб кеккайтилар ҳам!

- Демак, отамнинг соликлар муаммоси у пул нималигини тушуни маслигиданми? - сўрадим ҳайратланиб.

- Мана, қара, - бошлади бадавлат отам, - соликлар – пулни қандай ўзингга ишлатишга ўргатишнинг кичкина бўлагидир. Бугун мен шунчаки пул нималигини тушунишга бўлган хохиш йўқолмаганигини билмоқчиман. Кўпчиликда бундай хохиш йўқ. Улар ўқиши, ҳунар эгаллашни, қизиқарли иш ва қўп пул ишлаб топишни хохлайдилар. Бир кун уйқудан туриб жиддий пул муаммоларига дуч келадилар ва ишламасдан туролмайдилар. Бу эса уларни пул учун ишлашни билишлари ва пулни ўзига ишлашга мажбур килишга ўрганмаётганликлари учун тўлайдиган товонлариdir. Сен ҳали ҳам ўрганмокчимисан? - сўради бадавлат отам.

Мен бош иргадим.

— Яхши, — жавоб берди бадавлат отам. — Унда ишга қайт. Энди мек сенга ҳеч нарса түламайман.

— Нима?! — лол бўлиб қолдим мен.

— Эшитганинг. Сен аввалгидек ҳар шанба уч соатдан ишлайсан, лекин ҳар соатита ўн центдан олмайсан. Сен пул учун ишламасликни ўрганишни хоҳлаяпсан, шунинг учун сенга ҳеч нарса түламайман.

Мен ўз қулоқларимга ишонмасдим.

— Бу ҳақда Майк билан гаплашгандим. У аллақачон ишлашни бошлаб юборган: консервалар чангни бепул супуриб ўз жойига қўяётгандир. Шундай экан, имилламасдан унга қўшил.

— Аммо бу адолатдан эмас! — хайқирдим мен. — Сиз нимадир тўлашингиз керак.

— Сен ўрганишни хоҳлайман дединг. Агар ҳозир ўрганолмасанг, катта бўлгач, қабулхонамда ўтирган икки аёл ва кария ҳолига тушасан. Улар пул учун ишлайдилар ва уларни бўшатмаслигимга умид қиласдилар. Ёки кўп пул топадиган, лекин боши қарздан чиқмайдиган ва пули кўп бўлишини орзу киладиган отангга ўхшаб коласан. Агар сен шуни истасанг, соатига ўн центлик дастлабки шартномага қайтамиз ёки кўпчилик одамтардек иш тутишинг мумкин. Менга оз тўляптилар, деб шикоят кил, ишдан кет ва янгисини ахтара бошла!

— Бўлмаса нима қилас? — сўрадим мен.

Бадавлат отам охиста бошимга чертди.

— Буни ишлат, — деди у. — Бундан яхши фойдаланишни билиб олсанг, тез орада бу насиҳат ва кўрсатмалар учун менга миннатдорчилик билдирасан. Алалоқибат улғаясан ва бадавлат одам бўласан.

Мен яна чув туширганликларини тушунишга куч тополмай туардим. Ажабо, маошимни кўпайтири-

шини сўрашга келгандим, менга эса бепул ишлайшимни айтдилар!

Бадавлат ота бошимга тақиллатиб, деди:  
- Буни ишлат. Энди эса ишга бор.

### **Биринчи дарс**

Бадавлатлар пул учун ишламайдилар. Мен камбағал отамга мутлақо маош тўламаётганликларини айтиб бермадим. У буни тушунмаган бўларди: ўзим ҳали тушунмайдиган нарсани унга тушунтиришга уринмадим.

Яна уч ҳафта Майк билан ҳар шанба уч соатдан бепул ишладик. Иш енгил эди ва мен унга қўниҳим. Ўтказиб юборилган бейсбол ўйинлари ва комикс харид қила олмаслигим алам қиласарди, холос.

Учинчи ҳафта бадавлат отам кун ярмида дўконга келди. Биз ўчаётган машина двигатели товушини эшидик. У дўконга кириб миссис Мартинни саломлашаётгандай қучди. Дўконда ишлар кандай кетаётганини суриштиргач, музлатгичдан иккита музқаймоқ олиб, пулинин тўлади ва Майк билан мени чақириб олди.

- Қани бир айланиб келайлик, болалар! Биз машиналардан эҳтиёт бўлиб йўлни кесиб ўтдик ва майсазор даладаң юра бошладик. У ерда бир неча катта ёшли одамлар бейсбол ўйнардилар. Улардан узокроқдаги пластик стол атрофида ўтиргач, у иккавимизга музқаймоқ берди.

- Ишлар қалай?  
- Ўртacha, - жавоб берди Майк.  
Мен ҳам тасдиқлаб, бош иргадим.  
- Бирон-бир янги нарса ўргандингизми? - сўради бадавлат отам.

Биз Майк билан бир-биrimizga қарадик, елка қисиб бир вактнинг ўзида бош чайқадик.

**Энг хавфли ҳаётий тузоклардан биридан  
қандай қутулиш мумкин?**

— Унда, болалар, ўйлайдиган вақтларинг келибди. Ҳаётнинг энг муҳим сабокларидан бири эса бурнингиз тагида тўрибди. Агар шу сабокни ўзлаштирсангиз, озод ва тинч яшашингиз мумкин, агар ўзлаштирмасангиз миссис Мартин ва шу паркда бейсбол ўйнайдиган кўпчилик одамларга ўхшаб коласиз. Улар кўп ишлайдилар, кам маош оладилар, барқарор иш хом ҳаёли билан ҳар йили сабрсизлик билан учхафталик таътил ва кирқ беш йил ишлагандан кейинги арзимас пенсия умидида тер тўкаверадилар.

— Ахир, улар меҳнаткаш ва яхши одамлар-ку. Нега уларнинг устидан куляпсиз? — катый жавоб талааб қилдим саволимга.

Бадавлат отам жилмайди.

— Миссис Мартин менга онамдек бўлиб қолган. Қандай қилиб мен унга нисбатан бундай бағритош бўлишим мумкин? Балки бу шафқатсизликдек туюлар, лекин мен бор кучим билан сизга ниманидир кўрсатмокчиман. Тўғриси, сизларнинг дунёқараашларингизни кенгайтирмокчиман. Токи сиз бирон нарсани кўра олинг. Одамларда одатда кўриш қобилиятлари чегараланганилиги учун кўра олмайдиган нарсалар бор, баъзан эса ўзлари тушиб қоладиган тузокни ҳам сезмайдилар.

Майк иккимиз унинг сўзларини мушоҳада қилишга уриниб ўтирадик. Албатта, унинг қилмиши шафқатсиз туюларди, аммо биз бадавлат отам бирон-бир нарсани тушунишимизни жуда истаётганини ҳис қиласдик.

У қулимсираб, деди:

– Соатига йигирма беш цент сизга жозибадорроқ туюмаяптыми? Бундан юрагингиз тез–тез гуппиллаб урмаяптыми?

Мен бош чайқадим: лекин аслида мунофиклик қилаётган эдим. Соатига йигирма беш цент мен учун катта пул эди!

– Майли, мен сизга соатига бир доллар түлайман, – давом этди бадавлат отам, айёrona табассум билан.

Мана энди юрагим гуппиллаб ура бошлади! Ички овоз: “Рози бўл!” деб бақиради. Мен қулоқларимга ишонмасдим. Шундай бўлсада, миқ этмасдим.

– Майли, соатига икки доллар.

Менинг, тўққиз ёшли боланинг кичкина мияси ва юраги ёрилиб кетай, деди. Ахир бу 1956 йил эди ва соатига икки доллар мени дунёдаги энг бадавлат болага айлантиради! Мен ишлаб, шунча пул топишмни тасаввур ҳам килолмасдим. Мен “ҳа” дейишни шундай истардимки! Мен аллақачон янги велосипед, янги бейсбол қўлкопни ва дўстларимнинг қойил колганликларини ўзимча тасаввур килдим. Бунинг устига Жимми ва унинг дўстлари энди мени ҳеч қачон камбағал дея олмасдилар. Лекин нимагадир ўжарлик билан миқ этмасдим. Гарчи қалбимнинг туб-тубида соатига икки долларга рози бўлгим келарди.

Музқаймок эриб, қўлимга оқди, унда фақат ёғоч қалтакча қолган эди. Бадавлат отам бўм-бўш бошию, катта-катта очилган кўзлари билан тикилиб турган икки болага қараб турарди. У бизни синаёттани ва борлиғимизнинг қоқ ярми унинг таклифини қабул қилишни хоҳлаётганини биларди. У ҳар бир кишининг қалбида заифлик ва зикналик борлигини, улар ёрдамида сотиб олиш мумкинлигидан воқиғ эди.

Зеро у шунингдек, ҳар бир кишининг қалбидаги сотилмас куч ва қатъиятлилик борлигини ҳам биларди. Масала қалбнинг қайси қисми күчлироқ бўлиб чиқишида. Бу тажрибали одам ўз ҳаётида минглаб қалбларни синовдан ўтказди. У бу усулни ҳар сафар ишга кираётганлар билан сұхбатлашаётганида ҳам қўллади.

— Соатига беш доллар, майлими?

Бу сафар ичимда сукунат ҳукмрон бўлди. Нимадир ўзгарди. Таклифнинг шубҳали даражада сахий ва айни пайтда бемаъни эканлигига ақлим етди. Чунки 1956 йилда катталарнинг ҳам жуда кам қисми соатига беш доллардан кўп ишларди, холос. Нафс балоси чекинди, мен ўзимни босиб олдим ва Майк томонга қайрилдим. У менга қаради. Қалбимнинг заиф ва зикна қисми жим колди, сотиб олиб бўлмайдиган иккинчи қисми голиб келди. Миям ва юрагимда осойишталик ва ишонч ҳукмрон эди. Мен Майк ҳам ҳудди шуни бошдан ўтказаётганини билардим.

— Яхши, — деди бадавлат отам секингина. — Кўпчилик одамларнинг ўз нархи бўлади. Бу қўрқув ва очкўзлик деб аталадиган хиссиётлар туфайли рўй беради. Аввалига пулсиз колиш қўрқуви бизни тиришқоқлик билан ишлашга, кейин эса очкўзлик буни пулга олиш мумкин нарсаларни орзулашга мажбур килади. Шунда бузук доира ҳосилт бўлади.

— Қандай доира? — сўрадим мен.

— Улар эрталаб турадилар, ишга борадилар. ҳисоб варакларини тўлайдилар..! Бунда уларнинг ҳаёти икки хиссиёт: қўрқув ва очкўзлик билан бошқарилади. Бу одамларга қўпроқ пул таклиф килинг ва улар доира ичидаги харажатларини кўпайтирган холда ҳаракат қилишда давом этадилар. Буни мен “каламуш пойгаси” деб атایман.

— Бошқа йўли борми? — сўради Майк.

— Ҳа, — деди секингина бадавлат отам. — Лекин уни камдан-кам одам ўзи учун очади.

— Бу қандай йўл? — қизиксинди Майк.

— Мен билан бирга ишлаб, ўрганиб, буни билиб оласизлар деб умид қиласман. Шунинг учун ҳам сизларга пул тўлашини тўхтатдим.

— Ҳеч бўлмаса, нима қилишимизни айтинг, — деди Майк. — **Биласизми**, бунчалик, айниқса, бепул ишлаб чарчадик.

— Нима ҳам дердим, ҳақиқатни айтиш биринчи қадамдир, — деди бадавлат отам.

— Биз алдаганимиз йўқ, — жавоб бердим мен.

— Мен сизлар алладингиз деб айтганим йўқ. Мен ҳақиқатни айтиш дедим, — эътиroz билдири бадавлат отам.

— Қандай ҳақиқатни? — сўрадим мен.

— Нимани ўйлаётган бўлсангиз, шуни. Сиз буни бошқаларга айтишингиз керак эмас. Фақат ўз-ўзингизга.

— Бу хиёбондаги одамлар, сизнинг ходимларингиз, миссис Мартин — улар буни қилмайдиларми? — сўрадим мен.

— Афсуски, йўқ, — деди бадавлат отам. — Бунинг ўрнига улар бизда пул бўлмайди, деб қўрқадилар. Бу қўрқув билан қурашиб ўрнига улар ҳаракат қиласидилар, аммо ўйламайдилар. Бундай кишилар хис-ҳаяжонларига қараб иш кўрадилар, ақлига эмас, — деди бадавлат отам бошимизга чертиб. — Сўнгра қўлларида икки доллар пайдо бўлади, ўзларини яна кувонч ва хоҳиш чулғаб олади ва улар ўйламай харакат қила бошлидилар.

— Демак улар ақлга эмас, хиссиётга таянар эканларда, — деди Майк.

— Тўпта-тўғри, — жавоб берди бадавлат отам. — Нимани хис этаётганликларини англаш ўрнига улар

ўз ҳиссиётлари таъсирида ҳаракат қиладилар ва ўйламайдилар. Ишчи инсонлар қўрқувни хис кила-  
дилар ва ишга борадилар, пул бизни бу қўрқинчдан  
холос килади деб ўйлайдилар, лекин бундай бўл-  
майди. Қўрқув яна уларни таъқиб килишда давом  
этади, улар яна ишга кайтиб, пул ёрдам беради деб  
ўйлайдилар, аммо беҳуда. Бу қўрқув уларни шу  
тузокқа илинтирган: улар ишлайдилар, пул оладилар,  
ишлайдилар, пул оладилар ва қўрқув йўқолишини  
кутадилар. Лекин ҳар тонг улар уйғонадилар, улар  
 билан ўша қўрқув ҳам уйғонади. Миллионлаб киши-  
лар унинг касридан кечалари ухломай қўрпаларида  
ташвишли ағдарилиб чиқадилар. Сўнгра улар маош  
учун ишга кетадилар, калбларини кемираётган қўр-  
қувни йўқ қилиш учун ишга борадилар. Буни тан  
олишни истамасалар-да, уларнинг ҳаётини пул бошқа-  
ради. Пуллар уларнинг ҳиссиётлари, демакки, калб-  
ларини ҳам бошқаради.

Бадавлат отам айтилган фикрларни ҳазм қилиш  
учун бизга вакт бериш учун жим көлди. Биз Майк  
 билан унинг фикрларини тўлиқ эшигтан бўлсак-да,  
тўлиқ тушунмадик. Катталар нима учун бунча ишга  
шошилтганликларидан ҳайрон бўлганимни эсладим,  
холос. Менимча, иш уларга жуда ҳам ёқмаётгандай  
эди ва улар баҳтиёр қўринмасдилар, шунга қарамай  
нимадир одамларни ишхонага шошилишга мажбур  
қиласади.

Бахоли қулрат ҳаммасини туцуюниб етган-  
лигимизни кўриб, бадавлат отам деди:

— Мен бу тузокни четлаб ўтишларингизни истай-  
ман, болалар. Сизларни ўргатишм керак бўлган  
нарса асли шу. Шунчаки бадавлат бўлиш асосий  
масала эмас, чунки бадавлатлик бу муаммони хал  
килмайди.

— Ҳал килмайди? — ҳайратландим мен.

— Йўқ, ҳал килмайди. Мен сизларга иккинчи хиссиёт, ҳоҳиш ҳақида галириб бермадим. Баъзилар уни “хасислик” (очкўзлиқ) деб аташади, лекин менга “ҳоҳиш” сўзи кўпроқ ёқади. Янада яхшироқ, чиройлирок, қувноқроқ ва қизиқроқ нарсани ҳоҳлаш ниҳоятда ўринлидир. Шунинг учун ҳам одамлар ҳоҳиш туфайли пул учун ишлайдилар. Улар роҳат учун пул ҳоҳлайдилар, пулга уни сотиб олиш мумкин, деб ўйлайдилар. Бу роҳат одатда қисқа давом этиб, уларга тез орада яна янги роҳат, қулайлик, хавфсизлик учун пул керак бўлади. Шундай қилиб, бу омма пул ўзларининг қўркув ва ҳоҳиша азоб чекаётган қалбига таскин беради, деб ўйлайди. Лекин пул бундай килолмайди.

— Сиз бадавлат одамлар ҳақида ҳам гапиряпсизми? — сўради Майқ.

— Бадавлат одамлар ҳақида ҳам, — жавоб берди бадавлат отам. — Ваҳоланки, кўп бадавлат одамлар ҳоҳиш эмас, қўркув туфайли бадавлатлар. Улар пул бизни камбағаллик қўрқувидан ҳалос қиласди, деб ўйлаб, катта маблағ тўплайдилар, лекин қўркув эса тобора кучайиб боради. Зоро, улар иккинчи хавф – бойликни йўқотишдан қўрқа бошлайдилар. Менинг етарли маблағи бўлишига қарамай, ишлашда давом этаётган дўстларим бор. Мен миллионларга эга бўлиб, камбағал пайтидагига қараганда қўркувдан кўпроқ азоб чекаётган одамларни биламан. Улар ўз пулларини йўқотиб қўйишдан ўлгудек қўрқадилар. Уларни бадавлат бўлишга мажбур килган қўркув янада кучайди. Қалбнинг заиф ва хасис кисми дадилроқ галирди. Бойлар пуллари ортидан эргашиб келган баҳайбат уйлари, машиналари, шохона ҳаётдан ажраблиб қолишни истамайдилар. Улар мабодо ҳамма пулларини йўқотсалар дўстлар қандай қабул қиласди деб ҳаяжонланадилар. Қўплари бадавлат ва беташвиш

ҳаёт кечираётгандай күрінсалар—да, аслида тушкунлик ва асабийликдан азоб чекадилар.

— Камбағал одамлар баҳтлирокми? — сўрадим мен.

— Бундай деб ҳам ўйламайман, — жавоб берди бадавлат отам. — Пулдан қочиш унга ортиқ даражада боғланиб қолишига ўхшаш ҳол!

Атайлаб қылғандай, столимиз ёнидан шаҳарлик гадой ўтиб кетди, ахлат ёнида тўхтаб, уни тита бошлади. Биз гадойни катта қизиқиши билан кузатардик, шуниси қизиқки, илгари бунга албатта эътибор бермаган бўлардик. Бадавлат отам ҳамёнидан доллар чиқариб, имо билан чолни чакирди. Пулни кўриб, у дарров етиб келди, пулни олгач эса узок миннатдорчилик билдириб, баҳтдан еттинчи осмонга чиқканча, шошилиб кўздан нари бўлди.

— У кўпчилик менинг ходимларимдан кўп фарқ қилмайди, — деди бадавлат отам — “Мени пул қизиктирмайди” дейдиган кўп одамларни учратганман. Шунга қарамай, улар кунига саккиз соат ишлашга розилар. Улар ҳақиқатни инкор қиласидар. Агар пул уларни қизиктирмаса, унда нимага ишлайдилар? Бундай фикрлаш пулни денгиздай тўплайдиган одамникидан ҳам бемаънироқдир!

Мен жим ўтирас ва бадавлат отамни тинглардим, миямдан эса ўз отам “Мени пул қизиктирмайди” деб айтган кўлдан-кўл ҳолатлар бир-бир ўтарди. Ва у: “Мен ўз ишимни севганим учун ишлайман”, —деб тез-тез такрорларди.

— Биз нима қиласидик? — сўрадим мен. — Кўрқув ва очкўзликдан қутилмагунча пул учун ишламайликми?

— Йўқ, бу вактни бехуда ўтказиш бўларди, — жавоб берди бадавлат отам. — Хис-ҳаяжон — бу бизни одам қиласидиган туйғулардир. Тирик инсонга хос

хиссиётларингизни англанг, уларни ва фикрларингизни ўз зарарингизга эмас, фойдангизга ишлатинг.

— Ўҳ-хў ! — деди Майк.

— Ҳозиргина менинг айтганларим сизни кўп беъзовта қилмасин. Кейинроқ буни тушуниб оласизлар. Бор-йўғи хиссиётларингизни кузатинг, муносабат билдиришга ошиқманг. Кўп одамлар ўзларининг ўрнига хиссиётлари ўйлаётганини билмайдилар. Ҳиссиётлар — бу хиссиётлар, ўзинг ўйлашига ўрганишинг зарур.

— Мисол келтира оласизми? — сўрадим мен.

— Албатта, — жавоб берди бадавлат отам. — Одам: “Иш топишм керак” дейдиган бўлса, унинг ўрнига кўпроқ хиссиётлари ўйлайди. Бу фикрни эса унда пулсиз коламан, деган қўркув уйготади.

— Ахир одамларга жисоб варакларини тўлаш лозим бўлса, албатта, пул керак! — дедим мен.

— Табиий, керак, — табассум қилди бадавлат отам, — мен шунчаки, бу фикрлар аксарият ҳолларда уларда айнан қўркув уйготади, деб айтяпман, ҳолос.

— Тушунмаяпман, — Майкнинг дили хуфтон бўлди.

— Мисол учун, — бошлади бадавлат отам, — уларда пул етишмовчилигидан қўркув пайдо бўлса, шу қўркувни йўқ қилиш учун икки доллар берадиган ишни дарҳол ахтаришга тушишдан кўра: “Узоқ келажакни назарда туттганда иш муаммонинг энг яхши ечими бўладими?” деган савонни бермок мумкин-ку. Мен йўқ, деб ўйлайман. Айниқса, умумий тарзда инсон ҳаётига қаралса. Иш — узок муддатли муаммонинг киска муддатли ечимиdir.

— Лекин отам хамиша: “Мактабда яхши ўқигин, яхши баҳолар ол, кейинчалик яхши иш топиш учун” дер эди, — тўсатдан гапириб юбордим мен.

— Ҳа, тушунаман, — жилмайди бадавлат отам. — Бундай маслаҳатни кўпчилик одамлардан эшитиш

мумкин ва кўпчиликка у тўгри келади. Аммо бу маслаҳат, энг аввало, кўрқув туфайли берилади.

— Демак, отам кўрқани учун шундай дер эканда?

— Ҳа, — жавоб берди бадавлат отам, — у сени пул ишлаб тополмай, жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзо-си бўла олмаслигингдан жуда қўрқади. Мени тўгри тушун. У сени яхши кўради ва сенга фақат яхшилик тилайди. Мен унинг кўркуви асосли, деб биламан. Маълумот ва иш муҳим. Лекин улар кўрқувдан холос қила олмайдилар. Англаган бўлсанг, мактабни тугатишингни талаб қилаётгани, ҳар куни ишга боришига мажбур қилаётгани ҳам шу кўрқувдир.

— Сиз нима маслаҳат берасиз? — сўрадим мен.

— Мен сизларга пулнинг қудратини қандай бўй-сундиришни, бу қудратдан қандай қўрқмаслик мум-кинлигини ўргатмоқчиман. Мактабда бунга ўргатмайдилар. Лекин шуни ўрганмасангиз пулнинг қулига айланасизлар.

Нихоят, миямда баъзи нарсалар ойдинлаша бошлади. У чиндан ҳам бизни пул муаммосини кенгроқ қўришимизни истарди. Миссис Мартин, бошқа одамлар, нихоят, менинг отам кўрмайдиган нарсаларни қўришимизни хоҳларди. У анчайин шафқатсиз мисолларни ишлатдики, мен уларни умрбод эслаб қолдим. Ўша куни менинг дунёқарашим ҳақиқатдан ҳам кенгайиб, кўп одамларинг тўлида қандай тузок яши ринганини англай бошладим.

— Биласизми, ҳаммамиз у ёки бу ҳолда кимдадир ишлаймиз. Фақат биз буни турли даражада бажарамиз, — давом этди бадавлат отам. — Мен борйўги сизларни кўрқув ва хоҳини каби ҳиссиётлар қўядиган тузоклардан сакланишларингиз учун имкон бермоқчиман, холос. Уларни зарарингизга эмас, фойдангизга қаратинг. Мана сизларни нимага ўргатмоқ-

чиман. Мен бир талай пул ишлаб олиш ҳақида гапирмокчи эмасман. Бу сизни на кўркувдан, на хоҳипдан кутқаради. Агар кўркув ва хошишни жиловламай туриб, бойиб кетсангиз кўп маош тўланадиган қулларга айланасиз.

— Бу тузокдан қандай сакланиш мумкин?

— Камбағаликнинг ёки молиявий қийинчиликларнинг асосий сабаби иктисад, давлат ёки бадавлатлар эмас, бу — кўркув ва саводсизликдир. Одамлар ўзларида мавжуд бўлган кўркув ва саводсизлик туфайли тузокка илинадилар. Шундай экан, мактабга боринг, колледжда ўқинг. Мен эса сизларни Роберт сўраган нарсаларга ўргатаман.

Аста—секин жумбокнинг майда бўлаклари бирлашиб, бир бутун манзара касб эта бошлади. Ҳа, менинг олим отам ажойиб мартабага эришди. Лекин унга мактабда пул ва ўз кўркуви билан қандай муносабатда бўлишии ўргатишмаган. Мен икки отамдан мутлақо ҳар хил, лекин ўта муҳим нарсаларни билиб олишим кераклигини тушундим.

— Сиз одамда пул йўқлигидан келиб чиқадиган кўркув ҳакида гапирдингиз. Пулга эгалик қилишга хошиш бизнинг дунёқарашимиэга қандай таъсир ўтказди? — сўради Майк.

— Сизга кўпроқ маош ҳакида гапирганимда нимани ҳис қилдингиз? Хошишларингиз кўпайганини сездингизми?

Биз бош ирғадик.

— Лекин сиз ҳиссиётларга берилмай, зудлик билан муносабат билдиришдан сакланиб ўйладингиз. Бу жуда муҳим. Бизда доимо кўркув ва очкўзлик мавжуд. Шу дакиқадан бошлаб сиз бу ҳиссиётларни ўз фойдангизга, бунинг устига узоқ муддатга ишлатишни ўрганишингиз, ҳиссиётларингизнинг сизни ва фикрларингизни бошқаришларига йўл қўймаслигингиз

зарур. Кўпчилиқда кўркув ва очкўзлик уларнинг ўзларига қарши ишлайди. Саводсизлик эса шундан. Уларнинг деярли ҳаммаси кўркув ва хохиш ҳаракатидан ойлик маош, устамалар ва имтиёзлар кетидан кувиб, бундай ўй-хаёллар қаёкка етаклашини ўзларидан сўрамайдилар. Бундай одамлар хўжайини бурни тагидаги калтакда сабзи тутиб турганлиги учун арава тортаётган ҳўтиқка ўхшайдилар. Хўжайнин ўзига керак жойга кетаётир, лекин ҳўтиқ сароб кетидан куваяпти. Эртага ҳўтикнинг сабзиси янги бўлади.

— Сиз, катта маошни эшигиди янги бейсбол қўлқопи, ширинликлар ва ўйинчокларни тасаввур килган пайтимда менга сабзига интилаётган ҳўтиқ каби қардингизми? — сўради Майк.

— Ҳа. Сен улғайганинг сари, ўйинчокларинг кимматлашиб боради. Янги машина, яхта ва кагта уй ва ҳоказо, — жавоб берди бадавлат отам кулимсираб. — Кўркув одамни эшик ортига, ишга ҳайдайди, хохиш эса ўз овозига әргашишга мажбур қиласди. Ва саёз жойга олиб келади. Мана бу тузок.

— Бўлмаса, нима қилиш керак? — сўради Майк.

— Кўркув ва хохиш саводсизлик билан мустаҳкамланади. Шунинг учун бадавлат одамлар бойий бориб яна ҳам каттароқ кўркув қурбонига айланадилар. Пул — бу сабзи, сароб. Агар ҳўтиқ бутун вазиятиги кўриб, тушула олганда қайтиб сабзи ортидан югуармиди?

Бадавлат отам инсон ҳаётини саводсизликнинг илм билан қураши эканлигини тушунтира бошлади. Биз хар куни ва хар дакика ўз онгимизни янгилик учун очиш ёки беркитиш бўйича қарор қабул қиласмиш. Инсон янги ахборот олипни тўхтагиб, ўзлигига маҳлиё бўлса, шубҳасиз саводсиз бўлиб боради.

— Сиз мактаб жуда ва жуда муҳим эканлигини тушунишингиз керак. Сиз мактабга бирон-бир кас-

бии ўзлаштириб, жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиш учун борасиз. Ҳар бир жамиятга ўқитувчилар, шифокорлар, механизклар, рассомлар, ошпазлар, тадбиркорлар, полициячилар, ўт ўчирувчилар, аскарлар керак. Мактаб сизни шунга, маданиятимиз ривожи, гуллаб-яшнаши учун тайёрлайди, – деди бадавлат отам. – Афсуски, кўпчилик одамлар учун бу бошлиниши эмас, охири бўлади.

Орага узок сўкунат чўмди. Бадавлат отам кулимсираб ўтиради. Ўша куни мен у айтган барча нарсаларни тўлик тушуна олмадим, албатта. Кўпчилик хакикий ўқитувчиларнинг бизга бир умрга етадиган килиб ўргатадиган сўзлари каби, унинг сўзлари ҳам ҳали-ҳануз мен учун аҳамиятлидир.

– Бугун мен анчайин шафқатсиз нарсаларни гапирдим, – деди бадавлат отам. – Лекин бунинг сабаби бор. Мен бу суҳбатни умрбод эслаб қолишингизни истайман. Миссис Мартинни доимо ёдда тутишларингни хоҳлайман. Ҳўтиқ хакида ҳам. Буни эсда тутинг, чунки қўркув ва очкўзлик, агар улар фикрларингизни қандай бошқаришини билмасангиз, сизни энг катта тузокка илинтиради. Менинг айтгандарим шафқатсиз фикрлар эмас. Бирон-бир орзуингизга етолмай, бутун умр қўркувда яшаш – мана бу шафқатсизлик!

Тер тўкиб, пул учун ишлаб, ва худди шулар сизни баҳтиёр қиласидиган нарсаларни сотиб олишга имконият беради, деб ўйлаш қўрқинчлидир. Яrim кечаси совук терда уйғониб: “Э, худойим, агар хисоб варакларини тўлай олмасамчи?”, – деб ўйлаш – мана даҳшатли ҳаёт. Маошнинг миқдори бошқарадиган ҳаёт – ҳаёт эмас. Иш менга хавфсизлик ҳисларини беради, деб ўйлайдиганлар ўзини ўзи алдайдилар. Мана бу қўрқинчли, мен сизларни имкон борича бу тузоқни четлаб ўтишларингизни хоҳлардим. Мен пул

одамлар ҳаётини қандай бошқаришини күрдим. Сиз ҳам шундай бўлишига йўл кўйманг. Ўгинаман: пул ҳаётингизни бошқаришига йўл кўйманг.

Столимиз тагига аллақаёқдан тўп думалаб келди.  
Бадавлат отам уни кўтариб нарига тепди.

– Қандай қилиб саводсизлик очкўзлик ва қўркув билан боғлиқ? – сўрадим ундан.

– Очкўзлик ва қўркув одамлар пул ҳақида ҳеч нарса билмаганликларидан пайдо бўлади, – жавоб берди бадавлат отам. – Мана масалан, врач. У оиласини яхшироқ таъминлаш учун кўп пул топгиси келади ва ўз хизмат ҳаққини оширади. Унинг нархни ошириши ҳамма учун тиббий хизмат қимматлашганини англатади. Бу камбағал одамларга қўпроқ таъсир қиласиди. Шифокорлар нархни кўтарсалар, ҳуқуқшунослар ҳам кўтарадилар. Ҳуқуқшунослар нархни кўтарадилар – ўқитувчилар ҳам маошлари ошишини истаб қоладилар, демак давлат энди бундан қўпроқ солик олади ва ҳоказо, ва ҳоказо. Якинда бадавлатлар ва камбағаллар ўртасида шундай катта тафовут ҳосил бўладики, бошбошдоқлик бошланиб, яна бир буюк тамаддунлар мана шундан, яъни бадавлат ва йўқсиллар ўртасидаги тафовут жуда катталигидан вайрон бўлган. Америка ҳам шу йўлни тутди, бу эса тарих такрорланишини – биз ундан ҳеч бир сабок олмаётганимизни тасдиқлайди. Биз факат саналар ва номларни ёдда тутмиз, будар замиридан иштмоҳиятни эса ўзлаштирумаймиз.

– Нима, нархлар кўтарилимаслиги керакми? – сўрадим яна.

– Ҳа. Нархлар ҳатточи пасайини керак. Албатта, одатда бу факат назарияда бўлади. Нархлар саводсизлик оқибатида пайдо бўладиган қўркув ва очкўзлик оқибатида ошади. Агар мактабда пул нима

эканлиги тушунтирилганида эди, мамлакатда кўпроқ пул, нархлар эса пастрок бўларди, бироқ мактаблар одамларни пул ќучини ишлатишга эмас, фақат пулга ишлатишга ўргатишга интилмокдалар.

– Бизнес коллежлари-чи? – ҳайратланди Майк.  
– Сиз мен бизнес-коллежига бориб диплом олишимни хоҳламасдимидингиз?

– Ҳа, бизнес-коллежлар бор, – деди бадавлат отам. – Лекин улар аксарият ҳолларда пул санайдиган машинадан деярли фарқ килмайдиган мутахассислар чиқаради. Бундай мутахассиснинг компанияни бошкаришидан жудо асрасин! Улар фақат узунасига ракамлар ёзиш, ходимларни бўшатиш ва компанияни инқирозга олиб келишни биладилар, холос. Мен буни яхши тушунаман, чунки менда шундай “мутахассислар” ҳам ишлайди. Улар нуқул таннархни камайтириш ва нархларни оширишни ўйладилар, бу эса янги муаммолар келтириб чиқаради. Пул хисобкитоби жуда ҳам муҳим ва буни камдан-кам одам кила олади, лекин бу барибир тўлиқ манзарани касб этмайди.

– Бошқа йўл борми? – сўради Майк.

– Ҳа, – деди бадавлат отам. – Ҳиссиётларингиздан ўйлаш учун фойдаланишни ўрганинг, бунинг акси – ҳиссиётлар асосида ўйлашни эмас. Сизлар биринчи гал ўз ҳиссиётларингизни жиловлаб, деярли бепул ишлатишга рози бўлганларингизда мен лаёқатдан холис эмасликларингни тушунгандим. Сизларга катта пул таклиф қилганимда ҳам сиз нафсингизга берилмадингиз ва ҳиссиётларга берилмай ўйладингиз. Бу – дастлабки қадам.

– Нега бу қадам шу қадар муҳим? – деб сўрадим.

– Буни ўзингиз билиб олишингизга тўғри келади. Агар ўрганмоқчи бўлсангиз, мен сизларни

тиканзорга олиб кираман. Бу қолган хамма нарса сакланадиган жой. Сиз бошқалар одам тушишга кўрқадиган жойга тушаяпсизлар. Агар мен билан бўлсангиз пул учун ишлаш эмас, пул сиз учун ишлашига эришасизлар.

— Сиз билан борсак, бизга нима фойда? Сиздан ўрганишга рози бўлсак, эвазига нима оламиз? — сўрадим мен.

— Куён оғайни олган нарсани, — жавоб берди бадавлат отам. — Мум қўнирчоқдан озодликни.

— Ҳаётда тиканли буталар бўладими?

— Ҳа, — жавоб берди бадавлат отам. — Тиканли бута — бу бизнинг кўрқув ва очкўзлигимиздир. Бунинг йўли ўз кўрқувингни енгиб очкўзлик ва камчиликлар билан курашишга ўрганишдир. Бу йўл онгимиз ёрдамида, керакли фикрларни танлаб топилади.

— Фикрларни танлаб? — боши қотиб сўради Майк.

— Ҳа. Ўз хиссиётларингга берилмай, нима ўйлашни танла. Ҳисоб варақларини тўлашга улгурмаслигингииздан кўрққанингиз учунгина эрталаб туриб ишга бориш ўрнига ўйламок — қандайдир масалалар устида фикр юритиш меҳнатидир. Масалан: “Иш муаммонинг энг яхши ечими бўладими?” қабилидаги каби. Кўп одамлар тўғрисини, уларни кўрқув бошқаришини тан олишдан кўрқадилар — шунинг учун ҳам фикрлаш қобилиятини йўқотадилар ва вахимада ишга чопадилар. Улар Мум Қўнирчоқ асирига айланганлар. Ўз фикрларингизни ташлани керак деганимда мана шуни назарда тутганман.

— Буни қандай қилиш керак? — сўради Майк.

— Мана шуни ўргатаман-да, мени сизларга тонғи кофени бир кўтариб ишиб, ишга чопаётганда кайси фикрларни танлашни тушунтираман. Ёдингизда туттинг: иш — узоқ муддатли муаммонинг қисқа муддат-

ли ечими, холос. Кўпчилик одамларнинг бошида битга муаммо, у ҳам бўлса қиска муддатлидир. Бу ой охирида уларнинг Мум Кўғирчоги бўлган ҳисоб варакларини тўлашдир. Ёки, яхширок қилиб ифодалаганда пулнинг моҳиятини тушунмаслик ва қўркувдир. Ва улар ҳам ўз ота-оналари каби иш тутадилар: ҳар куни эрталаб туриб, пул учун ишлашга жўнайдилар. Уларнинг “Бошқа бир йўли йўқмикан?” - деб ўзига-ўзи савол беришга вакти йўқ. Уларнинг фикрлашини онг эмас, хиссиётлар бошқаради.

- Қандай қилиб ҳиссиётдан ва онгдан тугиладиган фикрларни пайкаш мумкин? - кизиқсинди Майк.

- Жуда оддий. Бошқа одамлар бунака фикрларни доимо айтиб турадилар, - жавоб берди бадавлат отам. - Масалан: “Нима ҳам дердик, биз ҳаммамиз ишлашимиз керак”, ёки “Ҳамма бадавлатларни суд қилиш керак”, ё “Мен бошқа ишга кетаман. Мен маошим оширилишига лойикман ва ўзимга бундай муомала қилишларига йўл қўймайман”, ёхуд “Менга бу иш ёқади, чунки у баркарор”. Лекин улар: “Балки мен ниманидир тушуна олмаётгандирман?” демайдилар. Холбуки айнан шу савол ҳиссиётларимизга онгимизни эгаллашга йўл бермайди, аксинча хушёр фикрлаш учун вакт беради.

Тан оламан, ўша куни бизга одамлар ҳиссиётлар таъсирида гаптиришяптими, уларнинг хатти-харакатларини онг белгилаяптими, буни аниқлаш каби ниҳоятда мухим сабоқ берилди. Бу сабоқ менга ҳаётда, айниқса мени онгим эмас, ҳиссиётларим бошқараётганини хис килганимда кўл келади.

Биз яна дўконга йўл олдик. Йўлда бадавлат отам бадавлатлар ҳақиқатда қандай “пул қилиш”ларини тушунтира кетди. Улар пул учун ишламайдилар. Биз Майк билан жездан беш центлик танга

қүйганимизда фикрлашимиз бадавлат одамларнинг фикрлашига жуда якин эди. Муаммо факат бундай ҳаракатлар қонун билан таъқиқланганида эди. Буни банклар ёки давлат қилиши мумкин. У қонуний ва ноқонуний пул қилиш йўлларини тушунгирди.

Сўнгра у бадавлатлар пуллар – бу хўтикка аталган сабзи каби хомхаёл эканлигини биладилар, деди. Миллионлаб одамлар пул ҳакиқатдан мавжуд деб ҳисоблайдилар ва улардаги қўркув ва очқўзлик бу хомхаёлни қувватлайди. Ҳакиқатда пул – уйдирма. Бу омонат уй омма унга кўр-кўрона ишонгани учунгина ҳали қулаган кетмаган.

– Ҳакиқатда эса, – деди у, – пулга караганда сабзининг қиймати каттароқдир.

У Американинг олтин стандарти ҳакида, шунингдек, ҳар бир доллар банкноги – кумуш сертификат эканлиги ҳакида гапирди. Уни қачонлардир бизнинг олтин стандартларимиз қадрсизланиб, долларлар кумуш сертификат бўлишидан тўхташи ҳакидаги мишишлар безовта қиласади.

– Бу рўй берганда, болалар, ҳакиқий қиёмат бошланади. Камбагаллар, ўртаҳоллар ва билимсизлар қурбонга айланадилар, бунинг сабаби улар пулнинг мавжудлигига хамда компания ёки давлат уларга ғамхўрлик қилишига ишонишда давом этадилар.

Ушанда у нима деяёттанини тўлиқ тушунмагандик, лекин йиллар ўтиб унинг сўзлари бизга тобода кўпроқ маъно англата бошлади.

## **Бошқалар күрмайдиган нарсани қандай күриши керак?**

Дўкон олдида турган пикапига ўтирас экан, у шундай деди:

— Ишлашда давом этинг, болалар. Маош ҳақида қанча тез унутсаларингиз катта бўлганингиздан кейин яшаш шунча осон бўлади. Миянгизни иплатинг, текин ишланг ва тез орада миянгизнинг ўзи сизга мен тўлашпим мумкин бўлган пулдан анча кўпроқ пул ишлашни кўрсатиб беради. Сиз бошқа одамларнинг кўриши мушкул бўлган нарсаларни кўрасиз. Имкониятлар уларнинг нак бурниларининг тагида туради. Лекин кўпчилик уларни сезмайди, чунки бу кўпчилик яхши маошли доимий иш жойи кидиради, холос ва шу билан чекланади. Бир имкониятни кўришингиз кифоядир ва сиз уларни сезишни ўрганаасиз. Сиз буни бажарсангиз, мен сизни яна баъзи нарсаларга ўргатаман. Бу дарсни ўзлаштиринг ва сиз ҳаётдаги энг катта тузокни четлаб ўта оласиз. Сиз ҳеч қачон Мум Кўғирчоққа тегиб кетмайсиз.

Биз Майк билан дўкондан нарсаларимизни олиб миссис Мартин билан кўл силтаб хайрлашдик. Кейин хиёбонга, ўша скамейкага қайтдик ва яна бир неча соат фикрлашдик, эшитганларимизни мухокама қилдик.

Кейинги ҳафта ўйга чўмганча мактабга бордик. Яна икки ҳафта қўғирчоқларни ясантирдик, текинга ишладик.

Иккинчи шанба охирида мен яна комикслар турган токчага ғамгин назар ташладим. Ҳеч бўлмаса ўттиз цент ҳам олтмаётганим туфайли менда энди комикс сотиб олиш учун пул йўқ эди. Миссис Мартин, мен ва Майк билан хайрлашаётганда ғаройиб ҳодисани кўриб қолдим.

Миссис Мартин комикслар мұковасини ярмидан киркіб мұкованинг юқори қисмини ўзига қолдирад, қолғанини эса катта картон қутига ташларди. Мен ундан “бу комикслар нима бўлади?” деб сўраганимда, у:

— Мен уларни ташлаб юбораман. Комикс мұковасининг юқори қисмини эса комикс сотувчига у янгисини олиб келганда бераман. У бир соатдан кейин бу ерга келади, — дея жавоб берди.

Биз Майк билан сабр килиб бир соат кутдик: комикслар сотувчиси келди ва мен ундан бу китобларни олишга рухсат сўрадим.

— Мумкин, агар сизлар шу дўконда ишласангиз ва уларни қайта сотмасангиз, — дея жавоб берди у.

Бизнинг ҳамкорлигимиз қайта тикланди, Майкнинг ертўласида фойдаланилмаган жой топилди. Биз уни тозалаб, у ерда юзлаб комикс китобларни тўплайдик. Тез орада бизнинг комикслар кутубхонаси жамоат ташрифи учун очилди. Бош кутубхоначи сифатида биз Майкнинг кичик синглисими — аълочи қизчани ёлладик. У ҳар бир боладан кириш учун ўн центдан оларди. Кутубхона ҳар куни соат 14.30 дан 16.30 гача очиқ эди. Келувчи қўшни болалар икки соатда нечта комикс ўқишга улгурса ихтиёрлари эди. Бу уларга фойдали, чунки кириш нархи атиги ўн цент бўлиб, икки соатда беш ёки олти комикс ўқиб чиқиши мумкин эди.

Майкнинг синглиси улар китоб олган-олмаганини текширад, келувчиларнинг китобини юритар, ҳар куни неча киши ва ким келаётганини ҳисобларди, фикр-мулоҳазаларни ёзиб борарди. Уч ойда Майк билан хафтасига ўртacha тўккиз доллар эллик цент ишлаб олдик. Биз унинг синглисига хафтасига бир доллар бериб комиксларни бепул ўқишга рухсат

берардик. Бирок, у ахён-ахёnda ўқирди, чунки доим банд эди.

Биз Майк билан ҳар шанба илгаригидек дўконда ишлардик – бошқача килиб айтганда, келишувни бажаардик: Биз комикслар сотувчисига берган ваддамизни ҳам бузмасдик, чунки унинг китобларини сотмасдик, китоблар йиртилиб, яроқсиз ҳолга келса, биз уларни ёкиб юборардик. Биз филиал очмоқчи бўлдик, лекин Майкнинг синглисига ўхшаган, ишониш мумкин бўлган яхши кутубхоначи топа олмадик.

Шу тариқа биз кадрлар муаммоси нималигини ҳам анча эрта билиб олдик. Очилганидан уч ой кейин кутубхонага қўшни худуддан бир нечта безорилар кириб жанжал бошлишди. Майкнинг отаси бизга ишни ёпишни таклиф килди. Шундай килиб иш ёпилди ва биз шанбалари дўконда ишламай қўйдик. Бирок бадавлат отам бизни бирон-бир янги нарсага ўргатмоқчи, биринчи сабоғини яхши ўзлаштирганимиздан жуда хурсанд эди. Биз пулни ўзимизга ишлашга мажбур қилишни ўргандик. Дўкондаги иш учун ҳак олмасдан тасаввур ёрдамига суюниш ва пул топиш имкониятини кўришга мажбур бўлдик. Ўз хусусий бизнесимизни – комикслар кутубхонасини бошлаб ўз маблагимизнинг эгаси бўлдик, иш берувчilarга қарам бўлмадик. Энг яхиси шунда эдики, бизнесимиз ўзимиз ишламасак-да, бизга даромад келтирди. Бизнинг ўрнимизга пулимиз ишлади.

Бадавлат отам бизга пул тўламасди. У бизга анча кўпроқ нарса берди.



**ИККИНЧИ ДАРС:  
МОЛИЯВИЙ  
САВОДХОНЛИК НЕГА КЕРАК?**

**III БОБ**

1990 йилда дўстим Майк отасининг империясини ўз қўлига олди ва уни падаридан кўра ҳам яхшиrok бошқара бошлади. Биз ҳар йили бир-икки марта гольф майдонида қўришамиз. Улар хотини билан сиз тасаввур килишингиз мумкин бўлган даражадан ҳам бадавлатроқдирлар. Бадавлат отамнинг молиявий империяси ишончли қўлларга тушди ва энди Майк ўз ўғлини ворис этиб, бир пайтлар отаси бизни тарбиялагандай тарбиялаяпти.

1994 йили кирк етти ёшимда ишламай кўйдим. Хотиним Ким ўттиз етти ёнда эди. Биз айнан ёшилиздан келиб чиқиб ишламай қўйганимиз йўқ. Шунчаки агар фавқулодда кўзда тутилмаган бирор нарса рўй бермаса, биз ишласак ҳам, ишламасак ҳам бойлигимиз инфляцияни хисобга олганда ҳам автоматик кўпайиб боради. Эркинлик дегани балки шудир. Капитал қўйилмалар шундай каттаки, ташки қўмаксиз ҳам фойда келтираверади. Бу бамисоли сиз эккан дарахтга ўхшайди. Йиллаб уни суғорасиз, лекин бир кун келиб у сизга муҳтож бўлмай қолади. Чунки дарахт жуда чукур томир отган бўлади. Энди дарахт сизга мева ва соя бериб қувонтиради.

Майк империяни бошқаришни, мен эса фароғатни афзал кўрдик.

Одамлар билан гаплашганимда мендан: “Қандай бошлаш керак?”, “Яхшиси, кайси китобни ўқиб чиқиш керак?”, “Ўз болаларимизни қандай тарбиялатпимиз керак?”, “Муваффакият қалити нимада?” ёки “Қандай қилиб миллион ишлаб топиш мумкин?” каби масалада тез-тез маслаҳат сўрайдилар. Бундай ҳолатларда бир пайтлар ўқиб чиқиши насиб қилган мана бу мақолани эслайман.

### **Энг бадавлат бизнесменлар**

1923 йилда Чикагодаги “Эжуотер Бич” мәхмөнхонасида мамлакатнинг сиёсий етакчилари билан йирик бизнесменларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Улар орасида энг йирик мустақил пўлат куйиш компанияси раҳбари Чарльз Шваб, дунёдаги энг йирик муниципиал корхона раҳбари Семюэл Инсулл, энг йирик газ компанияси раҳбари Говард Хонсон, ўша даврда дунёнинг энг йирик компанияларидан бири “International Match Co”нинг президенти Айвер Крюгер, халкаро сельментлар Банки президенти Леон Фрейзер, Нью-Йорк биржаси президенти Ричард Уитни, иккى энг машхур биржачилар Артур Каттон ва Жейс Лайвермор ва президент девонидан Альберт Фолл бор эди. Йигирма беш йилдан кейин эса учрашув иши рокчиларидан тўққизтасини қўйидагилар кутарди: Шваб беш йил қарзга яшаб бир центсиз ўлди. Инсулл бегона мамлакатда банкрот бўлиб, вафот этди. Крюгер ва Каттон ҳам банкрот бўлиб, оламдан ўғдилар. Хонсон ақлдан озди. Уитни ва Альберт Фолл эндиғина қамоқдан чиқдилар. Фрайзер ва Лайвермор ўз жонларига қасд қилдилар.

Бу одамларга нима бўлганини яна бирон-бир киши айтоладими, йўқми, билмадим. Лекин санага – 1923 йилга эътибор қаратадиган бўлсак, сиз учрашув 1929 йилдаги бозор инқирози ва бу одамлар тақдира улкан таъсир ўтказган Буюк депрессия олдидан бўлиб ўтганини қўрасиз. Бизнинг давримизда ҳамма нарса у пайтга нисбатан янада илдамроқ ва кескинроқ ўзгармоқда. Кейинги йигирма беш йилда бизни бу буюк бизнесменлар бошидан кечиргандан ҳам қалтисроқ юксалиш ва бўйхронлар кутаётган бўлса эҳтимол. Мени одамларнинг кўпчилиги эътиборни ўзларининг асосий бойлиги – билимга эмас, пулга қаратаетланлиги ташвишга солди. Агар сиз мосла-

шишга тайёр бўлсангиз, якни ғоялар учун очик қолсангиз, ўзгаришлар сизни бадавлатроқ қилади. Лекин сиз пуллар барча муаммоларингизни хал қилади деб ўйласангиз, сизга жуда кийин бўлиши турган гап. Молиявий топкирликсиз пуллар жуда тез ғойиб бўлади.

Кўпчилик одамлар ҳаётда қанча пул топишингиз эмас, қанча пулингиз қолиши мухимлигини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ҳаммамиз ҳам логеря ютиб олган баҳтли одамлар ҳақида эшитганимиз. Аввалига улар камбағаллар саналади, кейин бойиб кетадилар, сўнгра яна камбағаллашади. Улар миллионларга эга бўладилар, лекин тез орада яна тешик тогора олдида қолишади. Ёки профессионал споргчиларни эсланг, улар йигирма-ўттиз ёшида йилига миллионлаб доллар ишлайдилар, ўттиз тўрт ёшида эса... кўприк остида ухлайдилар. Айни бугунги газетада мен бир йил мукаддам миллионер бўлган ёш баскетболчи ҳакида ҳикоя ўқидим. Бугун эса у дўстлари, ҳукуқшунос ва бухгалтер ундан бор пулларни тортиб олганлиги ва ҳозирда ўзи машина ювиб центлар учун ишлашга мажбур эканлигини таъкидлайди.

У атиги йигирма тўккиз ёшда. Уни машина ювип жойидан чемпионлик ҳалқасини ечишдан бош тортганлиги учун ҳайдашган. Шу аснода ҳикояси билан газетага тушган. У ишдан ҳайдалишига қарши, оғир ҳаёт ва камситишлардан нолийди. У ўзида колган бор нарса – чемпионлик ҳалқаси, деб хисобтайди. Агар ҳалқадан ҳам жудо қилишса, у ҳалок бўлади.

Бугун 1997 йилда менга бир зумда миллионер бўлиб колган одамлар маълум. Албатта, мен одамларнинг бойиб кетаётганларидан жуда хурсандман, лекин огоҳлантириб қўймоқчиман: узок келажак маъносида сизда қанча пул борлиги эмас, балки қанча

пудни сақлаб қолишиңгиз ва неча авлодға етиши мұхимрок бўлади.

Шунинг учун ҳам одамлар: “Нимадан бошлай экан?” ёки “Қандай қилиб тез бойиб кетиш мүмкін?” деб сўраганларида жавобим кўпинча уларнинг ҳафсаласини пир килади. Чунки уларга қачонлардир менга бадавлат отам айттан гапларни гапираман: “Бадавлат бўлишни истасанг, молиявий саводхон бўл”.

Бу фикр қачон учрашсак миямга сингдириларди. Билимли отам китоб ўқиши кераклигини ҳамиша таъкидлар эди, бадавлат отам эса менга молиявий саводхонлик керак деб тасдиқларди.

Агар сиз осмонўпар бино қурмоқчи бўлсангиз, биринчи қилишиңгиз лозим бўлган иш - чуқур кавлаб унга мустаҳкам пойдевор қўйишидир. Агар шаҳар четида уй қураётган бўлсангиз, ўн беш сантиметр бетон кифоя. Бойиб кетишни истаган кўпчилик одамлар ўн беш сантиметрли пойдеворга “Эмпайр стейт билдинг” каби юз қаватли бино куришга уринадилар. Бизнинг мактаб тизимимиз кишлоқ хўжалиги ҳукмронлик пайтида ташкилланган бўлиб, ҳали-хануз пойдеворсиз иморатга ишонади. Бу ерда ҳали ҳам тупроқ поллар расмда. Шунинг учун ҳам болалар мактабни молиявий саводхонлик асосларисиз тамомляптилар. Кунлардан бир кун, шаҳар четидаги ўз уйларида қулогигача қарзга ботган алфоэда ўйгониб (Америка орзуси рўёби) ўзларига: “Тез бойиб кетиш йўлини топсам, молиявий муаммоларимни, ҳал этишим мумкин” деб таъкидлайдилар.

Нихоят осмонўпар бино қурилиши бошланади. Бино тез ўсади ва кўп ўтмай “Эмпайр стейт билдинг” ўрнига бизда яна битта шаҳар четидаги қийшайган Пуан минораси пайдо бўлади. Уйқусиз тунлар қайтиб келади.

Мен ва Майк учун барча имкониятлар очик эди, чунки бизни болалигимиздаёқ мустаҳкам молиявий пойдевор куришга ўргатган эдилар.

Бухгалтерия хисоби - балки дүнёдаги фанларнинг энг зерикарли ва энг чалкашларидан бири. Аммо сиз бадавлат одам бўлмоқчи бўлсангиз, бу фан сиз учун энг муҳим бўлиши мумкин. Масала болаларни бу мураккаб фанга қандай ўқитиш ҳакида. Уни соддалаштириш, аввалига расмларни ишлатиш лозим бўлади.

Бадавлат отам мен ва Майкнинг онгида мустаҳкам молиявий пойдевор жойлаган. Биз болалар эдик ва у бизни ўқитишнинг содда усулини топди. Кўп йиллар у расмлар чизар ва уларни тушунтирас эди. Биз бу содда схемалар, терминлар ва пул ҳаракатини тушуна бошлаганимизда у аста-секин ракамлар қўшарди. Майк ўз пайгода унга бу зарур эканлиги учун анча мураккаб бухгалтерия таҳлилини эгаллади. У миллиардли молиявий компанияни бошкарарди. Менинг билимларим камтаррок, чунки менинг империям кичикрок, лекин иккаламиизда ҳам пойдевор битта. Кейинги сахифаларда сиз Майкнинг отаси чизгандай содда схемаларни кўрасиз. Улар содда, лекин ахиди ҳеч бўлмагандан бизга ўхшаган икки нафар болакайга мустаҳкам пойдеворли катта бойлик куришда ёрдам беради.

**Биринчи қоида.** Актив ва пассив орасидаги фарқни билдиш керак ва актив сотиб отиш керак. Бу биринчи ва ягона қоида. Балки у сизга бемаънилик даражасида содда туюлар, лекин кўпчилик одамлар унинг канчалик муҳимлиги ҳакида ўйламайдилар ҳам. Кўп одамларда улар активлар ва пассивлар ўртасидаги фарқни тушунмаганликлари туфайли молиявий муаммолар пайдо бўлади. “Бадавлатлар активларни

сотиб оладилар. Камбағал ва ўртаҳоллар – актив деб хисобланадиган пассивларни".

Майқ билан бадавлат отамдан буни эшитгандан сүнг у ҳазиллашыпти, деб ўйладик. Биз ундан қандай килиб бадавлат бўлиш сирини очишини кутяпмиз, у эса қандайдир сийқаси чиқкан нарсаларни гапиряпти. Унинг сўзлари шу қадар оддий эдики, уларни ўйлаб анча сукут саклашимизга тўгри келди.

– Актив нима? – сўради Майқ.

– Ҳозир бу ҳақда ўйламай қўя қол, – жавоб берди бадавлат отам. – Шунчаки бу ғояни қабул кил. Агар сен шу оддий ҳақиқатни тушуна олсанг, хаётингда сени молиявий муаммолардан халос эта-диган режанг бўлади. Ғоя содда, шунинг учун жеч ким унга эътибор килмайди.

– Сиз: "Асосийси – актив нималигини билиш, актив сотиб олиш ва бойиш" деб айтмоқчимисиз? – кайта сўрадим мен.

Бадавлат отам бош иргади.

– Ҳа, ҳаммаси мана шундай оддий.

– Агар бу жуда оддий бўлса, нега ҳамма бойиб кетмайди? – хайрон бўлдим мен.

Бадавлат отам жилмайди:

– Чунки одамлар актив ва пассив ўртасидаги фаркни кўрмайдилар.

Қандай бидирлаганим эсимда:

– Қандай килиб катталар шундай нодон бўладилар? Агар ҳаммаси шундай оддий ва жуда мұхим бўлса, нега ҳамма бу ҳақда билишини истамайди?

Бадавлат отам бир неча дақиқада бизга актив, пассив нималигини тушунтириб берди.

Ҳозир мен катта одамман ва буни бошқа катталарга тушунтиришим кийин. Нега? Чунки катталар ақллидирлар. Кўп холларда ғоянинг соддалиги уларнинг эътиоридан четда қолади, зеро улар бошқача

таълим олганлар. Уларни бошқа маълумотли одамлар ва профессионаллар: банк ходимлари, бухгалтерлар, кўчмас мулк савдоси агентлари, молиявий режалаштириш бўйича мутахассислар ва бошқалар ўқитганлар. Мураккаблик эса катталарнинг билганларини унудишига ёки яна бола бўлиб колишга мажбур қилишдир. Онгли катта одамлар кўпинча соддалаштирилган тушунчаларни ўзларига номуносиб деб биладилар.

Бадавлат отам “қанча содда бўлса, шунча яхши” тамойилига ишонарди ва иложи борича икки болакай учун ўз фанини соддалаштиришга ҳаракат қиласарди. Бизнинг молиявий пойдеворимизни худди шу нарса мустаҳкам килди.

Тушунмовчиликни нима келтириб чиқаради? Қандай килиб шу содда ғояни бузиб кўрсатишига йўл топадилар? Нега одамлар ҳакиқатда пассив бўлиб чиқадиган активларни сотиб оладилар? Жавоб мактаб таълимига бориб тақалади.

Биз эътиборимизни “саводхонлик”ка, (лекин молиявий маънода эмас) қаратганимиз. Бирон-бир нарса актив ёки пассивлиги сўз ва таърифларга боғлиқ эмас. Агар адашмоқчи бўлсангиз, лугатдан актив ва пассивнинг таърифини топинг. Бу таърифлар тайёр бухгалтерлар учун маъноли бўлиб кўриниши мумкин, лекин оддий одам учун улар ҳеч бир маъно англатмайди. Барибир, биз катталар кўпинча ўзимизга ўта бино кўйганимиз туфайли бирор-бир иборани тушунмаганимизни тан олмаймиз.

Бадавлат отам бизга айтарди: “Актив сўз билан эмас, ракам билан аниқланади. Агар ракамларни тушунмасангиз активни тешиккулчадан ажратада олмайсиз”. “Бухгалтерия ишида, – такрорларди у, – ракамларнинг ўзи эмас, улар сизга нима деяётган-


лиги мұхим. Сүз ҳам худди шундай. Сүз әмас, у ёрдамида ганириб берилаётған хикоя мұхим".

Күп одамлар китоб ўқийдилар-у, бирок ҳамма ҳам ўқиган китобини тушунмайды. Баъзи олий ўқув юргларида ҳатто "Ўқиб чиқилганни тушуниш" фани ҳам бор. Бизнинг ҳаммамиз ҳам ундан имтиҳон топшира олмасдик. Масалан, яқинда мен янги видеомагнитофон сотиб олдим. Унга видеони қандай дастурлаш түғрисида йўрикнома илова қилинган. Мен шунчаки жума оқшомида бериладиган севимли телевизион шоуни ёзиб олишим керак эди. Лекин йўрикномани тушунишга ҳаракат қилиб ақлдан озишимга сал қолди. Олдимда мураккаб масала турмаган эди. Бирок йўрикномадаги сўзларни кайта-қайта ўқир, лекин ҳеч нарса тушунмасдим. Ўқиш учун беш, ўқиганни тушуниш учун икки олдим. Молиявий хисоботларга рўбарў келадиган кўпчилик одамларда ҳам шундай бўлади.

"Агар бадавлат бўлмоқни истасант рақамларни ўқиш ва тушуниш керак", – неча бор таъкидларди бадавлат отам. У тез-тез бошқа нарсани ҳам такрорларди: "Бадавлатлар активларни сотиб оладилар, камбағаллар ва ўргаҳоллар эса – пассивни".

Мана қандай қилиб активни пассивдан фарқлаш керак. Кўпчилик бухгалтер ва молия бўйича мутахассислар бу таърифлар билан келиша олмас, лекин икки болакай учун мустаҳкам молиявий пойдевор қурилиши шу оддий расмлардан бошланади. Бизни ўргатиш учун бадавлат отам жуда содда гапирав, иложи борича кўпроқ расмлардан фойдаланаарди. Тўғриси, расмлар бир неча йилдан кейин пайдо бўлди.

## Актив пуллари мана шундай ҳаракатланади



Юкоридаги таблица даромадлар ва харажатлар түгрисидаги хисобот бўлиб, уни кўпинча фойда ва зарар хисоботи деб атайдилар. Келиб тушадиган ва кетадиган пуллар қуидаги схема – баланс хисоботи. У актив ва пассив мутаносиб бўлиши учун шундай деб аталади. Молиявий масалалардаги янгилар бу хисоботлар ўртасидаги фарқни билмайдилар, бу эса муҳим.

Молиявий муаммоларнинг биринчи сабаби – актив ва пассив ўртасидаги фарқни билмаслик. Агарда амалда чалкашликлар нимадалигини кўрмоқчи бўлсангиз, бу сўзларни луғатдан топинг. Луғавий маънолар профессионал бухгалтерлар учун бирор фикр билдирад, бирок оддий одам хитой тилида ҳам уни ўшандай муваффакият билан ўқиб чикиши

мүмкін. Сұзларни ўқиіш осон, лекин тушуниш қийин бўлади.

Бадавлат отам биз икки болага оддийгина қилиб: “Активлар чўнтағимизга пул солади” деганди. Оддий, тушунарли ва амалий таъриф.

### Пассив пуллар мана буйдай ҳаракат қиласади



Энди схемалар ёрдамида актив ва пассивларга таъриф беріб бўлганимизда, менинг сўзларим нима маъно билдиришини тушуниш осонроқ бўлади.

Активлар – бу пул келтирадиган нарсалар.


Пассивлар – бу пулни тортиб оладиган нарсалар. Ва бу сиз билишингиз керак бўлгани. Агар бойиб кетмоқчи бўлсангиз бор-йўғи актив сотиб

олишига харакат килинг. Мабодо сиз камбагал ёки ўртахол синф вакили бўлишни истасангиз бир умр пассив со-тиб олинг. Бизнинг дунёмизда шу фаркни билмаслик деярли барча молиявий қийинчиликларни пайдо қиласди.

Саводсизлик – сўзлар, шунингдек рақамларни тушуна олмаслик – энг катта балодир. Агар одамлар пул билан муносабатда мураккабликка учрашса, демақ улар ниманидир тушуна олмайдилар: ё рақамлар, ё сўзларни тушунмайдилар. Ниманидир улар нотўғри кўрадилар. Бадавлат одамлар турли соҳалардаги билимлари кўплиги учун бадавлатдирлар. Шундай экан, сиз бойиб кетмоқчи ҳамда бойлигинги изни сақлаб колмоқчи бўлсангиз, молиявий саводхон бўлиш – сўзни ҳам, рақамни ҳам тушуниш жуда муҳимдир.


Схемадаги кўрсаткич дулнинг ёки “пул окими-нинг” қандай харакат килаётганини кўрсатади. Рақамларнинг ўзигина кам аҳамиятладир. Сўзлардай. Улар гапириб берадиган ҳикоя қизик. Молиявий хисоботларда рақамларни ўқишни билиш – бутун ҳикоя моҳиятини билишдадир. Пул қаерга кетаётганлиги тўғрисида молиявий ҳикоя 80 фоиз оиласарда – бу кўпроқ маош олиш учун уриниш ҳакидадир. Муаммо уларнинг пул олмаётганларида эмас. Улар пул оладилар, бироқ уларни активга эмас, пассивга сарфлайдилар.

Масалан, камбагал (ёки ёш, хали ҳам ота-онаси билан яшайдиган) одамнинг схемаси:




Активлар	Пассивлар


Мана бу ўртахол синфга мансуб одамнинг пул оқими схемаси:



Иш ○



Мана бу эса бадавлат одамнинг пул оқимиидир:



Барча диаграммалар албатта, иложи борича содлаштирилган. Ҳар бир одамнинг пули яшаш учун: озиқ-овқат, жой-жалол, кийим-бошга сарфланади.

Бу диаграммалар шунинг камбағал, бадавлат ва ўртаҳол одамларнинг хаётида ҳаракатланишининг умумий тенденциясини кўрсатади. Мана асли ҳикоя. Бу одам кўлига пул тушса нима килиши тўғрисидаги ҳикоядир.

Мен бобни кўпчилик қандай нотўғри фикрлашини кўрсатиш учун Американинг энг бадавлат одамлари ҳақидаги ҳикоядан бошладим. Улар пул ҳамма муаммони ҳал қиласди деб ўйлаб хато қиласдилар. Шунинг учун ҳар сафар “Қандай қилиб тезроқ бойиб кетиш мумкин?” ёки “Нимадан бошлаш керак?” деган тапни эшитсан сесканиб кетаман. Менга тез-тез: “Мен қарзга яшайман, шунинг учун кўп пул топишим керак” деб гапирадилар.

Бирок “кўпроқ пул” кўпинча муаммони ҳал қilmайди. Мавжуд муаммони чуқурлаштириши мумкин холос. Пул кўпинча инсонларнинг энг фожеали хатоларини ошкор қиласди. У биз билмаган нарсаларни аниқлайди. Шунинг учун ҳам кўпинча бошига тўsatдан бойлиқ: масалан, мерос, маошнинг мўмай ошиши ёки лотереядаги ютуқ тушадиган киши – тез орада яна ўша-ўша ёки ундан баттар аянчли молиявий ҳолатга қайтади. Пул миянгиизда қайси схемалар борлигини таъкидлайди, холос. Агар сиз топган пулингизнинг ҳаммасини ишлаб чиқаришга сарфлассангиз бор-йўғи даромаднинг ошиши – ҳаражатларнинг ошишига олиб келади, холос. Шунинг учун ҳам: “Ахмокта пул турмайди” – дейдилар.

Мен бир неча бор мактабга илмий билимлар ва профессионал кўникмалар учун боришимизни айтганиман. Униси ҳам, буниси ҳам ўта мухим. Биз касбхунар ёрдамида пул топишга ўрганамиз. Олтмишинчи йилларда, юкори синфларда ўқиганимда одамлар

кўпинча яхши ўкувчиларнинг шифокор бўлишларини исташарди. Кўпинча улардан шифокор бўлишни хоҳлаш-хоҳламасликларини сўрамасдилар ҳам. Бу ўз-ўзидан маълум эди. Шифокорлик касби энг даромадли ва истиқболли хисобланарди.

Бугун шифокорлар олдида шундай молиявий кийинчиликлар турибдики, уларни мен ашаддий душманимга ҳам раво кўрмасдим: сугурта компаниялари ва давлат уларнинг ишини назорат кила бошлади, одамлар доимо уларни судга беряптилар... Бугун болалар баскетбол юлдузлари, машхур гольф ўйинчилари, компьютерчи, киноактёр ёки рок-кўшикчи, гўзаллик кироличлари ёки Уолл-стритдаги биржачилар бўлишни истайдилар. Улар шон-шухрат, пул ва обрў кўним топган жойларга интилади. Шунинг учун ҳам бизнинг давримизда болаларда ўқишига ҳоҳиш уйготиш шунчалик мураккабдир. Улар илгаригидек, касбий муваффакият ўқишидаги муваффақиятларга Боглик эмаслигини биладилар.

Битирувчилар мактабни молиявий кўнилмаларни олмасдан тамомлайдилар. Миллионлаб маълумотли одамлар муваффакият билан иш бошлайдилар, лекин кейинчалик молиявий муаммоларга дуч келадилар. Улар янада тиришиб ишлайдилар, лекин муаммолар барҳам топмайди. Улар нимани ўзлаштирмадилар? Пулни қандай топишини эмас, у пайдо бўлса – қандай сарфлашни ўрганмадилар. Бу молиявий топқирлик деб аталиб, унда ишлаб топган пулни қандай сарфлашингиз, бошқалар тортиб олмаслиги учун нима қилишингиз, қанча вакт у сизда сақланиши ва қанча фойда келтиришини англаш мухимдир. Кўп одамлар нега пул кийинчиликлари борлигини тушунмайдилар, чунки пул оқими ҳакида тушунчага ҳам эга эмаслар. Одам ўта билимли бўлиши, амал пилла пояларига эришиши билан бир пайтда молиявий жихатдан ўта саводсиз бўлиши мумкин. Кўпинча бу одамлар роса кўп ишлайдилар,

чунки ишлашга ўрганғанлар, лекин пулни ўзига ишлашга мажбур килишга ўрганмагантар.



### Қандай килиб орзу ёмон түшігі айланиши ҳақидағы хикоя

Бериліб ишлайдын одамлар хаёти битта сценарий асосида ўтади. Бахтиёр, билеммілі ёш келин-куёвлар иккаласи ижарага олган тор хонадонда бирга яшай бошлайдылар.


Шу ондаæk уларнинг оргиқча пуллари қолаёттанлиги аник бўлади: бир киши яшайдын пулга икки китни ҳам яшаси мумкин.

Муаммо шундаки, хонадон жуда тор. Улар бир қарорга келадилар: "орзудаги уй"ни сотиб олишга пул йиғиши ва фарзанд кўриш. Энди уларнинг бир ўрнига икки даромад манбаси бўлиб, улар кўп вақтини мавқе учун багишлайдылар.

**Даромадлар ошиб боради. Улар билан бирга...**




... харажатлар ҳам ошади.



Күлчилік учун энг катта харажат түри солиқлардир. Аксарият одамлар бу даромад солиғи деб үйлашади, америкаликлар учун эса ижтимоий ҳимоядир. Ишловчига ижтимоий ҳимоя солиғи ва тиббий сугурта ўртacha 7,5 фоиз тулюади, асли бу 15 фоиз бўлиб, иш берувчи ҳам ижтимоий ҳимоя каби ушлаб колади. Кисқаси, бу сизга тўлаб бўлмайдиган пуллардир. Бунга қўшимча маошниңг ижтимоий ҳимояга кетадиган ва ҳеч качон қўлингизга тегмаидиган кисмидан ҳам даромад солиғи тўлайсиз.

Кейин пассивлар мөддаси қўпаяди.



Буни ўша эр-хотин жуфтлиги мисолида кўрсатиб берган яхши. Уларнинг даромадлари ошади ва улар ўз “орзудаги уй”ларини сотиб олишга қарор киладилар. Энди уларда янги солик – мулк солиги пайдо бўлди. Кейин янги машина, мебель, маший техника сотиб оладилар: охири улар пассивлар катори уйга гаров пули ва кредит карточкалари қарзларига тўлганлигини билиб оладилар.

Улар “каламуш пойгаси” катнашчиларига айланадилар. Фарзанд дунёга келади. Улар янада зўр бе-риб ишлай бошлайдилар. Жараён такрорланади. Янги пуллар, ўсиб борадиган соликлар. Почта оркали кредит карточкаси келади. Уни охиригача ишлатадилар. Уларга кредит компаниясидан қўнгироқ қилишиб, асосий капитал қўйилмаси – уй-жойнинг нархи ошганини маълум қилишади. Компания улар шундай яхши ва тўловга кобилиятли тўловчилар бўлганлиги учун уларга “тўлиқ бирлашган заём” таклиф килади ва юқори фоизлар олинадиган кредит карточкасидаги истеъмол қарзларидан қутулишни маслаҳат беради. Улар кредит карточкалари қарзларини тўлаб, енгил нафас оладилар. Эндиликда истеъмол карзи уйнинг гаров пули қисмига айланади. Тўловлар озаяди, чунки улар карз тўловини тўлиқ йилга чўзган эдилар. Бу жуда оқи-лона хисобланади.

Кўшни аёллар уларни бирга харид килишга боришга таклиф килади – айни байрам товарларини сотиш давом этяпти. Бироз тежаса бўлади. Улар ўзларига: “Мен ҳеч нарса сотиб олмайман. Шуниаки бориб қўраман, холос”, – дейдилар. Бирок ҳар эхтийомлга қарши ҳамёнга тоза кредит карточкасини солиб оладилар.

Менга ҳар доим шундайлар учрайди. Уларниг исмлари алмашади, молиявий дилемма эса аввал-гидек. Улар мен билан учрашгани келиб “Бизга

кандай қилиб кўп пул топишни айтиб бера олмайсизми?” –деб сўрайдилар. Уларга кўпроқ даромад керак, зоро улар пул ишлатишни билмайдилар.

Улар муаммо қандай пул топишда эмас, ўзингизда борини қандай сарфлашингизда эканлигини тасаввур ҳам қилмайдилар. Бутун гап молиявий саводсизлик, актив ва пассив ўртасидаги фарқни англаб билмасликдадир.

Даромаднинг ортиши камдан-кам ҳолда пул муаммосини ечади. Муаммолар ақл билан ҳал бўлади. Бир дўстим карзга ботганларга: “Агар бойиб кетганингн пайқаган бўлсанг ... чопишдан тўхта” деб тез-тез такрорлайди.

Болалигимда отамдан японлар учун учта куч: қилич кучи, олтин кучи ва кўзгу кучи мавжудлигини кўп эшитганман.

Қилич қурол кучини ифодалайди. Америка қуролланиш учун миллиардлаб доллар сарфлаб, эндиликда ҳарбий соҳада дунёнинг барча давлатларидан устундир.

Олтин пул кучининг тимсолидир. “Олтин қоидани эсда тут: қоидалар кимда олтин бўлса, ўшалар томонидан яратилади” деган мақолда ҳақиқат бор:

Кўзгу – ўзинг ҳақингда билиш кучидир. Япон ривоятига қараганда буни билиш одамга энг кўп хокимият беради.

Камбағаллар ва ўртаҳоллар кўпинча пул кучига бериладилар. Улар эрталаб туриб бунинг бирон-бир маъноси борми-йўқми деб савол бермайдилар. Улар ўзлари ўтирган шохни арралайдилар, чунки пулнинг моҳиятини тўлиқ тушуммай туриб, уни назорат қила олмайдилар. Пулнинг кучи бу одамларга қарши ишлатилади.

Агар улар кўзгу кучидан фойдаланганларида эди, ўзларидан: “Бунда бирон-бир маъно борми?” –

деб сўраган бўлардилар. Лекин қўпинча, ўзининг ички донолигига ишонмай, тўдага кўшилиб кетадилар. Улар кўпчилик одамларга ўхшаб иш тутадилар. Оломондан ажралмаслик ва савол бермасликни афзал биладилар. Дамба-дам улар ўзларига айтилганларни ўйламай қайтарадилар. Масалан: “Ҳар хил корхоналарга пул қўйинг”, “Уй – сизнинг энг яхши капитал қўйилмангиз”, “Қарзингиз кўпроқ бўлса, соликларингиз камрок бўлади”, “Барқарор ишга эга бўлиш, хато килмаслик, таваккал килмаслик керак”.

Айтишларича, кўпчилик одамларга жамоатчилик олдида сўзга чиқиш ўлимдан ҳам қўркинчлироқдир. Психологларнинг ҳисоблашича, бу острокизм, танқид ёки устидан кулишдан қўркишдан пайдо бўлади. Ҳамма каби эмаслиги қўриниб колиши қўркуви кўпчилик одамларга ўз муаммоларини ечишида янги усуслар топишига имкон бермайди.

Мана нима учун менинг билимдон отам японлар кўзгу кучига энг кўп аҳамият берадилар, деб айтари. Факат кўзгуда одам ҳақиқатни кўриши мумкин. Кўпчилик: “Таваккал қилма!” деб айтишининг асосий сабаби қўркувдир. Бу сўзлар юстаган соҳага даҳлдор: спорт, инсонлар орасидаги муносабатлар, мавке, молия.

Ўша кулгу бўлишидан қўркув одамларни ажратиб қўринмасликка, умумэътироф килинган қарашлар ва интилишларни шубҳа остига олмасликка мажбур килади. “Сизнинг уйингиз – бу капитал қўйилма”, “Тўлик бирлаштирилган замон олинг – ва карзингиздан қутуласиз”, Зўр бериб ишлані”, Асосийси хизматда кўтарилиш”, “Качонлардир мен вице-президент бўламан”, “Пул йиғинг”. “Мен маошимга устама олсан биз янги уй сотиб оламиз”, “Қарз бериш жамғармалари хавфсиздир”, “Эльмо-Мени-Қитиқла

құғирчоқлари сотиб бүлинди, лекин захирамданда харидори келмаган яна битта бор".

Күпгина молиявий муаммолар одамлар күпчилик каби ҳаракат қилишлари туфайли юзага келган. Ҳаммамиз ҳам вакти-вакти билан күзгуга назар ташласак, күркүвга эмас, ички товушимизга қулоқ тутсак зарар килмасди.

Үн олти ёшимизда Майк билан иккаламиз учун мактабда муаммолар пайдо бўлди. Биз ёмон болалар эмас эдик. Шунчаки оломондан ажраб қолаётган эдик. Мактабдан сўнг ва дам олиш кунлари Майкнинг отасида ишлар эдик. Ишдан сўнг у билан стол атрофида соатлаб үнинг ўз банк ходимлари, ҳукукшунослар, бухгалтерлар, даллоллар, инвесторлар, менежерлар ва хизматчилар билан учрашувларида ўтирадик. Бу ўн уч ёшида мактабда ўқишини тўхтатган одам маълумотли одамларга буйруклар берарди. Маълумотлилар унга бўйин товламай итоат этар, у норози бўлганда эса жунжикиб колишарди.

Бу одам оломон фикрига қарши ҳаракат киласди. У мустакил фикрлашни афзал кўрарди ва "Биз мана бундай килишимиз керак, чунки ҳамма шундай қиласди" тамойилидан нафратланарди. Бундан ташқари, у "киломайман" сўзини ёмон кўрарди. Ундан бирон-бир нарсага эришиш керак бўлса: "Буни қила оласиз деб ўйлайман" дейиш кифоя эди.

Унинг йиғилишларида биз Майк билан мактаб ва коллежда ўқиган давримизга нисбатан кўпроқ ўргандик. Майкнинг отаси анъанавий маълумотга эга эмасди. Лекин у моливий билимдон ва шунинг учун ҳам омади чопган эди. У бизга: "Ақлли одам ўзидан ақллироқ одамларни ёллайди" деб кўп марта айтган. Шунинг учун ҳам биз кўп соатлаб ақлли одамларни тинглаш ва улардан ўрганиш имкониятига эга бўлганмиз.

Шунинг учун ҳам биз ўқитувчиларнинг стандарт маслаҳатларини қабул қила олмасдик. Ва бу мактабда

муаммо туғдиради. Ўқитувчи: “Агар яхши баҳолар олмасангиз хаётда ҳеч нимага эришолмайсизлар” деганида биз Майк билан қайрат ила бошимизни күттардик. Бизга ўрнатилган алгоритмга ріоя килиб, қоидани бузмаслик хақида буйруқ беришганида биз мактаб амалда инсоннинг ижодий негизини ўлдиришини кўрардик. Энди биз бадавлат отамиз нимага мактаб яхши иш берувчиларни эмас, яхши ҳодимларни тайёрлайди деганини тушуна бошладик.

Баъзан биз ўқитувчилардан у ёки бу билимни амалда қандай қўллаш ёки нимага пул ва унинг ишлаш тамойилларини ўрганмаётганлигимизни сўрар эдик. Иккинчи саволимизга кўпинча бизга пулларнинг аҳамияти йўқ, агар яхши ўқисак, колгани ўз-ўзидан бўлади деб жавоб қайтаришарди.

Биз эса пулнинг кучини канча кўпроқ билсак, ўқитувчи ва тенгдошларимиздан шунча узоклашардик.

Билимдон отам мени ҳеч қачон баҳоларим учун уришмасди. Мен кўпинча нега деб ҳайрон бўлардим. Тўғри, биз пул ҳақида баҳслашишни бошладик. Ўша вактда, ўн олти ёшга тўлғанимда ота-онамга нисбатан анча мустахкам молиявий билимларга эга эдим. Мен бухгалтерия ҳисобини юрита олар, солик инспекциясидаги бухгалтерлар, ҳар хил компания адвокатлари, банк хизматчилари, кўчмас мулк савдоси агентлари, инвесторлар ва бошка кўплар билан мулоқот килардим. Отам эса факат ўқитувчилар билан гаплашарди.

Кейинги схемада бадавлат ва камбағал отанинг ўз уйини турлича тушунишларини кўрасиз. Бири уйни актив деб, иккинчиси пассив деб тушунтиради.

### Бадавлат ота


Актив	Пассив Уй
-------	--------------

### Камбагал ота

Актив Уй	Пассив
-------------	--------

Эсимда, пул қандай харакатланишини отамга кўрсатиш учун яна битта схема чиздим. Бундан ташқари, мен унга уй қўшимча харажатлар талаб килишини намойиш қилдим. Уй қанча катта бўлса, унинг харажатлари жам шунча кўп бўлади, пул оқими харажатлар устунидан ўтади.

### Пассив



Халигача кўпчилик уй – капитал қўйилма деб таъкидлаб мен билан баҳслашади. Кўпчилик учун бу ушалмас орзу ҳамдир. Хусусий уйга эга бўлиш ҳеч нарсаси йўқ бўлишдан яхшироқ-ку. Мен шунчаки сизга бу кенг ёйилган догмани кўришнинг мукобил усулини таклиф қиласман. Агар биз хотиним иккимиз каттароқ уй сотиб олмоқчи бўлсак, буни актив эмас, пассивлигини, бундай капитал қўйилма пулимиздан айиришини (беришини эмас) тушунган бўлардилар.

Мана менинг далилларим. Мен уларни барча қабул қиласлигини кутмасдим, чунки яхши уй хиссиёт нуқтаи назаридан ёқимлидир. Молиявий топкирлик хиссиёт таъсирида жуда кучсизланади. Шахсий тажрибамдан биламанки, пул истаган қарорни хиссиётли қилиб юбориши мумкин.

1. **Уй ҳакида** галирганимизда, мен кўпчилик одамлар бир умр ўзларига тегишли бўлмаган уй учун тўлашга меҳнат қиласдилар деб таъкидлайман. Бошқача қилиб айтганда, кўпчилик бироз вақтдан кейин янги уй сотиб олади, ҳар сафар олдингисини тўламаганлигини хисобга олиб кредит тўловини кейинги ўттиз йилга чўзадилар.

2. **Уй учун гаров** тўлови солик миқдорини камайтиrsa ҳам, соликлар уларнинг маошларидан қандай тўловни бажаргуналирига қадар чегириб колинади. Уй учун кредит тўлаб қўйилганидан кейин ҳам шундай давом этади.

3. **Мулк солиги.** Хотинимнинг оға–онаси уларнинг уйга етадик солиштари ойнга минг додларгача қўтарилигдан даҳшатта туштан эдилар. Бу улар пенсияга чиқканларидан кейин рўй берди, бу эса нафака даромадларига тўғри келмай, улар кўчишга мажбур бўлдилар.

4. **Уйларнинг ҳамма** вакт хам нархи ошмайди. Менинг дўстларим Орасидан бугун 1997 йилда атиги етти юз минг долларга сотиш мумкин бўлган уй учун бир миллион доллар қарз бўлиб қолганлари хам бор.

5. **Энг катта йўқотиши** - бу қўлдан бой берилган имкониятлардир. Агар сизнинг пулингиз уйинтизга сарфланган бўлса, кўп ишлашингизга тўғри келади, чунки пул активлар устунини кўпайтириш ўрнига доимо харажатларга кетади. Бундай схема ўртаҳолларга хосдир.

Агар ёш жуфтлик аввал бошидан бошлаб кўпроқ пулни активга қўйганида, уларга кейинчалик, айникиса, болаларни коллежга бериш пайти келганда яшаш осонрок бўларди. Уларнинг активлари кўпайиб харажатларнинг бир кисмини қоплай оларди. Аммо кўпинча уй ўсиб бораётган харажатларни қоплаш учун восита бўлиб қолади, холос.

Юқоридагиларни умумлаштиrsак, инвестиция қилиш ўрнига ўта қиммат бўлган хусусий уйга эгалик қилиш тўғрисидаги карор охир-оқибат энг ками учта кўнгилсизликни келтириб чиқаради:

1. **Вактни йўқотиги.** Бу пайтда бошқа активлар нархи кўтарилиши мумкин.

2. **Уйни бевосита** сақлаш билан боғлиқ катта харажатларни тўлаш ўрнига бирон-бир жойга қўйиш мумкин бўлган капитални йўқотиш.



3. **Билимни йўқотиш.** Аксарият ҳолларда одамлар уй, жамғармалар ва пенсия фондини ўз активи деб хисоблайди. Уларнинг инвестиция қилиш учун пуллари йўқ, юқоридагиларни эса қўймайдилар. Бошқача айтганда, улар инвестиция киришища билимсиз бўлиб қолади. Кўпчилик инвестиция оламида ҳукм сурадиган “тажрибали инвестор”ларга таклиф киригади,

улар эса сўнгра таваккал қилишни истамаганларга сотадилар.

Лекин билимдон отамнинг молиявий ҳисоботи “каламуш пойгаси”да қатнашаётган одамга жуда хосдир. Унинг харажатлари даромадлари билан баробар юради ва унда активга инвестиция қилиш учун пул қолмайди. Натижада пассивлар (гаров уй тўлови, кредит карточкалари бўйича карз) активдан ошиб кетади. Бу схема минг сўздан қиммат туради.




Бадавлат отамнинг молиявий ҳисоботи эса иккинчи томондан бутун умр пул қўйиб пассивни минимумга олиб борадиган одам нимага эришиши мумкинлигини кўрсатади.



Мана нимага бадавлатлар янада бойийдилар. Активлар устуни қоплаш керак харажатларга кара-гандың күпроқ даромад көлтиради, фарки яна активга қүшилади.

Активлар устуни ўсияти, бу эса улар көлтира-диган даромад ҳам ўсади деганидир. Натижада бадавлатлар янада бойиб кетади.



Ўртахол синф вакиллари ҳамиша молиявий қийинчиликлар билан қурашадилар. Уларнинг даромадларининг асосий қисми – маош. Маош ошганда солиқлар ошади. Уларнинг харажатлари эса маошлиари билан бир пайтда ўсади. “Каламут пойгаси” номи ҳам шундан. Улар уйларини асосий активлари

деб биладилар, аслида эса фойда келтирадиган активларга пул қўйишлари керак эди.

Нега ўртаҳол  
синф молиявий  
кийинчиликларни  
бошдан кечиради



Бу схема шундайки, сизга уйингизни ўз капитал қўйилмангиз деб хисоблаши карзга яшайдиган ҳозирги замон жамиятининг – яъни маош оштандаги каттароқ уй сотиб олиш ёки кўпроқ харажат кила олишдай ҳаётий фалсафани англатади. Харажатларнинг муназам ошибб бориши оилани кўпроқ ва янги кредитлар олишга мажбур килади, натижада оила ахволи тобора қалтис бўлиб боради. Уларнинг молиявий хизматда мавқеси ўсиб, маошларига устама ошиб борса-да, бундай ҳаёт хавфли холатларга тўла

бўлади, сабаби эса қониқарсиз молиявий саводхонлиkdir.

1990 йиллардаги оммавий қисқартиришлар ўртаҳол синф ҳолатининг амалда қанчалик бекарорлигини исботлади. Тўсатдан компаниянинг нафака режаси ўзгарди. Ижтимоий ҳимоя жамгармаси ҳам чамаси яхши ҳолатда эмас ва унга ишониб бўлмайди. Ўртаҳол синф вакилларини ваҳима босди. Яхшиямки бугун кўпчилик нима бўлаётганини тушуна бошлади ва ўзаро (ёрдам) жамғармалари акцияларини сотиб олишга киришди. Инвестициянинг бундай ўсиши – бугун биржада қимматли қоғозларнинг баҳоси ошиб кетаётганиниг энг муҳим сабабларидан бириди. Ўртаҳол синф эҳтиёжларини қондириш учун янги ва янги ўзаро (ёрдам) жамғармалари тузиляпти.

Ўзаро (ёрдам) жамғармалари ишончли ҳисобланганлиги туфайли ҳам шундай машҳур бўлиб кетди. Уларнинг акцияларини ўртacha харидорлари иш, солик тўлаш, қарзлар ва ниҳоят болаларини коллежда ўқитиш учун пул тўплаш билан ўта банддирлар. Уларнинг инвестиция қилишни ўрганишга вакти йўқ, шунинг учун ҳам улар буни жамғарма раисига қўйиб берадилар. Бундан ташқари ўзаро (ёрдам) жамғармаси ўз ичига турли хил инвестицияларни олганлиги муносабати билан улар инвестициялар турли хил корхоналарга киритилгани, яъни “диверсификация” қилинганлиги туфайли пуллар йўқолмайди деб ўйлайдилар.

Бу билимдон ўртаҳоллар синфи вакиллари ўзаро (ёрдам) жамғармаси даллол ва молиявий режалаштирувчилари тузган “инвестицияни диверсификациялаш” дормасига амал қиласдилар. Таваккал қиласлик керак. Эҳтиёт бўлиб, харакат қилиш керак.

Фожеа шундаки, ўртаҳол синф одамлари учун энг катта хавф – қониқарсиз молиявий саводхон-

ликдир. Улар молиявий хатолари заиф бўлганлиги учун ҳам таваккал қила олмайдилар, баланс ҳисоботлари балансланмаган, пассивлари кўп бўлиб, фойда келтирадиган ҳақиқий активлари йўқ. Одатда улар учун ягона даромад манбаи маошдир. Ҳаётлари эса бутунлай иш берувчига боғлиқ.

Шундай килиб, “ягона бундай имконият” пайдо бўлганда ҳам бу одамлар ундан фойдалана олмайдилар. Улар хавфли ҳолатлардан қочишга мажбур бўладилар, чунки кўп ишлайдилар, кўп солиқларга дучор бўладилар ва кўпинча қарз тўлайдилар.

Ушбу бобнинг аввалида айтганимиздек, энг яхши қоиди – актив ва пассив ўртасидаги фарқни билиш. Бу қоидани ўзлаштирганингиздан сўнг сизга пул келтириши мумкин бўлган активларни сотиб олишга бор кучингизни тўпландиган. Бу бойиб кетишнинг энг яхши усули. Шундай давом этинг ва активлар устуни ўса бошлайди, пассив ва харажатларни камайтиришга ҳаракат қилинг. Бу эса сизга шулларни бўшатиб активга йўналтириш имконини беради. Тез орада активлардан келадиган даромад шундай ўсадики, сиз катта инвестиция қилиш имкониятига эга бўласиз. Бундай инвестициялар 100 фоиздан чексизгача фойда келтириши мумкин. Беш минг долларлик инвестиция миллион ёки ундан катта суммага айланиши мумкин. Аммо бундай инвестицияларни ўртаҳол синф “жуда хатарли” деб айтади. Бирок “инвестициялаш таваккалчилик эмас”. Таваккалчилик – молиявий саводхонликдан бошланадиган оддий молиявий топқирлик нинг ётишмаслигидир.

Агар сиз колган ҳамма нима килса, шуни қилмокчи бўлсангиз, сизда қўйидагилар келиб чиқади:

Даромадлар	Компания сохибига ишлаш
Харажатлар	Давлатга ишлаш
Актив	Пассив
	Банкка ишлаш

Хизматчи ёки уй эгаси сифатида одатда сиз шундай ишлайсиз:

1. Кимгadir. Маошга ишлайдиган одамларнинг кўпчилиги компания сохиби ёки акция эгасини бадавлат қиласди. Сизнинг харакатларингиз ва муваффақиятларингиз хўжайнинг гуллаб-яшинашига олиб келади.

2. Давлатга. Давлат сизнинг маошингиздан пул кўлингизга теккунча кадар пулларни олиб қўяди. Агар қўпроқ ишласангиз, соликлар ҳам ошади. Кўп одамлар ҳукумат учун январдан майгача ишлайди.

3. Банкка. Соликлардан кейин энг катта харажат-кредит карточкалари ва уй учун гаров қарзларини тўлаш.

Муаммо шундаки, сиз қанча кўп ишласангиз ишлаб топган пулингизнинг шунча қўпроқ қисми бу

уч йўналишда йўқ бўлади. Сиз ўз ишингизни бевосита ўзингиз ва оиласига фойдасига ишлатишни ўрганишингиз керак.

Ўз ишингизни бошлишга қарор килсангиз олдингизга қандай мақсадларни қўясиз? Кўпчилик одамлар ишини ташлашни истамай маошига аста-секин активлар сотиб ола бошлиди.

Активларнинг қанчалик муваффакиятли кўпайганини қандай аниклаш мумкин? Одамга бадавлат эканлиги қачон аён бўлади? Мен нафақат актив ва пассив, балки бойлика ҳам ўз таърифимни бераман. Умуман олганда, мен уларни Бакминстер Фуллер исмли одамдан олтаман. Баъзилар уни – фирибгар, баъзилар даҳо деб атайдилар. Кўп йиллар аввал – 1961 йилда у геодезик гумбаз ихтиро қилганман деб ариза бериб бутун меъморлар уюшмасини оёкка турғизган эди. Бу аризада бадавлатлик ҳакида ҳам фикрлар бор эди. Аввалига бу менга жуда ғалати кўринган эди, бойлик – бу инсоннинг бир қанча муддат ишламай яшай олиш қобилияти... Ёки агар мен ишламасам қанча яшай оламан?

Қимматбахо зеб-зийнатдан иборат бўлган ва кўпинча ҳақиқатга тўғри келмайдиган актив ва пассивдан фарқли ўларок бу таъриф одамнинг қанчалар бадавлат эканлигини анча тўғри аниклаш имконини беради. Энди сиз молиявий эркинликка чиндан ҳам эришдингизми, йўқми – билиш мумкин.

Бадавлатлик – харажаттар устунини чикариб ташлаб, активлар устунига қанча пул тушишидир.

Келинг, буни бир мисолда кўриб чиқайлик.

Айтайлик, менинг даромадим активлар устунида минг долларни ташкил этади. Харажатларим эса икки минг доллар. Менинг бойлигим кани?

Бакминстер Фуллернинг таърифига кайтамиз. Мен қанча кун яшай олишим мумкин? Агар ўттиз

кундан иборат ойни оладиган бўлсак, менинг пулим ярим ойга етади. Активларим ойига икки минг доллар олиб кела бошлагач мен бадавлат бўламан.

Энди менинг активларимдан олаётган даромадим ойлик харажатларимни тўлиқ қоплайди. Агар мен харажатларимни қўпайтирмоқчи бўлсан, бу ҳолатни қўллаб-кувватлайдиган активлардан келадиган даромадларни энг аввало қўпайтиришим керак. Бу боскичда маошга тобе эмаслиги мга эътибор қаратинг. Мен менга молиявий эркинлик берган активлар устунини барпо этишга эътиборимни жамладим. Агар бугундан ишламай қўйсам активлар барча харажатларимни қоплаш имкониятини беради.

Кейинги максадим активлардан колган ортиқча пўлни яна активга инвестиция қилиш бўлади. Бу устунга канча кўп пул келса, у шунча каттадир. Активлар канча кўп бўлса, менинг пулим ҳам шунча кўпдир. Ҳозирча эса харажатларимни паст даражада ушлаб турибман, активлардан канча кўп пул окса мен шунча бадавлатроқ бўламан ва менинг меҳнатим билан боғлиқ бўлмаган манбалардан кўпроқ даромад оламан.

Бундай доимий инвестиция киритиш – ҳақиқий бойлиқ гаровидир. Бадавлатлик нима эканлигини ҳар бир одам ўзи учун ўзи белгилайди. Пул кўп бўлмайди.

Куйидаги оддий қоидаларни ёдда тутинг:

Бадавлат одамлар активлар сотиб олади.

Камбағалларда факат харажат бўлади.

Ўртаҳол синф актив деб ҳисоблайдиган пассивни сотиб олади.

Энди нима қилиш керак? Ўз ишингизни қандай бошлаш керак? “Макдональдс” асосчисининг гапларини тингланг.

**УЧИНЧИ ДАРС:**  
**ЎЗ ИШИНГИЗНИ**

*БОШЛАНГ*

**IV БОБ**

1974 йилда “Макдональдс” компанияси асосчиси Рэй Крокдан Остинадаги Техас Университети инженерлар факультетининг бир гурух талабалари олдида сўзга чиқиши илтимос қиласидар. Ушбу талабалар орасида менинг яқин дўстим Кит Каннингем ҳам бор эди. Кизиқарли ва илҳомбахш сұхбатдан сўнг танаффус эълон қилиниб, талабалар Рейни ўзлари билан бир кружкадан пиво ичишга таклиф қилдилар. Рей илтифот билан таклифий қабул қилди.

— Менинг бизнесим қандай экан? — деб сўради Рей, ҳамманинг қўлида биттадан кружка пайдо бўлган пайтда.

“Ҳамма кулиб юборди, — хотирлайди Кит. — У шунчаки ҳазиллашяпти деб ўйладик”.

Ҳеч ким жавоб бермади ва Рей саволини тақрорлади: — Хўш, менинг бизнесим, фикрингизча қандай?

Талабалар яна қулишди ва охири улардан довюракроғи овоз берди:

— Рей, сизнинг бизнесингиз гамбургерлар эканини ким ҳам билмайди, дейсиз?

Рей масхараомуз илжайди.

— Шунга яқин жавоб кутгандим. — У бироз индамай, қўшиб қўйди: — Хонимлар ва жаноблар, менинг бизнесим — гамбургерлар эмас. Менинг бизнесим — кўчмас мулк.

Рей ўз нуқтаи назарини қанчалик узоқ тушунтирганини Кит куйидагича ҳикоя қиласиди. У ўзи бизнес режасининг асосий мақсади — “Макдональдс” франшизи (бу машҳур тез овқатланиш ресторани хизматларини кўрсатиш ҳукуки)ни сотиш эканлигини яхши билар, лекин ҳар бир савдо шахобчасининг қаерда жойлашганини ҳеч қачон эсдан чиқармасди. У ҳар бир ресторан муваффакиятининг белгиловчи омили — кўчмас мулк ва унинг жойлашган ери

эканлигини биларди. Бугун “Макдональдс” компанијаси – дунёдаги энг йирик кўчмас мулк эгаси бўлиб, унга католик черковдан ҳам кўпроқ кўчмас мулк тегишили. Ушбу компанияга Америка ва бошқа дунё мамлакатларидағи энг кимматли чорраҳалар ва кўча бурилишлари ҳам тегишили эди.

Кит бу унинг ҳаётидаги энг муҳим сабоклардан бири бўлганлигини айтади. Бугун Китга юзта автомобиль ювиш шахобчалари қарашли бўлиб, унинг бизнеси эса шахобчалар ортида яширинган кўчмас мулк эди.

Бу бобдан аввалги бобнинг охирида сиз кўпчилик одамлар ўзидан ташкари истаган одамига ишланини кўрсатадиган схемаларни сўраган эдингиз. Биринчи навбатда улар компания эгасига, кейин улардан солиқ оладиган давлатга ва охири гаров учун улардан фоиз ундирадиган банкка ишлайдилар.

Кичкиналитимда бизда “Макдональдс”лар бўлмаган. Лекин менинг бадавлат отам Майк билан бизга Рей Крок Техас Университети талабаларига берган сабоқни ўргаттган эди. Бу бадавлат одамларнинг учинчи сири эди.

Уни мана бундай ифодалаш мумкин: “Ўз бизнесингга эга бўл”. Молиявий муаммолар кўпинча одамлар кимгадир умрбод ишлашлари ва уларнинг кўпчилигига кўп йиллик ишдан сўнг ҳеч вако қолмаслигининг бевосита оқибатидир.


Ва яна расм минг сўз ўрнини босади. Рей берган маслаҳат кўргазмали ифодаланган мана бу схема (куйидаги расм)га дикқатингизни қаратинг.

Замонавий таълим тизими бизнинг ёшларимиз илмий билимлар билан яхши иш топиши учун йўналтирилган. Уларнинг ҳаёти маош атрофида ёки юқорида келтирилганидек, даромадлар устуни атрофида ўтади. Улар билимлар билан қуролланганидан

сүнг олий ўкув юртларыга йўл оладилар ва инженер, олим, ошназ, полициячи, рассом, ёзувчи касбларини эгаллайдилар.

Бу касб малакалари эса уларни мамлакатнинг пул учун ишлайдиган ишличи кучининг бир қисмига айлантиради.

### **Сизнинг касбингиз**



Сизнинг касбингиз ва бизнесингиз – мутлақо ҳар хил нарсалардир. Мен кўпинча одамлардан “Сизнинг бизнесингиз нима?” – деб сўрайман. Улар “Банк бизнеси”, – дейдилар. Мен: “Сизнинг хусусий бан-

**кингиз борми?", - деб сўрайман.** Улар эса одатда: "Йўқ, мен у ерда ишлайман", - деб жавоб берадилар.

Бу ҳолатда одам касб-корни бизнес билан адаштиради. Касби бўйича улар банк хизматчилари бўлишлари мумкин, лекин улар ўз ишига эга бўлиши керак. Рей Крок ўз касби ва бизнесини ниҳоятда аник ажратарди. Унинг касби ҳар доим битта бўлиб, у савдогар эди. Қачонлардир сут коқтейллари учун миксерлар сотарди, кейин ресторонларга ўтди. Лекин, унинг касби савдо бўлиб қолса ҳам унинг асосий бизнеси даромад келтирадиган кўчмас мулк сотиб олиш эди.

Саводхонлик муаммоси шундаки, кўпинча сиз ўзингиз ўрганаётган касбни эгаллайсиз. Бу дегани, агар кулинарияни ўрганаётган бўлсангиз, сиз ошпаз бўласиз. Агар хукуқни ўрганаётган бўлсангиз, адвокатикка йўл сизники, авто иши эса сизни мукаррар равишда механикка айлантиради. Афсуски, жуда кўп одамлар ўз бизнеси бўлиши кераклгини эсдан чиқардилар. Улар бир умр бошқа бирорга ишлаб, унга пул топишда ёрдам берадилар.

Молиявий аҳволини яхшилаш учун одамнинг ўз иши бўлиши керак. Сизнинг бизнесингиз даромадлар эмас, активлар устуни билан боғланган. Аввал эслатиб ўтилганидек, биринчи қоида - актив ва пассив ўртасидаги фаркни билиш ва активларни сотиб олишдир. Бадавлат одамлар активлар устунида дикқатларини жамлайдилар, айни пайтда қолганлар факат даромадлар устуни битан қизикадилар.

Шунинг учун ҳам биз тез-тез: "Мен кўпроқ пул олишим керак" ёки "Хизмат бўйича кўтарилишга Эришсам яхши бўларди", "Иш вақтидан ташкари ишлашга тўғри келади" ёки "Иккинчи ишга бориш балки арзир", "Малака ошириш ва яхшироқ иш излаш

керак" ёки "Мен иккى ҳафтадан кейин кетаман, чунки күпроқ тўлайдиган жой топдим" каби гапларни эшитамиз.

Кўпчиликка бу иборалар жуда маъноли бўлиб кўринади. Шундай бўлса ҳам, Рей Крокнинг сўзларига қулоқ тутсак, бундай гапирадиганларнинг ўз иши бўлмайди. Барча бу ғоялар даромадлар устунида жойлашган ва одамга факат қўшимча пуллар даромад келтирадиган активлар сотиб олишга сарфлансангина, ўз молиявий ахволини яхшилаш имконини бериши мумкин.

Камбағал ва ўртаҳол синфларнинг катта қисми молиявий маънода мутаассиблигининг асосий сабаби (улар: "Мен таваккал қилолмайман", – деб гапирадилар), уларда молиявий пойдеворнинг йўқлигидир. Улар ўз ишларига ёпишиб олиш ва таваккалчилик ҳаракатларидан ўзини тийишга мажбурдирлар.

Оммавий кисқартиришлар урф бўлганида миллионлаб ишләётган одамлар ўзларининг асосий капитал қўйилмалари деб айтиладиган уйлари – ҳалокатлари эканлигининг гувоҳи бўлдилар. Бу "капитал қўйилма" ҳар ойда янги ҳаражатларни талаб киласди. Яна бир "капитал қўйилма" бўлган машина билан ҳам шу ҳолат. Қачонлардир минг доллар турган гольф даста (клюшка)си учун ҳеч ким бунча бермайди. Одамларда барқарор ишдан бошқа суюнчик йўқ. Улар муваффакиятли капитал қўйилма деб ҳисоблаган нарсалар молиявий инқизоз гтайтида ёрдам бермайди.

Ўйлайманки, кўпчилигимизга банкда уй ёки машина сотиб олиш учун кредит олишга ариза ёзишга тўгри келган. "Мажбуриятлардан ташқари мулк қиймати" бўлимида нималарни ёзишлари ҳамиша жуда қизик. Бу банк хизмати ва бухгалтерлари нимани актив деб ҳисоблашларини кўриш имкониятини беради.

Бир гал ссуда олмокчи бўлдим, лекин молиявий аҳволим етарли даражада салобатли кўринмасди. Шунда мен активлар усгунига голф учун янги клюшкалар, санъат асарлари коллекциясини, китоблар, стереотизим, телевизор, костюмлар, кўл соати, туфли ва шахсий фойдаланиш буюмларини кўшиб кўйдим. Менга барибир ссуда беришмади, чунки... кўчмас мулкка кўйилган катта пулим борлиги маълум бўлди. Комиссияга кўп хонадонли уйларим менга бунақа катта фойда келтириши ёқмади. Улар нега менинг нормал ишим ва маошим йўклигини билишни истардилар. Костюмлар, голф учун клюшкалар ва санъат асарлари эса уларнинг ҳеч қандай ғазабини уйғотмади. Ҳа, баъзан “стандарт”(қолип)га тушмайдиганларга осон бўлмайди.

Мен ҳар сафар бироннинг: “Менинг мулким ҳиллион доллар турари, ёки юз минг, ёки яна қанча ҳам” деганини эшиттанимда тепа сочим тикка турди. Юқорида кўрсатилган сумма ноаниклигининг яна бир асосий сабаби шундаки, сиз ўз капитал кўйилмаларингизни сота бошласангиз, солик тўлашингиз керак бўлади.

Шунинг учун ҳам даромадлари камайган кўпгина одамлар оғир молиявий аҳволга тушиб қоладилар. Накд пулга эга бўлиш учун улар ўз капитал кўйилмаларини сотадилар. Лекин биринчидан, шахсий мулкни баланс хисоботида ёзилган сумманинг бир қисмига сотиш мумкин, холос. Агар улар уни фойдасига сота олсалар ҳам, бу фойда соликка тортилади. Давлат пулнинг бу қисмини олади ва одамга карзини қайтариш кийинрок бўлади. Шунинг учун ҳам кўпинча: сизнинг “кимматбаҳо” мулкингиз ўйлаганингиздан кўра камроқ турди деб айтаман.

Ўз ишингизни бошланг. Ҳозирги ишингизни ташлаш шарт эмас. Пассив ёки уйингизга олиб келга-

нингизда қадрсизланадиган шахсий буюмлар эмас, активлар сотиб олишни бошланг. Янги машина тўхташ жойидан олиб кетганингиздаёк 25% қийматини йўқотади. Буни капитал қўйилма деб бўлмайди, гарчи банкнинг фикри бошқача бўлса ҳам. Мен жойимдан жилишим билан тўрт юз долларлик янги титан двигателимнинг нархи юз эллик долларгача тушади.

Агар катта ёшли одам бўлсангиз, харажатларни кўпайтирманг, пассивларни камайтириб, ҳақиқий активлардан иборат пойдеъорларни астойдил қуинг. Агар ёш бўлиб, ҳали ота-онангиз билан яшаётган бўлсангиз, улар сизга активни пассивдан ажратишни ўргатишса нур устига аъло нур бўлади. Активлар устунини болалар уйдан кетгунча, уйланиб, уй сотиб олиб, фарзандлар кўриб қарзларга ботгунга қадар ҳам қуришни бошлаш мумкин. Жуда кўплаб ёш келин-куёвлар ишлай бошлагандан бошлаб амалда бир умрга чорасиз ахволга тушиб қоладилар.

Кўлгина ота-оналар уйлари ни охирги фарзанди тарқ этаётгандан пенсия ёшига яхши тайёргарлик кўрмаганларини англаб өтадилар ва пул йиға бошлайдилар, натижада уларнинг янги харажатлари пайдо бўлади.

Сизга ва сизнинг болаларнингизга қандай активлар сотиб олишни маслаҳат берардим? Мен яшайдиган дунёда ҳақиқий **активлар** бир неча тоифага бўлинади:

1. Эгасининг иштироқини талаб қилмайдиган бизнес. У менга тегишли бўлса-да, бошқалар бошқаради. Агар мен у ерда ишлашга мажбур бўлсам, бу бизнес эмас. Бу менинг ишмим.
2. Акциялар
3. Облигациялар

4. Ўзаро (ёрдам) жамғармалари
5. Фойда келтирадиган күчмас мол-мулк
6. Қарз тилхатлари ва векселлар
7. Интеллектуал мулк учун гонорарлар:  
музыка, сценарийлар, патентлар.
8. Қиймати бор, фойда келтирадиган ёки  
қиймати ошиб борадиган ва осон сотила-  
диган истаган бир бошқа мулк.

Кичиклигимизда билимдон отам менга баркарор иш топишины маслашат берди. Бадавлат отам эса бошқа томондан ўзимга ёқкан активларни сотиб олишни бошлашни маслашат берарди. “Сен ўзинг ёқтирилдиган ишни қилмайсан”. Мен бинолар ва ер ёққан-лиги учунгина күчмас мол-мулк сотиб оламан. Мен күчмас мол-мулкни ахтариш ва ташлашни жуда яхши кўраман. Мен бу билан кечаю-кундуз шуғуллана олардим. Бордию муаммолар пайдо бўлган тақдирда ҳам, күчмас мол-мулкка бўлган муҳаббатимни дарз кетқиза оладиган даражада аҳамиятли бўлмайди. Агар сиз күчмас мол-мулкка илик туйғуларни туймасангиз, у билан шутгулланмаганингиз маъқул.

Менга кичик, эндигина иш бошлаган компанияларнинг акциялари жуда ёқади. Гап шундаки, мен калбан корпорация аъзоси эмас, тадбиркорман. Менга йирик компаниялардан бўлган, масалан, Калифорниядаги, “Standard Oil”, “Хероҳ” деб номланадиган обрўли ташкилотда ишлаш насиб килди. Менга бу ёқарди ва мен ўша пайтни мамнунинг билан эслайман. Лекин юратимнинг туб-тубида катта компанияларни ёқтиримаслигимни биламан. Менга бизнесни бошқариш эмас, бошлаш ёқади. Шунинг учун ҳам кўтгигча кичик компанияларнинг акцияларини сотиб оламан, баъзан эса ҳатто ўзим уларни ташкил қиламан. Шу йўл билан катта бойлик орттириш мумкин ва мен бу ўйинни жуда яхши кўраман. Кўпгина

одамлар бундай таваккалчиликдан қўрқадилар. Бу эса ҳақиқатдан ҳам хатарли. Агар нимага пул тикқанингизни, нима қиласётганингизни тушунсангиз ва бу сизга ёқса, хатар камаяди. Менинг кичик компаниялар билан инвестицион дастурим – бир йилда бор маблағни тугатишдир. Кўчмас мулк билан иш килсам, кичик суммалардан бошлаб мунтазам қўпайтириб бораман, арzonроқ биноларни қимматротига алмаштираман, шу йўл билан фойда солигини тўлаш заруриятини ортга сурман. Бу фойданинг кескин ошишига олиб келади. Одатда бирон-бир кўчмас мулкка етти йил эгалик киламан.

Кўп йиллар, ҳатто армияда хизмат килиб турганинда ҳам, ёки “Хегох” да ишлаганимда ҳам бадавлат отамнинг маслаҳатларига амал қилдим. Мен ишимни ташламадим, лекин ўз хусусий бизнесим ҳам бор эди. Мен, активлар устунида фаол ҳаракат килардим. Кўчмас мулк ва майдада акциялар билан савдо килардим. Бадавлат отам ҳар доимо молиявий саводхон бўлиш қанчалик муҳим эканлигини таъкидлар эди. Бухгалтерия иши ва молиявий нозикликларни қанча яхши тушунсам, шунча инвестициялар таҳлилини яхши бажараман ва ниҳоят ўз хусусий компаниямни ташкиллаш имкониятига эга бўламан.

Мен, агар ўзингиз хоҳламасангиз, компания ташкиллашни маслаҳат бермаган бўлардим. Бу ҳақда анча-мунча нарсани билганим боис буни ҳеч кимга тиламаган бўлардим. Одам иш тополмайдиган пайт бўлиши мумкин. Шу пайт хусусий компания унинг учун ягона йўл бўлади. Лекин муваффакият учун имконият кам. Ўнтадан тўққизта компания беш йил ичида барбод бўлади. Биринчи беш йилда омон қолганлар ичида ҳам ўнтадан тўққизтаси синади. Шунинг учун буни мен сизга ҳақиқатдан ҳам ўз компаниянгизга эга бўлишига қарор қилган бўлсангиз

маслахат бера оламан. Акс ҳолда ишни ташламаслик ва айни бир вақтда ўз ишингизга эга бўлишингиз керак.

Мен ўз ишингиз ҳакида гапирганимда активлар устунини қўллаб-қувватлаш ва ўсишни назарда тутаман. Агар унга доллар тушган бўлса, кетишига йўл қўйманг. Уни ўз ходимингиз деб ҳисобланг. Пулнинг энг зўр киймати – унинг сизга авлодлар давомида суткасига йигирма тўрт соат ишлашидир. Одатдаги дек, янада тиришиб ишланг, лекин активлар устуни ҳакида эсдан чиқарманг.

Пул окимиининг кўпайишига қараб ўзингизга қандайдир зеб-зийнат буюмларини сотиб олишингиз мумкин. Бадавлат одамлар (ва бу жуда муҳим фарқ) уларни энг кейин, камбағал ва ўртаҳоллар энг биринчи навбатда сотиб олади. Улар катта уйлар, бриллиантлар, мўйна, яхталар сотиб оладилар, чунки бадавлат бўлиб кўринишни истайдилар. Улар бунга интиладилар, аслида карздор бўлиб коладилар. Бадавлатлар эса аввало актив устунини тузадилар. Кейин шу устундан келадиган фойда уларга зеб-зийнат буюмлари сотиб олиш имконини беради. Камбағал ва ўртаҳол синф вакиллари буни ўз пешона тери ва қони эвазига, шунингдек болаларига колдириши мумкин бўлган мерос ҳисобидан сотиб оладилар.

Ҳақиқий зеб-зийнат – ҳақиқий активга пул кўйиб, уни кўпайтирганингиз учун мукофотдир. Масалан, кўп хонадонли уйларимиздан олган ортиқча пулимизга хотиним ўзига “Мерседес” сотиб олди. Бу ортиқча уриниш ёки таваккалчиллик талаб қилмади, чунки “пул”ни кўп хонадонли уйдан ортирган эдик. Албаттa, унинг кўчмас мулкка киритган инвестициялари ўсиб фойла келтира боштагунча тўрт йил кутишига тўғри келди. Бирок бу зеб-зийнат чиндан ҳам мукофот бўлди, чунки у активлар устунини

кандай күпайтиришни билишини исботлади. Энди эса бу машина хотиним учун шунчаки чиройли ўйинчоқдан кўра кўпроқ аҳамиятлидир. Бу молиявий топқирликни моҳирона қўллашнинг мисолидир.

Одамларнинг қўпчилиги импульс таъсирида янги автомобиль ёки яна бирор-бир зеб-зийнат буюмини кредитга сотиб оладилар. Балки улар шунчаки зерикишар ва уларга янги ўйинчоқ керакдир. Кредитга харид қилган одамлар кўттинча бу зеб-зийнат буюмини ёқтиромай қоладилар, чунки қарз молиявий малол келади.

Энди сиз инвестиция қилиш ва ўз ишингизни очишга эринмаганингизда яна бир сеҳрли рецепт – бадавлатларнинг энг катта сирини қўллашга тайёр бўлдингиз.

Айни мана шу сир шарофати билан бадавлатлар шунчалик бадавлатдирлар. Бу мукофот сизни пухта ва чидам билан ўз бизнесингизни курганингиздан кейин йўл охирида кутади.

**ТҮРТИНЧИ ДАРС:**  
*СОЛИҚЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БҮЛГАН  
ВА КОРПОРАЦИЯЛАР АФЗАЛЛИГИ  
НИМАДА?*

**V БОБ**

Мактабда менга Робин Гуд ва унинг қувноқ дўстлари ҳақида гапириб берганлари эсимда. Ўқитувчи уни бадавлатлардан пулни тортиб олиб камбағалларга улашган романтик қаҳрамон Кевин Костнерга ўхшаган ажойиб ҳикоя деб хисобларди. Бадавлат отам эса Кевин Костнерни қаҳрамон эмас, қароқчи деб биларди.

Робин Гуд ҳаёт бўйлмаса-да, лекин унинг издошлиари тириkdir. Мен кўпинча бошқалардан: “Нега бунинг учун бадавлатлар тўлаб қўймайди?” ёки “Бадавлатлар камбағалларга пул тегиши учун кўпроқ соликлар тўлаши керак” қабилидаги гапларни эшитаман.

“Робин Гуд”нинг пулни бадавлатлардан тортиб олиб камбағалларга бериші ғояси камбағаллар ва ўртаҳолларнинг энг катта мұаммоларига сабаб бўлди. Робин Гуд орзулари – бу ўртаҳол синфнинг солик юқидан азият чекаётганинг сабабидир. Чиндан ҳам бадавлатлардан соликлар олинмайди. Камбағаллар учун ўртаҳол синф, айниқса ўртаҳол синфнинг билимдон табакалари тўлайдилар.

Бу механизмни яхши тушуниш учун ҳамма нарсани тарихий жиҳатдан қўриб чикишимиз лозим. Соликлар тарихини эслайлик. Билимдон отам таълим тарихи, бадавлат отам эса – соликлар тарихидан мутахассис эдилар.

Бадавлат отам Майк иккимизга аввал бошдан Англия ва Америкада соликлар бўлмаганини тушунтириди. Баъзан урушга тўлаш учун муваққат йифимлар ўтказилган. Қирол ёки Президент барчага мурожаат қилиб, ўз ҳиссаларини қўшишларини сўрарди. 1799 йилдан 1816 йилгача Буюк Британияда Наполеон билан бўлган уруш учун, Америкада 1861 – 1865 йиллардаги Фуқаролик уруши учун соликлар солинган.

**1874** йилда Англия доимий соликларни жорий этди. 1913 йилда Америкада Конституцияга 16 тузатиш қабул килиниб, унга мувофик даромад солиги доимий **бўлиб** қолди. Качонлардир америкаликлар соликларга қарши кайфиятда эдилар. Мустакиллик учун урушнинг сабабларидан бири ҳам Бостон бандаргоҳида чойга катта солик жорий этилиши билан боғлиқ тўкнашув **бўлди**. Англия каби, Америка Кўшма Штатларига фуқароларни доимий даромад солиғини жорий этиш заруриятига ишонтириш учун әллик йилга якин вакт зарур бўлди.

Бу тарихий саналар, шунга қарамай ҳар иккала солик аввалдан фақат бадавлатлардан олингандигини кўрсатмайди. Бадавлат отам эътиборимизни айнан шунга қаратишимиzioni хохлаган эди. У соликлар ғояси машҳур бўлиб, ҳалқ томонидан қабул килинганлиги камбағал ва ўртахол синфга: “соликлар фақат бадавлатларни жазолаш учун яратилган” деб айтганлари учун вужудга келган деб тушунтириди. Мана шунинг учун ҳам жалқ бу конунга овоз берди ва уни конституцион қилди. Конун бадавлатларга карши қаратилган бўлиши зарурлигига қарамай, амалда у унинг учун овоз берган одамлар: камбағал ва ўртахол синф вакилларига карши қаратилган бўлиб чиқди.

— Давлат пул ола бошлагач, унинг иштаҳаси оша **бошлади**, — деди бадавлат отам. — Биз сенинг отанг билан тамомила қарама-карши одамлармиз. У — давлат **бюрократ**, мен — капиталистман. Бу қарама-карши ҳатти-ҳарақатларимиз туғайли пул оламиз ва омадимиз **чопади**. У пулни сарфлаш ва янги одамларни ёллаш учун олади. У канча кўп сарфласа ва қанча кўп одам ёлласа, ташкилоти шунчалик йириклишади. Давлатда таомил шундай: ташкилоти канча йирик бўлса у шунчага **обрў-эътибор** козонади. Менинг ташкилотимда эса **инвесторлар** мени яна ҳам журмат қиласидилар, канча **кам одам** ёлласам, шунча кам харажат қиласман.

Давлат амалдорларини ёқтимаслигимнинг сабаби ҳам шу. Уларнинг максади кўпчилик ишбилармонларнидиң батамом фарқ қиласди. Ўсишга қараб давлатга тобора янги ва янги пуллар талаб қилинади, уларни биз солик шаклида тақдим этамиз.

Билимдон отам давлатнинг одамларга ёрдам бериси кераклигига чин дилдан ишонарди. У Жон Кеннедини ва айниқса унинг “Тинчлик корпуси” (америкаликларни ривожланётган мамлакатларга юборадиган ташкилот) гоясини жуда яхши кўрарди. Бу гоя унга шу қадар ёқардики, у онам билан бирга “Тинчлик корпуси”га аъзо бўлиб, кўпчиликни Малайзия, Таиланд ва Филиппинга тайёрлаган. У маориф бўлими ва “Тинчлик корпуси”га кўпроқ одамларни ёллаш масадида ҳамиша бюджетга қўшимча грант ва маблағлар олишта интиларди.

Унинг иши шундан иборат эди.

Ўк йил аввал бадавлат отамдан давлат амалдорлари – дангаса ўгрилар эканини, бадавлатлар кўпроқ солик тўлашга мажбур қилиниши керак бўлган очкўз фиригарлар эканини эшига бошлаганман. Қайси-дир маънода иккала томон ҳам ҳак. Шаҳарнинг энг йирик капиталистларидан бирига ишлаш, кечкурун эса отам – жамоат арбобининг ёнига қайтиш оғир эди. Кимга ишониш керак?

Ҳар холда соликлар тарихи ўрганилса, кизиқ бир йўналишни сезиш мумкин. Аввал айтганимдек, соликлар тўғрисидаги қонун фақатгина омманинг, иқтисодиётнинг “Робин Гудча” назарияси: бадавлатлардан ҳамма нарсани тортиб олиб бошқаларга тарқатишга ишонганилигидандир. Лекин муаммо пайдо бўлди: давлатнинг иштахаси шу қадар ошиб кетдики, тез орада ўртаҳол синфиға ҳам солик солишга тўғри келди, шу кунгача бу чегара пасайяпти, холос.

Бадавлатлар эса бошқа томондан дарров ўзларига янги кімкониятларнинг кашиф этдилар. Улар худди ўша

коидалар асосида ўйнамайдилар. Айтиб ўтилганидек, энди бадавлатлар корпорациялар ташкилташни билар эдилар. Бу мулк шакли флогни ривожлантириш даврида машхур эди. Бадавлат одамлар ҳар бир саёхатда капитал кўйилмаларни йўқотиши хавфини камайтириш мақсадида корпорациялар ташкил қилардилар. Улар саёхатни молиялаштириш учун ўз пулларини корпорацияга бирлаштиради.

Кейин эса корпорация янги дунёга ҳазиналар учун жўнайдиган командани ёлларди. Агар кема йўқолса, команда ҳам у билан ҳалок бўларди, бадавлатлар эса шу сузишга тиккан пулларини йўқотардилар, холос. Кейинги схемада қандай килиб корпорация алохида одамнинг молиявий хисботидан ташқарига чиқиши кўрсатилган.



Айнан корпорация гоясининг ҳуқуқий ижобий томонларини билиш бадавлатларга ўртаҳол ва камбагал синфлар олдида шундай устунлик беради. Мени икки отам тарбиялаган: социалист ва капиталист – ва мен молиявий маънода капиталист фалсафаси анча оқилона эканлигини тушундим. Мен социалистлар охир-оқибат молиявий саводхонликлари етарли бўлмаганини учун ўзларини ўзлари жазолайдилар деган карорга келдим.

“Бадавлатлардан ҳамма нарсани тортиб оламиз” – деб бакираётганлар нима ўйлаб топишмаса ҳам, бадавлатлар уларга панд бериш йўлини топадилар. Щунинг учун ҳам охири соликлар ўртаҳол синфга ҳам тадбик килинди. Бадавлатлар зукколарга мактабда ўргатилмайдиган пул хакидаги билимлари шарофати билан панд бердилар.

Кандай килиб бадавлатлар ҳаммага панд берган? “Бадавлатлардан ҳамма нарсани тортиб оламиз!” деган солик кабул килинганда давлат омборларига пул окиб келди. Аввалига ҳамма мамнун эди. Пул давлат хизматчилари ва бадавлатларга тушар эди. Хизматчилар уларни маош ва пенсия кўрининшида, бадавлатлар эса давлат шартномалари сабабли ўз завод ва фабрикалари орқали олар эдилар. Давлат катта мидордаги пул эгаси бўлиб колди, аммо унинг фискал бошқарувида муаммолар пайдо бўлди. Оборот амалда тўхтади. Бошка сўз билан айтганда, амалдор нуктаи назаридан давлат сиёсати – ортиқча цулдан сакланышдир. Ўзингизга ажратилган маблағларни сарфлай олмаган бўлсангиз, кейинги бюджетда у сизга тегмаслиги ҳам мумкин. Ва албатта, хеч ким сизни тежамкорлик учун мактамайди. Бизнесменлар эса бошка томондан уларда қўнимча фойда пайдо бўлса ва иш самаралирок ташкилланса хурсанд бўладилар.

Давлат күпроқ сарфлар, пулга бўлган эҳтиёж ўсар ва “Бадавлатлардан хамма нарсани тортиб оламиз” фояси жамиятнинг кам даромадли катламларига качонлардир унга овоз берган камбағаллар ва ўртахол синфга етмагунча ёйила борди.

Ҳакикий капиталистлар шунчаки ўзларининг молиявий билимларини ишлатиб йўл топадилар. Улар корпорация химояси остига кайтдишлар. Корпорация бадавлатлар манфаатларини химоя килишга мўлжалланган. Ҳеч качон корпорация тузишда катнашмаган кўпгина одамларга корпорация – аслида мавжуд бўлмаган ходиса эканлиги маълум эмас. Бу шунчаки бир неча көғозли папка бўлиб, давлат агентлиги рўйхатга олган кандайдир бир ҳуқуқшунослик идорасида ётади. Бу корпорация номи ёзилган пешлавҳа илингган кичкина биноидир. Бу фабрика ҳам, одамлар гурухи ҳам эмас. Бу бор-йўғи ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унга мувофиқ катби йўқ ҳуқуқий тана тузиленган. Доимий даромад солиги тўғрисида конунлар кабул килиниши биланок корпорациялар тузиш оммалашиб кетди, чунки алоҳида одамларнинг даромадларидан кўра корпорациялар даромадларидан камрок солик олинади. Бундан ташкири, юкорида айтилганидек, баъзи харажатларни солик тўлагунга кадар ҳам корпорация ичида ҳам тўлаш мумкин. Бадавлатлар яна улокни илиб кетдилар.

Бадавлатлар ва йўксиллар ўртасидаги бу уруш юз йиллаб давом этяпти. “Бадавлатлардан хамма нарсани тортиб оламиз” деб хайкирадиган оломон бадавлатлар билан курашиди. Үрун ҳар сафар янги конунлар чикканда юзага келади ва абадий шундай бўлади. Муаммо шундаки, ҳамиша кимда-ки ахборот бўлмаса, у малуб бўлади. Ҳар куни эрталаб туриб ишга борадиган, кейин солик тўлайдиганлар ютказади. Агар бадавлатлар қайси қоидаларга кўра

Үйнашини билгиларида эди, улар хам шу коидаларга риоя киlgан бўлардилар. У холда улар молиявий эркинликка эришган бўлардилар. Мана нимага ота-оналар болаларига яхши, баркарор иш топиш учун мактабда ўкишни маслаҗат беришганини эщитсам ҳар сафар пешонам тиришади.

Баркарор ишли, лекин молиявий тонкирлиги мутлако бўлмаган хизматчи иложсизликдан асло чиқиб кета олмайди.

Бугун ўртахол американтик хамма соликларни қоплаш учун давлатга бенголти ой ишилади. Мен бу жуда катта муддат деб хисоблайман. Одам канча тиришкоқлик билан ишиласа, у шунча кўпроқ тўйлади.

Мана нима учун “Бадавлатлардан хамма нарсани тортиб оламиз” ғояси қачонлардир унинг учун овоз берганларнинг ўзига карши бўлиб чиқди.

Ҳар сафар одамлар бадавлатларга жазо беришга интилганда улар бўйсунмайдилар, муносабат билдирадилар. Уларда пул ҳам, ҳокимият ҳам, бирон-бир нарсани ўзгартириш учун ҳохиш-ирода ҳам бор. Улар қўл ковушириб ўтирмаидилар ва янги соликларни ихтиёрий тўламайдилар. Улар солик тўлашни иложи борича камайтириш йўлларини излайдилар. Яхши ҳукуқшунос ва бухгалтерларни ёллайдилар, сиёсатчиларни конунларни ўзгартириш ёки ғайрикоиний йўл кидиришга даъват киладилар. Чунки уларнииг бунга етарли маблағлари бор.

АҚШ солик кодекси бошқа усуслар билан соликдан иккисод килишга имкон беради. Уларнинг деярли хаммаси ҳар бир одамга очикдир, лекин одатда улар билан факат бадавлатлар хусусий бизнеси борлиги учун кизикадилар. Масалан “1031-бўлим” деб аталадиган Кодекснинг ички даромадлар ҳакидаги бўлими бўлиб, у сотувчига янада қимматрок қўчмас

мұлкка алмаштириладиган күчмас мұлкни сотишдан туыған фойда солигини қечиктириш имконини беради. Күчмас мұлк савдоси солик тұлашда катта афзalлик берадиган усуллардан биридир. Күчмас мұлкингизни кимматроғыга алмаштирар әкансиз, сизнинг фойданғиздан солик олинмайди. Солик юкини камайтиришнинг қонуний усулларидан фойдаланмайдиган одамлар ўз активлар устуини құпайтиришининг катта имкониятини бой берадилар.

Камбағал ва ўртахол синф вакилларида бундай ресурслар йўқ. Улар ўтирадилар ва давлатга томирларига игна саншиб бор кони сўриб олишларига йўл кўядилар. Бугун мен давлатдан қўркканликлари учун кўпроқ солик тұластыган жуда кўп сояли одамларга дуч келяпман. Мен давлат солиқчиси ўзини канчалик таҳдидли тутиши мумкинлигини биламан. Баъзи дўстларим компанияларини беркитганлар, хатто кейинчалик бу хато туфайли килинганилиги аникланган бўлса ҳам. Буниг ҳаммасини тушунаман. Давлатга январдан майнинг ярмигача ишлари – бу қўрқув учун ўта юкори товондир. Менинг камбағал отам ҳеч қачон бу холатта карши чиқмаган. Бадавлат отам ҳам ундай қилмаган. У факат бу ўйинда ақллироқ ўйнаган бўлиб, бадавлатларнинг энг асосий дастаги – корпорациялардан фойдаланган.

Бадавлат отамдан олган биринчи сабогимни эсланг. Мен тўққиз яшар болакай билан гаплашишни лозим кўргунга қадар ўтириш ве кутишимга тўғри келди. Мен унинг идорасида тез-тез ўтирас, унинг менинг олдимга тушгунинга қадар кутар эдим. У бекорга мени куттирмаган. У мени ҳокимиятга эгалигини түпнининини, келажакда ўзим ҳам шундай ҳокимиятга эга бўлишни хоҳлашимни истарди. Мен ундан сабок олган йиллар билим – куч эканлигини қайта-қайта эслатар эди. Пуллар катта куч беради,

бирок уни ушлаб колиш ва кўпайтиришнинг ягона йўли зарур билимлардир. Бундай билимларнинг йўқ экан, дунё сизни футбол контогидай ўйнайди. Майк билан менга бадавлат отам бош душманимиз хўжайин ёки бошлиқ эмас, балки солик нозири эканлигини таъкидлашдан чарчамасди. Солик нозири қўйиб берсангиз сиздан қўпроқ олишга хамиша тайёрdir.

Пулга эмас, пулни ўзингизга ишлашга мажбур килишдан один, энг аввало, ҳокимият кимга тегишли эканлигини тушунишингиз лозим. Агар пул учун ишласангиз, сиз ҳокимиятни иш берувчига топширасиз. Агар пулиигиз сизга ишласа, ҳокимият ҳам сизга тегишли бўлади. Биз Майк билан бу гояни ўзлаштирганимиздан сўнг бадавлат отам бизга молијавий билимларимиз бўлиши зарурлиги ва бошқаларга ўзимизни қўрсатмаслигимиз кераклигини айтди. Конунлар ва пул ишлашнинг бутун тизимини билиш лозим. Билимсизларни хўрлаш осон. Нима деяётганингизни билсангиз муваффакият учун имкониятингиз бор. Мана нимага у яхши солик бухгалтерлари ва хуқуқшуносларга яхши хақ тўларди. Бу барибир давлатга тўлагандан анча арzon. Унинг қўйидаги хикматли ибораси менинг учун энг зўр сабок бўлди: “Акклироқ бўл ва сени хўрлай олмайдилар”. У конунни билар, чунки конунга итоат қиладиган фукаро эди. У конунни билмаслик унга жуда кимматга тушиши мумкинлиги учун ҳам конунни биларди.

“Агар сен хақ эканлигингни билсанг, қарши зарба берилишидан қўркмайсан”. Ҳатто агар сен Робин Гуд ва унинг қувноқ қарокчиларига қарши чиксанг ҳам.

Билимдон отам хар доим менга обрўли корпорациядан яхши жой топишимни маслаҳат берарди. У “хизмат ногонасидан қўтарилиш” кандай яхши

эканлиги хакида гапиради. Лекин у мен агар корпорациядаги маошимга таяниб колсам бор-йүғи итоаткорона ўзини соғдирадиган сигир бўлишимни тушунмасди.

Мен бу маслаҳат хакида бадавлат отамга гапириб берганимда у киноя билан “хм” деди-да, “Нега шу поғонага эга бўлиш мумкин эмас?” – деб айтди, холос.

Болалигимда мен бадавлат отам корпорация менга тегишли бўлиши кераклигини назарда тутганигини тушунмаганман. Бу гоя мутлако иложсиз, ҳатто кўркинчли бўлиб туюлар эди. У мени ўзига тортса-да, болага кунлардан бир кун у компанияга эгалик килиши ва катталар уига ишлашини тасаввур килиш кийин эди.

Гап шундаки, агар бадавлат отам бўлмаганида мен шубҳасиз билимдон отаминиг маслаҳатига эргашардим. Агар бадавлат отам тоҳ-тоҳ шахсий корпорацияга эгалик килиши ғояси хакида эслатиб турмаганда мен бошка йўлдан борган бўлар эдим.

Ўн беш-ён олти ёшларимда мен билимдон отам кўрсатган йўлдан боришни истамастигимни аллақачон билар эдим. Мен хали айнан нима килишимни билмасам-да, лекин синфлоштаримнинг қўпчилиги ҳаракат килаётган йўналишдан кетмасликка катъий қарор килган эдим.

Бу қарор хаётимни ўзgartириб юборди.

Факат йигирма ва ўттиз ёшлар ўртасида мен чиндан бадавлат отам нима маслаҳат беришини тушуна бошладим. Мен айни армия хизматини тугаллаб “Хегоҳ” компаниясига ишга жойлашдим. Мен кўп пул ишлаб топардим, бирок ҳар сафар маош чекига караб хафсалам пир бўларди. Чегирмалар жуда кўп эди ва мен канча кўп ишласам, улар шунча тез кўпаярди. Аста-секин бошликлар лавозимдан

күтарилиши ёки машига устамалар хакида гапира бошладилар. Буни энгитини менга хүн ёкар, лекин миямда бадавлат отамининг: "Кимга ишлайсан? Кимни бадавлат килясан?" - деган овози жаранглар эди.

1974 йилда "Херох"да иштаб туриб мен ўзимнинг биринчи корпорациями ташкилладим ва "шахсий ишм"ни бошладим. Менинг активлар устунимда бир неча пункттар бўлиб, эндиликда уларнинг сонини оширмоқчи эдим. Бу машидан чегирмалар шу йиллар давомидда бадавлат отам айни ҳақикатни гапирғанилигини чиндан тасдиқлади. Билимдон отамининг маслаҳатига юрсам мени нима кутаётганлиги ни кўриб турадим.

Кўпгина иш берувчилар ходимларга шахсий бизнесга эгалик қилини маслаҳатини бериш ўзларининг ишига шутур етказади. Леб хисоблайдилар. Албатта, баъзи холларда бу мутлақо адолатлидир. Бирок мен ўз шахсий ишмга эътибор қаратиб, активлар сотиб ола бошлаганимда янада яхнироқ ишлай бошладим. Эди менда маъсад пайдо бўлди. Мен эрта келар, тиришкоёлик билан кўчмас мулкка қўйинши бошлаш учун имкон қадар кўпроқ пул тўплашга уриниб ишлардим. Равайида айни шов-щув бошланган, демакки, катта бойлик орттириш мумкин эди. Буни қанчалик яхши тушунсам, шунча қўп нусха қўчириш машиналарини сотардим. Уларни қанча қўп сотсан, шунча қўп пул топардим ва албатта маошимдан қўпроқ чегириларди. Бу мени илҳомлантиради. Бу тузокдан чикиб кетишни шунчалик истардимки, янада тиришкоёлик билан ишлардим. 1978 йилда компаниянинг энг яхши бош савдо агентлари сафига мустаҳкам жойлашиб, улар орасида қўни маротаба голиб бўлганман. Мен "каламуш пойга"си йўлагидан чикишини орзу килардим.

Үч йил ўтар-ўтмас мен ўзимнинг кўчмас мулкка ихтисослашган кичкина компаниямда "Хегоҳ"га нисбатан кўпроқ пул топардим. Активлар устунида лайдо бўлган пул ўз корпорациямдан бўлиб, бу пулнинг менга ишлаётганлиги натижаси эди. Эшик тақиллатиб нусха кўчириш аппаратларини таклиф килган мен эмасдим. Бадавлат отамнинг маслаҳати амалда яна хам маънили бўлиб чиқди. Тез орада ўз мулкимдан келадиган пуллар оқими шунчалар ўслики, бу менга биринчи "Поршे"ни сотиб олиш имконини берди. "Хегоҳ"даги ҳамкасларим мени ўз маошини ишлатяпти деб ўйлашган. Лекин бундай эмас эди. Маошим активларга кетарди.

Пулларим тиришкоқлик билан менга ишлашда давом этарди. Активлар устунидаги ҳар бир доллар "ходим"га айланниб "ходимтар" сонини оширишга ва хўжайинига соликка тортилмайдиган долларлар хисобидан янги "Порше" сотиб олишга тиришар эди. "Хегоҳ"га янада харакатчалик билан ишлай бошладим. Режа ишларди, менинг янги машинам бунинг исботи эди.

Бадавлат отамнинг сабоклари ёрдамида мен "каламуш пойгаси"нинг макталган йўлагидан жуда хам вактида чиқиб олдим. Мен буни шу дарсларда олган мустахкам молиявий билимларим туфайли уddeлладим. Бу билимларсиз, мен уларни молиявий IQ деб атайман, молиявий эррининг томон йўл анча мураккаброқ бўлур эди. Энди мен семинарларда бошқаларга шу билимларни улар билан ўртоқлашсам, деган умид билан ўргатмоқдаман. Мен уларга молиявий IQ- бу фаолиятнинг турли соҳаларига тегишли бўлган билимларнинг мажмуудир, деб эслатишдан чарчамайман.

**Биринчи** – бухгалтерия хисоби. Мен молиявий саводхонлик деб атайдиган нарса, ўз империясини барпо этиини истаганлар учун зарурый малакадир. Канча күн цулга жавобгар бўлсангиз, шунча кўпроқ аниқлик талаб қилинади, акс холда бутун биноингиз вайрон бўлади. Майдачуяда учун жавобгар чап ярим шардир. Молиявий саводхонлик-молиявий хисоботларни ўкиш ва тушуниш кобилиятидир. У ҳар қандай бизнеснинг кучли ва заиф томонларини кўриш имконини беради.

**Иккинчи** – инвестиция килиш малакасидир. Мен буни цул қандай килиб цул килиши ҳакидаги фан деб атайман. У муайян стратегия ва формулаларни ўз ичига олади. Бу соҳада миянинг ўнг, ижодий томони шилайди.

**Учинчи** – бозорни билиш. Бу талаб ва тақлиф ҳакидаги фандир. Бозорнинг хиссиётлар бошқарадиган “техник” томонларини билиш керак. 1996 йил “Рождество”си найтидаги “Эльмо – Мени – Китикла” кўтирчони хиссиётлар бошқарадиган бозорнинг ёрқин мисолидир. Бозорнинг яна бир фактори – бу “асосий” ёки иктисадий – инвестиция маъносидир. У ёки бу капитал қўйилмадан жорий бозор шароитида маъно борми, йўқми?

Кўпчилик инвестициялаш ва бозор иктисадиёти концепциялари болалар учун ўта мураккаб деб хисоблайди. Лекин улар болалар бу фанларни гайри-ихтиёрий билдишларини тушумайдилар.

Дарвоқе, агар сиз кўтирчок Эльмо нималигини билмасангиз, у айни Рождество оллидан болалар учун кучли реклама қилинган “Сезам кўчаси” кўрсатувининг персонажидир. Деярли ҳамма болалар бундай кўтирчок олишини истардилар ва орзуладар рўйхатига уни биринчи банд килиб белгилардилар. Кўпгина ота-оналар компания реклами давом эттираса

хам атайлаб уни сотувдан олиб қўйган деб хисобла-  
дилар. Эҳтиёжнинг юкорилиги ва таклифнинг паст-  
лиги оқибатида вахима келиб чиқди. Бу қўғирчокни  
дўкондан топиш мумкин бўлмаганлиги учун чайков-  
чилар тушкунликка тушган ота-оналар хисобига ях-  
шигина пул ишлаб олиш имконини кўрдилар. Омади  
юришмай, қўғирчокни топа олмаганлар бошқасига  
каноат қилишга мажбур бўлдилар. “Эльмо – Мени –  
Китиқла” қўғирчоғининг мисли қўрилмаган машҳур-  
лиги менга мутлақо тушунарсиз эди. Лекин бу талаб  
ва таклиф иктисади қандай ишлашининг ажойиб  
мисоли эди. Қимматбаҳо когозлар, қўчмас мулк ёки  
бейсбол ўйинига чипта сотилганда ҳам айнан шу  
ходиса рўй беради.

**Тўртинчи** – бу конун. Агар сиз ўз корпораци-  
янгизни бухгалтерлик иши, инвестициялаш, бозор  
асосида курсангиз ва бунга ҳуқукий билимларни қўш-  
сангиз, у жуда тез ўса бошлайди. Корпорациянинг  
соликларни тўлаш ва ҳуқукий ҳимоя маъносида фой-  
дасини билган одам оддий хизматчи ёки кичик биз-  
нес эгасига караганда анча тезрок бойиб кетади. Бу  
эса бамисли учётган ва лиёда юраётганлар ораси-  
даги фарқдир. У айникса тап узок муддатли бойлик  
ҳакида кетганда мұхимдир.

### **1. Солик тўлашдаги афзалликлар.**

Корпорация алоҳида бир одам қила олмайдиган  
кўн нарсаларга кодир. Масалан, харажатларни солик  
тўлагунга қадар тўлаш. Бу алоҳида ўта қизикарли  
билим соҳаси бўлиб, агар сизнинг шахсий ишингиз  
ва йирик активларингиз бўлмаса унга чукурлашмаган  
маъкул.

Хизматчилар пул ишлаб топадилар, улардан со-  
лиқ оладилар ва улар колган пулга яшашиб ҳаракат  
қиласидилар. Корпорация ишлаб пул топади, нимани

хохласа харажат қиласи, сүнгра қолдик пулдан солик оладилар. Бу бадавлатлар қўллайдиган энг йирик солик яхши даромад келтирадиган найрангларидан биридир. Агар инвестициялар сохиби бўлсангиз корпорацияни тузиш ва қўллаб-куватлаш кийин эмас.

Масалан, агар корпорация эгаси бўлсангиз таътил Гавайидаги йигилиш деб ёзилади. Автомобилларни таъмирлаш ва сунурталаш – компания харажатлари. Саломатлик клубига аъзолик – албатта ишлаб чиқарни харажати деб. Ресторандаги деярли барча тушниклар кисман компания хисобидан тўланади. Ва хоказо ва шунга ўхшаш – бирок бу конуний ёки солик солинмаган долларлар билан тўланади.

## 2. Суд муҳоммада ридан химоя.

Бизнинг жамиятимизда судлашишни жуда яхши кўрадилар. Ҳамма сизнинг широгингиздан бир бўлак узуб олсан дейди. Бадавлат одамлар ўз бойлигининг каттарок кисмии ўз активларини кредиторлардан химоялаш учун корпорация ва трестлар ёрдамида яширадилар. Қачонлардир кимдир бадавлат одамни судга берса, кўпинча ҳуқукий химоянинг яхлит тизимига дуч келади-да, бу бадавлатнинг амалда ҳеч шимаси йўклигини билиб колади. У ҳамма нарсани бошкаради, лекин унга ҳеч нарса тегишли эмас. Камбағаллар ва ўртаҳоллар ҳамма нарса ўзларига тегишли бўлишини истайдилар ва биринчи талабдаёқ уларни давлатга ёки бадавлатлар билан судлашишни ёқтирадиган бошқаларга беришга мажбур бўладилар. Улар буни Робин Гуд ҳақидаги хикоядан билиб олганлар: бадавлатлардан тортуб олинг, камбағалларга ҳамма нарсани беринг.

Бу китобда мен корпорацияни бошқаришнинг икир-чикирларига тўхтаб ўтирмайман. Лекин бир нарсани айтаман: агар сизнинг қандайдир конуний активларингиз бўлса, корпорация қандай фойда келтириши мумкинлигини иложи борича тезрок ўргансантиз бўларди. Бу мавзуда кўплаб китоблар ёзилган, улар корпорацияни қандай тузишни боскичмабоскич хикоя килиб берадилар.

Молиявий IQ – бу амалда кўплаб малака ва талантнинг коришимасидир. Бирок мен буни биринчи навбатда юкорида келтирилган тўрт банддан иборат комбинация деб айтган бўлар эдим. Агар сиз бойиб кетмоқчи бўлсантиз сизга айнан шу керак.

*Шундай қилиб:*

**Корпорацияларнинг бадавлат эгалари:**

1. Пул оладилар
2. Пул сарфлайдилар
3. Солик тўлайдилар

**Корпорация ходимлари**

1. Пул оладилар
2. Пул сарфлайдилар
3. Солик тўлайдилар

Биз сизга ўз активларингиз атрофида хусусий корпорация ташкил қилингизни ўтиниб иттимос киламиз. Бу сизнинг молиявий стратегиянгизнинг бир кисми бўлиб колсин.

**БЕШИНЧИ ДАРС:  
БАДАВЛАТЛАР  
КИЛАДИЛАР**

# *ПУЛ ИХТИРО*

## **VI БОБ**

Үтган оқшом танаффус килишга қарор қилдим, бу китобни ёзишдан алаҳсидим ва Александр Грейам Белл исмли ёш йигит (телефон аппарати ихтирочи-си) ҳакида ҳикоя килувчи теледастурни томоша қилдим. У ўз телефонини патентлаган бўлиб, ихтиросига талаб шу қадар катта эдики, улгуролмаётган экан. Унга катта компания зарур эди. Шунинг учун ҳам Белл ўша даврнинг гиганти бўлган "Western Union" корпорациясига бориб патентини ўзининг митти компанияси билан сотиб олишни уларга таклиф қилди. Ҳаммаси учун у бор-йўғи юз минг доллар хоҳларди. Компания президенти унинг устидан қулиб, нархи кулгили деб таклифини кабул қилмади. Ҳикоянинг колган қисми сизга маълум: Белл кўпмиллиардли ишилаб чиқариш ва "АГ & Т" компаниясига асос солди.

Шу кўрсатувдан кейинок кечки янгиликларни кўрдим. Мухбир маҳаллий компаниядаги навбатдаги қискартириш ҳакида ҳикоя қиласарди. Ишчилар газабга тўлган ва компания эгалариadolatsiz иш тутяптилар деб таъкидлардилар. Қирк беш ёшлардаги қискартирилган менежер заводга хотини ва икки боласи билан келиб коровуллардан хўжайинлар билан ўз карорларини ўзгартириш юзасидан гаплашишга кўйишларини сўраб ялинарди. У энлигина уй сотиб олган бўлиб, уни йўқотишдан кўркарди. Камера унинг ялинчок чехрасини катта килиб кўрсатди. Репортаж эътиборимни торгани шубҳасиз.

Мен 1984 йилдан бўён профессионал дарс бериш билан шуғулланаман. Бу ноёб тажриба. Бирок бу касб анчайин мураккаб ҳамдир, чунки менинг қўлимдан минглаб одамлар ўтди ва мен уларнинг барида, ўзимда ҳам бир умумий сифатни кўраман. Барчамизда улкан салоҳият ва ҳайратомўз истеъодод бўлиши керак. Лекин барчамизни бир нарса – ўз-

ўзимизга ишонмаслик түхтагиб туради. Гап техник ахборотда хам эмас, ўз кучингга ишонмасликда.

Баъзи одамларда бу бошқаларга нисбатан кўпроқ намоён бўлади.

Мактабни битираётib кўпчилигимиз хаётда энг мухими - яхши баҳолар эмаслигини туциунамиз. Ҳаётда эса яна бирон-бир нарса талаб этилади. Мен бу фазилатни “характер”, “жасурлик”, “дадиллик”, “соглом юзсизлик”, “чираниш”, “айёрлик”, “тиришкоқлик”, “яшашни билиш” ва “кобилиятлар” деб атаганларини эшигтганман. Бу омил уни қандай атамайлик, охир-окибат инсон келажагини мактаб- баҳоларидан кўра кўпроқ бёлгилайди.

Ҳар биримизнинг ичимиизда жасур ва кучли қаҳрамон яширинган. Бироқ бунииг акси ҳам бортиз чўкиб, керак бўлса, ётвoriш қобилияти. Въетнамда бир йил ҳарбий учувчи сифатида бўлиб, ўз характеримизнинг бу икки томони билан якиндан танишиб олдим. Уларнинг бирин иккинчисидан баттар.

Шунга карамай, ўқитувчи сифатида мен инсон дахоси йўлида энг асосий тўсиклар ортиқча кўркув ва ишончсизлик эканлигини тушунардим. Мен жавобини билсан ҳам айтишга кўркадиган ўқувчиларни кўрганда юрагим ўртанаарди. Ҳакиқий ҳаётда аклийларнинг эмас, довюракларнинг омади чопади.

Шахсий тажрибамдан молиявий истеъдод нафакат қандайдир малака ва кўнилмалар, балки жасурликдан ҳам иборат эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Агар кўркувингиз ўта кучли бўлса истеъдод эзилади. Машгулотларда мен ўқувчиларни таваккал қилишга ўрганиш, довюракроқ бўлиш, ўз истеъдодига кўра бу кўркувни куч ва малакага айлантиришга ундейман. Баъзилар бунга осон эришадилар, бошқалар эса даҳнатга тушиадилар. Мен одамларнинг кўпчилиги

иш пулга бориб тақалса, таваккал қиласликин афзал кўришларини билиб олдим. Менга кўпинча савол берадилар: “Нега таваккал қилиш керак?”, “Нега мен ўзимнинг молиявий IQни ривожлантириш учун вакт сарфлашим зарур?”, “Нега мен молиявий саводхон бўлишим лозим?”.

Ва мен: “Танлаш имконияти бўлиши учун” деб жавоб бераман.

Бизни улкан ўзгаришлар кўтмокда. Бу бобни ёш ихтирочи Александр Грейам Белл ҳакидаги хикоя билан бошладим. Келажакда кўплаб бундай одамлар пайдо бўлади. Ҳар йили бутун дунёда Билл Гейтс ва “Microsoft” компанияси каби юзлаб одамлар ва компанииялар пайдо бўлади. Янги синишлар, ишдан бўллатишлар ва қискартишлар юз беради.

Бўлмаса, нега ўзининг молиявий IQ сини ривожлантиришга вакт сарфлаши керак? Бунга жавоб факат ўзингизга маълум. Шундай бўлса ҳам, нега бундай қилишимни айтишим мумкин. Мен шунчалар кизикарли даврда яшаётганлигим учун шундай киламан. Ўзгаришлардан чўчишдан кўра уларни кўллаб-куватлайман. Маошимга устамиа беришмасмикан деб хавотирлангандан кўра ҳаяжон билан миллионлар ишлаб топишни афзал кўраман. Биз мисли кўримаган замонда яшаемиз. Бир неча авлоддан кейин одамлар ортга назар ташлаб: “Бу қандай хайратларни давр бўлган экан”, – дейиниали. Бу ўзининг ўлими, янгининг туғилиш даври, кутилмаган ва кизикарли воеаларга тўла вакт эди.

Хўш, одам ўзининг IQ сини ривожлантириш учун нега вакт сарфлаши керак? Сиз бундан улкан фойда олишингиз учун. Акс холда бундай давр сиз учун кўркинчли бўлади. Баъзи одамлар рустамона олдинга караб сузадилар, бошқалари эса вайрон бўлаётган қутқариш чамбарагига ёпишадилар.

Уч юз йил илгари өр бойлик эди. Шу сабабли ким ерга эгалик қылса бадавлат бўлган. Ўша даврда заводлар курилиши авж олганди ва Америка дунёга ҳукмронликни қўлга киритди. Асосий бойлик ишлаб чиқаришда эди. Бугун асосий бойлик ахборотда. Ва энг бадавлат одам – энг замонавий ахборотга эга бўлган кишидир. Муаммо шундаки, ахборот дунё бўйлаб ёруғлик тезлигида етказилади. Бу янги бойликни завод ёки фабрика каби девор ортида яшириб бўлмайди. Ўзгаришлар тезроқ бўлади. Янги мультимилионерлар сони шиддатли ортади. Чеккага чиқиб колганлар ҳам бўлади.

Бугун мен ўзининг эски қарашларидан кутулолмагани учунгина тиним билмай ишлаётган кўпгина одамларга дуч келаман. Улар ҳаммаси илгаригидек бўлишини истайди. Улар ўзгаришларга қаршилик кўрсатади. Мен ишини ёки уйини йўқотаётган ва бунда техник тараққиёт, иктисад ёки иш берувчини айбор деб биладиган одамларни биламан. Афсуски, улар муаммо ўзларида эканлигини тушунмайдилар. Эски ғоялар – бу уларнинг асосий пассиви. Бу пассив, чунки улар бундай ғоялар – кечаги кун активи эканлигини тушунмайдилар. Бугун эса кеча эмас.

Кунлардан бир кун мен одамларни ўзим ўйлаб тоғган (у “пул оқими” деб аталади) стол ўйини ёрдамида ўқитаётган эдим. Бир аёлни дугонаси машгулотта бошлаб келган эди. У яқиндагина ажрашган, ажрашиш жараёнида қўп нарсани йўқотиб, энди баъзи саволларга жавоб қидираётганди. Дугонаси машгулотлар унга ёрдам беради, деб ўйлаган.

Ўйин шундай ўйланганки, пулнинг қандай ишлашини одамлар англаб олишига ёрдам берарди. Ўйин пайтида одамлар баланс ҳисботи қандай қилиб даромадлар ва харажатлар ҳақидаги ҳисбот билан боғлиқлигини билиб оладилар. Сиз пулнинг мана шу

икки ҳисобот орасида “оқиши”ни кўрасиз, актив устундаги актив даромадларни ойлик харажатлардан ошиб кетмагунча кўпайтиришни ўрганасиз. Буни бажарганингиздан сўнг “каlamуш пойга”си йўлагидан чиқиб “тезюрар” йўлакка чикиб оласиз.

Илгари айтганимдек, баъзи одамларга бу ўйин ёқади, баъзилариға ёқмайди, учинчилари эса унинг маъносини тушунмайдилар. Бу бирон-бир нарсани ўрганиб олишининг қимматли имкониятини бой беради. Биринчий доирада у “яхта”ли буюм карточкасини тортиб олди. Аввалига у жуда севинди: “О, менда яхта бор!” Кейин эса дугонаси унга баланс ҳисоботида даромад ва харажатлар ракамлари нимани англатишини тушунтиришга ҳаракат қилганида хафа бўлди, чунки ҳеч қачон математикани яхши қўрмаган эди. Барча ўйинчилар дугонаси унга молиявий ҳисоблар бир-бирига ва ҳар ойлик ҳисоботга қандай алоқадорлигини тушунтириб қўймагунча кутардилар. Ахийри у буни тушуниб етганида миясига бир фикр келди: яхта кўп пул “ейди”. Ўйин давом этарди ва тез орада у қисқаришга тушди, сўнгра у “болали” бўлди. Бу раундда унинг омади юришди.

Машғулотдан сўнг дугонаси ёнимга келиб, унинг жуда хафалигини айтди. У инвестиция килишни ўрганиш мақсадида дарсга келган бўлиб, бизнинг узок вакт давом этган аҳмокона ўйинимиз унга ёқмаган эди. Дугонаси “ўзингга яхшилаб бир кара, ўйин унинг холатини тасвирламайдими?”, деб инсонти ришга уринди. Буни эшитгач, аёл пулини қайтариб беришни талаб килди. Унинг жаҳли чиқди: ўйин унинг хаётини акс эттириши тўғрисидаги гоя уига кулгили туюлди. Пулини қайтариб олгач дарҳол кетиб қолди.

1984 йилдан бери мен мактабда ўргатмайдиган ишни килиб миллионлар топаман. Мактабда деярли

хар вакт лекция ўкишади. Мен уларни ҳамиша ёқтирасдим. Тезда зерикиб қолар эдим.

1984 йилда одамларни ўйин ва инсценировкалар ёрдамида ўқита бошладим. Доимо катта ёшли ўкувчиларга ўйинларда ўз ҳаётларини кўриши маслаҳат берардим. Бу жуда муҳим: ўйин сизнинг ҳулкингизни акс эттиради. Бу зудликда кайта алоқа берадиган тизим. Лекция эшитиш ўрнига ўз эҳтиёжларингизга мослаштирилган шахсий сабоқ оласиз.

Ўша аёлнинг дугонаси янгиликни айтиб бериш учун менга қўнгироқ қилди. У энди дугонаси тинчланганини айтди. Ўтган давр ичида у ўйин ҳақиқатдан ҳам унинг ҳаётини қисман акс эттирганини тушуниб етган.

У ва эрининг яхталари бўлмаса-да, амалда деярли тасаввур қилиш мумкин бўлган ҳамма нарсалари бор эди. У ажralишдан кейин нафақат ёш хотин туфайли эри ташлаб кетганига, балки бирга йигирма йил яшаб жуда оз актив тўплаганликларига ҳам газабланарди. Бўладиган деярли ҳеч нарса йўқ эди. Улар йигирма йил ҳаддан ташқари қувноқ ҳаёт кечирдилар, лекин бундан бир тоннага яқин майдачуйда буюмлар қолди, холос.

У ўйиндаги ракамлар – молиявий ҳисоботлардан уларни тушунмай жижолат бўлганлиги туфайли жаҳли чиқсанлигини тушунди. У молия – эркаклар иши деб ҳисбларди. Уй юмушларини бажарар, меҳмонларни хурсанд қиласар, молия билан эри шуғулланарди. Энди у биргаликда турмушларининг охирги беш йилида эри ундан пул яширганига ишончи комил эди. Бир қисм пулнинг қаерга кетаётганлигини билмаганлиги, эрининг бошқа аёли борлиги ҳақида шубҳа ҳам қилмаганлигидан газабланар эди. Стол ўйини каби ҳаёт ҳам бир зумда кайта алоқани беради. Биз бу ахборотни тутиб олсак кўп нарсани

үрганишимиз мумкин. Яқында мен хотинимга кимёвий тозалашда шимимни бузиб қўйишганлиги – у кичрайиб қолганлигидан шикоят килдим. Хотиним меҳрли жилмайиб, бармоғи билан корнимга енгилгина босди. Шим кичраймаган, балки мен семиргандим.

“Пул оқими” ўйини ҳар бир ўйинчига қайта алоқа таъминлаш учун ўйлаб топилганди. У сизга танлаш имконини беради. Агар сиз яхтали карточка тортиб олсангиз, қарздор бўлсангиз сизда: “Энди нима килиш мумкин?” деган савол туғилади. Сизда қандай танлов бор? Ўйин мақсади шундай бўлиб, ўйинчиларни ўйлашга ва турли янги молиявий имкониятларни ишлатишга ўргатишдадир.

Мен бу ўйинни мингдан ортиқ одам ўйнаётганини кўрганман. “Каламуш пойгаси” йўлагидан колганлардан тезроқ чиқиб кетишга мушарраф бўлганлар ижодий молиявий фикрлаш қобилиятига эга бўлган ва ракамларни тушунадиган одамлардир. Улар турли молиявий ечимларни осонгина пайқайдилар. Энг кўп вақт ракамлар билан “дўстлашадиган” ва кўпинча инвестициялаш фойдасини англаб етмайдиган одамларга кетади. Бадавлат одамлар кўпинча ижодий харакат қилиб, билиб таваккал киладилар.

Баъзи одамлар ўйин пайтида кўп пул оладилару, уни қандай ишлатишни билмайдилар. Уларниң деярли ҳаммаси, аникланишича, чиндан хам молиявий ишларни жуда муввафқиятли олиб бормайдилар. Қолганлар пули камроқ бўлса хам, улардан ўзиб кетади.

Агар сиз ўз танловингизни чегараласангиз эски ғояларга ёпишган бўласиз. Бир вактлар юкори синфларда бирга ўқиган дўстим бор. Ҳозир у уч жойда ишлайди. Йигирма йил олдин синфдошларим ичида энг бадавлати эди. Махаллий шакарқамиш плантацијаси ёпилгач, у ишлатган компания ҳам йўқ бўлди.

Мана нима учун мен ўзимнинг молиявий топкиримга пул қўялман ва ўзимдаги энг қудратли акчи ривожлантираман. Мен олдинга жасурлик бишрадиган одамлар орасида бўлишни истайман. да судралиб қолмокчи эмасман.

Мана, пул қандай қилинишининг оддий мисоли. Йил бошларида мен яшаган Финиксдаги иктисолоҳолат жуда ёмон эди. “Хайрли тонг, Америка” визион шоусини кўриб ўтирадим, унда молиён режалаштириш бўйича мутахассис чикиб, турилиш фалокатларни башорат қиласр эди. У “пул яш”ни маслаҳат берарди. “Ҳар ойда юз доллар ажратиб қўйсангиз, – дерди у, – қирқ йилдан сиз мультимилионер бўласиз”.

Нима хам дердик, ойига пулнинг бир қисмини атиб қўйиш – ёмон фикр эмас. Бу қўпчилик тайдиган йўл. Муаммо шундаки, одам атрофда рўй берабётганини илғамай қолади. У пулни анкўпайтиришнинг йирик имконини бой беради. ёнидан оқиб ўтади.

Айтганимдек, ўша вақт иқтисод ёмон ахволда, сторлар учун эса бозорнинг бундай ҳолати фойзи. Пулимнинг бир қисми биржада, бошқа и кўп хонадонли уйларда эди. Накд пулим кам б атрофда ҳамма нарса сотилар, мен сотиб олар. Пулни тежамасдим, балки қўярдим. Хотиним н бу тез ўсаётган бозорга бир миллион доллар кўп накд пул киритдик. Бу инвестициялаш учун яхши имконият эди. Мен шунчаки майда көлигарни рад этолмас эдим.

Бир пайлар юз минг турган уйлар энди етмиш мингга сотиларди. Уларни кўчмас мулк савдослий агентлигидан сотиб олиш ўрнига мен суд

Бу одамнинг онгига эскича қараш – зўр бериб ишлаш йўли бор эди, холос. Муаммо шунда эдикни, ўша компаниядагидек мавкеига мос бўлган иш тополмади. Шунинг учун ҳам хозир эгаллаб турган ишига нисбатан малакаси жуда юкори, маоши эса пастроқдир. Эндиликда у учма-уч тирикчилик қилиш учун уч жойда ишлашга мажбур.

Ўйин пайтида ўзига имкониятлари бор “керакли” карточкалар чиқмаганлигидан нолийдиган одамларни кўрдим. Ва улар шунчаки қўл қовуштириб ўтирадилар. Мен реал хаётда ҳам шундайларни кўрганман. Улар “керакли” имконни кутиб ўтирадилар. Мен одамларни қандай қилиб “керакли” карточкани олаётганларини кўрдим, лекин уларда пул йўқ бўлиб чиқди. Улар агар пулимиз кўпроқ бўлганида “каламуш пойгаси” йўлагидан чикиб кетардик, деб шикоят қила бошлар ва яна қўл қовуштириб ўтирадилар. Хаётда бундай мисоллар етиб ортади. Одамлар улкан имкониятларни кўрадилар, лекин уларни амалга оширишга пуллари йўқ.

Яна шундай одамлар бўладики, улар зўр карточкани тортиб оладилар, овоз чиқариб ўкийдилар, лекин бу қандай ажойиб имконият эканлигини тушунмайдилар. Уларда ҳамма нарса бор: пул, кулай вақт, карточка, лекин пешонасидаги имкониятни лайкамайдилар. Улар карточкани қандай қилиб “каламуш пойгаси”дан кутулиш молиявий режасининг бир қисмига айлантиришни тушунмайдилар. Бундай одамлар қолганларнинг барчасидаи ҳам қўпроқдир. Деярли ҳаммаси бурнининг тагидаги улкан имкониятларни сезмайдилар. Йил ўтиб, қолганлар бойиб кетгандан сўнг бу ҳақда билиб оладилар.

Молиявий топқирлик – турили ечимларни кўра билиш. Агар рўпарангизда имкониятлар очилмаса, молиявий аҳволни қандай яхшилаш мумкин? Агар

имконият туғилса, лекин пулингиз бўлмаса ва банк сиз билан ишлашни истамаса, бу имкониятдан қандай фойдаланиш мумкин? Мана, молиявий топкирлик дегани. Масала нима бўлишида эмас, балки бу ҳолат учун нечта молиявий ечим топа олишингизда. Бу молиявий масалаларни ечишда ижодий ёндашувиングиздир.

Кўпчилик одамларга факат битта ечим маълум: тиришиб ишла, пул йиғ ва бошқалардан қарз ол.

Шундай килиб, молиявий топкирлик сизга нега керак?

Ўз бахтингиз ижодкори ўзингиз бўлишингиз учун. Сиз юзага келган ҳолатни ўз фойдангизга ишлатиб муваффакият қозонасиз. Камдан-кам одамга омад – эришиб бўладиган нарсалиги маълум. Худди пул каби. Агар омадлироқ бўлиш ва пул учун ишламай пул олишни истасангиз, сизга молиявий топкирлик зарур. Агар “керакли” имконият дуч келишини кутадиган одам бўлсангиз, сиз узоқ кутишингиз мумкин. Бу беш километр олисдаги яшил чирокни кутишга ўхшайди.

Болалигимизда Майк билан менга бадавлат отам тез-тез: “Пуллар – ҳақиқий эмас,” – деб гапиради. У бизга жездан пул ясаган биринчи куни пулнинг сирига яқинлашганимизни баъзан эслатарди. “Камбағал ва ўртахол синф пул учун иштайди, – дерди у. – Бадавлатлар пул қиласди. Пуллар қанча реал туйилса шунча зўр бериб улар учун ишлайсиз. Лекин пулнинг реал эмаслигини англасангиз, тезроқ бойишга эришасиз”.

– Бўлмаса, пул нима? – кўпинча тушунмасдан сўрардик Майк билан. – Реал нарса бўлмаса, улар нима?

– Биз уни қандай хисоблашга келишган бўлсак, ўша, – жавоб берарди бадавлат отам.

Энг қудратли ва қимматли актив миздир. Агар у яхши машқ қил, амалда бир секундда сизга улкан бои мумкин. Уч юз йил олдин хаттои кироличаларниг тушига ҳам кирмаг машқ қилдирилмаган онг қашшоқ чикиариши мумкинки, у тарбия оғавлодга ўтади.


Ахборот эрасида пул миқдори эсида ўсади. Баъзилар оддий “ҳеч дилар: ғоя ва контрактларда. Агар биржада савдо қиласидиган одамлаф улар доимо шундай қилишларини айча, ҳеч нарсадан миллионлар кили “ҳеч нарсадан” деётганимниг боиси кўлга ўтмаслигидир. Ҳамма нарса килинади: биржа залида кўлни кўтдаги савдогарниг экранидаги Тор сигнал, брокерга акция сотиб олишдан кейин сотиш учун қўнгироқ, эмас, шартномалар ўтган.

Хўш, нима учун молиявий топлантириш керак? Бу фақат сизга мебу билан шугулланаётганимни айтиш буни тезрок пул ишлаш учун қиласидиги учун эмас, балки шуни хоҳлағажойиб таълим. Мен ўзимниг мудунёдаги энг улуғвор ва жозибадор этмоқчи бўлганим сабабли ривожланятигининг бу мисли қўрилмаган эволюция мускуллари билан эмас, ақли би эрада ўзимниг кичкина ролимни Тарих айнан шу ерда килинади. Бу ли. Ва жуда қизиқарли.

биноси олдида банкротлик ишларини күрадиган хукукшунос идорасида ишлай бошладим. Бу ерда етмиш беш минглий уйни йигирма ёки ундан ҳам арзона солиб олиш мүмкін зди. Дүстимдан уч ойга иккі юз доллар эвазига олган иккі минг доллар қарзимдан хукукшуносга нақд пул түлови сифатида чек бердім. Келишув расмийлаштирилаёттанды газеттага шундай қиммат уйни бор-йүғи нақд пулсиз олтмиш мингга солиши ҳақида зылон бердім. Телефон тинмай жириңгларди. Истиқболли харидорлар топилиб, уй менинг мулкимга айланиши биланоқ уларға уйни күриш таклиф килинди. Ҳақиқий шов - шув бошланиб, уй бор-йүғи иккі дақиқада солилди! Мен расмийлаштириш учун иккі ярим минг нақд сүрадым, уни дархол бердилар. Иккі минг иккі юзини дүстимга кайтардым. Дүстим ҳам, уйнинг эгаси ҳам, хукукшунос ҳам, ўзим ҳам хурсанд бўлдик. Ўзимга йигирма мингга тушган уйни олтмиш мингга солдим. Бу кирк минг доллар менинг активлар устунимда сотувчининг қарз мажбурияти сифатида қолди. Уни ишлаб топиш учун беш соат вақтим кетди.

Шундай килиб, сиз молиявий саводхон бўлганингиз ва рақамларни таҳлил қила олганингизда, бу пуллар нимага “ихтиро” қилинган деб ҳисобланини кўрсатаман.

**Қандай қилиб**  
**40000 доллар**  
**активлар устунида**  
**яратилади.**  
**Пуллар ихтиро**  
**килинади ва солик-**  
**қа тортилмайды.**  
**Банк йилига улар**  
**учун 10% берса,**  
**сиз ўзингизга**  
**йилига 4000**  
**яратдингиз**



Бозор тараззули пайтида биз хотиним билан бўш вактимизда олтита шундай келишув тузишга эришдик. Маблагимизнинг асосий қисми каттароқ кўчмас мулк ва қимматли қоғозларга қаратилган бир пайтда олтита оддий уй олиб сотиш оркали бир юз тўқсон минг (10 фоизли ставкали банкнотлар кўринишида) ишлаб олишга муваффақ бўлдик. Бу йилига 19 мингга яқинни ташкил этиб, уларнинг каттароқ қисми хусусий корпорациямиздан ўтади. Бу пуллар хизмат автомобиллари, бензин, хизмат сафарлари, суғурта, мижозлар билан тушлик ва бошкаларга сарфланади. Даромадлар давлат соликка тортгунга қадар конун рухсат берган максадларга ишлатиб бўлинади.

**Жамғармалар -**  
**40.000 тұплаш учун**  
**канча вакт кетади**  
**ва сиздан 50% солиқ**  
**олишка қанчаси**  
**колади?**



Бу пул кандай “ихтиро” килиниши, яратилиши ва молиявий топкирлик билан химоя қилинишининг оддий мисолидир.

Бир юз түкson мінг түплаш учун қанча вакт кетишини ўзингиздан сўранг. Банк сизга 10% тўлайдими? Шартнома муддати эса ўттиз йилни ташкил этади. Банк менга ҳеч қачон бунча пулни бермайди деб ўйлайман. Биринчи суммани тўлашда солиқ тўлашга тўғри келади, ўттиз йилда ўн тўққиз мінг беш юз мингдан ортиқ даромадни ташкил қиласди.

Одамлар кўпинча мендан уй харидори пулини тўламаса нима бўлади деб сўрашади. Шундай ҳам бўлади ва бун мен учун янгилик эмас. Финикснинг кўчмас мулк бозори 1994 йилдан 1997 йилгacha мамлакатдаги энг гавжумларидан бўлган.

Олтмиш мингли уйни эгасидан олиб, етмишга сотиб хизмати учун яна икки ярим минг доллар олардилар. Янги харидорга битим аввалгидек нақд пулсиз бўларди. Ва жараён давом этиши мумкин.

Шундай қилиб, биринчи марта уй сотганимда мен қарзга олган иккى мингни қайтардим. Битимда амалда менинг пулим йўқ. Инвестиция килинган капиталдаги фойдам чексизликка тенг. Мана қандай қилиб ноль миқдордаги пул кўп пул қилиши мумкин.

**Иккинчи** олди-сотди битимда мен чўнтағимга иккى минг доллар солиб заёмни ўттиз йилга узайтиришим мумкин эди. Инвестиция килинган капитал фойдаси биз учун, менинг ўзимга пул тўлашган бўлса қанча бўлиши мумкин? Ҳатто билмайман ҳам. Ҳар ҳолда бу ҳар ойда юз доллар ажратишдан яхширокку. Бунинг устига ҳақиқатда бу бир юз эллик доллар бўлиб, кирқ йил давомида сиз даромаддан 5% ли солиқ олинган пулни ажратасиз, бироқ жамғарган пулнингиздан яна солиқ олишади. Бу унчалик маънили иш эмас. Балки бу хавфсиздир, лекин жуда оқилона эмас.

Бугун бу китобни ёзаётганимда (1997 йилда) бозор шароитлари беш йил аввалгидан мутлақо тескариди. Финиксдаги қўчмас мулк бозори бутун Американинг ҳасадини келтиради. Биз олтмиш мингта сотган уйлар энди бир юз ўн минг туради. Албатта, у ерда ҳали ҳам қарздорларнинг гаровга қўйилган мулкини сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш имконияти сақланиб қолган, лекин уларни излаш мендан кимматли қўйилма – шахсий вактимни талаб қиласди. Улар жуда камдан-кам учрайди. Бугун эса минглаб ҳаридорлар шунга ўхшаш келишувлар излайди. Ҷозор ўзгаради. Ҳаракатда давом этиш ва активлар устунини қўпайтиришнинг бошқа имкониятларини кидириш вакти келди.

“Бизда бундай қилиб бўлмайди”, “Бу конунга **хилоф**”, “Сиз алдаяпсиз” – деган луқмаларни “Буни

қандай қилиш кераклигини кўрсата оласизми?” –  
деган саволдан кўпроқ эшиштаман.

Хисоб-китоблар бунда жуда оддий. Сизга алгебра ҳам, дифференциал хисоб ҳам керак бўлмайди. Мен кам санайман, чунки келишувнинг ҳукукий томони ва тўловни амалга ошириш билан воситачи компания шуғулланади. Менинг том таъмирлашим ёки хожатхонани тозалашим шарт эмас, чунки бу билан эгалари шуғулланади. Бу уларнинг уйи. Баъзан кимдир тўламайди. Бу жуда фойдали бўлиб, улар кўчиб кетишга мажбур бўладилар ва мулк яна сотилиди. Сотиш билан судлар шуғулланади.

Сизнинг мамлакатинизда балки бу схема ишламас. Бозор муносабатлари ўзгача бўлиши мумкин. Бироқ бу мисол оддий молиявий жараён катта бўлмаган харажат ва кичик таваккалчилик билан юз минглаб доллар яратиш мумкинлигини кўрсатади. Бу пул – бор-йўги келишув эканлигининг мисолидир. Бундай келишувнинг мактабни битирган ҳар қандай одам амалга ошириши мумкин.

Лекин одамларнинг кўпчилиги буни қилмайдилар. Деярли барча “Тиришқоқлик билан ишла ва пул тўпла” деган анъанавий қоидага амал қиласди.

Тахминан ўттиз иш соати давомида активлар устунига соликқа тортилмаган бир юз тўқсон минг долларга яқин қўшилди.

## **Нима сизга мураккаброқ туюяпти?**

1. Қаттиқ ишлаш, ярмини солиқ сифатида бериш, қолганини ажратиб кўйиш. Унда сизнинг жамғармангиз солиққа тортиладиган 5% фойда беради.

Ёки:

2. Молиявий топқирликни ривожлантиришга меҳнат сарфлаб, акл ва активлар устунидан фойдаланиш.

Энди эса ўйлаб кўринг, агар биринчи йўлни танлаган бўлсангиз бир юз тўқсон минг доллар жамғариш учун сизга қанча вақт керак бўлади? Ахир вақт — энг асосий активлардан бири.

Энди сиз әхтимол нега ота-оналар: “Менинг болам тиришқоқлик билан ўқииди ва яхши маълумот оляпти” — деганларини эшигсам бошимни жимгина чайқаб қўйишим сабабини тушунарсиз? Бу албатта, яхши, лекин кифоями?

Мен юкорида баён этилган инвестициялаш стратегияси ўта жиддий эмаслигини биламан. Бу қандай килиб оздан кўп ўсиб чиқишининг мисолидир. Келишув тузганимнинг ўзиёқ яхши молиявий маълумотдан бошланадиган мустаҳкам молиявий пойdevорга эга бўлишнинг накадар муҳимлигидан далолат беради. Мен айтиб ўтгандим, лекин яна бир бор тақрорлайман: молиявий топқирлик ушбу гўрт энг муҳим малакадан иборатdir.

1. Молиявий заводжонлик (ракамларни таҳлил қила билиш қобилияти).

2. Инвестициялаш стратегиясини эгаллаш (пул қандай килиб пул қилиши тўғрисидаги фан).

3. Бозорни билиш (талаб ва таклиф ҳакидаги фан). Александр Грейам Белл бозорга у муҳтоҷ бўлган нарсани берди. Етмиш беш минг долларлик уйни йитирма минг туриши ва олтмиш мингга сотилиши—

бозор таклиф этаётган имкониятни ишлатиш натижасидир. Кимдир харид килади, кимдир сотади.

4. Ҳукукий билимлар (корпорациялар, ташкиллаш, бухгалтерия жисоби ва бошқалар билан боғлиқ турли қонун-коидалар)ни, қонунларни билиш ва бузмасликни маслаҳат бераман.

Бу асос нима харид килишингиздан: кичик уйлар, катта квартиralар, компаниялар, акциялар, облигациялар, ўзаро (ёрдам) жамгармалари, қимматбахо металлар ёки яна бирон-бир нарсадан катъий назар бадавлат бўлишингиз учун зарурдир.

1996 йилга көлиб кўчмас мулк бозори жуда ўзгариб, ҳамма **Финикс**га ташланди. Биржада шовшув бошланди. Америка иктисодиёти яна оёқка турди. Мен 1996 йилда олганларимни сота бошладим ва Перу, Норвегия, Малайзия, Филиппинга саёҳат килдим. Инвестициялар ўзгарди. Биз кўчмас мулк сотиб олмай қўйдик. Энди мен оддийгина активлар устунида уларнинг нархи қандай ошаётганлигини кузатаман ва йил охирида, эҳтимол, сота бошларман. Кўп нарса конгресс қабул қилиши мумкин бўлган қонунларга боғлиқ. Мен шу олти уйдан бир қисми яхши сотила бошлайди ва кирқ мингли чек нақд пулга айланади деб кутяпман. Мен ўз бухгалтеримга нақд пул пайдо бўлишига тайёр бўлиб туриши ва уларни ҳимоялаш усулини топиши учун қўнғироқ килиб қўйишим керак.

Бу билан нима демокчиман: инвестициялар пайдо бўлади ва йўқ бўлиб кетади, бозордаги аҳвол яхшиланади ва ёмонлашади, иктисодиёт вайрон бўлади ва тикланади. Дунё бизга мислсиз имкониятлар беради, бу ҳар куни рўй беради, бироқ жуда қўл холатда биз буни сезмаймиз. Аммо лекин улар мавжуд-ку! Технологиялар дунёси қанча кўп ўзгарса, сиз ва оиласизда авлодлар давомида молиявий

эркинликни сақлаб қолиш имкониятлари шунча кўп бўлади.

Нимага ўзингизнинг молиявий топқирлигингизни ривожлантиришингиз керак? Яна бир карра жавоб фақат ўзингизга маълум. Мен нега ўрганиш ва ривожланишда давом этаётганлигимни биламан. Эскиликка ёпишмасдан уларни олқишилашни афзал кўраман. Мен бозорда таназзул ва тараккиёт бўлишини биламан. Ўз молиявий топқирлигимни муентазам ривожлантиришни хоҳлайман, чунки ҳар бир бозор таназзулида айрим одамлар тиз чўкиб иш сўрайдилар. Бошқалари эса бу пайт ҳаётий муваффакиятсизликларини – улар ҳаммада бўлади – ишлатадилар ва уларни муваффакиятга айлантирадилар. Молиявий топқирлик асли ўзи шу.

Мендан тез-тез қандай килиб муваффакиятсизликни омадга айлантирасиз деб сўрайдилар. Виждан айтганда, мен ўз хусусий қўйилмаларим ҳакида камроқ мисол келтиришга харакат киласман. Гёёки мақтанаётгандай ёки ўзимни ўзим реклама килаётгандай таассурот келиб чиқишини истамасдим. Менинг мақсадим бошқача. Мисолларни кўргазмали восита сифатида қўллайман – бу жуда оддийлигини билишингиз учун. Молиявий топқирликнинг тўрт устуни билан қанчалик яхши таниш бўлсангиз, бу тўрт устун шунча оддий бўлиб туюлади.

Шахсан мен молиявий ўсиш учун асосан иккита воситани қўллайман: кўчмас мулк ва майда компанияларнинг акциялари. Кўчмас мулк – бу менинг пойдеворим. Кундан-кунга кўчмас мулк менга пул оқимини келтириб, баъзан киймати ошади. Майда акциялар пуллар тез кўпайиши учун ишлатилади.

Ўзим шуғулланаётган иш билан шуғулланишни ҳеч кимга маслаҳат бермасдим. Мисоллар – бу, борйўги мисоллар. Агар имконият мен учун жуда

мураккаб бўлса ва уни обдон тушунмасам пул тикмайман. Молиявий гуллаб-яшнаш учун оддий математика ва соғлом фикр кифоядир.

**Мен мисол желтирадиган беш сабаб:**

1. Улар одамларни кўпроқ билишга илҳомлантиради.
2. Улар пойдевор мустаҳкам бўлса ҳамма нарса жуда оддий эканлигини кўрсатади.
3. Улар хар бир киши бойиб кетиши мумкинлигини айтадилар.
4. Улар мақсадга эришишнинг миллионлаб воситалари борлигидан гувоҳлик берадилар.
5. Улар бу фан қандайдир бир фавқулодда қобилиятни талаб килмаслигини исботлайдилар.

1989 йилги эрталабки югуришларда кичкина ширин қулчага ўхшаш уйлари бўлган шаҳар чети (Орегон штати) даги ажкойиб Портленд районида тезтез бўлардим. Уйлар худди эртакдагидай эди: гўёки, мана ҳозир сўқмоқда бувисини кўриб келишга шошилаётган қизил шапкача кўринадигандек эди.

Ҳамма ерда “сотилади” деб ёзилган эълонлар осилиб турарди. Курилиш-ёғоч материаллари бозори ачинарли аҳволда эди, қимматли қоғозлар биржасида яқиндагина ҳалокат рўй берган, иктисодиёт турғунлик ҳолатида эди. Кўчаларнинг бирида бошқаларидан узокроқ осилиб турган эълонни кўрдим. У анча эскирган эди. Кунлардан бир кун ёнидан югуриб кетаётганимда жуда ташвишли кўринган эгасига дуч келдим.

— Уйингизга қанча сўрайсиз? — кизикдим.

Уй эгаси ўгирилиб, зўрга табассум қилди.

— Сиз қанча берасиз? — деди у, — уй бир йилдан ортиқ сотилмаяпти. Ҳеч ким ҳатто кўргани ҳам келмаяпти.

— Мен кўраман, — жавоб бердим ва ярим соатдан кейин эгаси сўраганидан йигирма минг арzoniga сотиб олдим. Бу 1930 йилда қурилган, кўк рангли, кулранг бўлакли, ҳашамдор безакли деразалари ва иккита митти ётоқхонаси бор ёқимли уйча эди. Ижарага Беришга бундан яхши уй топиб бўлмайди.

Мен ўзимга кирқ беш (аслида унинг нархи олтмиш беш минг бўлиб, ҳеч ким сотиб олишни истамаган) мингта тушган уйга беш минг нақд тўладим. Бир ҳафтадан сўнг ахийри қутулган баҳтиёр уй эгаси кўчиб кетди ва менинг биринчи ижарачим — маҳаллий коллеж ўқитувчиси кўчиб келди. Гаров пулинни ва бошқа харажатларни тўлагандан сўнг чўнтағимда ҳар ойда бор йўғи кирк долларга яқин пул коларди.

Бироқ бир йилдан сўнг Орегонада кўчмас мулк бозори қаддини кўтарди. Калифорниялик инвесторлар ўз кўчмас мулк бозоридаги шов-шувлардан кейин тўла ҳамёнлари билан шимолга, Орегона ва Вашингтонга йўл олдилар.

Мен бу уйни тўксон беш мингта калифорниялик ёш жуфтликка сотдим, улар битимдан жуда хурсанд эдилар. Қирқ мингта яқинни ташкил қилган фойда солик тўлаши кечикирилган 1031 — моддага жойлаштирилиб, мен бу пулни қўйиш мумкин бўлган кўчмас мулк излашга тушдим. Такминан бир ойдан сўнг Бивертон (Орегона штати)да "Intel" заводи ёнидан ўн икки хонали уй топдим. Унинг эгалари Германияда яшашар, бу уйнинг канча туриши ҳакида тасаввурга хам эга эмасдилар, шунинг учун ундан тезроқ қутулишни истардилар. Мен тўрт юз эллик минг доллар турадиган бинога икки юз етмиш беш минг таклиф килдим. Улар уч юз мингга рози бўлдилар. Уйни сотиб олгач, икки йил ушлаб турдим. 1031-модданинг ўша методи ёрдамида биз бу

бинони түрт юз түкson беш мингга сотиб, Финикс (Аризона штаты) да ўттиз хонадонли уй сотиб олдик. Айнан ўша пайт Финиксга кўчиб кетган эдик, барибир ўз кўчмас мулкимизни сотишимиз зарур эди. Бир вақтлар Орегонада бўлганидек Финиксда ҳам кўчмас мулк бозори таназзулта учраган эди. Ўттиз хонадонли уйнинг нархи саккиз юз етмиш минг бўлиб, ундан икки юз йигирма беш мингини нақд тўладик. 30 хонадондан ойига беш мингдан кўпроқ пул келарди. Аризонада бозор ўса бошлади ва 1996 йилда колорадолик инвестор бу уй учун бизга бир миллион икки юз минг таклиф қилди.

Хотиним билан уйни сотиш керакмикан деб ўйланиб қолдик, бироқ конгресс фойда ҳақидага конунларни ўзгартирмасмикан деб кутишга қарор қилдик. Агар шундай бўлса, энг аниги бизнинг мулкимиз қиймати 15 – 20% га ортади. Бундан ташқари ойига беш минг доллар – яхшигина пул даромади.

Мен бу мисолни қандай қилиб кичикдан катта ўсиб чиқишини кўрсатиш учун келтирдим. Яна тақрорлайман, бизнес учун молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш, инвестициялаш стратегияси, бозорни ҳис қилиш ва қонунларни билиш керак. Одам агар бу масалаларни, ҳавосини олмаган бўлса, албатта унга стандарт схемада харакат қилгани маъқул: таваккал қилмаслик, пулни турли ва факат ишончли корхоналарга қўйиш тўғрисида билиши керак, “ишончли” капитал қўйилмалар муаммоси шундаки, улар тез-тез “санитария ишлови”га учрайдилар – бошқача қилиб айтганда, уларни шундай хавфсиз қиладиларки, фойда ҳам камаяди.

Деярли барча йирик брокерлик фирмалари ўзлари ва мижозларини ҳимоя қилиш учун шубҳали битим тузмайдилар. Ва бу доно сиёsatдир.

Энг яхши бигимларни одатда янгиларга таклиф килмайдилар. Кўпинча бадавлатларни янада бадавлатроқ қиласиган бигимларни ўйинни тушунадиганларга қолдирадилар. Амалда буйдай бигимларни “тажрибали” инвестор деб хисоблайдиганларга таклиф килиш қонунга хилофдир. Гарчанд, албатта шуидай бўлади.

Қанчалик “тажрибалироқ” бўлиб борсам, йўлимда шунча кўп имкониятлар пайдо бўлади. Бутун умр давомида молиявий топкирликни ривожлантиришнинг яна бир сабаби – имкониятлар сонини оширишdir. Сизнинг молиявий IQ ингиз қанча баланд бўлса, битим фойдалилигини шунча осон аниклаш мумкин. Топкирлигиниз ёмон битимни пайкаб колади ёки уни яхши қилишга ёрдам беради. Қанча кўп билсан, – бу ерда ҳамиша ниманидир ўрганиш мумкин, – шунча кўп пул топа оламан, чунки йиллар давомида мендаги тажриба ва донолик кўпайиб боради. Менинг таваккал қилмаслик ва тиришқоқлик билан ишлашни афзал кўрадиган дўстларим бор, улар барибир кўп вакт талаб қиласиган молиявий доноликка эриша олмайдилар.

Менинг асосий фалсафам – активлар устунини ривожлантиришdir. Бу асосий алгоритмидир. Мен кичкинасидан бошлайман – айтайлик уруғ сепаман. Баъзилари униб чиқади, баъзилари йўқ. Бизнинг кўчмас мулк корпорациямизда бир неча миллион долларлик мулк бор. У бизнинг кўчмас мулк инвестиция жамғармамизdir. Деярли барчасини шу миллионлар беш мингдан ўн минг долларгача бўлган майда кўйилмалардан бошлаганамни айтмоқчиман. Ҳамма нақд пул тўловлари куляй пайтда амалга оширилган: бозор тез ўсган ва соликларсиз уларга бир неча бор бирор нарса сотиш ёки сотиб олишга муюссар бўлганмиз.

Бундан ташкири, биз акпиялар пакетининг эгаси бўлиб, унинг асосида яна бир корпорация яратилган. Хотиним билан уни ўзимизнинг шахсий ўзаро жамғармамиз деб атамиз. Факат бизга ўхшаган инвесторлар

билаң иш қиласынан дүстларимиз борлиги туфайли ҳар ойда инвестиция учун ортиқча пулларимиз бўлади. Биз АҚШ ёки Канададаги биржага чиқишига ҳаракат қилаётган хусусий компанияларнинг таваккал акцияларини сотиб оламиз. Мана сизга қандай тез фойда олишининг мисоли. Компания биржада пайдо бўлгунга қадар йигирма беш центдан юз минг акция сотиб олинади. Ярим йил ўтгач компания рўйхатга тушади ва бу акциялар энди икки доллар туради. Компания яхши бошқарилса, нарх ошиб боради ва ҳар бир акция йигирма долларгача ошиши мумкин. Бизнинг йигирма беш мингимиз бир йилга колмай миллионга айланган пайти ҳам бўлган.

Нима қилаётганингизни билсангиз, бу лотерея эмас. Агар шунчаки пулингизни шубҳали битимга қўйиб, ибодат қилишни бошласангиз, бу лотерея хисобланади. Ҳар қандай вазиятда таваккалчиликни пасайтириш учун амалий билимлар, тажриба, бу ўйинга бўлган меҳрдан фойдаланиш лозим. Албатта, мағлубият эҳтимоли ҳамма вакт бўлади. Лекин молиявий топқирлик уни камайтиради. Шундай қилиб, бир кишига хавфли бўлган нарса бошқасига унчалик хавфли бўлмаслиги мумкин. Мен доимо одамларга акция, қўчмас мулк ва бошка нарсаларга нисбатан ўзларининг молиявий таълимига кўпроқ пул сарфлашларини сўрайман. Қанча аклии бўлсангиз, таваккалчиликни енгиш имкониятингиз шунча кўп бўлади.

Менинг хусусий капитал кўйилмаларим одамларнинг кўпчилигига ўта хавфли кўринади ва мутлако ҳеч кимга менга эргашсин деб маслаҳат бермайман. Бу ўйинни 1979 йилдан бери ўйнайман ва чекимга анча муваффақиятсизликлар тушиди. Лекин сиз бир банд юкорига қайтсангиз ва иега бундай инвестициялар кўпчилик одамларга хатарли эканлигини билсангиз, балки бир йилда йигирма беш минг доллардан миллион ки-

лиш қобилияти сиз учун энг кам хагарли бўлиши учун ҳаётингизни бошқача ташкил қила оларсиз.

Илгари айтганимдек, мен ҳеч қачон тавсия бермайман. Шунчаки бу жуда оддий ва тамомила мумкин эканлигини кўрсатиш учун мисолдан фойдаландим. Менинг югуқларим бу соҳада нимага эришиш мумкинлигига таққосласак, майда-чўйда бўлиб кўринади, лекин оддий одамга йилига юз минг доллар пассив фойдага эга бўлиш ҳам ёқимли ва буни амалга ошириш мураккаб эмас. Бозорга қараб ва малакангизга кўра бунга беш-үн йилда эришса бўлади. Агар сиз тирикчилик учун жуда кўп ишлатмасангиз, ишни ташланган-ташламаганингиздан қатъий назар юз минг доллар шаклидаги кўшимча даромад аскотади. Хоҳласангиз, ишлашингиз мумкин, ишдан кетишингиз ҳам мумкин ва солик хизмати сизга карши бўлмайди, тоғганингиз фойдангизга ишласин.

Шахсан мен кўчмас мулк билан шуғулланишни афзал кўраман. Менга бу мол жуда ёқади, чунки у барқарордир. Менинг пойдеворим мустахкам. Пул оқими зарур даражада доимий, агар ҳаммаси ҳисобга олинса кўчмас мулк қиймати ўсиши мумкин. Бу мустаҳкам пойдеворнинг жозибаси шундаки, у менга бошка капитал кўйилмаларда сал довюракроқ бўлиш имкониятини беради.

Агар кимматли қоғозлар бозорида катта фойда олсан, солик тўлардим ва колганини кўчмас мулкка кўярдим, бу билан ўз активлар устунимни янада мустаҳкамлардим.

Кўчмас мулк ҳакида иккى оғиз гап. Мен одамларни дунёнинг кўп мамлакатларида инвестициялашга ўргатганман. Ҳар бир шахарда: бу ерда кўчмас мулкни арzon олиб бўлмайди деб эшитаман. Тажрибамдан бунинг аксига ишонч хосил қилдим. Ҳаттоқи Нью-Йоркнинг марказида, Токио ёки бирон-бир шаҳарчада кўпчилик пайкамайдиган зўр вариантлар бор. Ҳозирда кўч-

мас мулк қиймати ошган Сингапурда бир неча километрда батамом қулай таклифларни топиш мүмкін. Шунинг учун менга: “Бу ерда бундай қилиб **бўлмайди**” – дейишса, мен балки “Мен буни бизда ҳозирча ... қандай қилишни **билимайман**” – деб айтилса яхшироқ бўлармикан деб жавоб бераман.

Буюк имкониятлар кўз билан эмас, ақл билан кўрилади. Одамларнинг кўпчилиги бурнининг тагидаги имкониятларни кўриш учун етарли молиявий саводжонлиги йўклиги учунгина бадавлат бўлмайдилар.

Кўпинча мендан: “Нимадан бошлаш керак?” деб сўрашади. Сўнгги бобда сизга молиявий эркинлик йўлида ўзим босиб ўтган ўн босқични тавсия қиласман. Бирок унутманг: бу сизга шодлик келтириши керак. Бу бор-йўғи бир ўйин. Баъзан ютасиз, баъзан хатолардан сабок чиқарасиз, лекин ҳамиша ўйиндан роҳатланиш лозим. Одамларнинг кўпи ютқазиб қўйишдан қўрқсанларлиги учун ютмайдилар. Мана нимага болалигимдан мактабга шундай мәнсимаслик билан қарай бошладим. Мактабда бизга хатолар ёмон дейдилар ва уларга йўл кўйисак жазолайдилар. Бирок одамлар қайси механизм бўйича ўрганишларига назар солсак, хатолардан ўрганишимизни билиб оламиз. Биз йиқилиб, юришга ўрганимиз. Бирон марта ҳам йиқилмай бола юришга ўрганимайди. Велосипед ҳайдаш хақида ҳам шундай дейиш мүмкін. Менинг тиззаларимда яра излари қолиб кетган, лекин бугун велосипедни бемалол минаман. Молиявий масалалар ҳам шундай. Афуски, одамларнинг бадавлат эмаслигининг асосий сабаби – уларнинг ютқазиб қўйишдан қўркишларидир. Муваффакиятсизликдан қочадиган одамлар муваффакиятдан ҳам қочадилар. Мен пулга теннисга карагандай муносабатдаман. Астойдил ўйнайман, хато қиласман, тузатаман, янги хатолар қиласман, яна тузатаман ва астга-секин яхшироқ ўйнай **бошлайман**. Агар ютказсам, тўр устидан қўлимни **раки-**

бимга узатиб, кулимсираб: «Кейинги шанбагача», –дейман.

Инвесторларнинг уч хили бор:

**1. Биринчи** ва энг кўп тарқалган хил. Бу инвестиция пакетлари сотиб оладиган одамлар. Улар савдо шахобчасига, масалан кўчмас мулк сотадиган компанияга, брокерга ёки молиявий режалаштириш бўйича мутахассисга кўнгирок килиб, кейин бирон нарса сотиб оладилар. Бу ўзаро жамғарма акциялари, кўчмас мулк, оддий акциялар ёки облигациялар бўлиши мумкин. Инвестицияларнинг тинч ва оддий усули. Масалан, дўконга келиб пештахтадан компьютер сотиб оладиган харидор айнан шундай харакат килади.

**2. Иккинчи** хил–инвестиция яратадиган инвесторлар. Бундай инвестор битимни ўзи тузади. Худди ўзига қисмма-қисм компьютер йигадиган одамлар каби. Бу ўзига қулай қилиб мослаштиришdir. Мен компьютерларни мутлако тушунмайман. Лекин мен имкониятлар зарраларини қандай килиб бирлаштиришини биламан ёки буни биладиган одамлар билан танишман.

**3. Учинчи** хил – кўпинча профессионал инвесторлардир. Бадавлат отам менга шундай бўлишни маслаҳат берган. Имкониятларни бир жойга қандай йиғиши билиш ўта муҳим, чунки айни шу ерда энг катта ютуқлар, агар тақдир сизга қарши бўлса, энг берахм мағлубиятлар яширинтан. Баъзан барча зарралар бир бўлиб йигилиши учун йиллар даркор (бўхеч қачон бўлмаслиги хам мумкин).

Агар сиз иккинчи хил инвестор бўлмоқчи бўлсангиз, ўзингизда учта малакани ҳосил қилишингиз зарур. Улар молиявий толкирликка зарур нарсаларни тўлдиради.

## **1. Бошкалар пайқамаган имкониятни топа олиш.**

Бошкалар кўзи билан кўрмаганини ақлингиз билан кўрасиз. Масалан, дўстимиз қарашнинг ўзи қўркинчли бўлган эски бир уйни сотиб олди. Ҳамма нимага уни сотиб олди деб хайрон қолди. Бироқ у биз кўрмаган нарсани кўрган эди. Бу уй тўртта бўш ер участкасига эга эди. У буни воситачи компаниядан билиб олган. Уйни сотиб олиб, бузиб ташлади ва қурилиш компаниясига ўзи тўллагандап уч баравар кимматига бешта участкану сотиб юборди. Икки ойлик меҳнат унга етмиш беш минг доллар келтирди. Бу кўп эмас, лекин минимал маошдан жуда катта ва ҳеч ҳам мураккаб эмас.

**2. Пул топишни билиш.** Одатда одамлар банкка қарз учун борадилар. Учинчи хил инвесторга пул топишни билиш керак, ваҳоланки бунинг банқдан бошқа йўллари кўп. Аввалига мен уйни воситачи банксиз сотиб олишга ўргандим. Гап уйларда эмас, балки бебаҳо малака орттиришдалир.

Кўпинча одамлар “Банк менга пул бермайди” ёки “Бунга менинг шулим йўқ” дейдилар. Агарда учинчи хил инвестор бўлишни истасангиз, кўп одамларни тўхтагиб қоладиган тўсикларни енгиб ўтишни ўрганишингиз керак (улар бунга пуллари бўлмаганлиги учун битим тузмайдилар). Агар бу тўсиксан ўта олсангиз, сизнинг малакангиз улардан ўзиш имконини беради. Мен кўп марта уй ёки акцияни банкда бир центсиз сотиб олганман. Бир марта кўп жонадонли уйни бир миллион икки юз мингта сотиб олдим. Мен сотувчи ва харидор ўртасидаги ёзма шартномани туздим. Кейин юз минг доллар топиб, уларни тўладим ва қолганини топиш учун тўқсон кунлик муддат олдим. Нега бундай қилдим? Шунчаки уй икки миллион туришини билардим. Ҳақиқатда мен бу юз минг долларни қарзга олмадим. Бор-йўти шу уйни сотиб олишга манфатдор одамни топдим, холос. У менга бу битимни

топганим учун әллик минг доллар бериб, савдодаги ўрнимни әгаллади, мен эса ўз ишимда давом этдим. Ҳаммасига уч кун вактим кетди. Яна бир карга айтаман: муҳими нимани билишингиз, нимани сотиб олишингиз эмас. Инвестициялашда асосийси савдо эмас, керакли билимлардир.

**3. Ақлли одамларнинг маслаҳатларидан фойдалана билиш.** Ақлли одамлар ўзларидан ақлли одамлар билан ишлаётганлардир. Маслаҳат керак бўлса, донолик билтан маслаҳатчи танланг.

Кўп нарсани ўрганиш керак, балки сизни мислсиз мукофот кутаётгандир. Агар бу малакаларни әгалламокчи бўлсангиз, мен сизга биринчи хил инвестор бўлишни маслаҳат бераман. Билганингиз – энг катта бойлигингиз, билмаганингиз – энг катта хатардир.

Нағсилемрини, айтганда хатар ҳамиша мавжуд, шунинг учун ҳам ундан қочмай, уни бошқаришни ўрганганд мавжуд.

**ОЛТИНЧИ ДАРС:  
ПУЛ УЧУН ЭМАС,  
УЧУН ИШЛАНГ**

*ТАЖРИБА*

**VII БОБ**

181

1995 йилда Сингапурдаги бир газетага интервью берадёттган эдим. Ёш журналист аёл ўз вақтида етиб келиб, дархол сұқбат бошланиб кетди. Биз ҳашаматли мәхмөнхонанинг вестибулида ўтирад, кофе ичар ва Сингапурга ташрифим мақсадларини муҳокама қиласынан жүргізу. Мен Зиг Зиглер билан бирга сўзга чикиштим керак эди. У мотивациялар, мен эса – “бадавлатларнинг сирлари” түррисида гапирмоқчи эдик.

— Қачонлардир мен ҳам сиздай машхур муаллиф бўлишни истардим, – иқорор бўлди журналист аёл. Мен унинг бу газета учун ёзган баъзи бир мақолаларини кўрган, улар менда яхши таассурот қолдирган эди. У қисқа ва лўнда ёзар, ўқувчини қизиқтириб юборарди.

— Услубингиз нихоятда ажойиб, – жавоб бердим мен. – Орзуингизни руёбга чиқаришга нима ҳалакит беряпти?

— Негадир ишим ҳеч бир натижабермаяпти, – аста жавоб берди у. – Ҳамма менинг романларимни мақтайди, лекин ҳеч ким уларни чоп этмайди. Шунинг учун ҳам газетада ишлашни давом эттирипман. Ҳеч бўлмаса, бу ҳисоб варакларини тўлаш имконини беряпти. Сиз бирор-бир маслаҳат бера оласизми?

— Ҳа, – дархол жавоб бердим мен. – Сингапурдаги сотувчиларни ўқитадиган мактабда оғайним бор. У кўплаб корпорацияларнинг ходимларини ўқитади сиз унинг курсларидан бирига катнасангиз, бу марта-бангиз ошишига ижобий таъсир кўрсатади деб уйлайман.

Унинг авзои бузилди.

– Нима, сиз сотувчиликка ўқишим керак демокчимисиз?

Мен бош ирғадим.

– Бу нима, ҳазилми?

Мен бош чайқадим.

- Бунинг нимаси ёмон?

Бу тал мен сустлашдим. Нимадир уни хафа **қилган** кўринар, мен эса ўз айтганларимдан афсусла-нардим. Мен унга ёрдам бермоқчи эдим, энди эса ўзимни оқлаётгандекман.

- Менинг инглиз тилидан магистр даражам бор. Нега мек сотувчиликка ўқишига боришим керак? Мен профессионалман. Мен сотувчи бўлмаслик учун ўз касбимга ўқиганман. Сотувчиларга тоқат қилломайман. Уларга факат пул керак. Нега мен қандай сотишга ўқишим керак? — У жаҳл билан портфелини беркитарди. Ингервью тугаганди.

Столда менинг энг яхши китобларимдан бири туради. Мен китобимни унинг қайдлар битилган ён дафтарчаси билан кўлимга олдим.

- Мана буни кўрятпизми? — ва мен унинг қайдларини кўрсатдим.

У мен кўрсатган жойга қаради.

- Бу нима? — тушунмади у.

Мен яна бир бор унинг қайдларини кўрсатдим. Ён дафтарчада: “Роберт Кийосаки, бестселлер (Энг яхши сотилган китоблар) муаллифи” деб ёзилган эди.

- Бу ерда “бестселлерлар муаллифи” деб ёзилган, “энг яхши романлар муаллифи” деб эмас. Бестселлер — бу яхши сотиладиган нарса.

Унинг кўзлари ҳайратдан очилиб кетди.

- Мен жуда ёмон ёзаман. Сиз эса жуда зўр ёзасиз. Мен сотувчиликка ўқиганман. Сизда эса магистр даражаси бор. Бу икки малакани мужассамлаштирангиз, сиздан бестселлерлар ва энг яхши романлар муаллифи чиқади.

У газабга келди.

- Мен ҳеч қачон сотувчиликни ўрганишгacha паст кетмайман. Сизга ўхшаганларга ўқувчилар орасида

ўрин йўқ. Мен – профессионал ёзувчиман, сиз эса сотувчисиз. Буadolатдан эмас.

У ўз қайдларини ҳам унугиб, ёмғирли Сингапур тонгида ойнаванд эшик ортидан шошилганча ғойиб бўлди.

Нима ҳам дердик, тан бериш керакки, эртаси эрталаб у мен ҳақимда яхши ва ҳалол мақола ёзди.

Дунё ақлли, истеъоддли ва билимли одамлар билан тўла. Уларга ҳар куни дуч келамиз. Улар ҳамма ерда бор.

Бир неча кун аввал автомобилем бузила бошлиди. Гаражга кирдим ва ёш механик машинани иккни дақиқада тузатиб берди. Муаммо нимадалигини билиш учун унга двигатель ишланини эшитиш кифоя қилди. Мен қойил колган эдим: мана бу истеъодд!

Афсуски, биргина истеъоднинг ўзи етмайди.

Мени истеъоддли одамлар кам пул топиши ҳар доим ларзага солади. Якинда америкаликларнинг бор йўги 5% дан камроғи йилига юз минг доллардан кўпроқ пул ишланини эшиитдим. Йилига йигирма минг доллардан кам пул ишлаб топадиган ниҳоятда ақлли ва билимли одамларни таниман. Тиббиёт асбоб-ускуналарини сотишга ихтисослашган бизнес маслаҳатчи менга қанча шифокорлар, даштистлар (тиш врачлари) ва хироамилиётчилар пул етишмовчилигидан қийналаётганини айтиб берди. Илгари мен бундай ҳолатни тасаввур ҳам кила олмасдим, бу касб эгалари ўқишини тутатиб-тутатмай, гуллаб-яшинаи бошлишади деб ҳисобланарди. Бирок бир маслаҳатчи: “Бойлиқдан уларни биргина малака ажратиб туради” – деб жуда яхши таъриф берди.

Бу дегани одамларнинг қўпчилиги яна бир малакани ўрганиб олсалар эди, уларнинг даромадлари мислсиз ўсан бўлар эди. Мен молиявий топкирлик

— бухгалтерия хисоби, инвестициялаш, бозор ва қонунни билишнинг йигиндисидир деб айтган эдим. Бу тўрт малакадан фойдаланинг ва пул ёрдамида пул топиш анча осон кечади. Пул ҳақида гап кетганда қўпчилик бир нарса — зўр бериб ишлашни билади, холос.

Билим ва малака қўймасининг классик мисоли ўша ёш журналист аёл бўлиши мумкин эди. Агар у сотиш ва маркетинг санъатини ўрганганида эди, даромадлари тезликда ўсиб кетарди. Унинг ўрнида бўлганимда мен нафакат сотувчилар курсига, балки реклама ёзиш курсига ҳам борган бўлар эдим. Газетадаги иш ўрнига реклама агентлигидан иш топган бўлардим. Ҳатто маоши бироз пасайса ҳам у яхши рекламаларда тез-тез ишлатиладиган шиорлар кўринишидаги қиска ифодаланган фикрларни ўргантан бўлар эди. Бундан ташқари, ниҳоятда фойдали реклама иши билан ҳам танишиб олган бўларди. У кандай қилиб реклама ёрдамида миллионлар ишлаб топилишини билиб оларди. Кечкурунлари ва дам олиш кунлари ўзининг буюк романини ёзар, уни тугаллагач, осонрок сота оларди. Ўшанда у бир зумда “бестселлерлар муаллифи” га айланарди.

Мен дастлаб нашриётга ўзимнинг “Бадавлат, баҳтли бўламан десанг, мактабни ташла!” сарлавҳали китобимни таклиф килганимда ношир менга сарлавҳани “Таълим иқтисоди” га ўзгартиришни таклиф килди. Унга бу сарлавҳа билан китобнинг икки нусхасини бирини оиласамга, иккинчисини энг яхши дўстимга сота олишимни айтдим. Муаммо бошқа нарсада: улар мени биттадан китоб совға қилишимни кутар эдилар. Бу баҳсталаб сарлавҳани у жамоатчилик эътиборини тортади деб танлагандим. Мен иккни қўлим билан таълимни ёқлайман ва ундаги ислоҳотларга ишонаман. У ҳолда бизнинг эскирган

таълим тизимимиздаги ўзгаришлар ҳақида шунча гапиришимизнинг нима кераги бор эди? Шунинг учун иложи борича кўпроқ телекўрсагув ва радио эшиттиришларга тушишга имкон берадиган сарлавҳани танлаган эдим – баҳслар уйготмоқчи бўлгандим. Кўтчилик мени руҳий хаста деб ўйларди, лекин китоб шундай сотилардики!

1969 йилда мен АҚШнинг савдо – денгиз Академиясини битирганимда билимдон отам жуда ҳурсанд эди. Мени калифорниялик “Standard oil” компанияси нефт танкерига учинчى ёрдамчи қилиб ишга ёллади. Маошим синфдошларимницидан оз эди, лекин коллеждан кейинги дастлабки ҳақиқий иш учун ёмон эмасди. Бошланғич сумма ишдан ташкари ишни кўшип хисоблаганда кирк икки мингта якинни ташкил килар, бунда мен фактат етти ой ишлар, қолган беш ой дам олар эдим. Хохлаганимда бу беш ойга Вьетнамдаги шахобча транспорт компаниясига ишга жойлашиб маошимни икки баравар кўпайтирган бўлардим. Мени истикболда ажойиб мавқе кутарди, лекин олти ой ўтгач, мен ишдан бўшаб, учишини ўрганиш учун армияга кетдим. Бу билимдон отамни даҳшатга солди ва бадавлат отамнинг маъқуллашига сабаб бўлди.

Ҳамма негадир ўқишда ҳам, ишда ҳам “ихтисослағув” керак деб ўйлайди. Бошқача қилиб айтганда, кўпроқ шул тониш ёки муваффакиятли лавозимда ўсиш учун “ихтисослашув” керак. Шунинг учун ҳам шифокорлар муайян бир мутахассислик: ортопедия ёки педиатрияни ўрганадилар. Бухгалтерлар, хукукшунослар, учувчилар ва бошқалар ҳам айнан шундай қиладилар.

Билимдон отам шундай нұқтаи назарга риоя киларди. Шунинг учун ҳам докторлик даражасини олганда шунчалик суюнганди. Мактаблар тобора озроқ

ва озрок нарсалар түғрисида жүйрөк ва күйрөк биладиган одамларни тақдирлайдилар.

Бадавлат отам менга аксини маслаҳат берарди. “Ҳамма нарса ҳакида оз-оздан билиш керак” дерди у. Шунинг учун ҳам унинг компаниясини турли бўлимларида кўп йиллар ишлаганман. Бир қанча муддатни бухгалтерияда ўтказдим, Балки мен ҳеч қачон бухгалтер вазифасини бажара олмасам ҳам, у мени бу ишни осмотик<sup>6</sup> тарзда ўрганишимни истарди. У атамаларни ўзлаштириб олишимни ва бухгалтерлик ишида нима мумкин, нима мумкин эмаслигини тушуна бошлашимни биларди. Мен официант ёрдамчиси бўлиб ҳам, қурилишда уста шогирд бўлиб ҳам ишладим, савдо ва маркетинг билан шугулландим. Бадавлат отам мени ҳам, Майкни ҳам “ўстирди”. Унинг банк ходимлари, хукуқшунослар, бухгалтерлар ва брокерлар билан ўтказадиган йигилишларида ўтиришимизни талаб қилишининг боиси ҳам шу. У бизни империясининг ҳар бир томони ҳақида билишимизни истарди.

Нефть компаниясидаги қатта маошли ишни рад этганимда билимдон отам мен билан юракдан гаплашиб олмоқчи бўлди. У қандай қилиб қатта маош, имтиёзлар, узок муддатли таътил ва хизмат лиллапоясидан кўтарилиш имкони бўлган ишдан воз кечиш мумкинлигига тушунмасди. Бир куни кечкурун мендан: “Нега кетдинг, ахир?” – деб сўраганда қанча уринмай буни унга тушунтира олмадим. Менинг мантиғим унинг мантиғига мос келмасди. Муаммо менинг мантиғим бадавлат отамнинг мантиғи эканлигига эди.

---

<sup>6</sup> Билимни ақл тарозисидан ўтказиб мияга сингдириш маъносида.

Билимдон отам учун асосий омил баркарор иш эди. Бадавлат отамга эса – таълим эди.

Билимдон отам мени кема зобитлигига ўқиган деб хисобларди. Бадавлат отам эса халкаро савдони ўрганаётганимни биларди. Мен йирик юқ кемалари, нефть танкерлари ва йўловчилар кемаларида Узок Шарқ ва Тинч океанининг жанубий соҳилларига савдо рейсларини амалга оширадим. Бадавлат отам Европага эмас, ўша жойларга сузиш керак деб айтарди, чунки айнан Осиёда “янги ривожланаётган мамлакатлар” пайдо бўларди. Жуда кўп дўстларим, шу жумладан, Майк ҳам вактини базмларда ўтказаётган бир пайтда мен савдони, одамларни, Япония, Тайван, Таиланд, Сингапур, Гонконг, Вьетнам, Корея, Гаити, Самоа ва Филиппинда иш юритиш ва маданиятни ўрганардим. Мен ҳам базмларга борардим, лекин талабалар ётоқхоналарига эмас. Мен тезда улгайдим.

Мени у ердан армияга кетиш тўғрисидаги кароримга билимдон отамнинг ақли бовар килмасди. Унга учишни ўрганишни хоҳлашимни айтдим, аслида эса одамларга буйруқ беришни ўрганишни истардим. Бадавлат отам компания бошқарувининг энг мураккаб томони – одамларни бошқариш деб тушунтиради. У армияда уч йил хизмат қилган, билимдон отам эса ўз вактида чакириқдан озод қилинган. Бадавлат отам одамларни хавф-хатарга юзма-юз бошлаб кетишни билиш қанчалик муҳимлигини айтарди. “Етакчи бўла олиш, мана сен нимани ўрганишинг керак,” – деди у. Агар сен ёмон командир бўлсанг, худди бизнесдаги каби оркангдан ўқ отадилар.

1973 йилда Вьетнамдан қайтиб келгач, менга учиш жуда ёқса-да, армиядан кетдим. “Хегон” корпорациясидан иш топдим. У ерга битта сабабга кўра бордим ва бу ходимларга бериладиган имтиёз-

лар эмас эди. Мен уятчан эдим, бирор-бир нарсани сотиш ҳакидаги фикрнинг ўзи мени қўрқитарди. Америкадаги саъдо агентларини ўқитишнинг энг яхши дастурлари “Хегох” компаниясида эди.

Бадавлат отам мен билан фахрланишини айтди. Билимдон отам уятдан ёнарди. У зиёли эди ва сотувчини ўзидан паст деб ҳисобларди. Мен “Хегох” да тўрт йил, яъни эшикни тақиллатиб рад жавобини олиш қўрқувини енгунимча ишладим. Энг яхши беш сотувчи орасида доимий ўрин олишим биланоқ, обрў-эътиборли компаниядан навбатдаги ажойиб мавқени ташлаб ишдан кетдим.

1977 йилда ўзимнинг хусусий компаниямга асос солдим. Бадавлат отам мен ва Майкка хусусий компанияни бошқаришни ўргатган эди, эндиликда мен уларга асос солишим колганди, холос. Биринчи маҳсулотим, ёпишқоқ нейлон ҳамёнлар Узок Шарқда ишлаб чиқарилиб, качонлардир ўзим ўқиган жойдан узок бўлмаган Нью-Йоркдаги омборга ташиб келтирилар эди. Менинг расмий таълим олишим якунланган ва ўзимни ишда синааб кўриш пайти келганди. Бадавлат отам яхьиси ўттиз ёшгача синаш керак деб ҳисобларди. “У жолда кучингни тиклаш учун вақтинг ҳам бўлади,” – маслаҳат берарди у. Ўттиз ёшга етай деб колганимда ўз компаниямнинг биринчи партия юки Кореядан Нью-Йоркка йўл олди.

Мен ҳали ҳам Халқаро бизнес билан шуғулланман. Бадавлат отам маслаҳат берганидек, жадал ривожланаётган мамлакатлар билан иш қилишга ҳаракат қиласман. Бугун Жанубий Америкада ҳам, Осиё, Норвегия, Россияда ҳам инвестицияларим бор.

Инглизча “job” (“иш”) сўзи “just over broke” (“синган (банкрот бўлган)дан кўра бироз дуруст”) деган маънони англатади. Афсуски, кўпчилик одамлар учун бу худди шундай.

Мактаб ва университетлар молиявий билим олишни муносиб машғулот деб ҳисобламаганлари туфайли күпчилик ишлайдиган одамлар “маблағига яраша” ишлайдилар. Улар ишлайдилар, сүнгра хисоб варақлари бүйича тұлайдилар.

Бошқарувнинг яна бир даҳшатли назарияси борки, уни қуидагида ифодалаш мумкин: “Ходимлар уларни ишдан ҳайдамасликлари учун керагидан ортиқ ишламайдилар, хўжайинлар улар ишидан кетиб қолмасликлари учун керагидан ортиқ маош тўламайдилар”. Кўпчилик компанияларда одамларга қанча тўлашаётганига қарасак, бу фикрда ҳақиқат уруги борлигини тан олишга тўғри келади.

Натижада ишловчилар молиявий фаровонликка эриша олмайдилар. Улар нимани ўргатишган бўлса, шуни киладилар ёки “барқарор ишда ишлайдилар”. Деярли бариси маош ва имтиёзлар – киска муддатли фойдага бериладилар – лекин узок муддат маъносида бу кўпинча тўла ҳалокат билан тугайди.

Мен ёшларга бирон-бир нарсага ўрганиш мумкин бўлган иш қидиришни тавсия қилган бўлардим. Аввало қандай малака ва кўникма олмоқчи бўлганингизни аниқлаб олиб, шундан сўнггина аниқ касбда тўхташ ва “каламуш пойга” си иштироқчисига айланиш керак.

Одамлар бир умр хисоб варақларини тўласалар, ғилдирак ичида чопаётган олмахонга ўхшаб қоладилар. Паҳмок панижалар элас элас кўзга ташланади, ғилдирак тўхтовсиз айланади, лекин улар эртага эрталаб ҳам ўзларини ўша қафасда кўрадилар.

Том Круз ўйнаган “Жерри Магуайер” кинофильмида кўплаб ўткир иборалар бор. “Менига пулни кўрсат” иборасини жуда яхши эслаб қолдим. Яна бир эпизод менга жуда характерли бўлиб кўринган Том Круznинг фирмадан кетиши билан боғлиқ. Уни

энди бўшатишган Бўлиб, у собиқ ҳамкасларидан: “Ким мен билан кетмоқчи?” деб сўрайди. Ҳамма оғзига талқон согандай жим туради. Биргина аёл жавоб беради: “Мен кетардиму, лекин уч ойдан сўнг лавозимим ошишини ваъда қилишганди”.

Бу чамаси фильмдаги энг тўғри сўзлардир. Айнан мана шундай баҳоналар билан одамлар ўзларини ишда ушлаб турадилар. Мен билимдон отамнинг маошига йиллик устамани қандай кутганлигини ва ҳар йили қандай ҳафсаласи пир бўлганини биламан. Ва у яна қўшимча малака ва қўпроқ пул олиш учун яна ўқий бошларди, бироқ уни янги умидсизликлар кутарди.

Мен тез-тез одамларга: “Ҳар куни килаётган ишингиз сизни қаерга етаклаяпти?” деган саволни бераман. Гилдиракдаги олмахондек улар ҳаракатлари нимага олиб келишига эътибор килмайдилар. Келажак уларга нима беради?

Америка пенсионерлар ассоциациясининг собиқ президенти Сирил Брикфилд “хусусий шахсларга пенсия тўлови чалкаш ҳолатда” деб таъкидлайди. Биринчидан, ишчи кучининг 50%и ҳеч қандай пенсияга эга эмас. Шунинг ўзиёқ бизни хавотирга солиши керак. Иккинчи ярми 75 – 80% ининг пенсияси эса кулгили даражада паст: ойига 55, 150 ёки 300 долларлик пенсияга эга.

Крэг С. Карпел ўзининг “Пенсияга кетиш ҳақидаги афсона” китобида: “Мен пенсия маслаҳатлари бўйича йирик бир компанияда бўлиб, юқори раҳбарият учун ҳамма ҳавас қиласидиган пенсиялар билан шуғулланадиган директор билан учрашдим. Мен ундан: “Шахсий кабинети бўлмаганлар нимага умид килишлари мумкин?” – деб сўраганимда у ишончли табассум билан: “Қумуш ўққа”, – деб жавоб берди. “Қумуш ўқ нима?” ҳайрсон бўлдим, – деб ёzádi. У

елқа қисиб деди: “Одам кариганда яшаш учун пули етмаётганлигини билиб колса, у доимо ўз бошига ўқ узиши мумкин”. Кейин Карпет эски пенсия режалари билан хатарлироқ бўлган янги режалар ўртасидаги фарқни тушуниради. Бугун ишлаётган кўпчилик одамлар учун жуда ҳам мафтункор бўлмаган манзара намоён бўлмоқда. Биз фақат пенсия ҳакида гапирияпмиз. Агар тиббий хизмат тўлови ва қариялар уйида яшашни ҳисобга олсак-чи? Вазият кўркинчли тус олади. У 1995 йилда чоп этилган китобида ёзишича, қариялар уйида яшаш баҳоси йилига ўттиз мингдан бир юзи йигирма беш минг долларгача боради. 1995 йилда у ўз мавзейдаги оддий қариялар уйига боргач, у ердаги бир йиллик яшаш саксон саккиз минг доллар туришини билиб олди.

Давлат тиббий хизмати мавжуд бўлган мамлакатларда баъзан кимнинг яшашию, кимнинг ўлиши тўғрисида мураккаб қарорлар кабул килишга тўғри келади. Бу қарорлар мижозларнинг ичча ёшдалитига ва қанча пули борлигига қараб ҳал қилинади. Тиббий ёрдам аксарият ҳолларда ёшроқ бўлганларга кўрсатилади, қария ва камбағаллар навбат охирига юборилади. Бадавлатлар ўзларига нафакат энг яхши таълим, балки анча узунрок умр кўриш имконини ҳам бера оладилар, пули йўқлар эса ўладилар.

Шунинг учун ҳам: “нахотки ишлаётган одамлар келажакка назар солмайдилар?” деб ҳайратланаман. Ёки улар кай томонга харакаттанаётганлари ҳакида ўзларига савол бермасдан, маошдан маошгacha яшайдиларми? Кўпроқ пул ишлаб тошишни хоҳлайдиган катталар билан гапланимда уларга: ўз ҳаётларига узоқ келажак истиқболини кўриш нуктаи назардан қарашларини маслаҳат бераман. Пул ва барқарорлик учун (бу албатта муҳим) шунчаки ишлашнинг ўрнига мен уларга қўшимча малака берадиган иккинчи ишга

боришини, мол сотишни ўрганиш учун тармоқ (уни кўп поғонали деб ҳам атайдилар) маркетинги билан шутулланишини тавсия қиласан. Тармоқ маркетингининг баъзи компанияларида одамларда уларни рад этишса пайдо бўладиган қўркув (одамлар муваффакият қозонолмаслигининг энг муҳим сабабларидан бири айнан қўркувдир) дан ҳалос киладиган аъло ўкув дастурлари бор. Истиқбол маъносида таълим ҳар қандай пулдан муҳимдир.

Шунга ўхшаш маслаҳат берсам, менга кўпинча: “Ахир бу жуда мураккаб-ку!” ёки “Мен ўзимга ёккан ишни қилмоқчиман” деб жавоб берадилар.

Биринчи баёнотга мен одатда савол билан жавоб бераман: “Нима, сиз бир умр ишлаш ва ишлаб топганингизни ярмини давлатга беришни истайсизми?”. Иккитчисига эса дейман: “Менга спорт залига бориш ёкмайди. Лекин мен у ерга ўзимни яхширок ҳис этиш ва кўпроқ яшаш учун бораман”.

Афсуски, “Қари аҳмоқни янги ҳазилларга ўргата олмайсан” деган маколда ҳакиқат бор. Агар инсон ўзгаришларга кўниумаган бўлса, унинг ўзгариши қийин.

Бирок ичингизда бирон-бир янги нарсани ўрганса бўлмасмикан деб ўйланётганлар бўлса уларни руҳлантиришим мумкин: ҳаёт спорт залига қатнашга жуда ўхшайди. Энг мураккаби – боришига карор қилишдир. У ерда пайдо бўлишингиз биланоқ ҳамма нарса анча осонлашади. Ўзим ҳам бир неча бор залга боришига чўчиганман, бироқ у ерда бўлсам ҳаракат қилишни бошлар ва маза қиласардим. Машғулотдан сўнг эса ўзимни мажбур қилганимдан қувонардим.

Бирон-бир янги нарсани ўрганиш учун ишлашни истамасангиз ва тор ихтисослашувни афзал кўрсангиз, унда компаниянгизда касаба уюшмалари фао-

лият юритиш-юритмаслигига ишонч хосил қилинг. Касаба уюшмалари айнан мутахассисларни химоя қилиш учун тузилган.

Билимдон отам штат губернаторининг ҳайрихолигини йўқотиб, Гавайдаги ўқитувчилар касаба уюшмасига раҳбарлик кила бошлади. У менга ўзи шуғулланган ишлар ичидаги энг қийини шу эканлигини айтади. Бадавлат отам эса бошқа томондан бир умр касаба уюшмалари унинг компанияларида пайдо бўлмаслигига ҳаракат қиласди. Бу унинг қўлидан келарди. У доимо ҳужумни кайтаришга улгуради.

Шахсан мен ҳеч қайси бирининг томонига ўтмайман, чунки: ҳар бир нуктаи назар ўзича фойдали эканлигини тушунаман. Мактаб маслаҳат берадиганидек йўл тутиб, тор мутахассис бўлмаса, касаба уюшмаларидан ҳимоя исташ лозим. Масалан, мен учувчи бўлиб қолишини истасам ўзимга учувчиларнинг кучли касаба уюшмалари билан иш жойи топган бўлардим. Нимага? Чунки менинг хаётим бир умр бир соҳада қимматли бўлган малакаларни ўзлаштиришга бағищланган бўлар эди. Агар мени ишдан бўшатишса, бу малака менга аскотмаган бўларди. Бўшатилган катта учувчи – юк хаво кемаларида юз минг соат учган, йилига юз эллик минг доллар ишлаб топадиган – ана шундай катта маошли ўқитувчикни мақтабда топга олармиди? Малака ҳамма иш жойида хам хамиша қўл келмайди.

Шифокорлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Тиббиётда рўй берган кўплаб ўзгаришлар туфайли аксарият шифокорлар турли ташкилотлар ва касаба уюшмаларига киришларига тўғри келмоқда. Ўқитувчиларга касаба уюшмалари ниҳоятда зарур. Бугунги кунда Америкадаги энг йирик ва бадавлат касаба уюшмаси ўқитувчилар касаба уюшмасидир. Миллий таълим ассоциацияси жуда салмоқли сиёсий мавқега

эга. Ўқитувчилар ҳам касаба уюшмаларининг ҳимоясига мухтожлар, чунки уларнинг малакаси ҳам таълим соҳасидан ташқарида чекланган аҳамият касб этади. Шунинг учун тор мутахассисларнинг асосий қоидаси – касаба уюшмалари аъзоси бўлишдир. Бу оқилона йўлдир.

Семинарларда: “Кайси бирингиз гамбургерни “Макдональдс”дагидан яхшироқ тайёрлашингиз мумкин?” – деб савол берганимда деярли ҳамма қўл кўтаради. Шунда мен давом этаман: “Агар кўпчилик энг яхши гамбургерни тайёрлай олса, нега “Макдональдс” сиздан қўпроқ пул топяпти?” Жавоб равшан: “Макдональдс” компанияси бизнес юритишни зўр билади. Жуда кўп истеъодли одамларнинг бунчалик факирлигига сабаб улар энг зўр гамбургерларни тайёрлашга эътиборларини жамлайдилару, бизнес ҳакида деярли ҳеч нарса билмайдилар.

Гавайида машҳур рассом дўстим бор. У анча кўп пул ишлаб топади. Кунлардан бир кун онаси-нинг адвокати унга қўнғироқ қилиб, онаси ўттиз беш минг доллар мерос колдирганини маълум қилган. Бу унинг адвокати ва давлат олиб қўйганидан қолган мулкининг бор-йўқ қолдиги эди. Рассом бунда ўз бизнесига фойда келтиришни кўриб пулнинг бир қисмини рекламага берган. Икки ойдан сўнг энг бадавлатлар учун мўлжалланган қимматли журналда бутун бир бетда тўрт хил рангда эълон чоп этилди. У бунга бирорта ҳам жавоб олмади ва бор мероси ҳавога совурилди. Ҳозир рассом журнални эълонни нотўғри берганлиги учун судга бермоқчи. Бу жуда ажойиб гамбургер тайёрлашни биладиган, аммо бизнес ҳакида ҳеч нарса билмайдиган киши ҳакидағи энг кўп тарқалган мисолдир. Мен ундан воқеа унга қандай сабоқ берганини сўрасам: “Реклама агентлари – муттаҳамлар” деб жавоб берди. Сўнгра сотиш ва

маркетингни ўрганишни истар-истамаслигини сўраганимда, у бунга жавобан: “Бунга вақтим йўқ, мен бекорга пул сарфламоқчи эмасман” деди.

Дунё истеъодли камбағалларга тўла. Жуда кўп ҳолатларда улар камбағалдирлар, молиявий қийинчиликларни бошдан кечирадилар ёки имкониятга қаранганди ишлаб кам пул топадилар, шундай касб эгаси бўлганликлари учун эмас, баъзи нарсаларни билмаганликлари учун. Улар гамбургерни яратишни такомиллаштиришга уринадилар, уни қандай сотиш ва етказиб бериш эмас, балки “Макдональдс” энг яхши гамбургерларни тайёрламас ҳам, лекин у ўзининг оддий ўртача гамбургерини бошқалардан кўра яхшироқ сотади.

Камбағал отам тор мутахассис бўлишимни истарди. У ўғлим шундай қилса, кўпроқ пул топади, деб хисобларди. Гавайи губернатори унга штатни бошқаришда бошқа ишламайсан деганида ҳам билимдон отам ўз сўзидан қолмади. Кейин у ўқитувчилар касаба уюшмаси билан шуғулланиб, илмли мутахассислар хукуқи ва имтиёзларини химоялаш учун кураша бошлади. Биз тез-тез баҳслашардик, лекин у касаба уюшмаларига эҳтиёж ўта тор ихтисослашуви оқибати эканлигини тан олмасди.

У қанчалик тор мутахассис бўлса, ўз мутахассислигига шунча қарам бўлиб колишини барибир тушуниб етмади.

Бадавлат отам менга ва Майкка ўзимизни “ўстириш”ни маслаҳат берарди. Кўплаб корпорациялар ҳам шундай қиладилар. Улар бизнес-коллеждаги зукко талабани топар ва уни қачонлардир компания бошқарувини кўлига олиши учун “ўстириар” ёки “тарбиялар” эди. Ва бу ёшлар бир бўлимдан ишга ихтисослашмайдилар. Уларни бир бўлимдан иккинчисига бизнеснинг барча томонларини ўзлаштириб

олишлари учун ўтқазадилар. Бадавлатлар кўпинча шу йўсинда ўз фарзандлари ёки бегона болаларни “тарбиялайдилар”. Шу аснода уларнинг фарзандлари бизнес қандай фаолият кўрсатиши ҳакида хамда компаниянинг турли бўлимлари қандай ўзаро ҳамкорлик қилиши тўғрисида тасаввурга эга бўладилар.

Иккинчи жаҳон уруши даврида туғилган авлод учун бир компаниядан иккинчи компанияга ўтиш “ёмон” деб ҳисобланарди. Бугун бу оқилонадир. Одамлар тез-тез иш жойларини ўзгартириб турадилар, торроқ мутахассис бўлишга интилмас эканлар, нега энди пул учун эмас, таълим учун ишламаслик керак? Бугунги кунни ўйласак бунинг фойдаси камроқ бўлиши мумкин. Лекин узок келажак кўзланса бу сизга йирик дивидентлар келтириши мумкин.

Муваффақият қозониш учун қўйидаги бошқарув малакалари зарур:

1. Пул оқимини бошқариш.
2. Тизимларни бошқариш (шу жумладан ўзингиз ва оиласидаги вактингизни ҳам).
3. Одамларни бошқариш.

Энг муҳим маҳсус малакалар – сотишли ва маркетинг коидаларини билишдир. Агар сотиши қўлингиздан келса, демак сиз бошқа одамлар билан, мижозми, хизматчими, бошлиқми, эрми, болами, муомала килишни биласиз. Бу инсон муваффакияти учун энг асосий малакадир. Мулоқот санъати – хатлар, сухбатлар, музокаралар жуда муҳимдир. Мен бу малакани семинарларга катнаш, лекциялар ёзилган аудио кассеталарни сотиб олиш йўли билан сайқаллаб бораман.

Юқорида айтганимдек, менинг билимдон отам ўз малакасини тобора ошира бориб күпроқ ва янада күпроқ ишларди. У "каламуш пойгасида" да мустахкам ўралаша бошлади. Маоши оштани билан танлаш имконияти қисқарап эди. Таълим вазирлигидан тез орада бўшатилгач, касбий маънода канчалик начорлигини пайқади. Худди шу ҳолатга профессионал спорчилар тўсатдан жароҳатланганда ёки қариганда тушадилар. Вақти келиб катта маошлар тўхтайди ва улар фақатгина жуда начор малакаларига таяниб коладилар. Менинча камбағал отам қасаба уюшмалари ўзи учун ҳам ўтиб кетганди. У қасаба уюшмалари ўзи учун ҳал қилувчи роль йўнашини тушунарди.

Бадавлат отам мен билан Майкка хамма нарса ҳақида оз-моз билишни маслаҳат берарди. У ўзингдан аклироқ одамлар билан ишлаш ва уларни бир жамоага бирлаштириш зарур деб айтарди.

Мен йилига юз минглаб доллар ишлаб топадиган собиқ мактаб ўқувчиларини бир неча бор учратганман. Улар малакалари фақат таълим соҳасида бўлмаганлиги учун бунинг удласидан чиқадилар. Улар одамларга таълим бера оладилар, шу билан бирга маркетинг билан ҳам танишлар. Кўпинча одамлар рад этилишдан кўрқсанлиги учун сотишга қийналадилар. Одамлар билан қанча яхши муомала килсангиз, музокара олиб борсангиз, рад этилишдан қанча кам кўрксангиз, жашш сиз учун шунга сиптил бўлади. Мен ҳамма бир вакtlар энг яхши сотила-диган китоб (бестселлер) муаллифи бўлишни истаган журналист аёлга берган маслаҳатимни беришга тайсраман. Ихтисослашув афзаллик ва камчиликларга эга. Менинг нихоятда истеъоддли дўстларим бор, лекин улар бошқа одамлар билан самарали мулоқот ўрната олмаганларни учун жуда кам пул ишлаб

топадилар. Мен уларга сотишин ўрганиш учун бир йил сарфлашни маслаҳат бераман.

Бу давр ичида улар ҳеч нарса ишлаб топмасалар ҳам мулоқотга ўрганадилар. Бу эса бебаҳодир.

Яхши ўқувчи, сотувчи ва маркетинг бўйича мутахассислар бўлиши учун яхши ўқитувчи бўлиши ҳам керак. Ҳақиқатда бадавлат бўлиш учун фақат олишни эмас, беришни ҳам билиш керак. Одамлар молиявий ёки касбий муаммолар билан қурашгандаридан улар кўпинча бериш ва олишни эсдан чиқаридилар. Мен на яхши ўқувчи, на яхши ўқитувчи бўлолмаганликлари учун камбагал бўлган кўплаб кишиларни биламан.

Хар иккала отам ҳам ажойиб ва сахий инсонлар эди. Иккиси ҳам бошқаларга нимадир беришга интилган. Таълим ана шундай усуслардан эди. Улар қанча кўп берсалар, шунча кўп оладилар. Лекин бу пулларни қандай беришда иккиси бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Бадавлат отам кўп пул берарди. У пулни черковга, ҳайрия ташкилотларига, ўзи таъсис қилган жамғармага берарди. У агар пул олмоқчи бўлса, бериш кераклигини биларди. Бу кўплаб бадавлат оиласларнинг сиридир. Мана нима учун Рокфеллер ёки Форд жамғармаларига ўхшаш ташкилотлар мавжуд. Улар ўз бойлигини кўпайтирадилар ва айни пайтда таркатадилар.

Билимдон отам доимо: “Менда ортиқча пул бўлса, уни бошқаларга бераман”, – деб гапираварди. Муаммо эса унда “ҳеч қачон ортиқча пул бўлмалигида” эди. Шунинг учун “Бер ва оласан” деган асосий қонун ҳакида ўйлаб кўриш ўрнига тобора тиришқоқлик билан ишлаб, кўпроқ олишга интиларди. Унинг шиори: “Аввал ол, кейин бер” – эди.

Мен ҳар икки отамга ўхшаб ўсдим. Бир томондан пул қилиш ўйинини жуда яхши кўрадиган содик

капиталистман. Иккинчи томондан мулкдорлар ва  
йўқиллар ўртасидаги доимий ўсиб бораётган тафо-  
вутдан безовта ижтимоий онгли ўқитувчиман. Шах-  
сан мен бу тафовутнинг асосий сабаби эскирган  
таълим тизимимиз деб хисоблайман. Хўш, шундай  
экан нимадан бошлиш керак?

# **НИМАДАН БОШЛАШ КЕРАК?**

# ТҮСИҚЛАРНИ ЕҢГИШ

202

**VIII BOE**

Одамлар билим олиб, молиявий саводхон бўлганларида улар ва молиявий эркинлик орасида баригири тўсиклар қолади. Молиявий саводхон одамларнинг ҳисоб варакларини тўлаш учун кеча-ю кундуз ишлаш эмас, балки қатта пул оқими бериши мумкин бўлган, орзу қилган хаёт кечириш имкониятини яратадиган активлар катта активлар устунига эга бўлмасликларининг беш сабаби бор.

Мана улар:

1. Кўркув.
2. Ўз кучига ишонмаслик.
3. Дангасалик.
4. Заарали (ёмон) одатлар.
5. Ўзига ортиқча илониши.

**Биринчи сабаб.** Пул йўқотишдан кўркувни қандай енгиш керак? Мен пулдан ажраш ёқадиган бирорга одамини учратмаганман. Бутун умрим бўйи бирон марта ҳам пул йўқотмаган одамни кўрмаганман. Шу билан бирга бир цент ҳам йўқотмаган кўплаб камбагал одамларни ҳам биламан – мен капитал кўйилмаларни назарда тутяпман.

Пулдан айрилиб қолиш қўркуви ҳаққонийдир. У ҳаммага хос. Ҳатто бадавлатларга ҳам. Бироқ муаммо унинг ўзида эмас, балки унга қандай муносабатда бўлишингизда. Ҳаммаси маглубият сиз учун нималигида. Бу нафакат пулга, балки барча ҳаётий ҳолатларга тегишлидир. Бадавлат одам камбагалдан шу қўркувга муносабати билан фарқ қиласи.

Кўркиш табиий. Пул масалаларида қўрқок бўлиш табиий. Сиз баригири бадавлат бўла оласиз. Ҳаммамиз ҳам бир ҳолатда жасур, бошқа ҳолатда қўрқамиз. Дўстимнинг хотини ҳамшира бўлиб реанимация (жонлантириш бўлими)да ишлайди. У қонни қўрга-

нида ҳаракатга тушади. Мен инвестициялар ҳақида галирсам, у бурилиб кетади. Мен конни кўрсам қочмайман. Шунчаки хушимдан кетаман.

Бадавлат отам одамларда пул билан боғлик “кўрқув” борлитини тушунарди. “Баъзилар илондан кўрқадилар. Баъзилар пул йўқотишидан кўрқади. Униси ҳам, буниси ҳам кўркувдир”, – дер эди у тез-тез. У бу кўркувлардан қутулиш учун: “Ҳамма нарсадан ажраб қолишдан кўрқсанг, ёшлидан бошла”, – деб маслаҳат берарди.

Шунинг учун ҳам банклар пул йигишини ёшлидан бошлашни маслаҳат беради. Эрта бошласант, бойиб кетиш ҳам осон. Майдалаб ўтирумайман: пулни ўттиз ёшдан тўплашни бошлаганлар билан йигирма ёшда бошлаганлар ўртасида жуда катта фарқ бор. Нихоятда катта.

Манхэттен оролини сотиб олиш – дунёдаги энг муваффакиятли битимлардандир. Ҳа, Нью-Йорк маржон ва йигирма тўрт доллардан иборат майдачуйда эвазига сотиб олинган. Агар шу йигирма тўрт доллар йиллик 8 фоиз билан сармоя сифатида киритилганида 1995 йилга келиб йигирма саккиз триллион доллардан кўпроқка айланган бўлар эди. Бу пулга Манхэттен ва Лос-Анжелеснинг катта кисмини 1995 йил кўчмас мулк баҳоларида сотиб олиш мумкин эди.

Кўшним йигирма беш йилдирки. Йирик компютер компаниясида ишлайди. Баш йилдан сўнг у ишдан тўрт миллион доллар пенсия билан кетади. Бу пуллар асосан фойдали ўзаро ёрдам жамғармаларига киритилгани бўлиб, улар облигация ва давлат кимматли когозларига айланади. У пенсияга чиққанида ёши эллик бешда бўлади ва унинг асосий фойдаси йилига уч юз минг долларни ёки хозир ишлаб топаётганидан кўпроқни ташкил

этади. Агар пулни йўқотиш ва таваккал килишни истамасангиз ҳам ҳамма нарса бўлиши мумкин. Лекин эртароқ бошлиш керак ва албатта, қандайдир пенсия режаси бўлиши лозим, пулни инвестициялашдан оддин молиявий режалаштириш бўйича мутахассисни толиш зарур.

Агар вактингиз озроқ қолган бўлса-ю, пенсияга эртароқ кетишини истасангиз нима? Пул йўқотиш кўркувини қандай енгиш керак? Камбағал отам бу борада ҳеч нима килмаган. У бу мавзудан қочар, уни муҳокама қилишни рад этарди.

Бадавлат отам эса менга техасликлар ўйлагандай ўйлашни маслаҳат берарди.

– Менга Техас ва техасликлар ёқади, – дерди у тез-тез. – Техасда ҳамма нарса маҳобатли. Техасликлар ютса йирик ютадилар. Ютқизсалар бу таас-сурот уйготади.

– Уларга ютқазиш ёқадими? – хайрон бўлиб сўрадим кунлардан бир кун.

– Йўқ, буни назарда тутмаяпман. Ҳеч ким ютқазишни ёқтирамайди. Менга бахтиёр ютқазганни кўрсат ва мен у ҳеч қачон ютмайди дейман, – жавоб берди бадавлат отам.

Мен таваккалчиликка, таваккалчилик учун мукофот ва муваффакиятсизликка бўлган техасча муносабат хакида гапиряпман. Уларнинг ҳаётта муносабатлари тўғрисида. Улар йирикчасига яшайдилар. Кўпчилик каби – пул ҳакида гап кетса суваракларга ўхшаб қисилмайдилар. Бирор фонар билан ёритишидан қўрккан сувараклар каби. Баққол беш цент қайтим бермаса тишлигини ғижирлатадиган.

Бадавлат отам давом этарди:

– Ҳаммадан кўра менга ҳаётга техасча муносабат ёқади. Улар ютганда гуурланадилар, бой берсалар мақтанадилар. Уларда шундай накл бор: “Банкрот

бўлмоқчи (синмоқчи) бўлсанг, буни катта қилиб қил”. Қандайдир майда битим сабабли куйганингни тан олишга не ҳожат. Кўпчилик ютқазишдан шундай қўрқадики, банкрот бўлмаслик учун ҳеч қандай битим тузмайдилар.

У мен билан Майкка доимо молиявий муваффакият йўклигининг асосий сабаби кўпчилик одамлар таваккал қилишдан қўркишларидир, деб гапириб берар эди. “Одамлар ютқазишдан шундай қўрқадиларки, ютқазадилар”, – дер эди у.

Миллий футбол лигасининг ҳимоячиси Френ Таркентон бироз бошқачароқ айтганди: “Ғалаба – мағлубиятдан қўркишнинг йўклигидир”.

Ўз шахсий хаётимда ғалаба кўпинча мағлубият кетидан келишини кузатаман. Велосипед минишини ўрганиб олгунимча ундан кўп марта йиқилганман. Мен тўлга доимо муваффакиятли урадиган гольф ўйинчисини ҳеч қачон кўрмаганман. Ҳеч качон севиб қолиб изтироб чекмаган одамларни кўрмаганман. Пулни йўқотмаган бадавлатларни ҳам учратмаганман.

Шунинг учун ҳам кўпчилик одамлар, бойлиқдан кувонишдан кўра пул йўқотиш қўркувлари анча кучлироқ бўлганлиги учун молиявий мувоффакиятдан маҳрумлар. Техасда яна шундай ҳам дейдилар: “Ҳамма арши аълога чиққиси келади, ҳеч ким ўлишини истамайди”. Кўпчилик одамлар бойиб кетинни орзу киладилар, лекин пул йўқотишдан роса қўркишали. Шунинг учун ҳам “арши аълога кўтариilmайдилар”.

Бадавлат отам Техасга сафарлари ҳакида мен ва Майкка гапириб берарди.

– Агар сиз ҳакикатдан ҳам таваккалчилик, мағлубият ва ютқазиша тўтири муносабатда бўлишни ўрганмоқчи бўлсангиз, Сан-Антониога жўнанг ва Аламода бўлинг. Аламо – душман ўзларидан бир

нече баробар кўп бўлганига қарамай, жанг қилишни афзал кўрган жасур одамлар тўғрисидаги буюк ҳикоядир. Улар асиyr тушишни эмас, ўлишни афзал кўрадилар. Бу билишга арзийдиган ружлантирувчи ҳикоядир. Шу билан бирга ҳарбий мағлубиятнинг фожеали тарихи ҳамдир. Уларни енгганлар кўп! Бу керак бўлса, муваффакиятсизликдир. Улар енгилдилар. Айтгандай, техасликлар муваффакиятсизликларга қандай муносабатда бўладилар? Ҳали-хануз: “Аламо ҳақида эсла”, – деб айтадилар.

Бадавлат отам бизга бу ҳикояни кўп марта айтиб берган. Бирон жиддий битим тузиш олдидан асабийлашиб шундай қиласр эди. У буни ҳар сафар хато қилишдан ёки пул йўқотишдан кўрқанида айтиб берарди. Бу унга куч бағишларди: чунки ҳар доим молиявий йўқотишни муваффакиятга “айлантириш” мумкинлигини эслатарди. Мағлубият уни фақат янада кучлироқ ва акллироқ қилишини биларди. Ютқазишни хоҳлаётганлиги учун эмас. Шунчаки ўзининг кимлигини ва мағлубиятни қандай қарши олишни биларди. У буни галабага айлантирарди. Мана нима учун у бир умр голиб, бошқалар эса мағлуб бўлганлар. Бу ҳикоя бошқалар олдида чекинадиган чегарадан ўтиш учун довюраклик бахш этарди. Шунинг учун ҳам техасликлар менга шунчалар ёқади. Улар ўзларининг мағлубиятларини миллионлар келтирадиган дикқатга сазовор сайёҳлик жойига айлантирганлар.

Бироқ менинг учун бугун энг аҳамиятли бўлган сўзлар куйидагилардир: “Техасликлар ўз мағлубиятларини эсдан чикармайдилар, улардан илҳом оладилар. Улар мағлубиятдан жанговар чақириқ яратадилар ва бу уларни галабага илҳомлантиради. Бу фақат техасликларнинг одати эмас. Барча голиблар шундай йўл тутадилар.”

Бу мен учун велосипеддан йиқилишга ўхшайды. Йиқилиш қароримни катъиyrок қилишимга куч берганини эслайман. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Юқорида тўлга ҳар доим тўтри урадиган гольф ўйинчисини кўрмаганман, деб айтдим. Ҳақиқий касб устаси бўлиш учун, тўпни йўқотиш ёки мағлубият инсонда янада яхшироқ бўлиш, тиришкоқлик билан машқ қилиш, кўпроқ билишга хоҳиш уйғотиши керак. Мана қандай қилиб ҳақиқий ўйинчилар етиладилар. Ғолибларни мағлубият илҳомлантиради. Ҳар доим ютқазадиганлар учун мағлубият бор-йўги мағлубиятлигича колади.

Жон Д. Рокфеллер шундай дейди: “Мен ҳар доим ҳар қандай ҳалокатни янги имкониятга айлантиришга ҳаракат қиласдирим”.

Келиб чиқиши япон бўлган американлик сифатида қуйидагиларни айта оламан. Кўпчилик Пёрл-Харбор – американклар хатосининг тимсолидир, дейишади. Мен эса бу Япониянинг хатоси бўлган деб хисоблайман. Бир фильмда япон адмирали шоду хуррам аскарларига қовоқ уйиб: “Ухлаётган девқомат баҳодирни уйғотиб юбордик деб қўрқаман” – деб айтади. “Пёрл-Харборни<sup>7</sup> унутма!” деган сўзлар жанговар чақириқка айланди. Американинг энг буюк мағлубиятларидан бири ғалаба учун сабаб бўлди. Бу Америкага куч бағишлади ва тоз орада АҚШ дунёдаги энг етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

Мағлубият голибларни илҳомлантирачи ва гаражбага қобилияти йўқларни кучидан маҳрум киласди.

<sup>7</sup> Пёрл-Харбор – АҚШ штати Гавайи ортоқаридаги ҳарбий десенуз базаси 1941 йил 7 декабрда иккинчи жаҳон уруши пайтида япон авиацияси Пёрл-Харборга тўсатдан зарби бериш, Америка Тинч океани флоти асосий кучларини яксон қилиш. 8 декабрда АҚШ ва Буюк Британия Японияга уруши зълон қўидилар.

Изоҳ таржимонники.

Фолибларнинг бошқаларга номаълум асосий сири ҳам шунда. Мағлубият ғалабага илхомлантиришидадир. Бу уларнинг ютқазишдан кўрқаслигини енгиллатади. Френ Таркентон айтганини қайтараман: “Ғалаба мағлубиятдан кўрқувнинг йўклигидир”. Таркентонга ўхшаган одамлар ўзлари ким эканлигини билганликлари учун ҳам ютқазишдан қўрқмайдилар. Улар мағлубиятни ёқтиромайдилар, шунинг учун мағлубият уларни янада яхшироқ бўлишга мажбур қилишига ишонадилар. Мағлубиятларни ёқтиромаслик билан улардан қўркиш ўртасида катта фарқ бор. Кўп одамлар пул йўқотишиндан шундай қўрқадиларки, ҳеч қачон ютмайдилар. Улар майдада-чуйда нарсаларни деб банкрот бўладилар. Молиявий маънода кичик ўйин ўйнайдилар ва таваккал килмайдилар. Улар кимматбахо акциялар эмас, катта уйлар, серҳашам машиналар сотиб оладилар. 90 фоиз америкаликларнинг пул билан боғлиқ муаммоларига асосий сабаб ғалабага интилиш ўрнига “ютқазиб кўймаслик”ка интилишларидадир!

Улар молиявий режалаштириш бўйича мутахассислар, бухгалтерлар ёки брокерларга бориб қимматли қоғозларнинг “баланслаштирилган портфели”ни сотиб оладилар. Кўпчиликда оз фойда келтирадиган депозит сертификатлари, облигациялар, жамғарма ичидаги ва бир неча хусусий компанияларга сотиш мумкин бўлган ўзаро ёрдам жамғармаси акциялари кўринишидаги гуллар бор. Бу хавфсиз ва оқилона капитал кўйилмадир. Лекин бу ғалаба учун кифоя эмас. Ютказмаслик учун кифоядир.

Мени нотўғри тушунманг. Балки бу 70 фоиз аҳолидагидан яхшироқдир (бу ҳам ачинарли). Хавфсиз капитал кўйилма — ҳар қандай кўйилмадан анча яхши. Бу хавфсизликни хуш кўрадиганлар учун энг ажойиб йўлдир. Бироқ таваккалчиликни рад этиш ва

инвестицияларни баланслаштириш – бу ғолиб инвесторлар қиладиган иш эмас. Пулингиз оз бўлса-ю, бойиб кетмокчи бўлсангиз, энг аввало, баланслаштириш эмас, диккатни жамлаш керак. Истаган ғолибга каранг –улар бошидан баланслаштирганилар. Акс холда ҳеч нарсага эриша олмасдилар. Ўша жойларида қолиб кетардилар. Тараккиётта эришиш учун сизга бошидан баланслаштирилганлик керак эмас. Қандай юришингизга эътибор беринг-а: оғирликни кўчирмасдан бир қадам ҳам юра олмасдингиз.

Томас Эдисон ўз уринишларини беҳуда сочмас эди. Ү бир соҳага эътиборини жамлади. Билл Гейтс ҳам “баланслаштирилган” эмасди. У бир иш билан шугулланарди. Дональд Трамп ҳам шундай йўл тутади. Жорж Сорос, Жорж Петтонлар каби майдаланмасди. У ўз танкларини кенг йўлга кўймади. Ўларни жамлаб, немислар линиясидаги заиф жойни ёриб ўтди.

Агар бадавлат бўлиш истагиниз бўлса, ўзингизни хар ёққа урманг. Тухумларни бир неча саватга солинг. Камбағал ва ўртахол синф вакиллари қиладиган ишни қилманг, улар бир нечта тухумни кўп сонли саватларга солишади.

Агар мағлубиятта чидамасангиз таваккал қилманг. Мағлубиятлар сизни заифлаштиrsa тавакқал қилманг. Баланслаштирилган инвестициялар билан шугулланинг. Агар йигирма бещда бўлсангиз ва тавакқал китишдан жула кўрксангиз, ўзингизни кийнаманг. Хавфсиз ўйнанг, лекин эртароқ бошланг. Ёшлиқдан пул йигинг, чунки бунга кўп вакт кетади.

Бироқ сиз эркинлик ҳакида – “каламуш пойгаси”дан чикиб олиш тўғрисида орзу килсангиз ўзингизга беришингиз керак бўлган биринчи савол: “Мағлубиятга қандай карайман?” – бўлиши керак.

Агар мағлубият сизни ғалабага рухлантирса, таваккал қилганингиз маъқулдир, эҳтимол. Агар мағлубият сизни заифлаштиришса ва жанжал кўтаришга мажбур қилса, бадавлатларнинг эркатой ўтилчалари каби ҳар сафар бирон-бир нарса кўнгилдагидек чикмаса судга бериш учун адвокат чақирадиган бўлсангиз – унда таваккалсиз ҳаракат қилинг. Асосий ишингиздан кетманг. Облигациялар ёки ўзаро ёрдам жамғармалари акцияларини сотиб олинг. Тўғриси, бу молиявий маблағлар ҳам озрок даражада бўлса ҳам хатарли эканлигини унутманг.

Мен активлар устунини кўпайтириш оддийлигини кўрсатиш учун Техас ва Френ Таркентон ҳакида сўзлаб бердим. Бу ортиқча қобилият талаб қилмайдиган ўйин. Жиддий билим ҳам керак бўлмайди – бешинчи синф даражасида математикани билиш кифоядир. Активлар устунида ўйнаш эса бутунлай бошқа иш. Бунда довюраклик, чидам ва мағлубиятларга соғлом муносабат зарур. Ҳар доим ютқазадиганлар мағлубиятдан қочишга ҳаракат киладилар. Лекин мағлубият мағлубни ғолибга айлантириши мумкин. Шунчаки Аламони ёдда туting.

**Иккинчи сабаб.** Ўз кучингга ишонмасликни қандай енгиш мумкин? “Осмон узилиб тушяпти! Осмон узилиб тушяпти!” Ҳаммамиз бутун ҳовлида чопиб яқинлашиб келаётган хавф тўғрисида хабардор қилган Кичкина жўжача хақидаги ҳикояни биламиз. Ҳаммамиз шундай одамларни биламиз. Қолаверса, ҳар биримизда Кичкина жўжача яшайди.

Айтганимдек, ўз кучига ишонмаган одам – бу худди ўша Кичкина жўжачадир. Кўркув ва ҳадик миямизни айнитса ҳаммамиз шундай бўлиб қоламиз. Ушбу шубҳалар сизга таниш бўлса керак: “Мен етарли даражада аклли эмасман”, “Менинг қўлимдан бундай иш келмайди”, “Фалончи мендан яхшироқ”.

Бу шубхалар бизни караҳт қиласи. Биз “Агар... нима бўлади?”, “Мен пулимни кўйишим билан иқтисодиётда бўйрон рўй берса нима бўлади?”, “Пул топмай қўйсаму пулни кайтаролмасам?”, “Иш мен режалаштиргандай юрмасачи?” ўйинини ўйнаймиз. Ёки бизнинг дўстларимиз ва яқинларимиз биз улардан илтимос қилмаган бўлсак ҳам камчиликларимиз хақида эслатадилар. Улар тез-тез: “Нега қўлимдан келади деб ўйлаяпсан?” ёки “Агар бу шунчалик яхши гоя бўлса, нега колганлар ҳам шундай килмаяпти?” ёхуд “Бу ҳеч қачон иш бермайди. Нима деяётганингни ўзинг ҳам билмайсан”, – деб гапирадилар. Бу шубҳали сўзлар кўпинча шундай баланд айтиладики, биз ҳаракатдан тўхтаймиз. Ошқозон атрофида бўшлиқ пайдо бўлади. Баъзан уйқусизлик келади. Биз илгарилақ кета олмаймиз. Шундай килиб, бехавотир жойда қоламиз, имкониятлар эса ёнимиздан ўтиб кетаверади. Биз хаёт ёнимиздан ўтиб кетаётганига жимгина, ҳаракатсиз ўтириб, қалтираб, совук терга пишиб қараб турамиз. Бу хол ҳар биримизга у ёки бу даражада маълум.

“Fidelity Magellan” ўзаро ёрдам жамғармасидаги Питер Линч осмон узилиб тушаётганилиги тўғрисидаги кичкириқларни “шовқин” деб атайди.

“Шовқин” ё миямизда пайдо бўлади, ё ташкарида. Кўпинча уни дўстлар, яқинлар, ҳамкаслар ва оммавий ахборот воситалари чиқарадилар. Линч газеталарда ядро уруши ҳаффи тўғрисида кўн таширганилиги натижасида одамлар бошпанга қура бошлаган ва сув ҳамда озиқ-овқат гамлай бошлаган эллигинчи йилларни эслайди. Агар улар бу пулларни бошпанга куришга эмас, бозорга киритгандаридан эди, аниқ молиявий мустакилликка эришган бўлардилар.

Бир неча йил аввал Лос-Анжелесда тартибсизликлар бошланганида бутун мамлакатда қурол сотиш

кўпайди. Вашингтон штатида одам гамбургердаги хом гўштдан ўлиб қолса, Аризона соғликни саклаш департаменти барча ресторонларга ковурилган мол гўши беришни буюради. Дори-дармон ишлаб чикарувчи компания февралда телевидение оркали одамлар кандай грипига чалинаётганлари хақида реклама қўйяпти. Одамлар дарҳол кўпроқ касал бўла бошлайдилар ва дориларни фаолроқ сотиб оладилар.

Кўпчилик одамлар камбағалдир, чунки инвестиция ҳақида гапирилса дунё ҳовлида чопиб юриб: “Осмон узилиб тушяпти” деб кичкирадиган Кичкина жўжачаларга тўла ва улар кўпчиликни чўчита оладилар, чунки ҳар биримизнинг ичимиизда ҳудди шундай Кичкина жўжача яширинган. Кўпинча якинлашиб келаётган оғатлар ҳақида миш-миш ва гийбатларга эътибор бермаслик учун катта жасорат талаб килинади.

1992 йилда бизникига, Фениксга Бостонлик дўстим Ричард келди. У акция ва кўчмас мулк туфайли эришганларимиздан ҳайратланди. Ўша пайт Фениксда кўчмас мулк нархлари пасайган эди. Икки кун унга пул оқими ва капитални кўпайтиришининг энг яхши имконияти деб хисоблаган вариантларни намойиш килдик. Хотиним иккаламиз кўчмас мулк савдоси бўйича профессионал агентлар эмасмиз. Биз фақат инвесторлармиз. Курорт зonasида уй топганимизда ўша куни бу уйни дўстимизга сотиб берган агентга қўнгирок қилдик. Иккита ётоқхонаси бор шаҳар ҳовлисининг нархи атиги кирқ икки минг доллар эди. Ҳудди шундай уйлар ўшанда олтмиш беш минг долларга сотиларди. Фойдали битимдан хурсанд бўлган Ричард Бостонга қайтди.

Икки ҳафта ўтгач агент бизга қўнгирок килиб дўстимиз хариддан воз кечганлигини маълум қилди. Мен дарров Ричардга телефон қилиб, гап нима-

далигини билмоқчи бўлдим. У қўшниси билан гаплашганини ва у битим фойдасиз эканлиги, гўёки у ортиқча тўлаётганини айтган.

Мен Ричарддан қўшниси инвесторми, йўқми, сўрадим. У йўқ деб жавоб берди. Мен нега унга қулоқ солаётгани билан қизиксам, у яна бироз ахтармоқчи эканлигини айтиб уни химоя килди.

Феникс кўчмас мулк бозоридаги ҳолат ўзгариб, 1994 йилга келиб бу уй ойига минг доллар, мавсумий қиши ойларида икки ярим минг долларга ижарага берила бошлади. 1995 йилда унинг баҳоси тўксон беш мингни ташкил этди. Ричард бор-йўғи беш минг нақд тўлаши керак эди ва у “каламуш пойгаси”дан чиқа бошлаган бўларди. Бугун у ҳалиям бекорчи. Фениксдаги фойдали имкониятлар сақланиб қолди – факат ҳозир уларни топиш анча мураккаброқ.

Ричарднинг битимдан воз кечиши ҳайрон килмади. Бу “харидорнинг пушаймони” дейилади ва ҳаммамизга хосдир. Ўша шубҳалар туфайли эркинлик имконияти бой берилди.

Мана яна бир мисол. Активларимнинг кичик бир қисми депозит эмас, солиқ сертификатларига жойлаштирилган. Пулларим йиллик 16 фоиз даромад ва банк таклиф қилган 5 фоиздан яхшироқдир. Бу сертификатлар кўчмас мулк билан таъминланган ва давлат қонунлари билан мустахкамланган бўлиб, банклар билан иш қилгандан анча яхшироқдир. Мен уларни қандай олаётганим уларни хавфсиз килади. Уларда ликвидлик йўқ. Шунинг учун ҳам мен уларни икки йилдан етти йилгача депозит сертификати деб ўйлайман. Деярли ҳар доим бирон-бир киши, айниқса пуллари депозит сертификатларига қўйилган бўлса, менда ҳам шундай капитал қўйилмалар борлигини билса, бу хатарли деб айтади. Нега бундай

килмаслигим кераклигини тушунтира бошлайди. Бу ахборотни қаердан олдинг, деб сўрасам, таниши ёки инвесторлар тўғрисидаги журналдан олганлигини айтади. Унинг ўзи ҳеч қачон бундай қилмаган ва бошқаларга ҳам шундай қилмасликни маслаҳат беради. Бу сертификатлардан менинг йиллик фойдам 16%, иккиласанаётганлар эса 5% га хурсанд бўладилар. Шубҳа қиммат туради.

Айнан шу шубҳалар кўп одамларни камбағал бўлиб қолишга олиб келади ва таваккалсиз харакат қилишларига мажбур килади. Чинакам дунё сизга бойиб кетишнинг истаган имкониятини беришга тайёр. Факат шубҳалар инсонни камбағал килади. Айтганимдек, “каламуш пойга”сидан чикиб олиш осон. Бунинг учун катта билим керак эмас. Бироқ бу шубҳалар кўп одамларни куч қувватдан жудо килади.

“Иккиланган ҳеч қачон ютмайди, – дерди бадавлат отам. – Асоссиз шубҳалар ва кўркув одамларни иккиласнувчи ёки беадаб килиб қўяди. Улар танқид қиладилар, ғолиблар эса таҳлил қиладилар”. Бадавлат отам танқид кўр килади, таҳлил, бунинг акси, кўзни очади, деб тушунтиради. Таҳлил ғолибларга мунаққидларнинг калтабинлигини кўриш, қолганлар назаридан четда қолган, бой берилган имкониятларни пайқашга имкон беради. Бошқалар сезмаганини кўра билиш – муваффақиятнинг ҳаммабоп қалитидир.

Кўчмас мулк – молиявий мустақиллик ёки эркинликка эришмоқчи бўлганлар учун инвестиция киритишнинг құдратли воситасидир. Бу ноёб восита. Кўчмас мулкнинг хусусиятлари ҳақида эслатаркаиман, шунга қарамай унга жавобан: “Мен хожатхоналарни таъмирлашни истамайман” деган жавобни эшигтаман. Ҳудди шуни Питер Линч “шовқин” деб атайди. Таҳлил эмас, танқид қиладиганлар шундай дейдилар.

Шубъҳа ва кўрқув билан ўзларини заифлаштиришга йўл қўядиганларнинг гали бу.

Шунинг учун кимдир: “Мен хожатхоналарни таъмирашни хоҳламайман” деганида, унга: “Сизга ким ҳоҳлайди деб айтди?” деб жавоб бергим келади. Улар ҳожатхона хоҳишларидан муҳимроқ дейдилар. Мен “каламуш пойгаси”дан озод бўлиш хақида гапирсам, улар факат ҳожатхоналарни кўрадилар. Мана кўпчилик одамларнинг бадавлат бўлиб кетишига йўл қўймайдиган дунёкарап. Улар тахлил қилиш ўрнига танқид қиласидилар.

“Сизнинг “ҳоҳламайманингиз” – бу муваффакият қалитидир” – дерди бадавлат отам.

Мен ҳам ҳожатхоналарни таъмирашни истамайман, шунинг учун уларни таъмирлайдиган кўчмас мулк бўйича менежер топишга ҳаракат қиласман. Агарда уй ва хонадонлар учун яхши менежер топган бўлсам менинг пул оқимим кўпаяди. Бундан ҳам муҳимроғи, яхши менежер менга анча кўпроқ кўчмас мулк сотиб олиш имконини беради – энди ҳожатхоналар билан шуғулланишим шарт әмас! Бундай одамни топиш менга кўчмас мулк топишдан ҳам муҳимдир. Кўпинча у фойдали битимлар ҳақида кўчмас мулк сотиш бўйича агентлардан ҳам аввалроқ билиб олади ва бу уни янада қимматли ходимга айлантиради.

Бадавлат отам: “Сизнинг “ҳоҳламамайманингиз” – муваффакият қалити” деганида шуни назарда тутган. Бинобарин, мен ҳам ҳожатхона таъмирашни истамаганим учун янада кўпроқ кўчмас мулк сотиб олиш ҳамда “каламуш пойгаси”дан чикиб кетишимни тезлаштириш йўлини тондим. Ҳар доим “Мен ҳожатхоналарни таъмирашни истамайман” дейдиганлар бу йирик инвестиция воситасини ишга солишга ўзлари

халакит берадилар. **Жожатхона** улар учун озодликдан мухимрекка айланади.

Гап кимматли қоғозлар бозори ҳақида кетганда одамлар күпинча: “Мен пул йўқотишни истамайман”, – деб айтадилар. Нега улар мен ёки яна кимдир буни хоҳлайди деб ўйладилар? Улар пул йўқотишни истамаганиклари учун пул топмайдилар. Тахлил ўрнига яна бир кудратли инвестицион воситадан воз кечадилар.

1996 йил декабрда дўстим билан автоёқилғи шахобчаси олдидан ўтиб кетаётган эдим. У бошини кўтариб бензин нархини ошганлигини кўрди. Дўстим – Кичкина жўжачалардан бири. Унинг наздида қачон қараманг осмон узилиб тушадигандай. Тўғри, одатда шундай бўлади ҳам: осмон узилиб, ўзининг устига тушади.

Қайтиб келгач, у келгуси йиллар давомида нефть нархи **ошиши** тўғрисидаги барча статистик маълумотларни келтирди. Бир нефть компаниясининг каттагина акциялар пакети тегишли бўлишига қарамай бу маълумотни кўрмагандим. Ушбу ахборотни хисобга олиб, кидира кетдим ва янги кудуклар очмоқчи бўлган паст баҳоланган компанияни топдим. Брокерим бу ғояга катта иштиёқ билан муносабатда бўлди ва олтмиш беш центдан ўн беш минг дона акция сотиб олдим. 1997 йил февралида ўша дўстим билан худди ўша шохобча ёнидан ўтиб кетдик ва албатта нарх деярли 15% га ошган эди. Кичкина жўжача яна хавотирга тушганди. Мен кулимсирадим, чунки 1997 йил январида ўша унча катта бўлмаган нефть компанияси янги кудуклар очди ва ўн беш минг акциямнинг ҳар бири уч доллардан кўпроқ нархга чиқкан эди – бу ҳаммаси унинг маслаҳати шарофати билан бўлди. Агар дўстим ҳақ бўлса, бензин нархи **ошиши** давом этади.

Холатни таҳлил қилиш ўрнига Кичкина жўжача ўз пўчогига беркинади. Кўпчилик одамлар фонд биржасида “стоп” нималигини тушунганларида эди, улар инвестицияларни ютказмаслик учун эмас, ютиш учун қилган бўладилар.

“Стоп” - бу оддий компьютер буйруғи бўлиб, у акциянгизни автоматик равишда сотади, нархи тушаётган бўлса зарарни камайтириш ва фойдани кўпайтириш учун. Бу ютказишдан ўлгудай кўркадиганлар учун ажойиб воситадир.

Шунинг учун ҳам одамлар нима истаётганликларини ўйлаш ўрнига ўзларининг “хоҳламайман”ига дикқатларини жамласалар уларнинг бошида қаттиқ “шовкин” рўй бераётганини биламан. Уларнинг миясими “Осмон ўзилиб тушяпти, ҳожатхоналар вайрон бўляпти!” деб бақирадиган Кичкина жўжача эталлаб олган. Ва улар ўзларининг “хоҳламайман”идан қочиб бунинг учун ҳадсиз нарх тўлайдилар. Балки ҳаётдаги истакларига ета олмаслар ҳам.

Бадавлат отам мени Кичкина Жўжачага бошқача муносабатда бўлишга ўргатди: “Шунчаки полковник Сандерс килганини кил”. Олтмиш олти ёшида у ишдан ажралди ва пенсияга яшай бошлиди. Бу эса етмасди. Шунда Сандерс ўзининг қовурилган жўжа рецептини бутун мамлакат бўйлаб сотишга отланади. У “ҳа”ни эшитгунча бир минг тўққизта рад жаъобини олди. У ботиқалар язлакачон пенсияда юрадиган ёшда мульти миллионер бўлди. “У довюрак ва катъий одам эди” - дерди бадавлат отам Харлан Сандерс ҳакида.

Шундай бўлгач, сизни шубҳа ва қўркув қийнаса, полковник Сандерс килган ишни қилинг – ўзингизнинг Кичкина жўжачантизни қовуинг.

**Учинчи сабаб.** Дангасалик. Энг банд одамлар одатда энг дангаса бўладилар. Биз ҳаммамиз пул ишлаб толиш учун бор кучи билан ишлайдиган одам ҳақидаги ҳикояни эшитганмиз. У қандай бўлмасин хотин ва фарзандларини яхшироқ таъминлаш учун харакат килади. Кечгача ишда қолиб кетади, дам олиш кунларига ҳам уйга топшириқ олади. Кунлардан бир кун у уйга қайтиб, ҳеч ким йўқлигини билиб қолади. Хотини ва фарзандлари уни ташлаб кетишган. У хотини билан ўрталарида муаммо борлигини билса-да, муносабатларни тиклаш учун бирор нарса қилиш ўрнига ишлашда давом этган. Ҳозир иши унга ёқмай қолган, раҳбарлар ундан норози ва уни охир-окибат ишдан бўшатадилар.

Бугун мен бойиб кетишини ўйлаш учун жуда банд бўлган кўп одамларни учратаман. Саломатлик ҳакида ўйлаш учун ўта банд бўлган одамлар ҳам бор. Сабаби ўша-ўша. Улар ўз муаммолари билан юзма-юз келмаслик учун банд бўлишга интиладилар. Уларга ҳеч нарсанни тушунтиришнинг ҳожати йўқ, чунки қалбларининг тубида ҳамма нарсани жуда яхши тушунадилар. Агар уларга бу ҳақда галирсангиз, ҳаттоқи жаҳллари чикиши ёки ранжишлари мумкин.

Агар ишда ёки фарзандлари билан банд бўлмасалар, уларнинг вақгини кўпинча телевизор, балиқ ови, голъоф ўйини ёки дўконларга юриш олади. Юракларининг туб-тубида улар жуда муҳим нимадандир қочаётганликларини биладилар. Бу дангасаликнинг энг кўп тарқалган тури – фаолиятга ниқбланган дангасаликдир.

Ундан қандай кутулиш мумкин? Йўли битта – озгина қизганчилик кўшиш керак.

Болаликда қўпчилигимизга қизганчилик ёмон деб айтишган. “Кизганчик одамлар – ёмон одамлар”, – тақрорларди онам. Бироқ ҳар биримизнинг ичимида чиройли, янги ва қизиқарли нарсаларга эга бўлиш истаги бор. Бу истакни назоратда тутиб туриш учун ота-онамиз турли йўллар билан уларни айборлик хиссига алмаштириб қўйганлар.

“Сен ўзинг ҳакингда ўйлаяпсан, холос. Ака-ука, опа-сингилларинг борлигини билмайсанми?” – бу онамнинг энг севимли ибораларидан эди. Отам эса бундай дерди: “Хўш, сенга нима олиб берай? Нима, сен бизни пулдан ясалган деб ўйлайсанми? Пул дараҳтда ўсади, деб ўйлайсанми? Агар билсанг, биз миллионер эмасмиз”. Менда айтилган сўзлар эмас, уларнинг ортида яширган қаҳр ва алам таассурот колдиради.

Баъзан улар шундай дердилар: “Буни сенга олиб бериш учун ўзимни қурбон қилаяпман. Буни сенга болалигимда ўзимга ололмаганим учун олиб беряпман”. Менинг бир кўшним бор, у жуда камбағал, лекин машинаси болаларининг ўйинчоклари билан тўлалиги туфайли уни гаражга олиб киролмайди. Талтайган фарзандлари нимани хоҳласалар шуни оладилар. “Мен уларнинг ҳеч нарсага муҳтож бўлишларини истамайман”, – тақрорлайди у. Уларнинг ўқиши учун, ўзига пенсия учун тўплаган бирор сўми йўқ, бироқ болаларида ҳунёдаги бор ўйинчоклар мавжуд. Яқинда кўшнимга почта оркали кредит карточкасини юборишиди ва у болаларини Лас-Вегастга олиб кетди. “Мен буни болаларим учун киласман”, – дерди у келтирган қурбонлигидан ғурурланиб.

Бадавлат отам менга “Мен буни ўзимга раво кўролмайман” дейишни таъкиқларди.

Уйда мен факат шу сўзларни эшитардим. Бадавлат отам эса: “Мен буни қандай килиб қила олишим мумкин?” деб айтишилизни талаб киларди. У “Мен буни ўзим учун кила олмайман” сўзлари одамни ўйлаш қобилиятидан маҳрум килади деб хисобларди. “Мен буни қандай қилиб қила олишим мумкин?” саволи эса мияни ишлаш ва жавоб топишга мажбур килади.

Лекин, энг муҳими, у “Мен буни ўзим учун қила олмайман” деган сўзлар – ёлғонлигини тушунарди. Инсон калбан буни билади. “Инсон рухи жуда, жуда кучли, – дерди у. – У ҳамма нарса қила олишини билади”. Сизнинг “Мен буни ўзим учун кила олмайман” дейдиган дангаса ақлингиз бўлса, ичингида уруш бошланаётган бўлади. Рухнинг жаҳли чикиб, дангаса ақл ўз ёлғонини химоя қилишга мажбур. Рух кичқиради: “Қўйсангчи! Спортзалга юр, машқ киласиз!”. Дангаса ақл жавоб беради: “Шундай чарчадимки! Бугун шунака кўп ишладимки”. Ёки рух дейди: “Қашшоқлик ҳикилдоғимга келди. Кел, бир ишнинг бошини тутиб бойиб кетайлик”. Бунга дангаса мия жавоб беради: “Ҳамма бадавлатлар кизғанчик. Ва умуман, бунинг ғалваси кўп. Бу хавфли. Мен пул йўқотишим мумкин. Ҳалиям кўп ишлайман. Ва менинг ишларим жуда кўп. Қара, бутун кечкурунга қанча иш колган. Бошлиқ эрталаб-тагача ҳаммаси тайёр бўлсин деди”.

Устига-устак “Мен буни ўзим учун кила олмайман” сўзлари ғамга, ожизлик ҳисларига, эзилиш ва хатто рухий сикилишга дучор килади. Ёки ҳафсаласизликка. “Мен буни ўзим учун қандай кила олишим мумкин?” саволи эса янги имкониятлар эшигини очиб, хаёлотни уйғотади. Шунинг учун ҳам бадавлат отамни бизнинг бирон-бир нарсани исташимиз эмас, ақлимизни ривожлантириб, улкан рухий салоҳияти-

мизни ишга солиб юборадиган “Мен буни ўзим учун қандай қила олишим мумкин?” деган саволни ўзимизга беришимиз хаяжонга соларди.

Шу боис Майк иккимизга камдан-кам бир нарса берарди. Бунинг ўрнига у: “Қандай қилиб сиз буни қила оласиз?” – деб сўрарди. Ўзимиз пулини тўлаган коллеждаги ўкишимиз ҳам шунга киради. У эътиборимизни мақсадга эмас, унга эришиш йўлтариға қаратишимиизни истарди.

Бугун мен миллионлаб одамларда битта муаммо борлигини хис қиласяпман: улар яхшироқ ҳаёт тўғрисидаги орзулари туфайли айбдорлик ҳиссини бошдан кечирмоқдалар. Бу болаликдан қолган эски йўлйўриқ. Кўпчиликнинг онгида: “Сенга йўл бўлсин”, “Сен ҳеч қачон бунга эришолмайсан” деган сўзлар ётади.

“Каламуш пойгаси” йўлакчасидан чиқишига қарор қилганимда олдимда “Қандай қилиб ишлашни тўхтатишим мумкин?” деган савол туарди. Ва миям жавоб ва ечим вариантларини бера бошлади. Энг мураккаби – менинг ҳақиқий ота-онам миямга кўйган бидъатлар билан кураш бўлади: “Биз бунга рухсат беролмаймиз” ёки “Фақат ўзинг ҳақингда ўйлашни бас қил!”, “Бошқалар ҳакида ҳам ўйласанг бўлармиди?” ва бошқа кўплаб ҳар хил иборалар менинг ҳоҳишларимни ўлдириб, айбдорлик ҳиссимни қўзгатиши керак эди.

Хўш, дангасаликни қандай енгиш керак? Озина кизгончилик ёрдами билан. Шунчаки ўтириб ўйлаш керак: “Агар соғлом, жозибали ва серғайрат бўлсам нимага эришаман?” ёки “Агар кўп ишлашимга тўғри келса ҳаётим қандай бўлади?” ёки “Мента нима керак бўлса, шунга етадиган пулим бўлса нима қиласман?” Бироз хасислик ёки яхшироқ бирор нарсани орзу қилишсиз тараққиёт бўлмайди. Дунёмиз ривож-222

ланяпти, чунки ҳамма яхшироқ ҳаётга интиляпти. Биз мактабга борамиз ва күнт билан ўқиймиз, чунки бирон нарсага эришмоқчимиз. Шунинг учун ҳар сафар, килиш лозим бўлган ишдан қочаётганингизда: “Бундан не наф кўраман?” деган саволни ўзингизга беришингиз керак бўлади. Озгина хасисроқ бўлинг. Бу дангасаликнинг энг яхши дориси.

Ортиқча хасислик ҳар қандай меъёрдан чиқиши сингари бефойдадир. Лекин Майл Дуглас “Уолл Стрит” фильмида нима деганини ёдда тутинг: – “Хасислик – яхши”. Бадавлат отам сал бошқачароқ килиб: “Айборлик хисси хасисликдан ёмонроқ. Чунки гуноҳ инсонни калбидан жудо қилади”, – деб айтарди. Менга бу ҳақда Элеанор Рузвельт айтгани кўпроқ ёқади: “Қалбингиз нимани тўғри деса шуни қилинг – чунки барибир сизни муҳокама қиладилар. Сиз буни килсангиз ҳам, қилмасангиз ҳам сизни барибир карғайдилар”.

**Тўртинчи сабаб.** Одатлар. Ҳаётимиз олган билимимиз эмас, балки одатларимизнинг инъикосидир. Арнольд Шварценеггер иштирокидаги “Конан” фильмими кўриб, бир оғайним деди:

– Қани энди Шварценеггерники каби мушакларим бўлса!

Деярли ҳамма тасдиқ маъносида бош иргади.

– Мен уни қачонларdir ўта нимжон ва кўримсиз бўлган деб эшитганман, – қўшиб қўйди бошқаси.

– Ҳа, буни мен ҳам эшитганман, – муносабат билдири учинчиси. – Ү, айтишларича, деярли ҳар куни машқ қиларкан.

– Ҳа-я, албатта!

– Ҳечам-да, – деди бизнинг беадаб. – Гаров Ўйнаймиз, у шундай туғилган. Ва умуман, Арнольд

ҳакида гап сотишини бас қилинглар, яхшиси бориб пиво олайлик.

Мана, одатларимиз бизни қандай бошқаради. Мен бир сафар бадавлат отамдан бадавлатларнинг одатлари ҳакида сўраганимни эслайман. Лекин у хар галтидай, тўғридан-тўғри жавоб қайтармай мисол келтирди.

— Отанг қачон ҳисоб варакларини тўлайди? — сўради бадавлат отам.

— Ҳар ойнинг биринчи куни, — жавоб бердим мен.

— Шундан сўнг ўзида бирор нарса қоладими?

— Жуда кам.

— Мана, молиявий қийинчилликларнинг сабаби, — деди бадавлат отам. — Унинг заарали одати бор. Отанг аввал бошқаларга тўлайди, охирида бирон нарса қолса — ўзига.

— Одатда қолмайди, — жавоб бердим мен. — Лекин у варакларни тўламаслиги мумкин эмас-ку? Сиз у тўламаслиги керак демокчимисиз?

— Албатта йўқ, — деди бадавлат отам. — Мен ҳам ҳисоб варакларини ўз вақтида тўлаш керак, деб ҳисоблайман. Шунчаки, биринчи ўзимга тўлайман. Ҳаттоқи, давлатга тўлашдан ҳам олдин.

— Ҳаммасига пулингиз етмасачи? — хайрон бўлдим. — Унда нима киласиз?

— Яна шунинг ўзи, — жавоб берди бадавлат отам. — Барибир аввал ўзимга тўлайман. Ҳатто пулим етмай қолса ҳам. Активлар устуни мен учун давлатдан кўра муҳимрок.

— Ахир улар келиб сизни жазоламайдиларми? — сўрадим мен.

— Агар тўламасам келадилар, — жавоб берди бадавлат отам. — Умуман тўлама демокчи эмасли-

гимни түшун. Мен фақат пулим етмаса ҳам аввал ўзимга тұлыман, дедим, холос.

– Бұни қандай қылса бўлади?

– Масала буни “қандай” қилишда эмас, балки бу “нега” кераклигига, – жавоб берди бадавлат отам.

– Яхши, нега керак?

– Мотивация, – жавоб берди у. – Агар пулини олмаса, ким қаттикөк шикоят қиласы – менни ёки кредиторларимми, нима деб ўйлайсан?

– Албатта кредиторлар, – жавоб бердим. Бу ўз-ўзидан равshan әди. – Сиз пул олмасанғиз ўзингизга хеч нарса демайсиз.

– Шунинг учун, кўряпсанми, ўзимга тўлаганимдан сўнг давлат ва кредиторларнинг менга босими шундай катта бўладики, даромад олишнинг бошқа манбаларини излай бошлайман. Уларга тўлаш заруряти менинг мотивациямга айланади. Янги ишларда ишлайман, янги компаниялар таъсис қиласман, биржада ўйнайман – барча қийинчиликларга рози бўламан, фақат бу йигитлар менга босим ўтказишни бошламасалар бас. Бу босим мени кўпроқ ишлашга, кўпроқ ўйлашга ва мени умуман молиявий томондан ақллироқ ва фаолроқ бўлишига мажбур қиласы. Агар ўзимга охирида тўлаганимда әди, улар томонидан босими хис қилмасдим, бироқ пулим ҳам бўлмас әди.

Демак, сизнинг мотивациянгиз – сиз қарздор бўлган давлат ва одамлар олдидағи кўркув экан-да?

– Тўппа-тўгри, – жавоб берди бадавлат отам. – Биласамни, давлат солиқ нозирлари – хақиқий қароқчилардир. Колган пул йигадиганлар каби. Кўп одамлар уларнинг илтифотларига лакка тушадилар. Уларга тўлайдилару, ўзларига ҳеч қачон тўламайдилар. Юзига безори кум сочаётган кирқ беш килограмм вазнли йигитнинг расмини кўрдингизми?

**Бош иргадим:**

- Бу бодибилдинг рекламасини ҳозир ҳамма жойда босяптилар.

— Қиссадан ҳисса, күп одамлар ўз юзларига қум сочишларига йўл қўйиб берадилар. Мен эса бу қўркувни ўзимни кучлироқ қилишимда ишлатишга қарор қилдим. Бошқаларни эса у заифлаширади. Яна пул топишга ўйлашга мажбурлаш – спорт залига бориб штанга кўтаришдай гап. Миям мушакларини қанча кўп машқ қилдирсам, шунча кучли бўлиб бораман. Энди мен безорилардан қўрқмайман.

**Гоя** менга ёқди.

- Демак, мен аввалига ўзимга тўласам, молиявий маънода: ақллироқ ва моддий бақувват бўларканман-да?

**Бадавлат** отам бош иргади.

— Агар мен ўзимга охирида тўласам ёки умуман тўламасам заифлашаман. Ҳар қандай бошлиқлар, бошқарувчилар, солиқ нозирлари ва уй эгалари бир умр мени хўрлаб азоблайдилар. Оддийгина ёмон одатларим туфайли.

**Бадавлат** отам яна бош иргади.

- Сен ҳам мана шундай қирқ беш килограммли иродасиз одам бўласан.

**Бешинчи сабаб.** Ўзига ишонганлик. Ўзига ишонганлик – бу эгоизм эмас, билимсизликdir.

“Билганим, менга пул келтиради. Билмаганим пул йўқотишингта мажбур қиласди. Ҳар сафар ўзимга ортиқча ишонганимда пул йўқотаман. Чунки ўшанда чин дилдан ишонганман: билмаганимнинг ахамияти йўқ”, – деб тез-тез бадавлат отам менга айтарди.

Кўп одамлар ўзига сохта ишонганилиги билан ўз саводсизлигини яширмокчи бўладилар. Бу бухгалтерлар ва ҳаттоқи инвесторларда молиявий хисоботлар муҳокамаси жараёнида тез-тез рўй беради. Улар

мақтанчоқлик билан, баландпарвоз иборалар билан мұхокама олиб боришига ҳаракат қиласылар. Лекин нима ҳақида гапираётгәнларини түшүнмаётгәнлари менә күндай равшан. Улар ёлғон гапирмайды ва рост ҳам сўзламайди.

Пул ва инвестициялар оламида нима түғрисида гапираётганини билмайдиган қўп одамлар бор. Улар факат сафсата сотадилар ва ўзларини кўз-кўз қиласылар.

Агар бирон-бир соҳада заводсизлигингилини билиб қолсангиз, ўз устингизда ишлашни бошланг. Шу фан бўйича мутахассис ёки китоб топинг.

# **БИРИНЧИ ҚАДАМЛАР**

**ІХ ӘОД**

Осонгина бойиб кетганиман дейишни қанчалик хоҳлардим! Лекин бундай эмас.

Шундай экан, “Нимадан бошлаш керак?” деган саволга жавоб бेң турраб, мен ҳар куни қандай фикрлаш жараёнларини бошимдан кечиришимни ҳикоя қиласан. Аъло битимларни, менга ишонишинингиз мумкин, топиш ҳақиқатдан ҳам осон. Бу велосипедда юришдай гап: бироз кийналса, икки-уч марта йикилса, ҳаммаси охирига ча оддий бўлиб қолади. Бироқ, иш пулга бориб таксалганда қўлингизда рулни зўрга ушлаб турган пайтни ўтказиб олиш учун етарли даражада қатъийлик зарур бўлади.

“Ҳаётимиздаги энг яхши” миллион долларлик битимларни топиш учун молиявий истеъодод керак. Мен у ҳар кимда бор, деб хисоблайман. Муаммо шундаки, у чукур кўмилиб йўқлашларини кутади. У уйқуда, чунки бизнинг маданиятимизда одамлар шундай тарбияланадики, гёё пулга муҳаббат - барча иллатларнинг илдизидир. Бизни пулга ишлаш учун касб эгаллашга ўргатадилар, пулни ўзингга ишлашга мажбур қилишни эса ўргатмайдилар. Бизга ўзингизнинг молиявий көлажагингиз ҳакида ташвиш қилманг дейдилар: бу ҳакида пенсияга чиққанимизда давлат ёки компания ғамхўрлик қиласади. Бизга шу тизимда маълумот олган болаларимиз тўлайдилар-ку. Биз уларни илгаригидек қунт билан ишлаш, пул топиш ва сарфлашга, улар тамом бўлса, янги қарз олишга ўргатяпмиз.

Бахтга қарши ғарб дунёсининг 90 фойзи шу нуқтаи назарга риоя қиласади. Чунки иш топиш ва пул учун ишлаш анча енгилроқдир. Бироқ қўпчиликдан фарқ қилмоқчи бўлсангиз, мен сизга молиявий истеъододни уйготиш учун ўн қадамни таклиф қиласан. Булар ўзим фойдаланадиган усуслар. Улардан баъзилари сизга маъқул келса нур устига аъло нур.

Ёқмаса – ўзингизни киши ўйлаб топинг. Ўз шахсий режангизни тузиш учун молиявий салоҳиятингиз етади.

Бир пайтлар Перуда кирк беш ёшли олтин қидиувчи билан гаплаша туриб, ундан қандай қилиб бундай ишонч билан конларни топаётганлигини сўрадим. У: “Олтин ҳамма ерда бор. Лекин кўпчилик уни пайкамасликка кўникиб кетган”, деб жавоб берди.

Мен хам унинг фикрига қўшилишга мойилман. Кўчмас мулк билан ишлар эканман, бир кунда тўргаш беш ажойиб ва кучли битимларни топа оламан, айни вактда ўртacha одам бу биноларнинг ёнидан ўтиб ҳеч нарса сезмайди ҳам. Ҳатто бир жойнинг ўзида ҳам. Гап шундаки, бундай одамлар ўз молиявий истеъодини ривожлантириш учун ўзини уринтирмаган.

Мен сизга табиат инъом этган сифатларни ривожлантириш учун қуидаги ўн қадамни таклиф қиласман. Бу сифатларни ривожлантириш – сизнинг, фақат сизнинг хукмингида.

**1. Ақл кучи.** Шафқатсиз реалликдан кучли бўлган сабаб керак. Кўпчилик одамлардан бадавлат ва молиявий мустакил бўлишни исташ-истамасликларини сўрасангиз, улар “ҳа” деб жавоб берган бўлардилар. Бироқ кейинчалик ўйинга шафқатсиз реаллик келиб қўшилади. Йўл уларга ўта мураккаб ва тўсикларга тўла бўлиб туюлади. Пул учун ишлаш, ортиқласини брокерга бериш анча соддароктир.

Бир вактлар Олимпия ўйинларида катнашишни орзу қилган сузувчи аёл билан танишиб колдим. Ҳар куни ўкишга боргунга кадар уч соат машқ килишига тўғри келган. У шанба кунлари дўстлари билан кечаларга бормаган. Бошқалардай яхши баҳо олиши учун ўкишига тўғри келган.

Мен ундан бунақа ақт бовар қилмайдиган максадга интилувчанликни қаердан олаётганини сўраганимда: “Мен буни ўзим ва севган одамларим учун килајпман. Севги менга муаммоларни бартараф қилиш ва шундай қурбонликлар келтиришга ёрдам беряпти”, – деб жавоб берди.

Сабаб ва мақсад “хоҳлайман” ва “хоҳламайман”-дан иборат бўлади. Одамлар мендан нега бадавлат бўлишни хоҳлашимни сўраганларида менинг сабабларим – кучли хис-ҳаяжонли “хоҳлайман” ва “хоҳламайман”имнинг уйгун биринчасидир, деб жавоб бераман. Мен бир умр ишлашни хоҳламайман, аммо отонам интилган – Барқарор иш ва шаҳар четидаги уйчани хоҳламайман. Менга кимгадир ишлаш ёқмайди. Отам ўз мавқеи билан банд бўлиб футбол ўйинларимни ўтказиб юборишидан хафа бўлардим. Мен отамнинг бир умр ишлагани, ўлганидан сўнг давлат ҳамма ишлаб топганини олиб қўйгани учун хафа эдим. У ҳатто меҳнати натижаларини болаларига бера олмади. Бадавлатлар бошқача йўл тутадилар. Улар кўп ишлайдилар ва ишлаб топгандарини болаларига берадилар.

Энди “хоҳлайман” ҳакида. Мен ўзим хоҳландай саёҳат қилиш ва яшаш учун эркин бўлишни истайман. Ва буни мункиллаб қолганимда қилмоқчи эмасман. Шунчаки эркин бўлмоқчиман. Ўз вақтим ва ўз ҳаётимни бошқармоқчиман. Менинг ўрнимга пуллар ишлашини хоҳлайман.

Бу менинг ҳиссий сабабларим. Сизникичи? Агар бу сабаблар етарли даражада жиддий бўлмаса, бойлик томон йўлнинг реаллиги янада кучли бўлиши мумкин. Мен кўп марта пул йўқотиб мағлуб бўлганман, лекин бу ҳиссий сабаблар мени туришга ва яна олга юришга мажбур киларди. Мен қирқ ёшларга

бориб эркин бўлмокчи эдим, лекин қирқ етти ёшимда кўп нарсани ўрганиш баробарида бунга эришдим.

Айтганимдек, бунга эришиш осон бўлган дейишни истардим. Бу осон ҳам, жуда мураккаб ҳам бўлмаган. Ҳар ҳолда, кучли стимулсиз ёки мақсадсиз ҳаётдаги ҳамма нарса кийин туюлади.

Сизда кучли мотив бўлмаса, давомини ўқишдан маъно йўқ. Сизга бунинг ҳаммаси жуда мураккаб бўлиб кўринади.

**2. Танлаш кобилияти.** Мана нима учун одамлар озод мамлакатда яшашга интиладилар. Бизга танлаш имконияти зарур.

Қўлимизга тегадиган ҳар бир долларга молиявий маънода бизнинг келажагимиз: бадавлат бўламизми, камбағалми, боғлик бўлади. Менга пулни қандай сарфлашингизни айтинг ва мен сизнинг кимлигинизни айтаман. Камбағал одамларда бу борада зарапти одатлар бор.

Омадим келган: болалигимда “Монополия” ўйинини ўйнашни жуда яхши кўрардим. Менга уни ҳеч ким болалар ўйини деб айтмаган ва катта бўлганимда ҳам ўйнашда давом этдим. Бундан ташқари, бадавлат отам бўлиб, у менга актив ва пассив ўртасидаги фарқни тушунтирганди. Шунинг учун болалигимдаёқ бадавлат бўлишга аҳд қилганман ва асосийси – активлар, ҳакикий активларни сотиб олишни ўрганиш эканлигини тушунганман. Менинг энг яқин дўстим Майк активлар устунини мерес қилиб олди, лекин барибир уларни асрарни ўрганиши керак эди. Кўп бадавлатлар кейинги авлодида ўз активларини ўғиллари уларни тўғри тасарруф эта олмаганликлари сабабли йўқотадилар. Кўп одамлар бадавлат бўлмасликни афзал кўрадилар. 90 фоиз аҳоли учун бойлик – бу “ўта серташвишликдир”. Шу боис улар турли оқловларни кашф этадилар: “Пул мени қизиктир-

майди”, “Мен ҳеч қачон бадавлат бўлмайман”, “Ташвиш килишимга ҳали эрта, ҳали ёшман”, “Кўпроқ пул толганимда қелажак ҳакида ўйлай бошлайман” ёки “Бизнинг оилада пулни эр хотин бошқаради”. Муаммо бундай баёнотлар одамни икки нарсадан маҳрум килишида ётади: энг қимматбаҳо мулк бўлган вактдан ва тажрибадан. Пулингиз бўлмаганлиги тажриба ва таълимдан воз кечиш дегани эмас. Лекин бу биз ҳар куни қиласидан танлашдир – биз ўз вактилизни, пулимиз ва миямизни қандай исплатишни ҳал киласиз. Танлашнинг аҳамияти ана шунда. Танлаш имконияти ҳар биримизда бор. Мен бойликни танлайман ва буни ҳар куни қиласман.

Даставвал пулни таълимга сарфланг. Ҳақикатда сиздаги ягона бойлик – ақлингиздир. Бу бизга тобе бўлган воситаларнинг энг қудратлиси. Мен танлашнинг муҳимлиги ҳакида айтдим. Ҳар биримиз мустақил бўлганимизда миямизни нима билан тўлдиришда эркинмиз. Кун бўйи “Эм-ти-ви” кўриш мумкин, гольф ҳакида журнал ўкиш мумкин, кулолчилик курсларига ёки молиявий режалаштириш бўйича семинарга бориш мумкин. Сиз танлайсиз. Кўғчилик одамлар аввал инвестиция киритиш илмини ўрганиш учун пул сарфлаш ўрнига шунчаки инвестиция қиласидилар.

Якинда бир бадавлат аёл танишимнинг хонадонини ўғри уриб жетди. Ўғрилар телевизор ва видеомагнитофонни олганлар, лекин у ўқиган китобларга тегмаганлар. Ва бундай танлаш имкони ҳаммамиизда бор. Ҳақикатдан ҳам 90 фоиз аҳоли телевизор сотиб олади ва факат 10 фоизи бизнес ҳакидаги китоблар ва инвестициялар тўғрисидаги аудио кассеталарни харид қиласи.

Мен-чи, нима қиласман? Семинарларга бораман. Менга семинар ҳеч бўлмаганда икки кун давом этса

ёқади, чунки факат шу йўсинда фанни ўрганишга астойдил шўнғиши мумкин. 1973 йилда телевизорда ҳеч қандай накд пул тўламасдан кўчмас мулк сотиб олишига багишланган уч кунлик семинар рекламасини кўриб қолдим. Олинарди қатнашиш учун уч юз саксон беш доллар сарфладим, унинг шарофати билан эса икки миллион доллар (агар ундан кўп бўлмаса) ишлаб олдим. Бирок бундан-да муҳими бу курс вактимни тежади. Энди мен бир умр ишлашим шарт эмас. Ҳар йили ана шундай семинарлардан энг ками иккитасида катнашаман.

Менга лекциялар ёзилган аудиокассеталар жуда ёқади. Нега? Чунки ҳамиша лентани ортга қайтариш мумкин. Бир марта Питер Линчни тинглаётганимда у менга мутлақо маъкул бўлмаган нарсани айтди. Уни дархол танқид қилишни бошлиш ўрнига оркага айлантириш тугмасини босиб, бу беш дақиқалик парчани яна бир марта тингладим. Балки кўпроқдир. Ўз аклимга каршилик қилмаганлигим боис бирдан у нега бундай деяётганини англаб етдим. Бу худди мўъжизага ўҳшарди. Мен баайни давримизнинг энг буюк инвестори миясига назар ташлагандай бўлдим.

Натижада менда ўзим риоя қилган эски фикр ҳам, ўша муаммо ва ҳолатни Питер назари билан қарааш фикри ҳам бор. Менда бир фикр ўрнига иккитаси, муаммо ёки интилишларни тахлил қилишнинг икки воситаси бор. Ва бу хақиқатда ҳам бебаҳо истеъдоддир. Бугун мен тез-тез ўзимдан: “Бизга Питер Линч қандай ўргатар эди?” деб сўрайман. Ёки Дональд Трамп, ёки Уоррен Баффет, ёки Жорж Сорос. Уларнинг улкан ақлий кудратидан фойдаланиб қолишининг ягона йўли – ўзингизда улар нима хикоя қилаётганиларини тинглаш ёки ўқиш учун зарур бўлган камтарликни топишдир.

Ўзига ишонгган ёки танқидий кайфиятдаги одамлар күпинча ўзларини паст баҳолайдилар ва таваккалчиликдан қўрқадилар. Агар бирон-бир янги нарсални билсангиз хато қилишга тўғри келади – бошқачасига сиз нимани ўрганганингизни тўлиқ тушуна олмайсиз.

Агар китобиинг шу жойига етиб келган бўлсангиз, демак, сиз ўзига бино қўйиш қасалига учрамагансиз. Ўзига бино қўйган одамлар кам ўқийди ёки аудиокассеталар сотиб олади. Уларга бунинг нима кераги бор? Улар шундай ҳам ўзларини ҳаммадан эътиборли, деб ҳисоблайдилар.

Дунёда ўзларининг одатий қарашларига зид келадиган қандайдир янги гоядан ҳимояланишни ёки баҳслашишни бошлайдиган “ақл соҳиб”лари жуда кўп. Бундай ҳолатда уларнинг “ақллари” “Ўзига бино қўйиш” билан уйғунашиб “нодонлик”ка айланади. Бизга ажойиб маълумот ва ақлий қобилиятларига катта ишонч туядиган, молиявий ҳисоботлари эса бунинг аксини кўрсатадиган қўплаб одамлар маълум. Ҳақиқатда аклли одам янги гояларни олқишлийди, чунки улар уни янада кучлироқ килади. Тинглаш гапиришдан муҳимроқдир. Агар бундай бўлмаганида Худо бизга иккита қулоқ ва битта оғиз бермаган бўларди. Жуда кўпчилик янги ғоя ва имкониятларни эшитиш ва ўзлаштириш ўрнига оғзи билан “ўйлайдилар”. Улар савол бериш ўрнига баҳслашадилар.

Мен бойликка жиддий ёндошаман. Менга бир зумда бойиб кетишини орзу киладиган лотерея ёки кимор ишқибозларининг фикри ёқмайди. Баъзан биржада ниманидир йўқотаман, баъзан топаман, лекин билимим ҳамиша ўзим билан. Агар самолётни бошқаришни истасангиз, энг аввал буни ўрганиш керак. Мени ҳамиша акция ёки кўчмас мулк сотиб олади-

ган, аммо ўзларининг ақлий қобилиятларини ривожлантиришга пул сарфламайдиган одамлар хижолатда қолдирадилар. Битта ёки иккита уй сотиб олганингиз сизни кўчмас мулк мутахассиси этиб кўймайди.

**3. Дўст танлашни билиш.** Ўзингиз муносабатда бўладиган одамларни танлашга жиддий қаранг. Мен дўстларимни молиявий ҳисоботларига қараб танламайман деб аввал-бошдан айтмоқчиман. Камбағалликка амалда онт ичган дўстларим бор, хар йили миллионлар топадиганлари ҳам бор. Мухими, мен уларнинг хар биридан ниманидир ўрганаман ва бунинг учун онгли равишда куч-ғайрат сарфлайман.

Албатта, пули борлиги учун танишган одамларим ҳам бор. Бирок мени уларнинг пули эмас, билими қизиқтирган. Баъзан бу одамлар яқин дўстларимга айланишган, баъзан эса йўқ.

Ҳа, рости бир муҳим фарқи бор. Мен бадавлат дўстларим пул ҳақида гапиришни яхши кўришларини сездим. Мақтандоқликни назарда тутмаяпман. Улар ҳақиқатдан ҳам бу фанга қизикадилар. Шунинг учун ниманидир мен улардан, улар мендан ўрганамиз. Молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган дўстларим бизнес ва инвестициялаштириш, пул ҳақида гапиришни ёқтирмайдилар. Улар буни кўпол ёки ноинтеллектуал мавзулар деб ҳисоблайдилар. Бу дўстларим ҳам менга ниманидир ўргатишлари мумкин – қандай йўл тутмаслик борасида.

Қисқа ҳаёти давомида миллиард доллардан ортиқ пул топган дўстларим бор. Уларнинг уч нафари қизиқ бир нарсани пайқаганлар: пути йўқ дўстлари уларга хеч қачон бунга қандай эришганлари тўғрисидаги савол билан мурожаат қилмайдилар. Лекин улар иккита нарсани сўрайдилар: 1) қарзга пул ва ёки, 2) иш.

**Диккат:** Камбагал ва қўрқоқ одамларнинг фикрига кулок солманг. Менинг хам шунака дўстларим бор ва мен уларга илик муносабат қўрсатаман, лекин хаётда улар ўзларини Кичкина жўжачалардай тутадилар. Гап нул ҳақида кетса, айниқса, уларни қўйиш масаласида бўлса: ўша дўстларим учун доимо “осмон узилиб тушади”. Улар сизда нега у ёки бу иш чикмаслиги сабабини айтишга ҳамиша тайёрлар. Муаммо шундаки, одамлар уларга кулок тутадилар, нохуш башпоратларини кўр-кўрона қабул киладилар, улар хам Кичкина жўжачаларга айланадилар. “Кўр кўрни коронигида топибди” деган мақолни бошқача қилиб айтсан: “ Жўжа жўжани узоқдан кўради”.

Агар сиз инвесторлар учун ахборот хазинаси бўлган “Эн-би-си” телевизион каналини кўрсангиз, уларда тез-тез “эксперт” деб аталадиганлар билан учрашувлар ўтказилади. Бир мутахассис бозорда фалокат кутиляпти деб айтса, бошкаси шов-шувдан дарак беради. Агар сиз етарли зукко бўлсангиз, ҳар бирининг фикрига кулок тутинг. Аклингизни очик саклангки, униси ҳам, буниси ҳам жўяли ишчан далиллар келтирияпти. Афсуски, кўп одамлар Кичкина жўжачага кулок соладилар, холос.

Бир неча дўстларим мени бирон-бир битим ёки инвестициядан қайтаришга уринган. Бир неча йил олдин бир оғайним б фоизли депозит сертификатини топганилигини қувона-қувона ўртоқлашди. Унга штат ҳукуматидан солик сертификатлари бўйича 16 фоиз олишимни маълум килдим. Эртаси куниёқ у менга нега инвестицияларим хатарли эканлиги ҳақида мақола юборди. Мен мана неча йилдан бўён ўзимнинг 16 фоизимни оляяпман, у эса ҳамон б фоизи билан ўтирибди.

Мен бойлик яратишда энг мураккаб нарсалардан бири – ўзингта ўзинг содик қолишинг ва ҳамма каби

иш тутмаслик деб айтган бўлардим. Бозорга оломон одатда кечикиб келади ва натижада қурбонга айланади. Агар супербитим биринчи бетда реклама килинса кўпинча уни тузишга кеч бўлади. Янги имкониятлар қидиринг. Серфинг ишқибозлари айтганидай, ҳамиша янги тўлқинлар келади. Шошилган ва тўлқинга кеч қолганлар одатда тахтачадан йиқиладилар.

Ақлли инвесторлар бозорга мослашишга уринмайдилар. Агар улар тўлқинни ўтказиб юборган бўлсалар, кейингисини ахтарадилар ва унга ҳозирлик кўрадилар. Бу кўпчилик инвесторлар учун мураккаб бўлиб, бозори чаккон бўлмаган нарсани сотиб олиш кўркинчлидир. Юраксиз инвесторлар – пода ичида юрадиган қўйлар кабидир. Ақлли инвесторлар фойдани олиб, олға давом этганда, пул истаги бу одамларни уларнинг ўрнига олиб келади. Доно инвесторлар ҳали бозори чаккон бўлиб улгурмаган инвестицияларни сотиб оладилар. Улар фойдани сотганда эмас, сотиб олганда олишларини биладилар. Улар сабр билан кутадилар. Худди серфинг ишқибозлари каби кейинги тўлқинга тайёр ҳолатда турадилар.

Бу “ички савдо” деб агалади. Ноқонуний ички савдо мавжуд бўлиб, унинг қонуний шакллари ҳам бор. Нима бўлгандা ҳам бу савдо биладиганларники. Ягона фарқ қанчалик билишингизда. Сизга воқеалар марказига яқинроқ турган бадавлат дўстлар даркор, чунки айнан ўша жойда пул килинади. Пул ахборотда қилинади. Сиз кейинги шов-шувни билишингиз ва бошқалардан оддинроқ ундан фойдаланиб колишга улгуришингиз керак. Мен бирон нарсани ноқонуний қилинг, демоқчи эмасман, лекин ахборотни қанча барвақт олсангиз, сизда минимал хатар билан фойда олиш имконияти кўпроқ бўлади. Дўстлар мана шунинг учун керак. Бу ҳам молиявий топкирликдир.

**4. Тез билим олиш қобилияти.** Ҳамиша янги формулаларни ўзлаштиринг. Ҳар бир нонвой нонни, ҳаттоқи, миясидагина бўлса ҳам – бирон рецепт асосида ёпди. Пул қилиш ҳақида ҳам шундай деса бўлади.

Деярли барчамиз “Инсон қандай бўлса, шундай бўлади” деган мақолни эшитганмиз. Мен бунга бошқа сўзларни киритсам – “Инсон нимани ўрганса, ўшандай бўлади” – деган ибора тугилади. Бошқача айттанди, нимани ўрганаётганингизга бутун эътиборингиз билан муносабатда бўлинг, зеро ақл кудрати шу қадар улканки, ўз билимларингизнинг “асири”га айланасиз. Масалан, агар сиз кулинарияни ўрганаётган бўлсангиз, одатда ошпаз бўласиз. Мабодо ошпаз бўлишни истамасангиз яна бирон нарсани ўзлаштиришингизга тўғри келади. Масалан, ўқитувчилик касбини. Мана энди сиз педагогикани ўрганяпсиз ва ўқитувчига айланяпсиз. Ва ҳоказо. Шу боис нимани ўрганишни диқкат билан танланг.

Агар гап пул ҳақида кетса, одамларнинг аксаријатида мактабда ўтилган битта оддий формула бор. Бу пул учун ишлашдир. Бу формула – дунёда энг кент тарқалган. Ҳар куни миллионлаб одамлар эрталаб турадилар, ишга йўл оладилар, пул оладилар, хисоб ва рақларини тўлайдилар, чек дафтарчаларини балансга келтирадилар, ўзаро ёрдам жамғармалари акцияларини сотиб оладилар ва яна ишга кетадилар. Бу уларнинг асосий “рецепти”.

Бироқ сиз шуғулланаётган ишингиздан чарчаган бўлсангиз ёки маошингиз етмаса шунчаки пул килаётган формулангизни ўзгартиришингиз керак.

Кўп йиллар аввал, йигирма олти ёшимда “Гаровга кўйилган кўчмас мулкни қандай сотиб олиш керак?” мавзусидаги дам олиш куни курсини ўтадим. Мен янги формулани ўзлаштирдим. Кейинги қадам

битимларимни ҳаётга тадбиқ этишга ўзимда күч топиш бўлди. Бу боскичда кўп одамлар тўхтаб қолади. “Хероҳ”да уч йил ишлаб туриб бўш вактимни гаровга қўйилган кўчмас мулкни сотиб олиш санъатини ўзлаштиришга бағишиладим. Бу формула кўмагида мен бир неча миллион доллар ишлаб олдим, лекин у бугун жуда секин ишляпти ва уни жуда кўп одамлар қўллаяпти.

Шунинг учун бу формулани ўзлаштиргач, янгиларини қидиришга тушдим. Кўп семинарларда ўзим бевосита ишлатмаган ахборотларни олардим. Лекин ҳамиша янги ниманидир ўрганардим. Бошбошдоқлик назарияси, опционлар ва хосила битимлар бўйича мутахассислар учун семинарларга қатнашардим. Ядро физикаси ва астрономия фанларининг докторлик даражаси бор одамларга кандай алоқаси бўлиши мумкин? Бироқ мен қимматли қофозлар ва кўчмас мулкка қилган инвестицияларимни янада аҳамиятлироқ ва фойдалироқ киладиган кўп нарсаларни билиб олдим.

Деярли барча коллеж ва институтларда молиявий режалаштириш ва анъанавий инвестицияларни сотиб олиш курслари мавжуд. Улардан бошлишни тавсия қиласман.

Демак мен доимо тез ҳаракат қиладиган формулаларни ахтараман. Мана нима учун мен бир кунда кўпчилик умри давомида ишлаб топадигандан кўпроқ пул топаман.

Яна бир мулоҳаза. Ҳозирги тез ўзгарувчан дунёда фақатгина сиз билган билимларингизгина аҳамиятли эмас, чунки бу билимлар тез эскиради. Асосийси, қанча тез ўрганишимиз. Бу малака бебаҳодир. Янада шитоб формулаларни – истасангиз, пул қилиш рецептларини топиш жуда муҳимдир. Пул учун зўр

бериб ишлаш – гор одамлари даврида пайдо бўлган кўхна формуладир.

**5. Ички интизом.** Аввал ўзингизга тўланг. Ўзингизни бошқара олмасангиз, бадавлат бўлишга харакат хам қилманг. Айнан ички интизомнинг йўқлиги лотереяга ютганиларнинг кўпчилигини ўз миллионларидан тезда маҳрум бўлишга олиб келади. Айнан ички интизомнинг йўқлиги маошига устама кўшилган одамларни шу захоти янги машина сотиб олиш ёки круизга жўнашга мажбур қиласди.

Баён этилаётган ўнта сифатдан қай бири энг муҳимлигини айтиш кийин: лекин буниси балки энг кийин эришиладиганидир (агар албатта сизда бу сифат бўлмаса). Мен ҳаттоқи ички интизомнинг етишмаслиги бадавлат, камбағал ва ўртаҳолларни бир-биридан ажратадиган энг муҳим омил, деб айтган бўлардим.

Содда килиб айтганда, ўзига паст баҳо берадиган, четдан молиявий босимларга бўйсунишга мойил одамлар бадавлат бўла олмайдилар ва бу ниҳоятда аниқ гап. Аввал айтганимдек, бадавлат отамнинг яхши кўрган ибораларидан бири “дунё доимо сизни хўрлайди” деган гап эди. Бу бошка одамлар сизга зарар келтирмокчи бўлганлари учун эмас, одамлар ички интизомининг етишмаслиги туфайли рўй беради. Ички кудрати бўлмаганлар бўлганларнинг қурбонига айланади.

Тадбиркорлик бўйича машғулотларимда одамларга ўз диккатларини моли, хизмати ва ҳоказога эмас, балки бошқарув малакаларини ривожлантиришга қаратишлари зарурлигини эслатишдан чарчамайман. Ўз ишингни бошлаш учун зарур бўлган уч энг муҳим малака куйидагилардир:

1. Пул оқимини бошқариш.
2. Одамларни бошқариш.
3. Шахсий вакгни бошқариш.

Мен бу малакалар нафақат тадбиркорларга керак, деб айтган бўлардим, хаётингизнинг хар бир соҳаси: оиласвий, иш, жамоат ва ҳоказо уларга боғлиқ.

Бу малакаларнинг барчаси ички интизом бўлган дагина наф келтиради. “Аввал ўзингизга тўланг” сўзларига жиддий муносабатда бўлиш даркор.

Бу сўзлар Жорж Классенning “Вавилоннинг энг бадавлат кишиси” китобидан олинган. Бу ўта мухим сўзларни миллионлаб одамлар тақорорласа ҳам ҳакиқатда жуда камдан-ками бу сўзларда ифодаланган маслаҳатга амал қиласидар. Илгари айтиб ўтганимдек, молиявий саводхонлик ракамларни ўқиш имконини беради, ракамлар эса ўз тарихидан ҳикоя қиласидар. Баланс ва одамнинг даромад ҳамда харажатлари ҳисоботларига назар ташлаб, “Аввал ўзингизга тўлашинг керак” деб айтадиганларнинг сўзи билан иши бирлигини осонгина бўлиб оламан.

Расм мингта сўзга татийди. Щунинг учун схемаларимизни эста олайлик ва аввал ўзига, кейин бошқаларга тўлайдиган одамларнинг молиявий ҳисоботларини таққослайлик:




Бу схемаларни күздан кечириңг. Фарқини күрятсизми? Яна бир карра ҳаммаси пул оқими билан бөглиқ. Күпчилик одамлар факт әкімларни күрадилар ва асосий схемани пайқамайдилар. Пул оқими қаңчалик мухим эканлигини чиндан ҳам түшнана бөшлаганингизда кейинги схемада нимадир жойида әмаслигини, яғни 90 фоиз одамлар бир умр тиришиб ишлайдилар, уләр ишлай олмай қолғанларида давлат уларга пенсия тұлаш кераклигини күрасиз.

Күрятсизми? Схема (171-бет) аввал ўзига тұлашни афзал күрадиган одамнинг хатти-харажатларини намойиш қиласы. Ҳар ойда зарур харажатларни тұлашдан Олдин пулни активлар устуния

юборади. Миллионлаб одамлар Классеннинг китобини ўқиган ва “аввал ўзингизга тўланг” сўзларини тушунгандай бўлсалар-да, ҳакиқатда ўзларига энг охирни тўлайдилар.

Мен энг олдин ҳисоб вараклари бўйича тўлаш керак деган ақидага чин дилдан ишонадиганларнинг аллақачон жаҳли чиқаётганини эшитяпман. Масъулиятсиз бўлиш ва ҳисоб варакларини тўлаш керак эмас, демоқчи эмасман. Оддийгина қилиб сизга: “бу китобдаги маслаҳатта риоя қилинг” ёки “биринчи ўзингизга тўланг” демоқчиман. Аввалги схемада бу пул оқимида қандай акс этиши кўрсатилган. Кейинги схемада ҳамма нарса мутлақо бошқача:



Хотиним иккимизнинг бу ғояни жуда қийинчлик билан қабул қилган кўплаб бухгалтерлар ва банк ходимларидан иборат танишларимиз бўлган. Гап

шундаки, молиявий соҳанинг бу профессионаллари бошка одамлар килгандаи иш тутадилар – ўзларига охирида тўлайдилар. Биринчи галда бошқа ҳаммага тўлашади.

Ҳётимда пул оқими хисоб варакларидан кам бўлган лайтлар ҳам бўлган. Ва мен барибир аввал ўзимга тўлаганман. Бухгалтерлар даҳшатга тушиб қичкирдилар: “Улар сизни олиб кетгани келадилар! Солик полицияси сизни камоққа ташлайди”, “Сизга бошка кредит беришмайди” ёки “Улар электрни узиб кўшишади”. Мен эса биринчи ўзимга тўлашда давом этардим.

“Нега?” деб сўрайсиз. Чунки “Вавилоннинг энг бадавлат кишиси” китобининг мазмuni ҳам мана шунда. Ички интизом ва ички катъийлик заруриятидир. Бадавлат отам менга биринчи иш ойимда кўт одамлар бутун олам ўзларини хўрлашига йўл қўядилар, деб маълум қиласди. Сизга солик нозири қўнғирок килиб: “Тўлаб кўйинг, бўлмаса…”, – дейди. Шу боис сиз унга тўлайсиз ва ўзингизга тўламайсиз. Сотувчи: “О, буни ўзингизга кредитга ёзиб кўйсангиз”, – дейди. Кўчмас мулк савдоси бўйича агент маслаҳат беради: “Ташвишланманг – давлат уйингизга солик чегирмасини беради”. Мана аслида бу китоб нима ҳакида. Балки сиз кучсиз характерлардан эмасдирсиз, лекин пул масалаларида кўпчилик шундай бўлиб колади.

Такрорлайман: сизга масъулиятсиз бўлишни маслаҳат бермайман. Менинг кредит карталари бўйича катта карзларим йўқ, чунки энг олдин ўзимга тўлайман.

Хисоб варакларини охирида тўлаеам ҳам қийин ҳолатга тушиб қолмаслик учун молиявий масалаларда етарли даражада тобланганман. Менда 99% ахолига нисбатан пассивлар кўп, лекин улар учун тўламай-

ман. Улар учун яшовчилар түлайди. Шу боис агар биринчи ўзингизга тўласангиз, биринчи қоидангиз “қарзга ботманг” бўлиши керак. Мен хисоб варалари бўйича охирида тўласам ҳам, доим уларнинг майда ва аҳамиятсиз бўлишига ҳаракат киласан.

Иккинчидан, накд пулим етмай колса ҳам барибир биринчи ўзимга тўлайман. Кредиторлар менга ғоят катта хизмат кўрсатадилар. Улар мени пул олишнинг янги усулларини излашга илхомлантирадилар. Шунинг учун аввал ўзимга тўлайман ва пулларни инвестиция қиласан, кредиторлар ғазаблана бошлайдилар. Барибир одатда мен уларга дархол тўлайман. Хотиним иккимизнинг обрў-эътиборимиз аъло. Биз шу оддий пўписалардан чўчимаймиз. Харид қарзини тўлаш учун жамғармамизни ишлатмаймиз ва акцияларни сотмаймиз, чунки бу молиявий нуктаи назардан актли иш эмас.

#### Демак йўли шундай:

1. Қарзларингиз хавф туғдирадиган даражада катталлашишига йўл қўйманг. Харажатларни кўпайтирманг. Олдин активлар устунини яратинг ва кейингина катта уй ёки ҳашаматли автомобиль сотиб олинг. “Каламуш пойгаси”да катнашиш жуда оқилона эмас.

2. Пул етмай қолганда, тангликнинг ўсишига йўл қўйинг ва ўз жамғармангизни сарфлаш ёки инвестицияни сотишга шошилманг. Танглик сизнинг молиявий истеъодинингизни пул топишнииг янги усулларини аниклаш ва қарзларни тўлашга илхомлантирсин. Натижада сиз кўпроқ пул килишни уddaрайсиз ва молиявий топкирлигингиз авжга минади.

Мен шунча маротаба мураккаб молиявий холатларга тушганман ва топкирлик ёрдамида янги даромадлар манбаларини, активларни қунт билан химоялаган жолда топардим.

Бухгалтерим даҳшат билан қичқириб беркинар, мен эса ҳақиқий аскар каби “Активлар” деб атала-диган қальамни ҳимоя қилардим.

Камбағалларда заарли одатлар бор. Улардан энг кенг тарқалганларидан бири: “Ўз жамғармангдан пул олиш мумкин” деган сөддагина номга эга. Бадавлатлар жамғармалар хисоб варакларини тўлаш учун эмас, янги пул қилиш учун мавжудлигини биладилар.

Мен бунинг мураккаб бўлиб туюлишини биламан, бироқ ички қатъиятсиз бу оламда ҳамиша курсон бўласиз.

Агар сизга босим ўтказишлари ёқмаса ўзингизга янада самарали формула топинг. Мана бир яхши усул: харажатларни камайтиринг, пулни банкка қўйинг, ўзини оқламайдиган даражада катта соликлар тўланг, ўзаро ёрдам жамғармалари хавфсиз акцияларини сотиб олинг ва ўртаҳол фуқарога айланинг. Тўғри, бунда “аввал ўзига тўлаш” тамойили бузилади.

Бу қоида ўзини курсон қилиш ёки барча молиявий масалаларда тийилиб туришга олиб келмаслиги керак. Бу аввал ўзига тўлаш, кейин эса “ишларни токчага қўйиш”ни англатмайди. Ҳаёт бизга ундан лаззатланиш учун берилган. Молиявий истеъоддингизни ишга солсангиз сизга ҳаётнинг барча кувончлари ҳамроҳ бўлади. Сиз ҳеч нимани рад этмай бойиб кета оласиз ва хисоб варакларини тўлайсиз. Бу ҳам молиявий топқирликдир.

**6. Яхши маслаҳатчилар топиш малакаси.** Ўз касбининг усталаридан пулни аяманг. Уй олдиларида тез-тез эълон кўраман: “Воситачисиз сотилади”.

Бадавлат отам мени мутлақо бошқача ҳаракат қилишга ўргатди. У касб усталарининг меҳнатига ях-

ши тўланиши керак деб хисобларди ва мен ҳам шу сиёсатни юритаман. Бугун менга юкори маош оладиган ҳуқуқшунослар, бухгалтерлар, кўчмас мулк ва кимматли коғозлар бўйича брокерлар хизмат кўрсатишади. Нега? Чунки касб усталарининг кизмаги сизга пул қилишда ёрдам беради.

Биз ахборот асрида яшайпмиз. Ахборот бебаходир. Яхши агент ёки брокер сизга ахборот беради ва ўргатади. Менинг шундай хизмат кўрсата оладиган бир нечта одамим бор. Баъзилари пулим озлигида ёки умуман йўқлигида ҳам маслаҳатлар берганлар ва бугун илгаригидай бирга ишляйпмиз.

Менинг агентга тўлаётганим - унинг ахбороти шарофати билан ишлаб олишим мумкин бўлган пулга нисбатан арзимаган пулдир. Агентларим кўп пул олганида хурсанд бўламан, чунки одатда бу мен ҳам кўп пул топганимни билдиради.

Яхши агент нафакат пул қилишга ёрдам беради, балки вактни иқтисод қилишга ҳам кўмаклашади, бўш ер участкасини тўққиз минг долларга сотиб олиб, шу заҳоти йигирма беш минг доллардан кўпроқка сотган пайтимдагидек (ва тезда ўзимга “Порше” сотиб олгандим).

Агентлар сизнинг бозордаги кўз ва қулоқларингизdir. Уларнинг куни ўша ерда ўтади, демак менинг шундай қилишимга хожат йўқ. Мен яхниси гольф ўйнайман.

Бундан ташкири. уйини ўзи сотадиган отам тар ўз вактининг қадрига етмайдиганга ўжшайдилар. Агар мен бу вактни кўпроқ пул топиш харакатида ёки яқинларим билан ўтказа олсан, бир неча долларни тежкашдан не наф? Мени ҳар доим камбағал ва ўртахол синфга мансуб кўпчиликнинг ҳатто ёмон хизматга ҳам албатта 15-20% суюнчи бериш ва воситачига битим суммасидан 3-7% тўлаш кераклигидан шикоят

қилишлари хайрон қолдиради. Уларга харажатлар устунидаги одамларга пул тұлаш ёқади, бирок активлар устунидаги одамларга нисбатан курумсокдирлар. Бу молиявий нұктаи назардан оқилона эмас.

Воситачилар турлича бўлади. Бахтга қарши кўпчилик кисми – оддий сотувчилар. Мен кўчмас мулк савдоси бўйича агентлар – уларнинг энг ёмон тоифаси деган бўлардим. Улар кўчмас мулкни сотадилару, ўзлари унга эгалик қилмайдилар. Уй сотаётган агент билан инвестиция сотаётган брокер ўртасида улкан фарқ мавжуд. Бу акциялар, облигациялар, ўзаро ёрдам жамғармалари ёки суғурта полислари билан шуғулланыётган ёки ўзини молиявий режалаштириш бўйича мутахассис деб атайдиган ҳар қандай брокерга тегишлидир. Эртакдагидек, шахзодани толгунча жуда кўп қурбакаларни ўпид чиқишга тўғри келади. Шунчаки “Менга энциклопедия керак деб энциклопедия согувчисидан хеч қачон сўраманг” деган мақолни ёдда туting.

Мендан ўз иши учун пул олишни истаган мутахассис билан сұхбатлашаётганимда, энг аввало, шахсан ўзидан қанча мулки ёки акциялари борлиги ва неча фоиз солиқ тўлаётганигини билишим шарт. Бу солиқ бўйича хуқукшуносимга ҳам, бухгалтеримга ҳам тегишлидир. Менинг ўз ишм билан шуғулланадиган бухгалтерим бор. Бу аёлнинг касби – бухгалтерия хисоби, бизнеси – кўчмас мулкдир. Бир вақтлар менда кичик бизнесга ихтиослашган ва кўчмас мулкни билмайдиган бухгалтер бўлган. Мен унинг хизматидан воз кечдим, чунки биз бизнеснинг ҳар хил турларини афзал кўрардик.

Сизнинг манфаатларингиз ўзига яқин бўлган мутахассисларни ахтаринг. Кўпчилик жон-дили билан вақт сарфлаб, сизга маслаҳат бериши, демакки, қимматли капитал қўйилма бўлишлари мумкин.

Фақат ҳалол ва адолатли бўлинг ва кўпчилик ҳам сизга шундай жавоб қайтаради. Агар воситачилик гулини қандай килиб камроқ тўлашни ўйласангиз, нега улар сиз билан ишлаши керак? Бу оддий мантиқ-ку.

Юқорида айтганимдек, бошқарув малакаларидан бири одамларни бошқаришdir. Кўпчилик ўзидан ахмокроқ деб ҳисоблайдиган ёки ўзига, масалан, ишда тобе одамларнигина бошқаради. Кўпчилик ўрта бўғин раҳбарлари ўз ўрта бўғинида қолиб кетадилар ва юқорига кўтарилмайдилар, чунки қўл остидагилар билан қандай ишлашни биладилар, бироқ ўзидан юқоридагиларга қандай муомала қилишни билмайдилар. Ҳакикий малака эса бирон-бир аниқ соҳада сиздан ақллироқ одамларни бошқариш ва меҳнатига ҳақ тўлашда ифодаланади. Компанияларда бутун бошли директорлар Кенгashi бўлишининг сабаби ҳам шу. Бундай Кенгаш сизга ҳам керак. Бу ҳам молиявий топқирлиқ соҳасидан.

**7. Наф кўриш малакаси – ҳатто ҳеч нарсадан.** Тажрибали инвестор ўзига берадиган биринчи савол: “Пулимни қачон қайтариб оламан?”. Бундан ташқари, у нимани бепул олишини билишни хоҳлайди. Инвестиция килинган капиталга фойданинг шундай катта аҳамиятга эга эканлиги сабаби ҳам шу.

Масалан, мен ўз уйимдан бир неча квартал нарида сотиб олиш хукуксиз гаровга кўйилган, катта бўлмаган уй топдим. Банк унинг учун олтмиш минг доллар хоҳларди, мен эллик минг таклиф қилдим. Улар таклифни кабул килдилар, чунки эллик мингга чек ҳам бор эди. Улар ҳазиллашмаётганимни кўрдилар. Кўпчилик инвесторлар: “Каттагина нақд пулдан айрилмаяпсизми? Кредит олганингиз яхши эмасмиди?” деб айтган бўлардилар. Мен: йўқ, бу

холатда эмас, – дейман. Менинг инвестицион компаниям бу бинони киши ойлари Аризонаға дам олуучилар келганида ижарага беради. Бир йилнинг тўрт ойида ижара ҳақси ойига икки ярим минг доллар, қолтан ойларда минг долларни ташкил этади. Пулларим тахминан уч Йилда менга қайтиб келди. Энди бу актив менга тегишли бўлиб, ҳар ойда фойда келтиради.

Акциялар билан ҳам шу аҳвол. Тез-тез брокерим қўнтирок килиб, менга яқиндагина акция нархи ошадиган, масалан, янги маҳсулот тақдим этадиган компания акцияларига катта пул тикишни маслаҳат беради. Мен у ерга акциялар нархи ошиш жараённида бир ҳафтадан бир ойгача нақд пул тикаман. Сўнгра дастлаб қўйган пулимни оламан ва пулимни олганлигим учун бозордаги тебранишлар мени ортиқ ташвишлантирмайди, чунки пулимни олдим ва уни бошқа активларга ишлатиш имумкин. Бошқача айтганда, пулим у ерга жўнатилди, ўз ишини қилди, менинг устунимда яна бир актив – амалда бепул пайдо бўлди.

Албатта, баъзан пул йўқотаман. Лекин бундай ўйинларни йўқотиш имумкин бўлган пулларим билан ўйнайман. Ҳар ўнта қўйилмадан икки-уч ҳолатда ютаман, беш-олтитаси ҳеч қандай натижга бермайди, яна иккиси-учтаси муваффақиятсизлик билан тугайди. Лекин менинг йўқотишларим ўша пайтда қўйган пулларим билан чегараланади.

Таваккал килишдан қўрқадиган одамлар пулларини банкка қўйишлари мумкин. Нафси ламрини айтадиган бўлсақ, жамғарманинг бўлмаганидан бўлгани яхши. Бироқ пулни банкдан олиш учун кўп вақт кетади ва кўп ҳолатларда бу пуллар ҳеч нарса келтирмайди. Бир пайтлар банклар мижозларга

бепул тостерлар таркатарди, лекин бундай вақтлар ўтиб кетган.

Мен капитал күйилма қилишим учун албатта рағбатлантирувчи омил, бирор-бир бепул мукофот керак. Уй, омбор, бўш ер бўлаги, акциялар пакети, офис биноси. Хатар минимал бўлиши зарур. Бу мавзуда жуда кўп китоблар ёзилган, шунинг учун мен бунга чукур тўхтамайман. “Макдональдс”даги Рей Крок “гамбургер” франшизларини яхши кўргани учун эмас, франшиз остида бепул кўчмас мулкка эга бўлишни хоҳлагани учун сотади.

Шунинг учун доно инвесторлар факат инвестиция қилинган қаийталдан олинган фойдага қарамайдилар. Пудингиз қайтиб келганида бепул активлар олиш керак. Бу ҳам молиявий топкирлик билан боғлиқ.

**8. Бир мақсадга эътиборни жамлаш малакаси.** Ҳашаматли буюмлар активлар шарофати билан харид қилиниши лозим. Бир дўстимнинг ўғли пулни талонтарож қилишдай ёмон қилиқ чикарди. У атиги ўн олти ёнда эди ва у албатта шахсий машинаси бўлишини истарди. Бу шундай тушунтириларди: “Ҳамма дўстларимга ота-оналари машина совға қилишган”. У ўз жамғармасини нақд пул тўлови сифатида ишлатмоқчи бўлди. Ана ўшандада унинг отаси менга қўнғироқ қилди.

– Нима дейсан, бунга рухсат берайми ёки бошқа ота-оналардай йўл тутиб, унга шу машинани олиб берайми?

Жавоб қилдим:

– Балки бу муаммони вақтинча ҳал қилар, лекин узоқни кўзласак унга нимани ўргатасан? Унинг машинали бўлиш истагидан бирон-бир нарсани ўрганиш учун фойдаланса бўлмайдими?

Дўстимда бир фикр тугилди ва у уйга чопди.

Икки ойдан сўнг у билан яна учрашдим.

– Қалай, ўғлингда янги машина пайдо бўлдими?

– сўрадим мен.

– Йўқ. Лекин мен унга машина учун уч минг доллар бердим. Мен унга ўқишга сақлаб қўйган пулни эмас, мен берганимни ишлатишни маслаҳат бердим.

– Жуда ҳам сахийсан-да, – дедим.

– Хечам-да. Пуллар шарт билан берилган. Маслаҳатингга амал қилиб, унинг машинали бўлиш истагидан фойдаланиб, бу энергияни ўқишга йўналтиришга карор килдим.

– Шарти қандай экан? – қизиқдим.

– Ҳа, олдин сенинг “Пул оқими” ўйинингни яна бир бор ўйнадик. Кейин пулни оқилона ишлатишни ўрганишни ҳакида узок мухокама қилдик. Кейин мен унга “Wall Street Journal”га обуна ва қимматли қоғозлар бозори ҳакидаги бир нечта китобни совға қилдим.

– Кейинчи? – сўрадим мен. – Шарт нимадан иборат эди?

– Мен ўғлимга бу уч минг уники эканлигини, лекин бу пулга машина сотиб олиш мумкин эмаслигини айтдим. У бу пуллар ёрдамида акцияларни сотиши ёки сотиб олиши, ўзига брокер топиши, уч мингта машина олиши, қолган уч мингини ўқишга сарфланишини айтдим.

– Натижада нима бўлди? – сўрадим мен.

– Аввалига унинг омади чопди, бироқ бир неча кун олдин бор ютугини бой берди. Шундагина у ҳақиқатдан қизиқиб қолди. Бугун, менимча икки минг йўқотди, лекин қизиқиши ошди. У мен берган ҳамма китобларни ўқиб чиқди ва янгилари учун кутубхонага борди. “Wall Street Journal”нинг барча

соинларини ўқиб чиқди, қандайдир ечимлар изляяпти, “Эм ти ви” ўрнига “Эн-би-си”ни томоша қиляпти. Унинг атиги минг доллари қолди, лекин янги битимларни олишга бўлган кизиқиши жуда катта. Бу пулларни йўқотса у яна икки йил пиёда юришини билади. Бироқ, менимча, бу уни безовта қилмаяпти. Чамаси, машина уни ортиқ кизиктирмаяпти, чунки янги, кизиқарлироқ ўйин топиб олди.

– У ҳамма пулни йўқотса нима бўлади? – деб сўрадим.

– Ўшанда кўрамиз. Яхши, у ҳаммасини ҳозир йўқотсин, бизнинг ёшимизда эмас. Бундан ташкарӣ, мен уч мингни унинг билими учун жуда муваффакиятли ишлатдим деб ўйлайман. Ҳозир ўргана-дигани унга бир умр аскотади. Менимча, у пулга хурмат билан қарайдиган, ўйламай сарфламайдиган бўлиб қолди.

Айтганимдек, агар одам ички интизомга эга бўлмаса, бадавлат бўлишга ҳаракат қилмагани маъкул. Чунки активлар устунидан пул оқимини яратиш жараёни назарий жиҳатдан мураккаб бўлмасада, пул билан муомала килганда ўзингда зарур қатъиятлиликни тарбиялаш жуда мушкулдир. Ҳозирги дунёдаги турли туман нафс балоларининг кўплиги туфайли уларни харажатлар устунига йўналтириш – бемалол ишлатиб юбориш анча осонроқдир. Агар сизда шу қатъият бўлмаса пуллар энг кам каршилик кўрсатилган йўлда сарфланади. Бу камбағаллик ва молиявий муаммолар сабабидир.

Молиявий топқирликтининг – бу ҳолатда пулларни яна ҳам қўпроқ пулга айлантириш қобилиятининг рақамлардаги кўриниши қуидагичадир:

Йил бошида юз кишига ўн минг доллардан берсак, йил охирида:

- саксонтасида ҳеч вако колмайди; күпчилик ҳатто янги қарзга ботади, чунки янги автомобиль, музлатгич, телевизор, видеомагнитофон, круизга пулни кисман нақд түлайди;
- ўн олтитасида бу пул 5-10 фоизга күпаяди;
- түрттасида бу пуллар йигирма мингта ёки миллионларга айланади деб ҳисоблайман.

Биз мактабга бу касбни ўзлаштириш ва пул учун ишлашга борамиз. Менимча эса пулни ўзингизга ишлашга мажбур қилишга ўрганиш мухимлик жиҳатидан бундан кам эмас.

Мени ҳам ҳамма каби зеб-зийнат буюмлари кизиктиради. Фарқ шундаки, баъзилар уларни кредитга оладилар. Бу “қўшилардан кам бўлмаслик” деган тузокдир. Ўзимга “Порше” сотиб олганимда банкиримга кўнгироқ қилиб кредит олиш осонрок эди. Лекин пассивлар устунини кўпайтириш ўрнига активларга фикримни жамлашни афзал кўрдим.

Одатда мен ҳистемолчилик хоҳипларимдан илхомланиш ва молиявий топқирликнинг мотивациясида фойдаланганман.

Бугун биз пулни кандай топишни ўйлаш ўрнига тез-тез қарз оламиз. Биринчиси бугунни ўйлаганда осонрок, эртани ўйлағанда мураккаброқдир. Бу ёмон одат бўлиб, айрим одамларда ҳам, бутун мамлакатда ҳам пайдо бўлган. Осон йўл кўпиича қийин, қийин йўл эса осон бўлишини ёдда туting.

Ўз яқинларингиз ва ўзингизни қанча тез пул хожаси бўлишга ўргатсангиз, шунча яхши. Пул – улкан кудрат. Афсуски, одамлар бу қудратни ўзларига қарши ишлатадилар. Агар сизда етарли молиявий топқирлик бўлмаса, пул сизни янчидан ташлайди. У

сиздан ақллироқ бўлиб чиқади. Агар у сиздан ақлли бўлса, сиз бир умр унга ишлашингизга тўғри келади.

Пул хожаси бўлиш учун ундан ақллироқ бўлиш керак. Ўшанда сизга қулоқ солади. Пулнинг қули бўлиш ўрнига уни бошқара бошлайсиз. Бу хам молиявий топқирлиkdir.

**9. Қаҳрамонларга эҳтиёж.** Болалигимда машхур бейсбол ўйинчилари – Уилли Мейс, Хенк Аарон, Йоги Беррага қойил қолардим. Улар менинг жону дилим эди. Мен дўстларим билан ҳовлида ўйнаб, улар каби бўлишни орзу килардим. Менинг энг бебаҳо эсадалигим уларнинг бейсбол карточкалари эди. Улар ҳақида ҳамма нарсани билгим келарди. Барча статистик маълумотларни билардим: улар канча гол урган, ўртача нечта уради, уларга қанча тўлашади ва қандай қилиб машқур бўлишган. Мен улар ҳақида ҳамма нарсани билгим келарди, чунки улардай бўлгим келарди.

Ҳар сафар мен, тўққиз ёшли болакай қўлимга бейсбол қўлқопини олганимда ўзлигимни йўқотардим. Йоги ёки Хенк бўлардим. Бу бирон нарсага ўрганишнинг энг самарали усулларидан бири, бу ҳақда катталар унутиб қўядилар. Биз болаларча соддалигимизни йўқотиб, ўз жону дилларимизни унутамиз.

Бугун мен уйим олдида болалар қандай баскетбол ўйнаётганларини кўраман. Майдонда энди Жонни Той эмас, Майл Жордан. Сэр Чарльз ёки Клайд. Қаҳрамонларга ўхшашга интилиш – мана ўқитишнинг аъло усули. Айнан шунинг учун Симпсонга ўхшаган одамлар атрофидаги жанжаллар шундай газаб тўлқинини пайдо қиласди.

Масала машхур суд жараёнларидағина эмас. Одамлар ўз қаҳрамонларини йўқотадилар. Кўнгилларида унинг сиймоси билан вояга етадилар. ундан

фаҳрланадилар, ўшандай бўлмоқчи бўладилар – бирдан унинг миси чиқади!

Ёш ўтган сари янги қаҳрамонларим пайдо бўлди. Гольфдаги қаҳрамонларим – Питер Якобсен, Фред Калз, Тайгер Вудс бор. Мен уларнинг зарбасидан андоза оламан, улар ҳақида қўлдан келганича ҳамма нарсани ўқийман. Менинг бошқа қаҳрамонларим ҳам бор: Дональд Трамп, Уоррен Баффет, Питер Линч, Жорж Сорос ва Жим Рожерс. Бугун мен уларнинг статистик маълумотларини қачонлардир бейсбол қаҳрамонларини билгандай биламан. Уоррен Баффет қаерга нуул қўяётганини кузатаман, унинг бозорга нуктаи назари ҳақидаги барча ҳаммабоп манбаларни ўқиб бораман. Питер Линчнинг “Уолл Стрийтдан ўзиш” китобини у акцияларни қандай танлашини кўриб чиқиш учун мутолаа қиласман. Ва Дональд Трамп ҳақида, у музокараларни қандай олиб бориши ва битим тузишини билиш учун ўқийман.

Бейсбол майдонида ўзлигимни йўқотганман ва ҳозир бозордалигимда ёки битим тузатганимда беихтиёр Трампнинг довюраклиги билан ҳаракат қиласман. Ёки бозордаги интилишларни таҳлил килганимда унга Питер Линч назари билан қарайман. Қаҳрамонлар ўз истебодларини биз билан баҳам кўрадилар.

Бироқ улар – шунчаки илҳом манбай эмаслар. Қаҳрамонлар туфайли ҳамма нарса оддийдек туюлади. Улар қандай бўлса, биз ҳам шундай бўлгимиз келади, айнан шунинг учун: “Модомики улар буни уddaлаган эканлар, мен ҳам уddaрайман”.

Жуда кўп одамларга инвестициялар жуда кийин бўлиб туюлади. Сиз шундай қаҳрамонлар топингки, улар туфайли бу иш оддий бўлиб кўринсин.

**10. Беришини билиш малакаси.** Ўргатинг ва бу сизга ортиги билан кайтади. Ҳар икки отам ҳам ўқитувчи бўлишган. Бадавлат отам менга бир умрга бегараз бағишлиш заруриятидан сабок берди. Билимдон отам одамларга кўп вакт ва билим бергану, деярли ҳеч қачон пул бермаган. Айтиб ўтганимдек, у одатда ортиқча пули бўлса, одамларга беришини гапиравди. Бундай ҳол, албатта, жуда камдан-кам бўлган.

Бадавлат отам бошқалар билан пулини ҳам, билимини ҳам баҳам кўрган. У “Бирор нарса олмокчи бўлсанг, аввал ўзинг бер” деган мақолга қаттиқ ишонарди. Пули оз бўлганинда у пулини черков ёки бирон-бир хайрия ташкилотига инъом қиласди.

Балким бу китобимнинг энг асосий ғоясидир. Агар сизга бирор нарса “етишмаса” ва сиз бунга “муҳтож” бўлсангиз, аввал буни бошқаларга беринг ва бу сизга юз карра ошикроқ бўлиб қайтади. Бу нафақат пул, балки табассум, севги, дўстликка нисбатан ҳам адолатлидир. Тўгри, сизга бу ғалати бўлиб туюлишини тушунаман, бироқ бу усул менга доимо ёрдам берган. Мен бу дунё қайтар дунё эканига ишонаман ва ўзимга керагини бошқаларга бераман. Менга пул керак, шу боис уни бераман ва пул бир неча баробар ортиб қайтади. Мен молни яхши сотишмим керак ва мен бу ишда яна кимгadir ёрдам бераман ва ўшанда омад менга ҳам юзланади. Менга алоқалар керак, бу маънода бошқага ҳам кўмаклашаман ва алоқалар менда мўъжиза каби иайдо бўлади. Кўп йиллар олдин шундай бир иборани эшитгандим: “Худо олиши керак эмас. бироқ одамларга бериш керак”.

Бадавлат отам тез-тез: “Камбагаллар бадавлатлардан ҳам хасисроқлар” деб гапиравди. У, одам бадавлат бўлса, у бошқаларга, ҳаммага зарур нарса-

ни беради, деб тушунтиради. Ҳаётимда йиллар давомида одамларга ўзимта керак бўлган пул ёки ёрдамни беришга интилардим. Ва бу ҳамиша юз карра ошибб, ўзимга кайтарди.

Бу қаҳратон қечада печка олдида бир қучоқ шоҳ-шабба билан ўтириб: “Мен сенга ўтин соламан, қачон мени иситасан!” деб бақирган одам ҳакида хикояни эслатади. Пул билан ҳам, севги, баҳт, мол сотиш, фойдали танишувлар билан ҳам шундай.. Шунчаки олдин ўзингга керагини бировга беришни ёдда тутиш зарур ва у сенга қайтади. Кўпинча менга нима керак ва уни бошқа бировга қандай бериш кераклигини фикрлаш жараёнининг ўзиёқ муаммони ҳал этади. Менга одамлар кам табассум килаётгандай туюлса оддийгина кулимсираб сўраша бошлайман – ва дарров мўъжизадагидек атрофимда шодон одамлар пайдо бўлади. Сизнинг дунёингиз – ўзингизнинг аксингиз деб ниҳоятда тўғри айтадилар.

Шу боис мен: “Ўкинг – ва бунинг мевасини тотасиз” деб айтаман. Мен ўқишини истаётганларни қанча самимий ўргатсан, ўзим шунча кўп билиб олаётганимни англадим. Агар пул ҳакида бирор нарса билмоқчи бўлсангиз буни бирортасига ўргатинг. Сизга янги ғояларнинг теран оқими ва фанни чукурроқ англаш насиб этади.

Баъзан мен берганимдан сўнг ҳеч нарса олмаган ёки менга керак бўлмаган нарсани олган пайтим ҳам бўлади. Аммо бунга эътиборлироқ қараб, қалбимга қулоқ тутсан, кўпинча, бундай ҳолатларда ғаразли ният билан носамимий берганлигимни сезиб қоламан.

Отам ўқитувчилар билан ишларди ва уларнинг бошлиги бўлди. Бадавлат отам ёшларни ҳамма вақт бизнесни қандай юритишга ўргатарди. Ортга назар солсақ, айнан сахийликлари уларни янада ақллироқ қиласарди. Оламда бундан анча доно бўлган кучлар

бор. Муваффакиятга мустакил эришиш хам мумкин, лекин уларнинг ёрдамида буни анча осон уddaлаш мумкин. Фақат ўзингизда борини бошқалардан кизғанмасангиз бас, бу кучлар сизга нисбатан хам сахий бўлади.

**ЯНА БИР НЕЧА  
АМАЛИЙ МАСЛАХАТЛАР**

**Х БОБ**

Кўп одамларга аввалги бобдаги келтириб ўтилган ўнта банд етарли бўлмайди. Унда ҳаракат дастуриламалини эмас, фалсафани кўрадилар. Менга, тўгриси, фалсафанинг аҳамияти кам эмасдай туюлади: ахир кўпчилик аввал иш тутиб, кейин ўйлашни маъқул кўради. Бироқ кўп ўйлаб ҳеч нарса қилмайдиганлар ҳам етарли. Менинг униси билан ҳам, буниси билан ҳам якинлигим бор. Мен янги ғояларни жуда ёқтираман ва ҳаракат қилишни жуда севаман.

Шундай қилиб амалийроқ маслаҳатларга мухтожлар учун айнан мен қандай иш тутиш кераклигини кискача баён этаман:

- Қилаётган ишингизни тўхтатинг. Бошқача айтганда, танаффус қилинг ва нима самаралию, нима самарасизлигини баҳолашга ҳаракат қилинг. Бир хил иш бажариб, бошқача натижа кутиш ахмоқоналигига рози бўлинг. Натижа бермайдиган ишни тўхтатиб, янги бирор нарса топинг.
- Янги ғоялар кидиринг. Мен янги инвестицион ғояларни турли мавзуларда адабиётлар сотиладиган китоб дўконларидан кидираман. Мен ўзимга мутлақо номаълум бўлган формула ва схемалар ҳакидаги маслаҳатлари бор китобларни сотиб оламан. Масалан, Жоел Московицнинг “Ўн олти фоизлик масала” китобини айнан китоб дўконидан толдим, сотиб олиб, ўқиб чиқдим.

Ҳаракатни бошланг! Кейинги пайшанбада китобла қандай айтилган бўлса, шундай иш тутдим. Ҳаракатлар кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда. Кўп одамлар ҳаракатни бошламайди ёки бошқаларга фикрини ўзгартиришга имкон яратади. Кўшним менга ўн олти фоизли усул нега ишламаслигини айтганди, мен унга кулоқ солмадим, чунки унинг ўзи бу билан ҳеч қачон шуғулланмаганлигини билардим.

- Сиз қилмоқчи бўлган ишни аллақачон қилган одамни топинг. Уни тушликка таклиф қилинг. Майда-чўйда хйла-найранглардан вокиф қилишини сўранг. Ўн олти фоизлик солик сертификатларига келсак, мен маҳаллий солик бюросига бориб, уларга пул қўйган солик ходимасини топдим. Дархол уни тушликка таклиф қилдим. У менга нима ва қандай килиш кераклигини бажонидил гапириб берди. Тушлиқдан сўнг яна ярим кун у менга ўз усуулларини тушунтириди. Эртаси куни унинг кўмагида иккита зўр битим топдим ва ўшандан буён 16% ола бошладим. Менинг бир куним китоб ўкишга, бир куним харакатга, бир соатим тушликка ва яна бир куним нихоятда фойдали битим тузишга кетди.
- Семинарларга боринг ва лекциялар ёзилган аудиокассеталарни сотиб олинг. Мен газеталарда янги, қизиқарли курслар ҳақидаги эълонларни қидираман. Уларнинг кўпи бепул. Тўғриси, мен зарур деб хисобланадиган киммат семинарларга ҳам бораман. Ўзим ўқиган курслар шарофати туғайли мен бадавлат ва эркинман. Бу семинарларга қатнашмаган ва мени бекорга пулни хайф қиляпсан деб ишонтирумокчи бўлган дўстларим бор. Нима ҳам дердик, улар ҳануз ўша жойларида ишлайтилар.
- Таклиф қилишдан уялманг. Мен бирон-бир кўчмас мулк сотиб олиши хоҳлаганимда турли варианtlарни кўриб чиқаман ва барчага таклиф бераман. Сиз кайси таклиф “тўғрилиги”ни билмайсизми? Нима ҳам дердик, бу менга ҳам номаълум. Бу билан кўчмас мулк савдоси агенти шуғулланиши керак. Мен иложи борича камрок иш бажаришга интиlamан.

Бир таниш аёл кўп хонадонли уйни қандай сотиб олиш кераклигини кўрсатишими истарди. Кунлардан бир кун шанбада биз унинг агенти билан олтита уйни кўздан кечирдик. Тўртгаси ҳеч нарсага ярамасди, иккитаси эса яхшигина эди. Мен унга олти уйга таклиф ёзиб, уй әгалари сўраган пулнинг ярмини таклиф этишини маслаҳат бердим. Улар агент билан сал бўлмаса юрак хуружидан ўлай дедилар. Улар бу хаддан ташқари сурбетлик бўлиб туюлиши, сотувчиларни ранжитиши мумкин деб ўйлардилар, менинча эса агент ўзини кийнагиси келмади, холос. Шунинг учун улар ҳеч нарса килмадилар ва фойдалироқ битим излашга равона бўлдилар.

Таклифлар барибир килинмади ва бу танишим ҳали-ҳануз “тўғри” нархли “тўғри” битимни излаб овора. Агар сиз билан шартнома тузмоқчи бўлган иккинчи томон бўлмаса, қандай килиб “тўғри” нархни белгилаш мумкин? Сотувчиларнинг кўпчилиги жуда кўп сўрайди, камдан-ками мол таннархидан пастроқ нархни таклиф қиласди.

Бу киссадан ҳисса шу: таклиф килишдан уялманг. Инвестор бўлмаган одамлар бирор нарсани сотишга уриниши тўғрисида тушунчага эга эмаслар. Менинг бир неча ой сотиб юборишии истаган кўчмас мулким бўларди. Истаган нархда истаган таклифни қабул килишга тайёр эдим. Менга ўнта чўчка боласини таклиф этишлари мумкин эди ва бундан мамнун бўлган бўлар эдим. Таклифдан эмас, жилла курса бирон кимсса кизикиб колганлигидан. Мен карни таклиф қилган – балки уйни чўчқачилик фермасига айрибошлиши таклиф қилган бўлардим. Моҳият – ўйиннинг ўз тамойилида. Харид ва согиш – ахир бу шоду хуррамлик-ку! Бу шунчаки қизиқарли ўйин эканлигиди доимо эсда тутинг. Таклифтар қилинг – балки тўсатдан кимдир рози бўлар?

Мен доимо таклифларни қўшимча шартлар билан киламан. Сўз кўчмас мулк ҳақида борганда, таклифим доимо: “Иш ҳамкор маъқуллаганда ҳакиқийдир” деган сўзлар билан яксунланади. Тўғри, мен ҳеч қачон “иш ҳамкорим” ким эканлигига аниқлик киритмайман. Кўпчилик бу менинг уй мушугим эканлигини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Агар улар таклифни кабул килса, менга эса бу битим керак бўлмаса, уйга қўнгироқ қилиб мушугим билан гаплашаман. Бу бемаъни гапни ушбу ўйиннинг кулгили даражада оддийлигини сизга кўрсатиш учун айтяпман. Кўп одамлар уни ортиқча мураккаблаштириб, хар бир нарсага ўта жиддий ёндошадилар.

Фойдали битимни топиш, фаолият соҳасини, ёрдамчилар, инвесторлар ва ҳоказони тўғри танлаш – бошка жинс вакили билан учрашишдай гап. Бозорда бўлиш керак – кўп одамлар билан гаплашиш, қўпгина таклиф ва қарши таклифлар Бериш, савдолашиш, рози бўлиш ва рад этиш. Мен телефон қўнгироғи жиринглашини кутиб, уйда ўтирадиган ёлғиз одамларни биламан, бирок сиз Синди Кроуфорд ёки Том Круз бўлмасангиз, менимча, яхиси, бозорга ёки ҳеч бўлмаса дўконга чикқанингиз маъқул. Изланг, таклиф қилинг, рад этинг, савдолашинг ва таклифларни қабул қилинг – буларнинг бари ҳаётнинг истаган жабхасида қўлланилиши мумкин.

- Ўзингиз учун **қизик** бўлган жойларда ойига бир марта ақалли ўн дакиқа югуринг ёки сайр килинг. Эрталабки югуришларда энг яхши битимларни топаман. Бир худудда бир йил давомида ютураман. Мени у ерда рўй бергаётган ўзгаришлар **қизиктиради**. Битим фойдали бўлиши учун икки жиҳати мухим: фойда ва ўзгаришлар. Арzon таклифлар кўп, аммо улар баъзи ўзгаришлар туфайли фойдали имкониятга айланадилар. Шунинг учун ҳам қаерга пул қўйишини истасам,

ўша ҳудудни югуриш учун танлайман. Йўналишнинг такрорланиши кўз илғамас ўзгаришларни ҳам пайқаш имконини тугдиради. Мен уй сотилиши хакидаги узоқ осилиб турган эълонларни пайкайман. Бу эса сотувчи анча келишувчан бўла олишини англатади. Мен кўчища мебель юкландиган юк машиналарини кўраман – одамлар кўчуб келяптими ё кетяптими? Тўхтаб, ҳайдовчиларни гапга соламан. Почальонлар билан сухбатлашаман – бу ҳудуддаги ахборотнинг ҳайратланарли хазинасиdir.

Гавжум бўлмаган ҳудудни топаман, тез-тез у ерга бораман (баъзан бутун йил бўйи) ва ижобий ўзгаришлар низомоналарини қидираман. Мен чакана савдо согувчиси билан ҳам, айниқса янгилари билан гаплашаман, нега бу ҳудудга келганларини суриштираман. Бу ойига бир неча дақиқани олади, қолаверса, мен буни бир вактнинг ўзида бошқа нарса – югуриш ёки дўконларга бориш вақтида ҳам кила оламан.

- Кимматли қоғозларга келсак, менга Питер Линчнинг “Уолт Стритдан ўзиш” китобидаги нархи ошаётган акцияларни қандай танлаш формуласи ёқади. Мен бу таройиллар кўчмас мулк, акциялар, ўзаро ёрдам жамғармалари, янги компаниялар, янги уй ҳайвони, янги умр йўлдоши ёки кир ювиш кукунига четирмага ҳам дахлдорлигини билиб олдим.

Жараён ҳар сафар бир хил: Нима излаётганингизни билиш ва ахтаришга тушиб керак!

- Нега истеъмолчилар ҳамиша чув тушадилар? Супермаркетда молларни, дейлик хожатхона когозининг арzon сотилиши эълон килинса, истеъмолчи у ерга чопиб бориб арzon қоғоз ғамлайди. Қимматли қоғозлар бозорида нарх тушса (кўпинча буни ҳалокат ёки нархнинг тескари ҳаракати деб аташади) истеъмолчи

ўзини олиб қочади. Супермаркет нархни ошираса, истеъмолчи бошқа дўконга боради. Биржадаги нархлар ошса, истеъмолчи акция ола бошлади.

- Битимни у фойдалирок бўлган жойлардан изланг. Бир қўшним юз минг долларга уй сотиб олди. Мен худди шундай қўшни уйни бу пулнинг ярмига сотиб олдим. У менга уй нархининг ошишини кутаётганлигини айтди. Мен эса унга фойда сотилаётганда эмас, харид килинаётганда олинишини айтдим. Харид вактида у ўзининг шахсий мулки бўлмаган кўчмас мулк савдоси агентининг хизматидан фойдаланди. Мен харидни банкдаги гаровга қўйилган мулк бўлимида қилдим. Мени бундай қилишга ўргатган семинарга беш юз доллар тўладим. Қўшним кўчмас мулкка капитал қўйилма қилиш ҳакидаги семинарга яrim минг доллар тўлаш жуда қиммат, деб ҳисобларди. У буни ўзига на пул жихатдан, на вакти маъносида йўл қўя олмасди. Шу сабаб у ҳалигача уйининг нархи кўтарилишини кутиб ётибди.
- Энг аввало, мен бирон нарса сотиб олмоқчи бўлган, кейин эса сотмоқчи бўлган одамларни қидираман. Бир дўстим ер участкаси излаётган эди. Унинг пули бор, вакти эса йўқ эди. Мен унга керагидан каттарок участка топдим, дўстимга қўнгирик қилдим ва у участканинг бир қисмини сотиб олишни хоҳлашини айтди. Мен унга ўзи хоҳлаганича ер сотдим ва бутун участкани сотиб олдим. Ернинг колган қисми менга бепул қолди. Қиссадан ҳисса шу: пирог сотиб олинг ва уни бўлакларга бўлинг. Кўп одамлар ўзларининг имконига ярашасини қидирадилар, шу сабаб улар жуда юзаки фикрлайдилар. Улар пирогнинг бир бўлагини сотиб

оладилар ва кичик бўлакка қўпроқ тўлашта мажбур бўладилар. Тор фикрлайдиган одам катта фойда кўрмайди. Бадавлат бўлишни истасангиз кенг фикрлашни ўрганинг.

Сотувчилар улгуржи савдода четирма килишни ёқтирадилар, чунки деярли ҳамма бизнесменларга кўп харид қилганлар ёқади. Шундай экан, ҳатто маблагингиз камроқ бўлса ҳам йирик кўламларда фикр юритиш мумкин. Компаниямга компьютерлар керак бўлганида бир неча дўстларимга кўнғироқ қилиб, улар ҳам тасодифан компьютер харид қилишмасмикан, деб сўрадим. Ўшанда биз ҳар хил сотувчилар билан боғланиб, охирокибатда бирданига кўп компьютер сотиб олаётганимиз туфайли жуда омадли битим туздик. Акциялар билан ҳам худди шундай қиласман. Юзаки фикрлайдиган одамлар якка ҳаракат қилгани учун бадавлат бўла олмайдилар.

- Тарихдан сабок олинг. Барча йирик компаниялар ҳам биржада, ҳам майдондан бошлаганлар. Полковник Сандерс ҳамма нарсадан маҳрум бўлиб олтмиш ёшидан кейин бойиб кетди. Билла Гейтс ўттиз ёшида дунёнинг энг бадавлат одамларидан бирига айланди.
- Ҳаракат ҳамиша ҳаракатсизликдан яхшироқdir.

Бу бор-йўғи очилаётган имкониятлардан фойдаланиш учун бир неча ўзим ишлатадиган усуслардир. “Ҳаракат” ва “иш” сўzlари жуда муҳим сўзлардир. Бу китобла бир неча бор таъкидлаганимдек, ишга киришиш керак ва факат шундагина сизни молиявий муваффакият кутади. Ҳаракатни хозирок бошланг!

# **БАХТЛИ ОТА-ОНАЛАР**

## **ЭПИЛОГ**

**269**

Китоб охирига етапти, тез орада нашрга берилади ва мен сўнгти сўз ўрнида қуидагиларни айтишни истардим.

Бу китобни ёзишимнинг асосий сабаби – молиявий топкирлик одамларга кўплаб ҳаётий муаммоларни ечишларига кўмак бера олиши ҳақида фикрларим билан ўртоқлашишдир. Молиявий билимларсиз ҳаётда кўпинча стандарт формулалардан фойдаланамиз. Зўр бериб ишлаймиз, пул тўплаймиз, қарзга ботамиз ва улкан соликлар тўлаймиз. Бугун бизга янги ахборот зарур.

Мана сизга кўплаб ёш оиласар олдида бугун турган молиявий муаммолардан охирги мисол. Қандай қилиб болаларга яхши таълим бериш ва айни вактда ўзингизга пенсия учун жамгаришингиз керак? Мен сизларга бу мақсадга етиш учун молиявий топкирликни қандай ишлатиш кераклигини айтиб бераман.

Бир дўстим тўрт фарзандининг коллежда ўқиши учун пул тўплаш қандай кийинлигидан шикоят килди. У ўзаро ёрдам жамғармасига ҳар ойда уч юз доллардан қўйиб, ўн икки минг долларга яқин пул тўплади. У тўртта фарзандини ўқитиш учун тўрт юз минг зарурлигини ҳисоб килган. Бунинг учун дўстимнинг ўн икки йил вақти бўлиб, катта фарзанди ўшандада олти ёшга кирган эди.

1991 йил ўтиб борарди ва Финиксдаги кўчмас мулк бозори ачинарли ахволда эди. Одамлар уйларини бебилиска бериб юборарли. Мен ўзимниш собиқ синфдошимга ўзаро ёрдам жамғармасининг бир кисм пулига уй сотиб олишни таклиф килдим. Бу фикр уни қизиктириб қўйди ва биз имкониятларни муҳокама эта бошлидик. Уни биринчи навбатда банкда бошқа уй сотиб олиш учун кредити йўқлиги безовта

киларди. Уни мулкни банк орқали бўлмаса ҳам сотиб олиш мумкинлигига ишонтиридим.

Барча мезонларимизга мос келадиган уйни икки ҳафта изладик. Танлов катта бўлиб, бу жараён бизга бирмунча ҳузур бахш этди. Охири зўр мавзедан учта ётоқхона ва иккита ваннахонали уй топдик. Уй эгаси «қискариш»га учраган бўлиб, Калифорнияда уни бошқа иш кутаётганлиги ва оиласи билан зудликда кўчиши зарурлиги сабабли уйини дарҳол сотиши керак эди.

У уйига бир юз икки минг хоҳларди, биз етмиш тўққиз минг таклиф қилдик. Таклиф дарров қабул килинди. Уй эгаси томонидан умумий ссуда орқали сотиб олинган эди. Бу дегани уни ишсиз дайди ҳам банк розилигисиз сотиб олиши мумкин эди. Уй эгасининг етмиш икки минг доллар қарзи бор эди, шунинг учун дўстим бор йўғи етти минг – сотув нархи ва карз ўртасидаги фарқни накд тўлаши керак эди. Собиқ уй эгаси кўчиб кетипи билан дўстим уйни ижарага бера бошлади. Барча харажатлар, шу жумладан уйнинг гаров пули ҳам тўланганидан сўиг, у уйдан ойига бир юз йигирма беш долларга яқин пул ола бошлади.

У уйни ўзида ўн икки йил ушлаб, гаров пулини ойлик тўловга яна бир юз йигирма беш доллар кўшиб тўловларни тезлаштиришни истарди. Ҳисоблашимишизча, ўн икки йилда гаров пулининг асосий қисми унинг биринчи фарзанди коллежга боргунга қадар тўлаб бўлинади, у ойига саккиз юз долларга яқин олади. Агар уй нархи ошса, уни сотиб юбориши ҳам мумкин.

1994 йилда Финиксда кўчмас мулк бозори тўсатдан ўзгарди ва бу уй учун уни яхши кўрадиган яшовчи бир юз эллик минг таклиф қилди. Дўстим мен билан яна бир бор маслаҳатлашди ва мен:

“Албатта сот, бирок солиқ тұловини тұхтатиб туриш ҳақидаги 1031-моддани ҳисобға олған ҳолда”, – деб айтдим.

Кутилмаганда унинг ихтиёрида деярли саксон минг доллар пул пайдо бўлди. Мен Остин (Техас штати)даги бошқа бир оғанимга қўнғироқ килдим ва у бу пулни кичкина омбор биносига йўналтириди. Уч ойдан сўнг дўстим ойига салкам минг долларлик чек ола бошлади ва у ўзаро ёрдам жамғармасига коллеж учун топшириларди. Эндиликда болаларнинг ўкишига мўлжалланган сумма кун сайин эмас, соат сайин кўпаярди. 1966 йилда у омборни сотиб, деярли уч юз ўттиз минг олди ва дарҳол ойига уч минг доллар фойдаси бор янги лойиҳага йўналгирди – бу уч минг доллар яна ўзаро ёрдам жамғармасига тушарди. Энди дўстим тўрт юз минг йигиш осонлигига тўлиқ ишонарди, бунинг учун унга атиги етти минг доллар нақд пул ва бироз молиявий топкирлик зарур бўлди **холос!** Фарзандлари ўзлари хоҳтаган таълимни олишлари мумкин, корпорациясини тузишга асос бўлган дастлабки активдан эса, у ишламай қўядиган пайтда фойдаланади. Мана шундай муваффакиятли инвестициялаш натижасида у эртароқ пенсияга кетиши мумкин.

Бу китобни ўқиб чикканингиз учун сизга ташаккур. Пулни ўзингизга ишлашга кандай мажбур килишда бирон нарсани билиб олдингиз, деб умид киламан. Бутун омон колмок учун иложи борича кўпроқ молиявий топкирлик намойиш килиш зарур. Молиявий маънода тажрибасиз одамларгина пул қилиш учун пулга эга бўлиш керак, деб ҳисблайдилар. Тажрибасизлар – ахмоклар дегани эмас. Улар шунчаки ишлаб топиш илмини ўзлаштирмаганлар.

Пул – бу, бор-йўғи ғоя. Кўпроқ пулли бўламан десангиз, ўз дунёқарашингизни ўзгартиринг. Ҳаётда

ўзи бирон-бир нарсага эришган ҳар бир одамнинг муввафқияти кичкинасидан – каттарок нарсага айланган ғоядан бошланган. Инвестициялар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Мен бир умр энг фойдали битимни излайдиган ёки кулаг имкониятларни кутиб пул тўплаётган кўп одамларни биламан, лекин бу оқилона, деб ҳисобламайман. Кўпинча тажрибасиз инвесторлар бор-будини битта битимга сарфлаб, тез орада ҳаммасини йўқотганини ҳам кўрганман. Балки улар яхши ишлашни билар, бирок пул қўйишни эмас.

Молиявий саводхонлик жуда муҳим. Буни қанча эрта ўзлаштирангиз, шунча яхши. Китоб сотиб олинг. Семинарга боринг. Билимингизни амалиётда қўлланг. Кичик ишдан бошланг. Мен нақд беш минг долларни миллионли активга айлантиридимки, у олти йилдан озроқ муддатда ҳар ойда беш минг доллар беряпти. Тўғри, бунга болаликдан ўргана бошладим. Сизга ҳам ўқишини тавсия қиласман – бу жуда кийин эмас, агар маъносини англай бошласангиз, жуда оддий.

Менимча, аниқ-тиник фикр баён эттан бўлсан керак. Кўлингиздаги миянгиздагига боғлиқ. Пул – фақат бор-йўғи ғоя эканлигини ёдда тутинг. “Ўила ва бойиб кет” сарлавҳали китоб бор. “Ишла ва бойиб кет!” дейилмаганига эътибор беринг. Пулни ўзингта ишлашга мажбур қилишни ўрган – ва сенинг ҳаётинг бахтлироқ бўлади. Бугун эҳтиёткорлик билан эмас, ақл билан ҳаракат қилмоқ зарур.

## Муаллифлардан

Ҳаракатни бошланг!

Барчангиз табиатдан икки инъом: акл ва вакт олгансиз. Сиз улардан истаганингизча фойдаланишингиз мумкин. Қўлингизга тегадиган ҳар бир доллар тақдирингизни белгилаши мумкин, бу эса ўзингизга боғлиқ. Агар пулни ножӯя сарфлассангиз, камбағалликни танлаган бўласиз. Агар пулингизни пассивга ишлатсангиз, ўртаҳол табака вакилига айланасиз. Долларни ақлингизни пешлашга йўлланг, активларни сотиб олишни ўрганинг – келажакдаги мақсадингиз бойлик бўлади. Танлаш сизники – ва факат сизники. Ҳар кун, ҳар бир доллар билан бадавлат ёки камбағал бўлишингизни ҳал этасиз.

Агар бу битимни болаларингиз билан баҳам кўрсангиз, уларни ҳозирги дунёдаги ҳаётга тайёрлаган бўласиз.

Буни сиз килмасангиз, яна ким қиласди?

Сизнинг ва болаларингизнинг келажаги эртага эмас, бугун қилаётган танловингизга боғлиқ.

Биз сизга бу гўзал, тақдирнинг ўзи аго этган ҳаётда бойлик ва баҳт тилаймиз.

*Роберт  
КИЙОСАКИ,  
Шэроп ЛЕКТЕР*

## **Роберт Кийосакининг китобхонларга реклама – маърифий мурожаати**

### Даромаднинг уч тури

*Бухгалтерияда даромаднинг уч тури ажратиласди.*

Бу:

1. Мехнат даромадлари.
2. Пассив даромадлар.
3. Кимматли қоғозлардан даромадлар.

Ҳакикий отам менга: “Мактабга бор, “аъло”га ўқи ва барқарор иш топ” деб айтганларида менга ишлаб, меҳнат даромадларини олишни маслаҳат берарди. Бадавлат отам: “Бадавлатлар пул учун ишламайди, аксинча ўз пулларини ўзларига ишлашга мажбур қиласидилар”, деганида, у пассив ва кимматли қоғозлардан даромадлар тўғрисида айтган. Пассив даромад – кўпчилик ҳолатларда кўчмас мулкка (рентага) кўйилган капиталдан даромаддир. Кимматли қоғозлардан даромад – бу акциялар, облигациялар, ўзаро ёрдам жамғармалари ва ҳоказолардан тушадиган даромаддир. Айнан даромаднинг шу тури Бил Гейтсни дунёдаги энг бадавлат одам килди.

Бадавлат отам тез-тез: “Бойликнинг калити – меҳнат даромадларини иложи борича тезроқ пассив ва ёки кимматли қоғозлардан олинадиган даромадларга айлантириш қобилиятидир”, – деб гапиради. У: “Маошдан энг кўп солиқ олинади. Энг кам солиқ пассив даромаддан олинади. Мана нима учун пулни ўзингизга ишлашга мажбур қилиш керак. Давлат сенга ўз пулларингни олиб келадиган даромаддан кўра, тер тўкиб оладиган даромаднингдан кўпроқ солиқ олади”, – деб айтарди.

Ўзимнинг иккинчи китобим “Пул оқими квадранти”да бизнес оламига кирувчи одамларнинг тўрт хил

турлари ҳакида хикоя киламан. Бу ёлланма ишчилар (Ё), ўз бизнеси билан шугулланадиган шахслар (Ү), компания сохиблари (С) ва инвесторлар (И). Деярли ҳамма одамлар мактаб ва университетни тамомлангандан сўнг ё (Ё), ё (Ү) бўладилар. “Пул оқими квадранти” китобида бу гурӯхлар ўртасидаги туб фарқлар ва ўз квадрантингни қандай ўзгартириш ҳакида фикр юритилади. Деярли барча маҳсулотларимиз (С) ва (И) квадрантидаги одамларга бағишланган.

Сериянинг учинчи китоби “Бадавлат отамнинг инвестициялаш бўйича раҳбарлиги”да қандай меҳнат даромадларини пассив ёки қимматли қоғозлардан даромадларга айлантириш ҳакида батафсил ёзганман. Бадавлат отам: “Ҳақиқий инвестор қиласидиган ҳамма нарса – меҳнат даромадларини пассив ёки қимматли қоғозлардан даромадга айлантиришдир. Агар нима қилаётганингни билсанг, инвестициялаш хатарли эмас. Бу фақат оқилонадир”, – деб айтарди.

### **Молиявий эркинлик калити**

Молиявий эркинлик ва бойлик калити инсоннинг меҳнат даромадларини пассив ёки қимматли қоғозлардан олинадиган даромадларга айлантириш қобилиятидир. Бадавлат отам бунга мен ва Майкни жуда узоқ ўргатган. Шунинг шарофати билан мен ва хотиним Ким – молиявий мустакил одамлармиз ва бизга энди ҳеч качон ишлаш керак эмас. Ишлашда давом этаямиз, бироқ фақат ўзимиз буни истаганимиз учун. Бугун биз кўчмас мулк, шунингдек қимматли қоғозлардан даромадларга ихтисослашган ўз компаниямиздан пассив даромадлар оламиз.

Бундан ташқари, ҳозирги пайтда биз ҳамкоримиз Шерон Лектер билан китоб, кассеталар ва ўйинлар таклиф этадиган молиявий саводхонлик компания-

сими яратиш устида ишләяпмиз. Барча таълимий маҳсулотларимиз менга бадавлат отам ўргатган малака – қандай қилиб меҳнат даромадини пассив ва кимматли қоғозлардан даромадларга айлантириш малакасини ривожлантиришга йўналтирилган.

Биз жуда муҳим бўлган учта стол ўйинини яратдик – улар китоблар ўргата олмайдиган нарсаларни ўргатади. Масалан, велосипед минишни китобдан қандай ўрганиш мумкин? “Пул оқими – 101” – катталарап учун мураккаб ўйинди, бироқ “Болалар учун пул оқими” ўйини ҳам мавжуд. Улар ўйинчиларни инвестициялаш асосларига – меҳнат даромадларини пассив ва кимматли қоғозлар даромадларига айлантиришни ўргатади. Бундан ташкари, улардан бухгалтерия ҳисоби тамоҳиллари ва молиявий саводхонликни ҳам билиб олиш мумкин. Дунёда бу ўйинларнинг ўхшали йўқ, чунки улар бу малакаларга бир пайтнинг ўзида ўргатади.

“Пул оқими – 202” – ўйини – “Пул оқими – 101”нинг ривожланган шаклидир. Унинг учун аввалги ўйин доскаси “Пул оқими – 101”ни тўлиқ тушуниш талаб этилади. Биринчи икки ўйин инвестициялаш асосларини ўргатади. “Пул оқими – 202” янада аниқроқ усусларга бағишиланган. Уни яхши тушунадиган одам инқироз пайтида ҳам, тараққиёт пайтида ҳам қилиши мумкин. Бадавлат отам айтганидек, “ҳакиқий инвестор пулни инқироз пайтида ҳам, кўтарилиш пайтида ҳам пул қила олади. Шунинг учун у шундай бадавлат”. Уларни кўпроқ пул қила олишларининг сабабларидан бири – ўзига ишончнинг кўпроқлигидадир. Бадавлат отам: “Улар ўзларига кўпроқ ишонадилар, чунки ютқазишдан сира кўркмайдилар”, – деб айтарди. Бошқача айтганда, ўртacha инвестор пулни йўқотишдан кўрккани учун бунча пул қила олмайди. Ўртacha инвестор

ютқазишдан қандай химояланишни билмайди. Бунга сизни “Пул оқими – 202” ўргатади.

Үртacha инвестор профессионал инвесторнинг таълимини олганлиги учун инвестицияни хатарли иш деб билади. Американинг энг бадавлат инвестори Уоррен Баффет айтганидек, “Таваккалчилек – нима қилаётганингизни билмасликдир”. Менинг стол ўйинларим инвестициялаш асослари ва усулларини кизиқарли ва содда шаклда ўргатади.

Баъзан мен: “Сизнинг таълимий ўйинларингиз ўта қиммат” деганларини эшигаман. “Пул оқими – 101” – АҚШда 195 доллар туради, “Пул оқими – 202” – 145 доллар, “Болалар учун пул оқими» – 79 доллар. Барча ўйинлар – тўлиқ ўқитиш дастурлари бўлиб, уларга аудиокассегалар, видеоматериаллар ва ёки китоблар киради (нархнинг баландлигига яна бир сабаб чекланган миқдорда чикаришимиздир). Мен рози бўлгандай бош иргайман ва дейман: “Ха, қиммат … Айниқса, кўнгилочар стол ўйинларига таққосласак”. Лекин ўзимга: “Бироқ менинг ўйинларим коллежда ўқиш, бир умр давомида рўшноликсиз меҳнат, ҳадсиз соликлар ва инвестиция пайтида бор пулни бой беришдаги доимий қўркувдан кўра арzon-роқдир”, – деб қўшиб қўяман.

Ва ўша одам норози жавраб узоклаштанда, мен гўёки бадавлат отамни эшигандай бўламан: “Агар бадавлат бўлмоқчи бўлсанг, қандай даромадлар тури сенга кераклиги ва уни қандай саклашни билиш керак”. У яна дерди: “Агар сен даромаднинг уч тури ўртасидаги фарқни тушунмасанг, уларни сотиб олиш ва саклашни билмасанг. аникроғи, бир умр олишинг мумкин бўлганидан камроқ пул оласан ва заруриятга нисбатан кўпроқ ишлашга мажбур бўласан.”

Шундай қилиб, менинг камбагал отам ҳаётдаги муваффакият учун фақат яхши маълумот, яхши иш ва кўп йиллик зўр бериб бажариладиган межнат керак, деб ҳисобларди. Бадавлат отам ҳам таълимга алоҳида ахамият берарди, бирок унинг учун Майк ва мен даромад турларининг бир-биридан фарки нималиги, қай бирини олиш устида иш олиб боришни билишимиз жуда мухим эди. Унинг учун бойлик ва молиявий эркинлик — одамларга, маълум ҳиссиётларга интилаётган ҳар бир кишига жуда ҳам зарур бўлган молиявий саводхонликнинг асоси эди. Бадавлат отам айтганидек: “Бадавлатлар пул учун ишламайди. Улар пулни қандай қилиб ўзларига ишлашга мажбур килишини биладилар”. У менга: “Межнат даромади — сен у учун ишлайдиган пуллар, пассив даромад ва қимматли қоғоз даромадлари сен учун ишлайдиган пуллар”, — деб ўргатарди. Бу фаркни билиш менинг ҳаётимда асосий роль ўйнади. Роберт Фрост шеърининг охирини ишлатадиган бўлсак, “Бу хаммасини ҳал қилди”.

### **Бирон нарсага ўрганишнинг энг осон ва содда усули қайси?**

1994 йилда молиявий эркин бўлиб олгач, бадавлат отам менга ўргатганларини бошқаларга ўргатиш усулларини қидира бошладим. Ўқиш манзаранинг бир кисмини беради. Китоб билан велосипедда юришни ўрганиб бўлмайди. Миямга тўсатдан бир фикр келди: бадавлат отам мени тақрорлаш усули билан ўргатарди. Шунинг учун ҳам таълимий стол ўйинларини ишлаб чиқа бошладим. Менимча, бу анча мураккаб фикрларни ўзлаштиришнинг энг оддий ва яхши усулидир.

Агар сиз пассив даромад ва қимматли қоғозлардан даромадни кўпроқ олмоқчи бўлсангиз, “Пул

окими” сериясидаги ўйинлар сиз учун мухим биринчи қадам бўлиши мумкин. Агар ўз молиявий заводхонлигингизни яхшилашга тайёр бўлсангиз, бизнинг маҳсулотимизни 90 кун давомида бепул синааб кўринг. Сиздан бирдан-бир илтимосим – бу орада дўстларингиз билан бу ўйинни охиригача, ҳеч бўлмаганда олти марта ўйнанг. Бундан кейин хам янги бирон нарса ўрганмадим ёки ўйин ўта мураккаб деб ҳисобласангиз, ўйинни яхши ҳолатда қайтаринг ва биз пуллингиzin қайтариб беришдан мамнун бўламиз.

Ўйин қоида ва усулларини тушуниш учун уни ҳеч бўлмаганда икки марта ўйнаш керак. Шундан кейин ўйнаш осонлашади, кайфиятингиз чоғ бўлади ва ўқитиш жараёни анча тезроқ кечади. Агар сиз “Пул окими” ўйинини сотиб олиб ўйнасангиз, бу албатта, сиз учун ниҳоятда қиммат бўлади. Бирок сиз уни ҳеч бўлмаса олти марта ўйнасангиз, бизнинг фикримизга кўшилишингизга ишонаман: бу сериядаги истаган ўйин бебаҳодир.

## **Муаллифлар ҳакида**

### **Роберт Т. Қийосаки**

Роберт: “Одамларнинг молиявий кийинчиликларни бошдан кечиришларининг асосий сабаби – уларнинг йилларни мактабларда ўтказиб, пул ҳакида хеч нарса билмасликларида дир. Натижада улар пул учун ишлашга ўрганадилар – бироқ пулни ўзига ишлашга мажбур қилишни билмайдилар”, – деб айтади.

Келиб чикиши япон бўлган тўртинчи авлод америкалик Роберт Гавайида туғилиб, вояга етган. Унинг отаси ўз вақтида штатнинг таълим вазири бўлган. Мактабдан кейин Роберт Нью-Йоркда ўкиган, университетни тамомлагач армияга кетди ва Вьетнамга офицер, ҳарбий вертолёт учувчиси сифатида тушди.

Урушдан кайтгач, бизнес билан шуғулланди. 1997 йилда компанияга асос солди, унинг компанияси улкан муваффакият қозонган дастлабки ёпишгичли нейлон ҳамёнларини бозорга чиқарган. У ва унинг маҳсулоти ҳакида “Runner's World”, “Jentelman's Quarterly”, “Success Magazine”, “Newsweek” ва ҳатто “Playboy” журналларида ёзишган.

1985 йилда у бизнес дунёсини колдириб, етти давлатда фаолият кўрсатадиган ва ўн минглаб одамларни бизнес ва инвестициялашга ўргатадиган халқаро таълим компаниясига асос солди.

Ўзининг қирқ етти ёшида Роберт энди ишламайди ва кўнглига ёқкан иш – инвестициялар билан шуғулланади. Бадавлатлар ва йўқсиллар орасидаги тафовутдан ташвишланиб, у одамларни бадавлатлик сирларига ўргатадиган “Пул оқими” стол ўйинини яратди.

Робертнинг асосий бизнеси – кўчмас мулк ва кичик компаниялар тузиш бўлса ҳам, унинг ҳакиқий иштиёки – ўқитишидир. У Ог Мандино, Зиг Зиглар, Энтони Роббинс каби машҳурлар билан бир сахнада нутқ сўзлаган. Роберт Кийосакининг гоялари аниктиник: “Ўз молиявий аҳволингиз учун жавобгарликни бўйнингизга олинг – ёки бир умр бирорнинг ногорасига ўйнанг. Пулнинг қули бўлиш ҳам мумкин, хожаси бўлиш ҳам мумкин”. Роберт бир соатдан уч кунгача давом этадиган семинарлар ўтказади ва одамларга бадавлатларнинг сирлари ҳакида гапириб беради. Мавзулар ранг-баранг: қандай килиб пулни энг катта фойда ва энг оз таваккалчилик билан қўйиш мумкин, болаларни бойиб кетишга қандай ўргатиш керак, компанияларни қандай тузиш ва сотиш зарур – буларнинг бари ортида бир гоят муҳим ахборот ётади: “ўз молиявий истеъодингизни уйғотинг”. У ичингизда ўз соатини кутиб ухлаётир.

Роберт ҳакида дунёга машхур ёзувчи ва лектор Энтони Роббинс шундай дейди: “Роберт Кийосакининг маърифий фаолияти одамларга ўз ҳаётини ўзгартиришда ёрдам беради. Мен унинг интилишларини қўллаб-куватлайман ва ҳаммага унга қулок солишни маслаҳат бераман”.

Бизнинг бекарор иқтисодиёт давримизда Роберт гояларининг аҳамияти ҳакида ортиқча сўз юритишга асло ҳожат йўқ.

## Шэрон Л. Лектер

Уч фарзанднинг онаси, дипломли давлат бухгалтерревизори, профессионал менежер ва нашриёт ишлари ҳамда ўйинлар ишлаб чиқариш бўйича маслаҳатчи. Шэрон Лектер ҳозирда таълим соҳасида ишлайди.

У Флорида университетини имтиёзли тугатиб, бухгалтер дипломини олди. Энг йирик бухгалтерлик фирмаларидан бирида биринчи аёллардан бўлди, кейинчалик компьютер компаниясининг молиявий директори, миллий сурхта компанияси солик бўлими раҳбари, Висконсиндаги биринчи аёллар журналиниг мухбири бўлди – ва бунинг ҳаммаси бухгалтерлик фаoliятини тўхтатмаган ҳолда юз берди.

Уч фарзанд вояга етар экан, Шэроннинг эътибори тезлиқда таълимга қаратилди. Уларни ўқишга мажбурлаш жуда кийин эди – болалар телевизор кўришни афзал билардилар.

Шу боис у биринчи электрон гапирувчи китоб яратувчисига қўшилди, электрон китоблар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уни ҳалқаро миқёсдаги кўп миллионли саноатга айлантиришга ёрдам берди. Шэрон ҳозир ҳам китобнинг болалар ҳаётида яна мухим ўрин эгаллашига ёрдам берадиган технологиялар ишлаб чикишда қатнашпти.

У болаларнинг кейинги таълими билан қизиқиб шуғулланади ва математика, компьютерлар, ўқиш ва ёзув соҳаларидағи таълим муаммоларини муҳокама қилишда қатнашади.

“Бизнинг таълим тизимимиз замонавий дунёдаги ҳаётда ва техникада рўй беряётган ўзгаришлардан ортда қолмоқда. Болаларни уларга ҳаётда омон қолишлари учунгина ‘эмас, балки гуллаб-яшншлари учун зарур бўлган малакаларга ўргатиш керак’.

“Бадавлат ота ва камбагал ота” ҳамда “Пул оқими квадранти” китобларининг ҳаммуаллифи сифатида ҳозирда у ўз молиявий саводхонлигини яхшилашни истаганлар учун таълимий воситаларни яратишга кўмаклашмоқда.

**“Cashflow Technologies, Inc”**  
**(Пул оқими Технологиялари Корп.)**

Роберт Кийосаки, Ким Кийосаки ва Шэрон Лектер инновацион таълимий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган “Cashflow Technologies, Inc” компанијасига асос солдитар.

Компания ўз вазифасини “Инсониятнинг молиявий фаровонлигини яхшилаш”да деб билади.

Компания Робертнинг ғояларини “Бадавлат ота, камбағал ота”, “Пул оқими квадранти” китоблари, патентланган “Пул оқими” стол ўйини (патент рақами S 826 878) ва “Болалар учун пул оқими”, шунингдек аллақачон мавжуд бўлган, ёки ишлаб чиқилаётган ва молиявий эркинликка интилаётган одамларга мўлжалланган бошқа маҳсулотларда тақдим этади.

## Айрим сўз ва ибораларнинг изоҳли таржимаси

1) **Бизнес** – хўжалик юритиш субъектининг фаолият соҳаси ва иқтисодий манфаатларини таснифлайдиган умумиқтисодий атама.

2) **Патент** – давлатнинг ваколатли органи томонидан бериладиган хужжат бўлиб, ихтиро, ихтиродаги афзаллик, муаллифлик ва патент эгасининг ихтиро учун алоҳида хуқукини шаҳодатловчи хужжат.

3) **Кредит карточкалари** – банк ёки ўзга маҳсус кредит (савдо) муассасаси томонидан чиқарилган шахсий·пул хужжати бўлиб, у тегишли муассасада кредит карточкаси эгасининг хисоб раками борлигини тасдиқлайди ҳамда унга накд пулсиз чакана савдо тармоғида товар харид қилиш ва хизматдан фойдаланиш хуқукини беради.

4) **Инвестиция** – кўшимча фойда олиш, таъсир кучига эга бўлиш ва бошқа мақсадда капитални узок муддатга (энг ками бир йил) бироён-бир юридик мустақил корхонага жойлаштириш.

5) **Монополия** – бозор ҳолати бўлиб, унда товар ишлаб чиқарувчи – ўзаро рагобатдош корхоналар, харидор – битта бўлиб бозордаги энг кучли харид ҳажмини камайтириб, қарши бошқарувчи сифатида ишлаб чиқарувчиларнинг нархни туширишга мажбур қиласи.

6) **Компания** – тадбиркорларнинг савдо, транспорт, саноат, сурурта ва бошқа турдаги уюшмаси.

7) **Корпорация** – икки ва ундан ортиқ акционерлар иштироқидаги жамият кўринишидаги юридик шахс шаклидир.

**8) Активлар** – ташкилотнинг мулки ёки ресурслари: бинолар, машиналар, накд пуллар.

**9) Пассив** – ташкилотнинг қарзлари ва мажбуриятлари мажмуи.

**10) Брокер** – фонд, товар ва валюта биржасида битимлар тузишда воситачилик билан шўгулланадиган алоҳида шахс ёки фирма.

**11) Акция** – акционерлик жамияти томонидан чиқариладиган киммалли қоғозлар бўлиб, эгасига жамият фойдасидан улуш (дивидент) олиш хукукини беради.

**12) Банкрот** – қарзни тўлай олмайдиган, инкоризга учраган юридик шахс, тўловга лаёкатсиз қарздор.

**13) Пул** – қиймат айрибошлиш ва шаклининг стихияли ривожлантириш махсуси, товарларнинг умумий эквиваленти ролини ўйнайдиган махсус товар.

**14) Плантация** – махсус экинлар экиладиган йирик капиталистик ер хўжалиги.

**15) Цент** – АҚШ пул бирлиги бўлиб, 1 долларининг юздан бирига тенг.

**16) Чек** – накд пулсиз ҳисоб-китоб воситаси.

**17) Бейсбол** – бейсбол (тўп ўйинларининг бир тури).

**18) Мум қўғирчоқ** – “Римус бобонинг эртаклари”даги Тулки оғайнининг Куён оғайнини қўлта тушириш учун ясаган қўғирчоги.

**19) Инфляция** – пулнинг қадрсизланиш жараёни.

**20) Империя** – империя (монархия давлат) кўчма маънода: йирик корпорация, компаниялар бирлашмаси.

21) **Капитал қўйилма** – асосий фондларни қайта ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат харажатлари, моддий-техник ресурслар, маблағлар.

22) **Эмпайр Стейт Билдинг** – Нью-Йоркдаги баландлиги 381 метр бўлган 102 қаватли осмонўпар бино.

23) **Заём** – фуқаролик хуқуқида шартнома бўлиб, унда томонлардан бири (заём берувчи) иккинчи томон (заём олувчи)га мулк сифатида ёки тезкор бошқаришга пул ёки нарсалар беради, заём олувчи эса шунча пул ёки нарсаларни заём берувчига қайтариш мажбуриятини олади.

24) **Дилемма** – дилемма, иккиланиш.

25) **Алгоритм** – алгоритм (бирон масалани ечиш коидалари ёки амаллари мажмуи).

26) **Диверсификация** – ҳар хиллик, турли хил ривожланиш, асосий фаолият доирасидан чиқиб, фаолият йўналишларини ривожлантириш.

27) **Догма** – қотиб қолган, ақида.

28) **Баланс** – 1. Мувозанат; 2. Ишлаб чиқариш воситаларининг таркиби (актив) ва манбалари, мақсадли йўналтириш ҳамда қайтариш муддати (пасив), маълум муддатга пул бирлиgidаги кўрсатичлар тизими.

29) **Таваккалчиллик** – бирон-бир ишга бутун масъулиятни ўз бўйнига олиб қўл уриш.

30) **Франшиза** – авваллари белгиланган қоида ва меъёрлар асосида машхур савдо белгисини ишлатган ҳолда муайян бир хўжалик фаолиятини юритиш ҳуқуқи.

31) **Ссуда** – заём шартномасининг бир иштирокчилари томонидан бошқаларига қайтариб бериш ва одатда фоиз тўлаш шарти билан пул ёки моддий бойликларни бериш.

32) **Облигациялар** – қарз мажбурияти сифатида давлат, акционерлик компанияси, муниципал органлар ва ҳоказолар томонидан чиқарилган қимматли қоғоз тури.

33) **Векселлар** – қатый белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбурияти бўлиб, вексель эгасига муддати тугагандан сўнг қарздордан белгиланган пул суммасини тўлашни сўёзсиз талаб қилиш хуқуқини беради.

34) **Грант** – илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишлари.

35) **Экспонент** – кўргазмага бирон-бир предметни қўйган шахс ёки ташкилот.

36) **Биржа** – 1) мустаҳкам ва аниқ сифат параметрларига эга бўлган оммавий ишлаб чиқариш молларининг улгуржи, шу жумладан, халқаро савдо-сининг ташкилий шакли. 2) валюта, олтин, қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича тизимли операциялар.

37) **Кўчмас мулк** – амлок, кўчмас мулк (ер-сув, иморат ва шунга ўхшаш).

38) **Инвестор** – қимматли қоғозлар сотиб олувчиши бўлиб, уларни у ёки бу турини танлашда таваккалчиликни имкон қадар камайтиришни ўйлади.

39) **Сертификат** – шаҳодатнома, хужжат, ёзма гувоҳнома, пул белгилари ва уларнинг ўринини босувчиilar, давлат заёmlари облигацияларининг баъзи турлари ёки омонат сертификатлари – сертификат деб аталади.

40) **Ликвидлик** – кредит-молиявий мажбуриятлар ва конуний пул талабномаларини ўз вактида узлуксиз тўлаш имконини берадиган фирма, банк, корхоналар активларининг ҳаракатлилиги.

41) **Мотивация** – шахсий ва ташкилотнинг умумий мақсадларига эришишга йўналтирилган ўз-ўзини ва бошқаларни рағбатлантириш жараёни.

42) **Гаров** – пул заёмида қарздор кредиторга мулкни таъминловчи сифатида беради.

43) **Опцион** – шартнома тузувчи бир томоннинг иккинчи томонга тақдими асосида шартноманинг бирон-бир шартини эрқин танлаш хуқуқи.

44) **Квадрант** – доиранинг тўртдан бир бўлаги.

45) **Молиявий IQ** – билимлар мажмуи.

Сўзбоши.....	3
Миннатдорчиликлар.....	10
Кириш.....	12

**Дарслар:**

<b>I боб.</b> Бадавлат ота, камбагал ота.....	29
<b>II боб.</b> Биринчи дарс: Бадавлатлар пул учун ишламайди.....	39
<b>III боб.</b> Иккинчи дарс: Молиявий саводхонлик нимага керак?.....	87
<b>IV боб.</b> Учинчи дарс: Ўз ишингизни бошланг.....	122
<b>V боб.</b> Тўртингчи дарс: Соликлар қандай пайдо бўлган ва корпорациялар афзаллиги нимада?.....	134
<b>VI боб.</b> Бешинчи дарс: Бадавлатлар пул ихтиро киладилар.....	151
<b>VII боб.</b> Олтинчи дарс. Пул учун эмас, тажриба учун ишланг.....	181

**Нимадан бошлиш керак?**

<b>VIII боб.</b> Тўсиқларни енглиш.....	202
<b>IX боб.</b> Биринчи қадамлар.....	228
<b>X боб.</b> Яна бир неча амалий маслаҳатлар.... Бахтили ота-оналар.	261
<b>Эпилог.</b> .....	269
Муаллифлардан .....	274
Роберт Кийосакининг китобхонларга реклама – маърифий мурожаати.....	275
Муаллифлар хақида.....	281



6480

Роберт Т. Кийосаки ва Шэрон Л. Лектер

## БАДАВЛАТ ОТА ВА КАМБАГАЛ ОТА

Русчадан Мухаммаджон Ходжаев таржимаси

Мухаррир: Абдулла Содиков  
Тех. мухаррир: Назиржон Ҳошимов  
Дизайнер: Олмосжон Порқулов  
Саҳифаловчи: Муроджон Қаюмов  
Мусаххих: Рӯзибой Даҳажонов

Нашриёт лицензияси: АИ№.162.2009 йил 14 август.  
Теришга берилди: 04.07.2012 йил. Босишга руҳсат  
этилди: 20.08.2013 йил. Ҳажми 60x90 1/16. Офсет  
усули. Vitec Peterburg Uz гарнитураси. Офсет көғози.  
Нашриёт босма табори: 18.0. Шарғин босма табори: 18.25.  
Адади 1000 нусха. Буюртма №23 баҳоси келишилтган  
нарҳи.

“Фарғона” нашриёти  
150100. Фарғона шаҳри. Соҳибкорон Темур кўчаси, 28-йй.

“Универсал Полиграф” МЧК Босмахонаси.  
Фарғона ш., Б. Марғониний кўчаси, 93.